




*Зульфия  
Аюсоева*

# Бахт ТИЛСИМИ






*Зулфия  
Ҳусова*

# Бахт ТИЛСИМИ

(Воқеий ҳикоялар)



  
ЯНГИ АСР АБЛОДИ  
ТОШКЕНТ  
2016



УЎК: 821.512.154-32

КБК: 84(5Ў)7

Ю - 57

Юнусова, Зулфия

Бахт тилсими: воқеий ҳикоялар. Зулфия Юнусова. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 272 б.

ISBN 978-9943-27-684-0

Азиз ўқувчи! Ушбу китобим орқали яна сиз билан учрашиб, диллашиб, сирлашиб турганимдан беҳад мамнунман. Ёзганларимни яна Сизнинг ҳукмингизга ҳавола этгим келди. Бу гал Сизга воқеий ҳикоялардан иборат тўпламинини тақдим эта-япман. Ёи-атрофимизда содир бўлган ва бўлаётган воқеалар ҳеч биримизни бефарқ қолдирмаслиги табиий ҳол. Чунки ҳар биримизнинг ҳаётимизда мана шу воқеалар маълум бир маънода акс этиши мумкин. Мен ҳам шулардан – кўрган-билганим ва эшитганларимдан таъсирландим ва қаламга олдим. Уларни қай даражада ёритганим, Сизга етказа олганим эса зукко фикрингизга, одил ҳукмингизга ҳавола.

Айни дамда Мудофаа вазирлиги «Ватанпарвар» Бирлашган таҳририятида фаолият юритаётганим учун ҳарбий хизматчилар ва уларнинг ҳаётида рўй берган айрим воқеалар ижодимдан салмоқли даражада ўрин олганини таъкидлаб ўтишни истардим.

Сизларга чуқур эҳтиром ила муаллиф

УЎК: 821.512.154-3

КБК: 84(5Ў)7

ISBN 978-9943-27-684-0

© Зулфия Юнусова, «Бахт тилсими». «Янги аср авлоди», 2016.

6/94  
A3894  
Alisher Navoiy  
nomidagi  
O'zbekiston MK

## АЁЛ

*Аёлга бахт беринг, саодат беринг,  
Деманг, юрибди-ку кулиб, жилмайиб.  
Аёл кулиб туриб ўлиши мумкин,  
Дунёни олмоғи мумкин жилмайиб.<sup>1</sup>*

– Ҳой, аёллар, эшитдиларингми, Гулсиной ёмон дард-га чалинибди?

– Йўғ-е, кечагина кўрдим-ку, соппа-соғ эди.

– Ҳа, мен ҳам кўрдим. Пардоз-андози жойида, кайфияти чоғ, шошилиб қаергадир кетаётганди.

– Дўхтирга бўлса керак. Ёмон дард шунақа. Билдирмай келадию олади, кетади.

– Яхши ният қилсаларинг-чи, хотинлар, болаларини минг машаққат билан эндигина суягини қотирди. Шуларнинг тўйларини кўрсин, илоҳим.

– Ёмон ният қилиб ўлибманми, опа. Эшитганимни айтдим-да. Эртага хўжайини Тошкентга олиб кетаётган экан.

– Қандай касалга чалинибди ўзи, билдингизми?..

Сувга чиққан аёлларнинг шивир-шивири узоқ давом этди.

Ёмон хабар тез тарқалади деганларидек, айти пайтда Гулсинойнинг хонадони жигарлари билан гавжум. Улар тонг сахарлаб пойтахтга йўл олаётган Гулсинойни кузатиш баробарида, унга руҳан таянч бўлиш ниятида жам бўлишган. Йиғилганларнинг ташвишли нигоҳию юзларида зоҳир бўлган изтиробга қараганда вазият анчайин жиддий. Ўзини тетик тутишга, юзидаги доимий ним табассумни асрашга ҳаракат қилаётган аёлнинг кўксига кечаётган ғалаён эса унинг ўзигагина аён эди, шубҳасиз.

<sup>1</sup> Зулфия Мўминова шеъри

– Опажон, асло кайфиятингизни туширманг. Дўхтирларнинг ҳамма айтгани ҳам тўғри чиқавермайди, – унинг елкасига бошини қўйиб далда берди кичик сингиси Дилбарой. – Мана кўрасиз, Тошкентдан хурсанд бўлиб қайтасиз ҳали.

– Айтганинг келсин. Жиянларингни ўқитиб, уйли-жойли қилиб олганимда эди, – чуқур хўрсинди Гулсиной. – Поччангнинг, болаларимнинг мендан кейин қийналишини хоҳламайман. Айниқса, аямга оғир бўлади. Шулар учун ҳам яшашим керак.

Опа-сингилнинг суҳбатини «Собиржон, хў-ў Собиржон», дея кўча дарвозасидан келаётган товуш бўлди. Ва томоқ қириб қириб келаётган уч-тўрт чоғлик қишлоқ оқсоқолларининг қораси кўринди. Ҳовлида турган Гулсиной меҳмонлар томон қадам қўйишга улгурмай, уй ичидан шошилиб чиққан оила бошлиғи уларга пешвоз чиқди.

Қишлоқ катталари оила эгалари билан салом-алик қилишар экан, ташқарида – сўрида ўтиришни лозим топишди.

– Гулсиной, қизим, гапнинг индаллосига ўтсак, сендан хабар олгани келдик, – гап бошлади оқсоқолларнинг каттаси Муҳаммад ота. – Биласан, қишлоқ аҳли бир оиладек гап. Улар бир-бирининг дарди билан яшайди, қийинчиликларни биргаликда енгади. Тўю маъракаларда доимо елкадош, – отанинг ҳамроҳлари ҳақ гап дегандек унинг сўзларига бош ирғаб қўшилиб қўйишди. – Сен ҳақингда ҳам эшитдик, эртага Собиржон билан катта дўхтирларга кўрингани кетаётган экансан. Дардини берган Аллоҳ шифосини ҳам беради. Сен бунга кўпам қайғурма. Бизнинг келишимиздан мақсад, ҳозир даволанишнинг ўзи бўлмайди. Ҳар қадамда пул кетади. Шу сабаб, катталар маслаҳат қилиб соғайиб кетишинг учун пул йиғиб беришга қарор қилдик.

Шифокорларнинг бедаво дард гумони билан бир ҳафтадан буён эзилиб юрган бўлса-да, кўзига ёш олмаган Гулсиной қишлоқ аҳлининг оқибатидан мужгонлари намланди. Унинг соғлигига бегоналарнинг-да бефарқ эмаслиги қалбини титратиб ўтди.

– Сизларни ҳам ташвишга қўйган кўринаман, – йиғлаб юбормаслик учун ўзини базўр қўлга олди у.

– Она қизим, сен қишлоқ ободлиги учун кўп ҳаракат қилган, меҳнат қилган аёлсан, – унинг ҳолатини тушунган кўйи гални давом эттирди Шарифжон ота. – Эл-юртни ўйлаган инсон ҳамиша эл назарида бўлади. Унутма, бизнинг дуомиз доимо сен билан.

Оқсоқоллар эзгу дуолар ила хонадонни тарк этишди. Уларни кузатиб ортига қайтган Гулсиной ҳовли саҳнидан ўтиб, томорқанинг бошида кўм-кўк бўлиб ўсиб ётган ўсмадан бир тутам узди-ю, синглисининг қўлига тутқазди.

– Ўсма қўйганимга ҳам икки кун бўлибди-я. Эрталаб йўлга чиқиш олдидан шошиб қолишим мумкин. Ўсмаларни сиқсанг опа-сингиллар қўйиб оламиз, – унинг руҳи ҳар доимгидан-да тетик эди...

Биз Гулсиной опа билан ёнма-ён маҳаллаларда катта бўлгандик. Аммо ўқувчилик давридан бошлаб дала ишларида бирга бўлганимиз сабаб, унинг ҳамиша майин табассум ҳадя этиб турувчи очиқ чехраси, ним ўсма тортилган қош-кўзлари, майда қилиб ўрилган қирқ кокил сочлари кўз олдимда муҳрланиб қолган. У биздан икки ёш катта бўлиб, шаддод ва гапдонлиги, қўшиқ айтишга, шеъриятга бўлган иштиёқи билан барчамизни, ҳатто ўзидан катта қизларни ҳам оғзига қаратарди. Ва албатта, ундаги шарқона гўзаллик ҳар қандай йигитни ўзига мафтун этарди.

Одатда, бизнинг давримиздаги қишлоқ қизларининг ҳаёт йўли деярли бир хил кечарди. Яъни, ўнинчи синфни битирганидан сўнг, саноқли ота-оналаргина

қизларининг техникум ёки институтга ҳужжат топширишига рози бўларди. У ҳам бўлса, биздан кўнгли қолмасин қабилида фақат бир йилгина ўқишга ҳаракат қилиш шарти билан рухсат беришарди. Ўқиш учун юраги ёниб турган қизларнинг аксари қисмига талаба бўлиш насиб этмасди. Ва палахмон тошидек ёр-ёр садолари остида турли қишлоқларга учирма бўлиб кетарди.

Гулсиной опанинг тақдири ҳам шундай кечди. Ўқишга кира олмагач, ён қишлоқлик узоқ қариндошларининг ўғлига унаштирилди...

Умр ўтгани сари йиллар шамоли ҳаётингга муҳрланган яхши-ёмон кунларни туман янглиғ хотирангдан кўтаради, ҳаёлингдан фаромуш этади. Тирикчилик кўйида орқангга назар солишга имкон топмайсан киши. Аммо беғубор ёшликка муҳрланган кўксингни алланечук ҳисларга ошно этувчи шундай хотиралар борки, улар умршерикдир. Гоҳида оний лаҳзаларга бўлса-да ўша даврларга қайтгинг, қадрдон чехраларни кўргинг келади. Аломатхон, Оқибатхон, Озода, Соҳибахон, Саодатхон, Турсиной, Ҳанифахон... Даста гул янглиғ бу гўзал чехралар нафақат ёшликнинг қувноқ онларига йўлдош, балки болалиқдан илкимизга юкланган оғир дала юмушларини енгилда елкадош бўлган қадрдонлардир. Гулсиной опа ҳам мана шу қалбга яқин унутилмас инсонлардан бири эди.

Пойтахтда яшаганим сабаб, уни камдан-кам кўрардим. Учта фарзанд кўриб, қирқдан ошган аёл бўлишига қарамай, ҳамон камон янглиғ қошларида ним ўсма, юзида майин табассум, хушрўй, шаддод, ғайратли ва куюнчак. У ўқимишли бўлмаса-да, келин бўлиб тушган қишлоқнинг ободлигига каттагина улуш қўшаётганини орқаваротдан эшитиб турардим:

– Ҳа, умридан барака топсин. Мактабни қайта қуришда ҳам анчагина ҳиссаси бор дейишади.

– У елиб-югурмаганда қишлоқ боғчаси аллақачон беркилиб кетган бўларди.

– Шуни айтинг, қишлоқ йўлларининг яхшиланишида ҳам оқсоқолларга ёрдам бераётган экан...

Дарҳақиқат, мен билган Гулсиной кимгадир ёрдам керак пайтда жимгина турадиган, ноҳақлик бор жойда кўз юмиб кетадиган аёл эмасди.

Бироқ нур бор жойда соя бор деганларидек, эрини ҳаммадан рашк қиладиган аёллар унинг ортидан турли миш-мишлар тарқатишдан чарчашмасди:

– Эрим доим Гулсиной опага ўхшаб ўзимга қараб юришимни хоҳлайди. Ўшани гапиргани-гапирган.

– Уни ҳамиша пардоз-андоз қилиб юриши бежиз эмас. Эшитишимча, тумандаги катталар билан яқин эмиш.

– Бўлмаса-чи, агар яқин бўлмаганда эркаклар бажаролмаган шундай ишларни қандай уддаларди.

– Эрига ҳам ҳайронман. Хотинини қизғониш у ёқда турсин, чизган чизигидан чиқмайди.

– Қандай қизғонсин, бир-биридан бир қадам ажралмайди-ку. Лекин шу аёлга бари бир тан бераман. Боғда, томорқада эри билан тенгма-тенг меҳнат қилади, деҳқон бозорида ёнида туради. Аммо ўзига қарашни асло унутмайди, ҳар доим қошида ўсма, ҳамиша чиройли ва ораста.

Унинг гапларига қайсидир аёл «тўғри айтасиз», дегандек бош қимирлатса, қайси биринингдир лаби бурилиб, энсаси қотади. Аммо қайси бир даврада, қайси бир ҳолатда бўлмасин, уни эътироф этгувчилар албатта топиларди.

Гулсиной опа касалини аниқлаш учун пойтахтга кетгач, ҳамманинг қулоғи шу томонда бўлди. Кўп ўтмай қишлоққа яхши хабар тарқалди. Унинг дарди бедаво эмас, балки даволанса ўтиб кетадиган шамоллаш бўлиб чиқди. Унга астойдил куюнганлар «хайрият»



дея енгил тин олган бўлса, жигарларининг боши осмонга етди. Аёл учун эса даҳшатли тўлқинлар каби умр қайиғини бир лаҳза домига тортган фано фариштаси уни тарк этганди.

Ҳаёт яна ўз маромида давом эта бошлади. Ўша-ўша ғайратли, тиниб-тинчимас гўзал ва суҳбатижонон Гулсиной.

Ёз фаслининг илк оyi. Одатда боғлардаги мева пишиғини гилослар бошлаб беради. Бир донасига оғзингиз тўладиган бу ёқут гилосларни узоқ шаҳарларга олиб бориб сотиш қишлоқ аҳлининг ҳар йилги савдосига айланган. Гулсиной опа ҳам ўғли ва қизлари билан гилос териш билан банд. Бу гал сингилларини ҳам ёрдамга чақирган. Чунки катта шаҳардаги буюртмачиларга мевани ўз вақтида етказиб беришлари шарт.

Собиржон ака енгил машинасини йўлга ҳозирлаб, яшиқлардаги гилосларни жойлаштириш билан овора. Бироқ кутилмаганда йўлга чиқиш олдидан муаммага дуч келди. Яъни, ҳайдовчилик гувоҳномаси ёнида йўқлигини сезиб қолди. Ҳужжатни қаерга қўйганини ўйлаб тагига етмас, чора излаб хуноби ошарди. Чунки бундай паллада бошқа машина топишнинг ўзи бўлмайди. Меваларнинг сифати эса соат сайин ўзгариши мумкин. Шу сабаб, Собиржон ака таваккалига иш тутишга мажбур бўлди, яъни йўлга чиқишга шайланди.

– Ундай бўлса мен ҳам сиз билан бораман, – эрининг тушкун ҳолатини кўриб дала кийимларини алмаштиришга ҳозирланди Гулсиной опа.

– Бу гал дам олганинг маъқул, – эътироз билдирди эри. – Шундоғам узоқ йўлга мен билан тенгма-тенг бирга қатнаёсан.

– Акам тўғри айтяпти, – поччасининг фикрини маъқуллади катта синглиси Холисхон. – Деярли ҳар куни қатнайдиған йўллари. Хавотир олмасангиз ҳам бўлади.

– Боришим шарт, акангни бундай вазиятларда ҳеч қачон ёлғиз қолдирмаганман, – қатъий қарорга келди у. – Сен эса мен кийимларимни янгилаб олгунимча боғнинг чеккасидаги ўсмадан узиб кел.

Опасининг бир сўзли эканини билган Холисахон унга итоат этди. Гулсиной опа кийиниб бўлгач, кўм-кўк ўсма сувларини меҳр ила қош-кўзларига кўяр экан, унга қараб синглисининг завқи келди:

– Опажон, шундай шошилиш ҳолатда ҳам ўсма кўйишни унутмайсиз-а?

– Албатта, – кулди Гулсиной опа. – Негаки, доимо ўзига қараб юриш, ўзини ораста асраш аёл кишининг бурчи. Ҳатто омонат жонини топшириб, у дунёга кетар чоғида ҳам гўзал бўлиб кетиши лозим. Мен шуни орзу қиламан. Шунинг учун мазам йўқлигида сенга васият қилмоқчи эдим. Буни ҳозир айтсам ҳам бўлади. Чунки умр инсонга ҳамиша омонат.

– Қандай васият? – опасига ҳавас ила қараб турган Холисахоннинг нигоҳини бир зумда ҳадик эгаллади.

– Намунча рангинг ўзгармаса. Қўрқма, соппа-соғман, – майин жилмайди Гулсиной опа синглисига меҳр ила боқиб. – Лекин билиб кўйганинг яхши. Васиятим шуки, қачондир оламдан ўтсам, сўнгги манзилимга кетар чоғим албатта қошимга ўсма кўйгин. Чунки сингилларимнинг ичида иродали, шудлиги ўзингсан. Фақат сенга ишонаман.

Холисахон опасининг сўзларига қандай жавоб қайтаришни билмай, ажабтовур нияти учун гинали боққанча бир зум қотиб қолди...

Эр-хотин йўлга отланишди. Ҳар доимги йўл, ҳар доимги савдо-сотиқ ишлари. Аммо эртаси куни қишлоққа тарқалган шум хабар кўпчиликни қарахт ҳолга солди. Автоҳалокат сабаб Гулсиной опа бу дунёни тарк этганди. Аччиқ айрилиқдан яқинлари, онаси ҳушини йўқотаёзди. Собиржон ака эса бошини гуноҳко-

рона эгганча забонсиз эди. Таъзияга келаётган беҳисоб одамлар оқимидан унинг эл-улус назарига тушганини, она, рафиқа, энг асосийси, аёл сифатида ҳаётда муносиб ўрин топганини, кўплаб инсонлар қалбидан жой олганини англаш қийин эмасди.

Юзларида ним кулгу, чеҳраси хотиржам, ухлаб ётган каби ҳаётдан кўз юмган Гулсиной опанинг бошида қарахт ўтирган синглиси Холисхон ўзини базўр қўлга олди ва унинг сўнгги васиятини адо этишга киришди...

Гулсиной опа сўнгги манзилига кетар чоғида ҳам ўзи орзу қилганидек, қошларида ним ўсма, ортида гўзал хотиралар қолдириб, гўзал чеҳра ила гўёки нур янглиғ борлиққа сингиб кетди.

## АРМОНЛАРДАН ЮКСАК ОРЗУ

Мўътабар хола эрталабдан ўзини беҳол сеза бошлади. «Иссиқ жон деб шуни айтсалар керак-да», хаёлидан ўтказди момо набираларига нонушта тайёрлар экан. «Кеча соппа-соғ эдим. Бугун дармоним қуриб кетаяпти».

– Азаматжон-он, ўғлим тура қол, мактабингга кеч қоласан. Укаларингни ҳам уйғот.

Аллақачон уйғонган бўлса-да, иссиқ ўриндан тургиси келмай эринчоқлик қилиб ётган болакай бувисининг ҳорғин товушидан сергакланди. Укаларини турғизишга шошилди.

Улар юз-қўлларини ювиб, ошхонага киришганда Мўътабар хола хонтахта ёнидаги ёстиққа суянганча ҳолсиз ўтирар, ранглари заъфарон эди.

– Бувижон, сизга нима қилди, касал бўлиб қолдингизми? – момонинг безовта нигоҳидан унинг аҳволини сезди Азаматжон.

Момо гапиришга оғиз жуфтламай олти ёшли Моҳина ва тўрт ёшга қадам қўйган Хуршиджон бувилари-

нинг биқинига тиқилишди. Набираларининг меҳрга ташналигидан унинг кўзлари ёшланди. Хаёлан илтижо қилди. «Шу гўдаклар учун яна уч-тўрт йил яшашни насиб айла, Худойим. Агар менга бир гап бўлса...»

– Укаларингга чой қуйиб бер, ўғлим, – кўз ёшини ичига ютиб, ўзини тетик тутишга ҳаракат қилди момо.  
– Мендан хавотир олма, яхшиман. Юрагим салгина безовта бўлаяпти, холос. Сен тезда нонушта қилиб олгин-да, мактабингга отлан. Йўл-йўлакай аммаиғни-кига кириб, «тезда бувимнинг олдига борар экансиз», деб тайинла.

Жиянининг етказган хабаридан онасининг соғлиги яхши эмаслигини англаган Мўминахон оёғини қўлга олиб ота ҳовлисига шошилди. У кириб келганида ҳаво салқин бўлишига қарамай, Мўътабар холанинг юзидан тер қуюлар, кўйгли айниб ўқчиқ тутарди. Уни зудлик ила шифохонага етказишди. Шифокорларнинг саъй-ҳаракати билан аҳволи бир оз ўнгланди. Бироқ Мўътабар хола умри тугаб бораётганини ҳис қилиб турарди.

– Қизим, – Мўминахонга илтижоли нигоҳини тикди, у ўзини қўлга олиб. – Бу дунё ҳаммага омонат, менга-ям. Туришимдан умрим охирлаб қолганга ўхшайди.

– Қўйсангиз-чи, аяжон, – онасининг қўлларини силаб юзига меҳр билан термилди Мўминахон. – Соғлигингиз сиз ўйлагандек ёмон эмас. Ўзи кексалар тумов бўлса ҳам дарров ўлимни эшлашади. Аммо сиз ундай эмасдингиз-ку, аяжон. Унча-бунча дардни писанд қилмасдингиз. Шунинг учун ёмон хаёлларни ёддан чиқаринг. Сиз ҳали узоқ яшасиз.

– Қани энди шундай бўлса, – момонинг мунгли нигоҳини умид учқунлари бир лаҳза чакнатиб ўтди. – Ўзимга қолса невараларим учун яшагим бор. Шу кўнгли яримларнинг суягини қотириб олганимда эди, армонсиз кўз юмардим. Назаримда ундай бўлмайди чоғи.

– Аяжон...

– Кулоқ сол, болам, – қизининг сўзини оғзидан олди Мўътабар хола. – Мендан кейин жиянларингнинг сендан бошқа таянчи йўқ. Акангнинг ортида қолган шу гўдаклар энди сенга омонат. Биламан, эрингнинг топиш-тутиши яхши эмас, феъли оғир, рўзғоринг нокон. Бир этак боланг бор. Уларни бағрингга олишингга куёвимнинг рози бўлмаслиги аниқ. Ўша учун... – дилидаги ни тилига чиқаришга қийналарди момо. – Невараларимни етимхонага топшир, – у сўнгги гапини овози титраб айтди, ўпкаси тўлиб, кўксини ханжардек кесган оғриқ ила фарёдини ичига ютиб айтди.

– Аяжон, яхши ният қилсангиз-чи, – йиғлаб юборди Мўминахон. У айна дамда онасининг дилида кечаётган туғёнларни, ўзининг қай даражада ночор эканлигини ҳис қилиб турарди. Муштипар волидасини сўнгги манзилга хотиржам кетиши учун кўнглини тинчлантиришга қодир эмаслигидан, ожизлигидан эзилиб йиғларди у.

– Қизим, лекин сен сабр-қаноатлисан. Ҳамма нарсадан устун тиллога тенг меҳринг бор. – Мўминахонни бағрига босди момо. У жигарбандининг кўнгил ойнасини оналик меҳри ила уқиб турарди. – Сенга ишонаман, акангнинг норасидаларини ташлаб қўймайсан. Улар етимхонада бўлса ҳам меҳрингдан баҳраманд бўлиб туришади. Фақат невараларим учун ҳовлини асраб турсанг бўлгани. Эрта келиб уларга «ватан» керак бўлади. Кейин бизнинг чироғимизни ёқадиган шулар. Қўлинг текканда ора-чора уларни ҳовлига олиб келиб, ота-онасининг хотирасидан баҳраманд этиб турсанг бўлгани. Бундан руҳи-арвоҳлар ҳам шод бўлади.

Мактабдан чиқиб бувисини кўргани келган Азаматжон эшик ортида туриб унинг васиятларини эшитди. Бу илтижоли сўзлар тўққиз ёшли болакайнинг-да юрагини титратиб ўтди. У ота-онасидан сўнг бор меҳри ила суян-

ган азиз инсондан айрилаётганини сезди. Йиғиб юрган пулига олган, бувиси ёқтирган кунжутли нонни бағрига босганча деворга суяниб унсиз йиғлади...

Мўътабар хола тупроққа қўйилгач, болалар анчайин мунгайиб қолди. Айниқса, кенжатой Хуршиджон бувисининг меҳрли бағрини қўмсарди. Мўминахон онасининг маъракалари ўтгунга қадар жиянларини бағрига олиб, ўксик дилларига малҳам бўлиб турди. Бироқ уларни ҳар томонлама тўкис уддалашга ожиз бўлгани сабаб, онаси айтганидек болалар уйига жойлаштиришга мажбур бўлди. Азаматжон ёш бўлса-да аммасининг ҳолатини тушунди. У болалар уйига отланишдан аввал укалари ва ўзининг кийимларини тахлар экан, ота-онаси ва бувисининг расмини авайлаганча кийимлари орасига жойлади...

Азаматжон ва укаларининг болалар уйига кўникиши осон кечмади. Айниқса, уларнинг ёшига қараб алоҳида гуруҳларда тарбияланиши бир-биридан ажралмаган, гўдаклигидаёқ ҳаёт синовларига учраб, айрилиқ аламларини бир-бирига суяниб енгган болакайлар учун жуда оғир эди. Улар бир жойда бўлишса-да, соғинч азоби билан яшашар, тарбиячиларига дил дардларини етказа олишмасди.

Болалар ҳовлига чиқди дегунча, Азаматжон укаларига интиларди. Моҳина билан Хуршиджонни икки қаноти остига олиб худди катталардек меҳр кўрсатар, уларга ота-оналари ва бувижонлари ҳақида сўзлаб беришдан чарчамасди. Чунки болакайлар айнан шуни истарди. Гоҳида эса бувиси айтиб берган, қаҳрамонлари ҳамиша ғолиб чиқадиган эртақлар билан уларнинг кўнглини кўтарарди. Ва албатта, болалар ҳар куни аммаларининг йўлига кўз тутишарди.

Тунлари ҳамма уйқуга ётгач, Азаматжон аста туриб ота-онаси ва бувисининг суратини қўлига олар, гоҳида соатлаб улар билан хаёлан суҳбатлашишдан чарчамасди. Баъзида эса... баъзида кўзларидан ёш қуюларди.

Ота-онасидан айрилган мудҳиш кун кўз олдида бўй-бас-ти билан намоён бўларди...

Тийраккина, доно болакай ўшанда олти ёшда эди. Кажавали мотоциклларини қандайдир бегона кишилар пачоқланган ҳолда уйларига олиб келганда бувиси ху-шини йўқотди. У қандайдир кўнгилсиз воқеа содир бўл-ганини болалик шуури ила сезиб турган бўлса-да, ота-онасидан айрилганини англаб етмаганди ҳали. Эртасига эса қишлоқ аҳли тонг саҳардан уларникига йиғилишди. Азаматжон билан укаларини қўшнилари билан бири амма-синикига олиб бориб қўйди. Икки кун ўтиб аммасининг қизидан аяси билан дадасининг фожиасини эшитди. Ўлим деган аччиқ айрилиқнинг илк заҳмини миттигина қалби билан ҳис қилди. Бир муддат гапирмас, одамови болага айланди. Сингилчаси Моҳинанинг ота-онаси-ни сўраб қилган хархашаси, соғинч изтиробидан юрак-ларни эзувчи нолали йиғиси, эндигина бир ёш бўлган Хуршидjonнинг она бағрини қўмсаб кечалари йиғлаб чиқишлари, уларга қўшилиб кўз ёшини тия олмаган меҳрибон бувижонисининг ғамли нигоҳи... ҳамма-ҳам-маси ҳозиргидек кўз олдида муҳрланиб қолган.

Унинг беғубор қалбига ширин орзулар бахш этувчи яна бир хотира борки, уни ёдга олиш Азаматжон учун жуда мароқли. Бу дадаси билан қилган сўнгги суҳбати. Ўшанда дадаси Азаматжонга катта болалардек муомала қилганди (балки уч кун ўтиб оламдан кўз юмишини бил-гандир у). Орзулари билан қизиққанди. Бунга жавобан Аазматжон ғурур билан «ҳарбий бўламан» деганда дада-жонисининг кўзлари чақнаб кетгани ҳамон ёдида. Шун-да унинг бошини силаб, «менга армон бўлган орзуни ўғлим амалга оширар экан-да», деб қувонганди. Кейин унга ўзининг болалиги, эриша олмаган орзулари ҳақи-да гапириб берганди: «Мен ҳам худди сендек чоғимдан бошлаб ҳарбий бўлишни орзу қилганман. Лекин дадам эрта оламдан ўтгани сабаб, бувинг билан аммангни кат-

та ҳовлида ёлғиз ташлаб кета олмадим. Ўқитувчи бўлдим. Мана, энди сен албатта ҳарбий хизматчи бўласан...»

Азаматжон мактабга боргандан кейингина дадаснинг нима учун ҳарбий таълим ўқитувчиси бўлганини тушунди...

Азаматжон ва укалари болалар уйига келганига уч йил бўлди. Улар бу даргоҳга анчайин кўникишди, бир қадар улғайишди. Бу орада юртда катта ўзгаришлар содир бўлди. Мустақиллик нури болалар уйини ҳам ўз ёғдуси ила чароғон этди. Ҳаммадан ҳам Азаматжон Хуршиджоннинг гуруҳига худди аяларига ўхшаган мураббия келганида роса хурсанд бўлди. Иноят опа очиқ чехраси, юриш-туриши, гапиришлари, меҳрибонлиги билан онасининг ўзгинаси эди. Моҳина ҳам ҳар гал унга рўбару келганда онаси қайта тирилиб келгандек термилган кўйи қотиб қоларди. Болаларнинг ҳаёти билан яқиндан танишган Иноят опа уларнинг дил дардига, ўксик қалбига малҳам бўлишга ҳаракат қилди. Улар вояга етгунга қадар ўз меҳрини дариг тутмади.

Аммалари Мўминахон эса бувиси васият қилганидек жиянларининг ҳолидан тез-тез хабар олиб турди. Имкони бўлганда ҳовлиларига олиб келиб ота-онаси, бувиларининг ҳидидан, ёдидан баҳраманд этишга ҳаракат қилди.

Синовли кунлар ортда қолиб, Азаматжон келишган, кўркем йигит бўлиб қад ростлади. Ўзи орзу қилганидек, олий ҳарбий таълим муассасасига ўқишга кирди. Билим юртининг энг иқтидорли курсантлари сафида бўлди. Бу орада синглиси ва укасининг ўқишига ҳам эътибор қаратди. У офицерлик фаолиятини бошлаганда гўзал ва доно Моҳина ўзи орзу қилгандек тиббиёт институти талабасига айланди. Хуршиджон эса акаси каби офицер бўлиш учун астойдил тайёргарлик кўра бошлади...

Ва ниҳоят Азаматжон туғилган хонадон қишлоқ аҳли билан жамулжам. Бу гал ҳамманинг чехрасида хурсанд-



чилик, мамнунлик. Меҳмонлар келин келишини интизорлик ила кутишаяпти. Мана, «тўйлар муборак» садолари остида фаришта янглиғ келинчак ташриф буюрди. Мўминахон хола кўзида қувонч ёшлари ила келин-куёв устидан сочқилар сочар экан, тўй аҳли дуога қўл очди, улуғ ниятлар қилинди...

Бундай ҳаяжонли, унутилмас онлар йиллар ўтиб унинг ҳаётида яна рўй берди. Катта йиғинлар зали ҳарбийлар билан гавжум. Давлат мукофоти билан тақдирланганлар қаторида ҳамманинг нигоҳида турган салобатли, қатъиятли йигитнинг номи ҳам тилга олинди - «майор Турдиалиев Азаматжон Ҳабибуллаевич «II-даражали Шон-шараф» ордени билан тақдирланди». Зални гулдурос қарсақлар эгаллади...

## БАХТ КАЛИТИ

Борлиқ оппоқ қорга бурканган. Икки кундан буён табиатни сийлаётган лайлак қорнинг тингиси йўқ. Бундан болажонларнинг боши осмонда. Айниқса, дам олиш кунлари улар учун байрам. Эртадан кечгача қорбобо ясаш, чанғи учиш, бир-бирларини қорбўрон қилиб елиб-югуришдан чарчашмайди.

Катта шаҳарда ҳаёт қайнайди. Яна бир ҳафтадан сўнг Янги йил. Шу сабаб, байрам тадориги авжида. Кимдир арча-ю ўйинчоқлар харид қилиш билан овра, кимдир байрам дастурхонига эрта тараддуд кўриш учун маҳсулотлар сотиб олиш илинжида. Зойиржон ҳам дам олиш кунини байрам тайёргарлигига бағишлади. Тўғрироғи, болаларини хурсанд қилгиси келди. Улар кўпдан буён катта арча, хилма-хил ўйинчоқлари бўлишини орзу қилишади. Тўғри, ўғил-қизлари ақлини танибдики, Янги йилда арча безатишади. Бироқ улар катта бўлгани сари болаликдаги арчалари кичиклик қила бошлади.

Зойиржон хонадонига совға билан кириб келганида ўсмир ёшга қадам қўйган ўғли Жавоҳир ва қизи Мадина эндигина ташқаридан қорбўрон ўйнаб қайтишганди. Дадаларининг совғаси уларни чиндан-да қувонтириб юборди. Оналари Хушрўянинг «аввал тушлик қилиб олинглар», дейишига ҳам қарамай, қийқиришиб арча тиклашга киришиб кетишди. Уларнинг ҳаракатларини юзида табассум билан кузатиб турган Зойиржон:

– Арчаларинг бу йил ҳар йилгидан ҳам чиройли бўлсин. Янги йил куни меҳмонларимиз кўп бўлади, – деди кўтаринки кайфиятда.

Турмуш ўртоғининг сўзидан Хушрўя «ялт» этиб унинг юзига қаради.

– Бу ҳақда индамаган эдингиз-ку. Кутилмаган меҳмонлар ким экан?

– Буни сизларга сюрприз қилмоқчи эдим-ку, лекин дастурхонни кенгроқ қилишимизга тўғри келади. Шунинг учун, майли, айта қолай.

Бу янгилик болаларига ҳам қизиқ туюлди чоғи, ҳаракатларини ҳам тўхтатиб, дадаларининг жавобига қулоқ тутишди. Зойиржон уларнинг ҳайратидан завқланган ҳолда жавобини бир оз пайсалга солиб турди-ю:

– Бобонг, бувинг ва амакинг оиласи билан келишмоқчи, – деди хурсандлигини яширмай.

Бу хабардан Хушрўянинг ранги ўзгариб, қоши чимирилган бўлса, Жавоҳир ва Мадина бири қўйиб, бири:

– Ростдан ҳам ҳаммалари келишадими, дада? Болалари ҳам келишадими? Бувим билан бобом рози бўлишибдими? – дея саволга тута кетишди.

Чунки ақлини танибдики, Янги йилни фақат ота-онаси билан қарши олган болалар учун бу чиндан-да кутилмаган янгилик эди.

– Албатта, ҳаммалари келишади, – уларнинг саволига завқ билан жавоб қайтара бошлади Зойиржон.

– Негаки, буни бобонг билан бувинг айтишди. Аслида улар бизни байрам куни қишлоқда – олдиларида бўлишимизни истаб кўнғироқ қилишган экан. Аммо барчаларини бизникида Янги йил кутишга кўндирдим.

Унинг сўзларидан энсаси қотиб турган Хушрўя суҳбатга кўшилди:

– Дадам билан ойим кексайиб қолишган бўлса, укангизнинг болалари эса ҳали ёш. Узоқ йўлга уларни овора қилиш шартмиди? Бир томони кенг ҳовлида эмас, домда яшасак.

– Ҳа, уларнинг Янги йилда келиши шарт, – хотинининг пичинг гапини бўлди Зойиржон. – Айтганингдек, ота-онам йилдан-йил кексайиб боришяпти. Байрам баҳонасида уйимизга келишмаса, қишлоқдан нари чиқишмайди. Кейин, аввалгидек икки хонали уйда эмас, беш хонали кенг хонадонда яшаяпмиз. Барча шароит бор. Сени нима ташвишга соляпти ўзи?

– Янги йилни оилавий байрам дейишади. Доим ўзимиз кутиб одатланганмиз. Шунинг учун... – гапини давом эттиришга қийналди Хушрўя.

– Нима, шунинг учун улар келишмасин демоқчимисан? – хотинига синчков нигоҳини тикди оила бошлиғи. – Укам иккимиз ота-онамнинг қирқдан ошиб кўргандаги жигарпораларимиз. Улар нечта болаларини ерга кўйиб, бизни тилаб олишган. Узоқда яшаганим сабаб, доим менга интиқ бўлиб, йўлимга кўз тутишади, невараларини соғинишади. Сени қизим деб ардоқлашгани ёдингдан кўтарилдимми? Янги йил оилавий байрам эканлигини яхши ёдимга солдинг. Энди нафақат Янги йилда, балки ҳар битта байрамда улар билан бирга бўламиз. Чунки улар менинг оилам.

Ота-онасининг суҳбатини, тўғрироғи, ўзига хос тортишувини кузатиб турган болалар жим қолишди. Улар ёш бўлишса-да, дадаларининг ҳақ эканлигини ҳис қилиб туришарди.

Орадан уч кун ўтди. Лекин эр-хотин орасига тушган совуқчилик илий демасди. Зойиржон хотини айтган гапидан пушаймон бўлиб, байрам дастурхонига тайёргарлик ҳақида сўз очишини кутди. Хушрўя эса эридан узр сўраш у ёқда турсин, тунд қиёфасини очмади. Бу ҳолатни яхши томонга ўзгартириш, эр-хотин орасидаги муносабатни юмшатиш учун оила бошлиғи ўзгача йўл тутди.

– Ўйлаб қарасам, Янги йилни қишлоқда кутганимиз маъқул экан. – Эрталабки нонушта пайти болалари ва аёлига фикрини билдирди Зойиржон. – Шу баҳона учтўрт кун қишлоқда бўлиб, қариндош-уруғларни кўриб қайтамиз. Болалар ҳам қишки таътилга чиқишади. Қишлоқнинг тоза ҳавоси улар учун фойдали. Қайтишда ота-онамни олиб келамиз. Қишни бизникида чиқаришгани яхши. Шаҳарда ҳарқалай кексалар учун шароит мукамалроқ. Шу сабаб, қишлоққа кетишга тайёргарлик кўриб қўйинглар.

Дадаларининг бу қарори Жавоҳир билан Мадинани қувонтирди. Улар дарҳол оналарининг юзига термилишди, яъни ундан жавоб кутишди. Бироқ қовоғини очмай, жимгина нонушта қилаётган Хушрўянинг туришидан дадаларининг бу фикри ҳам унга ёқмагани сезилиб турарди.

Зойиржон бу гал хотинининг ҳолатига парво қилмади. Нонушта қилиб бўлгач:

– Қани болалар, тайёرمىсизлар? Мактабларингга ташлаб ўтаман, – деди-ю, ишига отланди.

Уйда ёлғиз қолган Хушрўя дастурхонга термилган кўйи узоқ вақт хаёл суриб ўтирди. Эрининг гапини эслагани сари хуноби ошиб, пешонаси тиришарди. Аёлнинг назарида турмуш ўртоғи аввал унинг олди-дан ўтиб, маслаҳат қилиб, оиладаги шароитни ҳар томонлама инобатга олиб, кейин меҳмон чақириши ёки меҳмонга боришни режалаштириши лозим эди.

Зойиржон бўлса бунинг аксини қилди. «Лоақал кўнглим учун маслаҳат сўраб қўймади-я. Нима, менинг оилада шунчалик ўрним йўқми? Ҳали кўрсатиб қўяман эримга. Шундай қилайки, яқинлари билан ўтказган Янги йили ичига тушмасин», хаёлан турли режалар туза бошлади у.

Зойиржон бўлса йўл-йўлакай Хушрўянинг салбий томонга ўзгарган инжиқ феъл-атвори ҳақида ўйларди. Бағрикенг, меҳмондўст, қайнона-қайнота хизматига шай турган меҳрибон қишлоқ қизи бугун улар билан байрам кутишни истамай турса.

Оила бошлиғи аёлидаги бу ўзгаришнинг сабабини изларди. «Балки бу менинг айбимдир» хаёлидан ўтган бу фикр унинг шуурини тиниқлаштирди. «Чунки уйим-жойим, хизматим деб ўзимдан ортмадим. Узоқ йўл баҳонасида ота-онам, жигарларимдан тез-тез хабар олмадим. Ҳатто таътил чоғларида ҳам оилам билан бордим-у, уч-тўрт кунда орқага қайтдик. Ҳеч бўлмаганда қишнинг аёзли кунларида кексаларни олиб келиб, меҳрларига тўйсам, дуоларини олсам бўларди-ку. Шунда хотиним, болаларимнинг ҳам уларга меҳри тушарди, соғиниб, қишлоққа интилиб туришарди. Мен эса оилам билан ўз қобиғимга ўралиб яшадим. Шунда ҳам ота-онам мени ҳамиша авайлашади. Шаҳарнинг тор-танқис уйларида яшайди, ҳамма нарсани килолаб сотиб олади деб, қишлоқ неъматларидан мурувват қилишдан чарчашмайди. Энди ҳаётимдаги бу хатони тўғрилашим зарур. Йўқса, эрта келиб фарзандларим ҳам менинг йўлимни такрорлайди».

Кўп ўтмай, болалар қишки таътилга чиқишди. Зойиржон яқинлари учун байрамга совға-саломлар олди, турли ширинликлар харид қилди. Аммо Хушрўяга бирга бозор қилишни қанча илтимос қилмасин, аёли нималарнидир баҳона қилиб унга рад жавобини берди.

Ўттизинчи декабрнинг тонг палласи. Зойиржон кўтаринки кайфиятда уйғонди.

– Қани уйқучилар, туринглар-чи, – болаларини эркалатиб уйғотди ва хотинига юзланиб: – Нонушта қилиб, тезда йўл ҳозирлигини кўринглар. Бир соатдан сўнг йўлга тушамиз. Довондан ўтишнинг ўзи бўлмайди. Мен машинани ёнимиздаги устага олиб кириб, ҳар эҳтимолга қарши кўздан кечиртириб чиқаман, – дея ташқарига йўналди.

Зойиржон уйга қайтганида болалари кийиниб олган, Хушрўя эса бепарво ҳолда ошхонада куймаланарди.

– Ҳали ҳам тайёр бўлмадингми, эртароқ йўлга чиқамиз деб айтдим-ку сенга, – таажуб билан қаради у аёлига. Бунга жавобан Хушрўя:

– Мен қишлоққа бормайман. Янги йилни ўз уйимда кутиб олмоқчиман, – деди тунд қиёфасини очмай.

Зойиржон турган жойида бир муддат қотиб қолди. У ўзини босишга ҳаракат қиларди. Йўқса ҳозир айтила-жак ҳар бир гапи оиласини парокандаликка олиб келиши ҳақида ўйларди. Чунки оила кўрғони бўлмиш эркак илкида унинг мустаҳкамлигини асраш масъулияти ҳам мужассам эканлигини ҳис қилиб турарди. Бир томондан кўзлари жовдираб турган ўғил-қизини байрам қувончидан бенасиб қилишни истамади. Ўзини қўлга олиб:

– Шуни хоҳлаган бўлсанг сен айтгандек бўла қолсин. Янги йилни яхши кутиб ол, – деди-ю йўлга чиқиш учун тараддуд кўра бошлади ва ўғил-қизини олиб яқинлари бағрига отланди.

Хушрўя уйда ёлғиз қолди. Аслида бу ҳолат унинг ҳаётида ҳар куни такрорланарди. Турмуш ўртоғини хизматга, болаларини мактабга кузатиб, ҳаётдан мамнун ҳолда уй юмушларига киришиб кетарди у. Бу гал эса... бу гал сукунат қоплаган уй уни ютиб юборишга шай турарди, гўё. У умр йўлдоши, фарзандларисиз ҳар томонлама тўқис, жаранглаган уйда ҳам ҳеч ким эмаслигини, бахтсиз, нотавон аёлга айланишини ҳис қилиб юраги увушди. Йўлга отланаётган қизининг ундан кўн-

гил узолмай маънос боқиб турган чехрасини кўз олди-га келтирди-ю, қалбини эзаётган аччиқ дард кўз ёшга айланиб, юзини юва бошладн. Тушкун ҳолда узоқ вақт қотиб ўтирган Хушрўяни эшик кўнғироғи ўзига келтирди. «Улар қайтишди, мени олиб кетиш учун қайтишди», умид илинжида жон ҳолатда эшикни очди у. Остонада яқинда кўчиб келган янги кўшни – Мунирахон жилмайиб турарди.

– Ассалому алайкум, опажон, яхши ўтирибсизларми? Узр, мазангиз йўққа ўхшайди, безовта қилдим чоғи, – Хушрўянинг афтодаҳол рангини кўриб ноқулай ҳолатга тушди у.

– Йўқ, йўқ, ҳаммаси жойида, – хижолат чекиб турган жувонни ўзини қўлга олиб ичкарига таклиф этди Хушрўя.

Салом-алиқдан сўнг Мунирахон мақсадга ўта қолди:

– Янги йилга меҳмонлар келишмоқчи эди. Шунинг учун ширинликлар тайёрлаяпман. Агар газ плитангизнинг патниси бўш бўлса олиб турай дегандим.

– Майли, ҳозир олиб бераман, – Хушрўя ошхона томон юраркан. – Меҳмонга кимлар келаяпти, Янги йил оилавий байрам бўлса, икки хонали уйда қийналиб қолмайсизларми? – деди кўнгил сўраган бўлиб.

– Йўғ-е, опажон. Келаётганлар бегона эмас, қайнона-қайнотам. Байрам баҳонасида хизматларини қилиб, дуоларини олай дедим. Уларни водийдан келишларига зўрға кўндирдик. Агар рози бўлишса, қишни бизникида чиқариб кетишади, – у бу сўзларни меҳр ва мамнуният билан айтаётгани сезилиб турарди. Сўзининг охирида: – бу дунёда ҳамма бир-бирига ғанимат. Айниқса, кексалар, – дея қўшиб қўйди.

Қўшни келин чиқиб кетгач, Хушрўянинг бир дарди икки бўлди. Тўғрироғи, унинг сўзларини мулоҳаза қилар экан, шу ёшгина аёлчалик фикрлай олмагани, турмуш ўртоғининг дилини оғритганини сезди. Шу феъ-

лини давом эттирса, оиласи дарз кетиб, аёллик бахтидан маҳрум бўлишини англаб етганди у.

Янги йил ташриф буюрадиган кун. Барчанинг кайфияти ўзгача. Аёллар байрам дастурхони тузаш билан банд. Зойиржоннинг ота-онасининг эса боши осмонда. Кексалар ўғли ва набираларига термилишиб тўйишмайди. Улар «касал» бўлиб қолгани сабаб кела олмаган келинларининг ҳам дуои жонини қилиш билан оворалар.

Кечга томон байрам дастурхонига барча йиғилганда ногаҳон эшик очилиб, остонада совға-саломлар кўтариб олган Хушрўя кўринди. Бу кутилмаган ташриф оила даврасига ўзгача қувонч олиб келди. Биринчи бўлиб ўғли ва қизи унинг бағрига шошилишди. Зойиржон хижолат чеккан кўйи, меҳрли нигоҳи ила ундан узр сўраб турган рафиқасига кўзи тушди-ю, беихтиёр дили ёришди...

## БАХТ ТИЛСИМИ

Султонали ҳовлиларига кириб келганда куёш уфққа бош қўйиб улгурганди. Ўчоқ бошида куймаланаётган Насиба опа ўғли кенг қулочлари билан орқадан келиб елкаларини қучгандагина унинг келганини сизди.

– Вой, Султон болам кебди, паҳлавоним кебди, – шошиб қолди онаизор.

Ўғлини бағрига босиб, ҳарбий либосини томоша қилар экан, шодликка йўғрилган нигоҳи суюнчи сўрагандек кимнидир изларди.

– Дадангни кўрмадингми? Ҳозиргина ҳовлида юрган эди-я, – деди Насиба опанинг ҳаяжони босилмай. Мақситали аканинг боғ томондан қораси кўринди. Ҳарбий кийимдаги йигитга кўзи тушган заҳоти Султонали эканини билди, қадами тезлашди.



– Келдингми-е, ўғлим. Онанг дарагингни эшитганидан буён, йўлингга кўз тутади, – ҳаяжонини билдирмасликка ҳаракат қилаётган отанинг-да соғинчи аёлиникидан кам эмасди.

Қучоқлашиб кўришаётган ота-болага қувонч ила термилиб турган Насиба опа бирдан хушёр тортди.

– Эсим қурсин, ош ланж бўлиб кетади-ку. Сўрига жой қилишнинг ўрнига сизларга термилиб туришимни қаранг. – Ёшига хос бўлмаган эпчиллик ила, уй ичидан охорли кўрпачалар олиб чиқиб хонтахта атрофига тўшашга тутинди у.

– Болангни кўриб, ўзингни йўқотиб қўйдингми, онаси? – мийиғида кулди оила бошлиғи. – Ўзиям билгандек палов қилган экансан-да, а?

– Онанинг кўнгли сезади-да, дадаси. Қани сўрига чиқинглар, мен ошни сузай, – ўғлининг ҳарбий либос ярашган қадди-бастига боқиб тўймасди Насиба опа. – Ҳозир аканглар ҳам келиб қолса керак.

– Акамларга қачон хабар бера қолдингиз, аяжон, – таажжубланди Султонали онаси бир зумда тайёрлаб қўйган обдастадаги илиқ сувга қўлини ювар экан.

– Унутдингми, ўғлим, бу ерни қишлоқ дейдилар, – кулди Мақситали ака хотинининг ўрнига жавоб қайтариб. – Сенга кўчада бирортанинг кўзи тушдим, бўлди, бутун қишлоққа хабар кетди, деявер. Биринчи галда акаларингга.

Кўп ўтмай отанинг гапи ўз исботини топди. Ёнма-ён маҳаллаларда истиқомат қилаётган оиланинг тўнғич фарзандлари Махмутали ва Раҳмонали бола-чақалари билан бирин-кетин кириб келишди. Ҳовлига ўзгача файз кирди. Келинлар қайноналарига ёрдамлашишга шошилишди. Палов сузилгач, хонтахта атрофида барча жамулжам бўлди, ширин гурунг бошланди. Эркаклар авлодда биринчилардан бўлиб ҳарбий хизматчи бўлган Султоналига хизмати борасида кетма-кет са-

воллар беришса, аёллар унга келинликка саралаб кўйилган номзодлари ҳақида сўз юритишарди.

Аслида йигитнинг икки-уч кунга рухсат олиб келганининг сабаби ҳам, келин танлаш «маросими»ни ўтказиб, хизмат таътилига чиққач, тўй кунини белгилаш эди. Бу борада олиб борилган ўзига хос мунозара анча давом этди. Орада Султонаlining қишлоқдош дўстлари ҳам бир-бир бош суқиб кетишди.

Келин саралаш борасидаги сўнгги хулоса айланиб-ўргилиб Насиба опа ва Мақситаки аканинг танлаб кўйган номзодига келиб тўхталди.

– Биласан, Нафосат яқин дўстим Қосимжоннинг ёлғиз қизи, – вазмин гап бошлади оила бошлиғи. – Кўз олдимизда улғайган. Ақлли, меҳнаткаш одобли қиз. Дўстим ўспирин давримдан бошлаб оғир кунларимда елкадош бўлган, одамгарчилиги осмонда инсон. Қишлоқда оиласининг ҳам салмоқли ўрни бор. Шундай баобрў хонадонга куёв бўлсанг кам бўлмайсан, ўғлим.

– Қизи...

– Қизи кўча кўрмаган, қоғозга ўралган қантдек болам, – Султонаlining оғзидаги гапини илиб кетди Насиба опа. – Кейин, чеҳраси очиқ, хушрўйгина. Сенга албатта ёқади.

– Гап бунда эмас, аяжон. У касбимнинг оғир-енгил томонларини билиши зарур, – дилида кечаётган туйғуларини тушунтиришга ҳаракат қилди Султонали. – Мени юртимизнинг энг чекка ҳудудларига хизматга жўнатиши мумкин. Шу сабаб, мен билан оила курадиган қиз ҳар қандай шароитга кўниб яшайдиган, касбимни ҳурмат қиладиган бўлиши шарт. Кейин, сержантлар тайёрлаш мактабида ўқимоқчиман. Буни ҳам тўғри тушуниши керак.

– Бундан хавотир олмасанг ҳам бўлади, – ўғлини тинчлантирди Мақситаки ака. – Қишлоқ қизлари сабрли бўлишади. Ота-онаси бамаъни одамлар. Бундай

инсонлар қизига ҳар томонлама тарбия бернши аниқ. Эртага учрашувга чиққанингда касбинг ҳақида гапириб, фикрини билсанг, бунга ўзинг ҳам амин бўласан ҳали.

Султонали ота-онасига қайта эътироз билдирмади. «Ўқимишли бўлганда яхши эди-да» хаёлидан ўтказди у. «Касбимнинг пасту баланд томонларини тушунарди. Лекин ота-онам шу қизни келинликка танлаб бўлишган. У билан учрашмай туриб бир хулосага келиш уларнинг юзига оёқ босиш билан баробар».

Эртасига йигит-қиз учрашувга чиқишди. Юзлари қизарган кўйи бошиниб эгиб турган Нафосат чиндан-да сулув эди. У йигитнинг сўзларини индамай тинглар, саволларига «ҳа» ёки «йўқ» жавоблари билан кифояланарди. Султонали унга имкон қадар касбидаги масъулият борасида тушунча беришга ҳаракат қилди. Агар оила қуришса олдиларида турган синовлар ҳақида алоҳида тўхталди. Унинг фикри билан қизиқди. Бироқ қизнинг ўта тортинчоқлиги сабаб, йигит ундан ўзи кутган жавобни ололмади. Аммо Нафосат хаёли ва иболилиги билан унинг қалбидан жой олди. Унаштирув маросими белгиланди.

– Икки ойдан кейин бемалол отпускангни олиб келавер. Биз унгача расм-русумларни ўтказиб, тўйга тайёргарлик кўрамиз, – йўл ҳозирлигини кўраётган ўғлига мамнун қиёфада боқди Мақситали ака. – Келин билан яшашингга ҳам жой ҳозирлаб кел. Тўйдан кейин олиб кетасан.

– Балки бир-икки ой хизматларингни қилар. Кейин онамдан рўзғор тутиш сабоқларини олса яхши бўларди, – онасига қаради Султонали.

– Сен бу ҳақда ўйлама – ўғлини тинчлантирди Насиба опа. – Вақти-соати келганда хизматимизни қилаверади. Икки ёшнинг бошидан бирга яшагани маъқул. Шунинг учун даданг айтганларидек биратўла уй топиб келгин.

Кўз очиб юмгунча икки ой ўтиб, Султонали хизмат таътилига чиқди. Тўй куни белгиланди.

Куёв бўлишнинг ўзига хос гашти, ўзига яраша масъулияти бор. Султонали ҳам тўйнинг югур-югурлари билан таътил қандай ўтганини сезмай ҳам қолди. Хизматга қайтар чоғи ҳовлилари ўзининг жигарлари-ю келиннинг яқинлари билан гавжум бўлди. Улар ёшларни эзгу тилаклар остида узоқ йўлга, тўғрироғи, синовли ҳаётга кузатиб қўйишди...

– Бугун яна йиғладингми? – хизматдан қайтган Султонали кўзларини яширишга ҳаракат қилаётган Нафосатнинг юзига хавотирлик ила термилди. – Азизам, энди йиғламайман деб, ваъда берган эдинг-ку?

– Уйдагиларни соғиндим, кейин... – ўпкаси тўлиб гапини давом эттира олмади у.

– Кейин зериккан бўлсанг керак, тўғрими?

Нафосат юзини буриб олганча индамади. Султоналининг хуноби ошди.

– Келганимизга бир ой бўлмасдан яқиндагина ота-оналаримиз келиб-кетишди. Зерикмаслигинг учун қўшни аёллар билан таништириб қўйдим. Улар билан суҳбатлашишни истамасанг телевизор кўр, китоб ўқи. Имкон қадар хизматдан эрта қайтишга ҳаракат қиляпман. Дам олиш кунлари сайрга чиқиб турибмиз. Айт, яна нима қилишим керак? Нима қилсам хизматдан ҳориб қайтганимда очиқ чеҳра билан қарши оласан?

Нафосат бошини қўйи эгганча яна забонини ичига ютди. Беихтиёр Султоналининг кўнгли юмшади. Рафиқасининг кун бўйи унинг йўлига кўз тутиб ўтиришини ҳис қилди. Уни аста бағрига босди. Зарда қилгани учун шу йўсинда узр сўраган бўлди.

– Майли, ҳарбийча ҳаётга ҳали кўникиб кетасан. Фарзандли бўлсак, зерикишга вақтинг ҳам қолмайди.

Нафосат аста жилмайди.

– Мана, келишиб ҳам олдик. Энди овқатлансак бўлади. Қани, маликам менга қандай таом тайёрлаб қўйган экан?

Нафосат ошхона томонга йўналди.

Шу зайлда ойлар ўта бошлади. Бироқ Нафосатнинг феъл-атвори ўзгарай демасди. Бу ҳам етмагандек, у энди рашк қилиш йўлига ўтди.

– Кўшниларнинг эри ҳар куни тушликда уйига келади. Хизматдан ҳам эрта қайтишади.

– Сенга неча мартаба айтганман. Менинг хизмат жойим уларникидан анча йироқда. Тушликка келишга-ку умуман имконим йўқ, – қовоқлари уюлиб турган хотинига ҳар галгидек ётиғи билан тушунтирди Султонали. – Жуда чарчаганман, кел, яхши гаплардан гаплашайлик. Дастурхон устида ғурбат қилмагин.

– Нима, гапларим сизга ёқмаяптими?

– Ҳа, ёқмаяпти.

– Ўзи сезиб юрибман, кўпдан буён менга муомалангиз бошқача. Уйга келди дегунча газета ўқийсиз, телевизорга термиласиз. Мен билан гаплашишга вақтингиз йўқ.

– Сендан яхши гап, яхши фикр чиқса гаплашаман-да. Туришинг фисқи-фасод.

– Хотинлар айтди, ҳарбийларнинг ичида юриб кетганлари кўп экан. Ишқилиб сиз ҳам...

– Овозингни ўчирасанми, йўқми? – бир парда овозини кўтарди юзлари қизара бошлаган йигит. – Ҳар куни тўтидек бир гапни такрорлашдан наҳот чарчамасанг. Сенга айтган гапларимни маймунга тушунтирсам одамга айланарди. Шу қадар ҳам дунёқараши тор инсон бўладими?

– Ҳа, мен шунақа ўқимаган омиман, саводсизман. Бир ками маймунга ўхшатишингиз қолувди. – Нафосат ҳар доимги аразини такрорлади, йиғлаганча ётоқхонага кириб кетди.

Хизматдаги масъулият, ўзига хос муаммолардан асаблари таранг, ҳориб қайтган Султонали аёлининг сабабсиз ғурбатларига нисбатан қандай йўл тутишни билмасди.

Кўп ўтмай эр-хотин, тўғрироғи, келин-куёв ўртасидаги тушунмовчилик Нафосатнинг саъй-ҳаракати билан катталарга етиб борди. Ёшлар ҳаётидаги келиш-мовчилик икки хонадон аҳлининг ҳаловатини бузди. Ота-оналар вақтни ўтказмай йўлга тушишди...

Даврадаги оғир сукунатни Мақситали аканинг панд-насихати бўлди:

- Оила қурганларингга эндигина беш ой бўлаяпти. Тўйларингда бутун қишлоқ аҳли сизларга ҳавас қилган эди. Ораларингдаги бу муносабат эшитган кулоққа яхши эмас. Нима бўляпти ўзи, қани гапир-чи? - ўғлига юзланди ота.

Ёш келиннинг кўнглига йўл топа олмаган куёв сифатида катталар олдида бошини қуйи эгиб ўтирган Султонали эндигина оғиз жуфтлаган ҳам эдики, кутилмаганда Нафосатнинг бурро тили ишга тушди.

Эр-хотин ўртасидаги кўнгилсиз муносабатни ўз талқинида бидирлаб тушунтира кетган Нафосатнинг ўтқир тили даврадагиларни бир зум карахт ҳолга солди. «Кўча кўрмаган» келиннинг андишасиз забони нафақат қайнона-қайнотаси, балки ота-онасини ҳам ноқулай вазиятга солиб қўйганди.

- Ўчир, - отаси Қосимжон аканинг вазоҳати Нафосатни ўзига келтирди, забони тинди.

Ёш оиладаги нохуш муҳитда қизининг салмоқли улуши борлигини сезган ота қудаларидан кечирим сўради ва Султоналига:

- Ўғлим, Нафосатнинг беақллигини кечиринг, - деди оғир хўрсиниб. - Қишлоқдан нари чиқмаган қиз катта ҳаётни кўтаролмади чоғи. Бунда бизнинг айбимиз катта. Ёлғиз қизимиз деб уни авайладикми,

қизғондикми, ҳарқалай ўқитмадик. Ўқиганда ҳаётни кенгроқ тушунарди, фикрлаши ҳам бу қадар тор бўлмасди. Сиз хизмат ва оила масъулиятини тушунган ақлли йигитсиз. Маълумотингиз ҳам олий. Энди унинг бош эгаси – тарбиячиси ўзингиз. Фақат, рози бўлсангиз, бирор ой қудаларимнинг олдида туриб, хизматларини қилиб, катталар тарбияси, ўғитини олиб қайтса дегандим.

– Дада, аввало сизларни безовта қилганимиз учун узр сўрайман. Вазият бундай тус олишини кутмагандим, – катталардан астойдил кечирим сўради Султонали. – Ота-оналарнинг маслаҳати биз учун қонун. Аммо рухсат берсаларинг Нафосатни икки-уч ҳафтадан сўнг ўзим олдиларингга олиб борсам дегандим. Чунки бир ой ўтиб сержантлар тайёрлаш мактабида ўқиш бошлайман.

Султоналининг очиқ чеҳра ила айтган фикри даврадаги нохуш ҳолатни бир қадар енгиллатгандек бўлди.

– Бу гапинг маъқул, ўғлим. – Фарзандининг ҳарбийча салоҳият касб этган вазмин қиёфасига дилида ғурур ила хотиржам боқди Мақситали ака. – Тўғри ўйлабсан, қизимиз сен ўқиш бошлаганингдан кейингина биз билан тургани дуруст. Унга қадар бўлиб ўтган гина-қудратни унутинглар. Ҳали олдиларингда ҳаётнинг қанча синовлари турибди. Бир-бирларингни тўғри тушуниб, бир-бирларингга суяниб, сабр-садоқат билан яшасаларинг бахт сизларники, болаларим.

– Гапингиз тўғри, дўстим. Келажакни чиройли яратиш ўз қўлингизда, – қудасининг фикрини давом эттирди Қосимжон ака. – Агар рухсат берсаларинг, Нафосат сизларнинг хизматларингизни қилиш баробарида, ойлик курсларда ўқиб, касб-кор эгалласа яхши бўларди. Эрта келиб ҳаётларига асқотса ажабмас.

Унинг фикрини барча бирдек маъқуллади.

Отасининг гинали нигоҳию дуч келмаган қаҳридан нафаси ичига тушиб, қадди эгик ўтирган Нафосат эса

бағрикенг ва кечиримли умр йўлдоши ва қайнотасининг гапларидан боши янада ҳам бўлди. Рафиқасининг тушкун ҳолатини англаб турган Султонали:

- Ошга уннамайсизми, Нафосат? Ота-оналаримиз узоқ йўл босиб келишган. Пазандалигингизни бир кўрсатинг, - деди самимийлик билан.

Нафосат турмуш ўртоғининг гапи тугар-тугамас оғир юкдан халос бўлгандек, очиқ чеҳра ила ошхона томон шошилди...

## БЕҲАЁ - БАХТДАН МОСУВО

Розия ташқари эшикка шошилар экан, эшик кўнғироғининг кетма-кет чалинишидан синглиси эканлигини сезди. У янглишмаганди. Эшикни очар-очмас Шодиянинг қувноқ товуши хонани тўлдирди.

- Опажоним Розичка, суюнчи беринг, ишлар беш.

Розия қувончдан кўзлари порлаб турган синглисини меҳр ила бағрига босди.

- Омадинг келгани рост бўлсин, сингилжон. Чин дилдан қутлайман.

- Чинданам омадим келди. Бу ўринга кўз тиккан қанча рақибаларимни енгиб ўтишга тўғри келди, - қисм командири билан бўлиб ўтган суҳбат ва синовлар ҳақида нафас ростламай гапира кетди у. - Ўзиям хизматга кириш учун нақ бир йил ҳаракат қилдим. Так что шу жой менга аталган экан. Энди форма кийиб олсам бўлгани.

- Ҳарбий либос сенга роса ярашса керак, - Розия синглисининг русча сўзларни аралаштириб гапиришига ўрганиб кетган бўлса-да, бу гал унга танбеҳ бергиси келди.

- Энди нутқингга эътиборли бўл. Хизматдаги одамга ўз тилини бузиб гапириш ярашмайди.

- Нима бўлганда ҳам ўқитувчилигингизга борасиз-да, - опасининг ўғити ёқмагани бир зумда унинг



нигоҳида зоҳир бўлди. – Ўзбек синфида ўқимаганим учун шундай гапиришга одатланиб қолганман.

Розия синглиси учун муҳим бўлган хурсандчилик кунда у билан тортишгиси келмади.

– Мен ошга уннайман. Сен жиянларингни боғчадан олиб кел, – суҳбатни бошқа томонга бурди у. – Поччанг ишдан келса, бугунги хурсандчиликни нишонлаймиз.

Кечга томон байрамона дастурхон атрофида Шодияга эзгу тилаклар билдирилди. Масъулиятли вазифада муносиб ўрин топишига дуолар қилинди.

Орадан кўп ўтмай Шодия ҳарбий либос кийди. Уч-тўрт ойдан сўнг эса опасининг қаршилигига қарамай ижарага уй олиб алоҳида туришга қарор қилди у.

– Мен билан турганинг учун аям билан дадамнинг сендан кўнгиллари тўқ эди. Муносиб жой чиқса тезроқ узатгилари бор, – унинг ёлғиз туришини истамади Розия. – Тенгқурларинг аллақачон оилали бўлишган. Балки хизмат жойингда кўнглингдагидек йигит учраб қолар. Уйланмаган қанча келишган йигитлар билан хизмат қилаяпсан ахир. Ҳарбий қизларнинг чиройли бека бўлганини кўриб хавас қиласан киши. Улар қатъиятли, вазмин, хушфеъл бўлгани сабаб, кўплаб оналар шундай келини бўлишини орзу қилишади. Сен ҳам шу қизлар қаторидасан, сингилжон. Шунинг учун оилалик бўлгунингча биз билан яшасанг яхши бўларди. Биласан, поччанг тез-тез хизмат сафарларида бўлади. Бир жойда бир-биримизга таянч бўлганга нима етсин.

Нарсаларини йиғиштиришга шай турган Шодиянинг кулоғига опасининг бир гапи кирса, бири кирмади. Билганидан қолмайдиган қиз уч кун ўтиб опасининг хонадонини тарк этди.

Кўз очиб юмгунча уч йил ўтди. Опа-сингиллар кам учрашсалар-да, тез-тез кўнғироқлашиб туришарди. Бироқ бирга бўлди дегунча Розия синглисининг юзига синчковлик ила термилиб, оила қуриши борасида сўз

очар, бирор йигитга кўнгли бор-йўқлиги билан қизиқарди. Аммо Шодия бундай ҳолларда ҳар гал опасидан нигоҳини олиб қочар, суҳбатни бошқа томонга бурарди. Шундай кунлардан бирида Розияни йўқлаб хушрўйгина жувон келди. У меҳмонни ичкарига таклиф қилар экан, бир нохушликни сезгандек дилини ғашлик қоплади. Нигоҳида маҳзунлик муҳрланиб қолган жувон Розиянинг ҳолатини тушунди чоғи, уни кўп куттирмай мақсадга ўта қолди.

– Синглиммисиз, дугонаммисиз, ҳарқалай дардимни тушунсангиз керак, – кўзида ёш билан сўз бошлади у. – Синглингиз менинг турмуш ўртоғим билан бирга хизмат қилади. Балки танирсиз, подполковник... Оила қурганимизга ўн беш йилдан ошди. Учта фарзандимиз бор. Мустаҳкам оила қуришнинг ўзи бўлмайди. Кўп қийинчиликларни бошимиздан ўтказдик, машаққатларни енгиб ўтдик. Мана шу заҳматлар эвазига қад ростлаган оиламиз бугун синглингиз сабаб барбод бўлиш арафасида турибди, – аёл кўз ёшларини артар экан, ранги оқарган кўйи қотиб ўтирган Розиядан жавоб кутмай сўзини давом эттирди. – Турмуш ўртоғимнинг ўзгариб қолганига икки йилдан ошди. Оилага эътиборсиз, менга бефарқ, ўғил-қизлар муаммосига қўл силтаган, меҳрсиз, кўрс эркакка айланди. Шу сабаб, бу ҳолатнинг сабабини суриштиришга мажбур бўлдим. Буни аниқлагач, ҳеч кимга билдирмай синглингиз билан суҳбатлашдим. Нима бўлганда ҳам қиз бола номи бор экан, шаъни букилмасин дедим. Аммо у мен ўйлаганчалик бокира бўлиб чиқмади.

Аёлнинг сўнгги сўзидан Розия қалқиб кетди:

– Гапингизни ўйлаб гапиринг опа, тухмат балоси ёмон, – деди вужуди билинар билинмас титраб. – «Қиз бола номи бор экан», деганингиз нимаси. У менинг синглим, қандай эканлигини, юриш-туришини сиздан яхши биламан. Шундай гўзал синглим қирққа яқинлашган эрингизга муносиб бўлиб қолдими?

– Аввал ўзингизни босиб сўзимни охиригача эшитинг, кейин тухматчига чиқаринг, – овозини бир парда кўтарди аёл. – Чунки синглингизнинг ўзи буни тан олди. Ҳозирда мен билан қонуний эримни талашяпти. Аллақачон қисм командирига устидан арз қилган бўлардим. Лекин аввало эримни, қолаверса, синглингизнинг шаънини ўйладим. Бу ерга келишдан мақсадим унга тушунтиринг, бу йўлдан қайтсин, ўзига муносиб йигит билан оила қурсин. Мен бундай беҳаёларни деб оиламнинг пароканда бўлишига йўл қўймайман. Аслида оилали эркакларни йўлдан урадиган бундай қизлар ҳарбий хизматчи бўлишга асло лойиқ эмас...

Аёл кетгач, Розия сокинликка сингиган кўйи узоқ вақт қотиб ўтирди. У Шодиянинг бу қадар беҳаёликка, номусини поймол қилишга, бир оилани бузишга қадар бориб етишини хаёл қила олмасди. Шу бугуноқ, ҳозироқ у билан гаплашмаса, аёл айтган гапларнинг тагига етмаса бўлмаслигини ҳис қилиб турарди. Бир томондан унга ишонган, синглисига кўз-қулоқ бўлиб туришини тайинлаб турадиган ота-онаси бу гапларни эшитса қандай ҳолга тушишини тасаввур қила олмасди. Эл-юрт олдида бошлари эгилишини ўйлаб бағри куяр, унга ишониб бепарво бўлгани учун ўзини гуноҳкор санамоқда эди.

Шодия опасининг ҳолатини қай даражада англаб турмасин, унинг куюниб гапиришини бепарво ҳолда, кесакдек қабул қилди. Туришидан бу суҳбатни у кўпдан буён кутаётганди. Синглисининг унсиз, ҳиссиз ўтиришидан, аёл билан бўлган суҳбатини оддий қабул қилишидан гуноҳ йўлга ботганини билди.

– Наҳот қилган ишингдан лоақал рангинг ўзгармаса. Беҳаёдан ҳатто шайтон ор қилади, дейишади. Шу қадар беор, бешафқатликка бориб етдингми? Бир оилани бузиб, болаларини тирик етим қилишдан кўрқмадингми? Сен билан фахрланиб юрган ота-онамизнинг юзига қандай қарайсан?

Шодия опасининг савол назари билан қараб турган нафратли нигоҳидан кўзларини олиб қочар экан:

– Менинг ҳам бахтли бўлишга, бахтим учун курашишга ҳақим бор, – деди қовоғини уйиб.

– Нима, ҳали бир муштипар аёлнинг оиласини бузиб, эрига эга чиқиш сен учун бахтми? – синглизининг юзига тарсаки тортиб юборишдан базўр ўзини тийди Розия. – Сен қачон бу қадар безбет, беандиша бўлиб улгурдинг?

– Буни ҳаёт дейдилар. Ҳамма яхши яшаш учун йўл қидиради. Мен шу йўлни танладим. Кейин ўша шаллақи аёлга шунча бахт, шундай омад оғирлик қилмасмикан? – кинояли жилмайди у пинагини бузмай. – Ўзи яхши жойда ишлайди, подполковник эри, ўғил-қизи, яхши уй-жойи бор. Шундай экан, ўзим ёқтирган ўша эркакдан мен ҳам озгина фойдалансам нима қилибди. Хуллас, танлаган йўлимдан қайтмоқчи эмасман.

Розия бу гал синглизининг юзига шапалоқ тортиб юборди.

– Эрта келиб айбингни, гуноҳингни тушуниб етганингда кеч бўлади. Сенга ишониб, сени назоратсиз қолдирганим учун ўзимни асло кечира олмайман. У аёл эса ҳеч қачон бахтини сенга поймол қилдириб қўймайди. Чунки бу кунларга эришгунга қадар ҳарбий ҳаётнинг ҳамма қийинчилигига чидаган. Бахтини сенга ўхшаб ифлос кўчаларда эмас, ҳалол йўл билан, сабри, садоқати билан топган. Обрўйинг борида этагингни йиғиштир, бу йўлдан қайт. Бўлмаса ишингдан айрилиб, шаънинг булғаниб, бир пул бўласан.

Опасининг қўл кўтаришини кутмаган Шодия юзига қўлларини босганча, у эшикни зарб билан ёпиб чиқиб кетгунга қадар жойидан жилмади.

Ойлар ўтди. Розия қанча ҳаракат қилмасин синглизини бу йўлдан қайтара олмади. Унинг ахлоқсизлиги барчага аён бўлгач, юқори қўмондонлик томонидан ҳарбий хизматга нолайиқ топилиб, вазифасидан четлаштирилди. Оиласига хиёнат қилган, шаъни букилган зобит эса мансаби пасайтирилиб, хизмат жойи ўзгартирилди.

Шодияга қийинчилик билан эришган хизмат жойидан айрилиш қаттиқ таъсир қилди. Бир муддат тушқун ҳолда юрди. Бироқ унга бир қоп ваъдалар берган жазманидан воз кечишни хаёлига ҳам келтирмасди у. «Оиласи бўлса нима, ёқтирган кишим билан яшашга менинг ҳам ҳақим бор. Зато, у мени севади, мени кутаётгани аниқ. Чунки хотинидан анча ёшман, гўзалман. Ўшани деб севган касбимдан айрилдим, яқинларим билан юзқўрмас бўлдим. Энди ортга қайтиш йўқ...» Шодия нарсаларини йиғиштириб, жазмани томон йўлга отланди.

Йўл йироқ. Енгил машина чўл кенгликлари бўйлаб ўқдек учади. Ошиқнинг охи битилган ёқимли қўшиқ сеҳрида кўзларини юмиб ширин орзулар оғушида кетаётган Шодия ёнидагиларнинг аянчли товушидан кўзини очди-ю, нима бўлаётганини тушуниб етмай машинанинг зарб ила урилишидан ҳушини йўқотди...

Вилоят шифохонасининг жонлаштириш бўлимида, жон талашиб ётган қиз бир ҳафтада ўзига келди. Дастлаб қаерда, нима учун ётганини англай олмади. Фақат ҳушини йўқотиш олдидан оппоқ туман ичида турган отасининг «эл олдида қаддимни эгиб, юзимни ерга қаратган сендек фарзандим йўқ. Оқ қилдим сени, оқ қилдим», деган қаҳрли сўзи, ғазабнок нигоҳи қайта ёдига тушди. Атрофига аланглаб шифохонада эканлиги, автоҳалокатга учраганини тушунди. Унинг кўзини очганини сезган ҳамшира қиз бир зумда қошида пайдо бўлди. Шодия ҳамширадан бошини кўтаришига ёрдам беришини сўради.

Унинг илтимоси охирига етмай ёнига етиб келган врач беморнинг ҳолати билан танишар экан, ҳаётини сақлаб қолиш учун бир оёғидан воз кечишларига тўғри келганини ётиғи билан тушунтирди. Шодия жон ҳолатда бошини кўтариб, ёлғиз оёғига кўзи тушди-ю, девонавор қиёфада чинқириб юборди...

## БОРЛИҒИМ, БАХТИМДИР ОИЛАМ

Субҳидам чоғи. Борлиқ ноз уйқудан уйғониш арафасида. Тонг саҳарда ёстикдан бош кўтаришнинг ўзи бўлмайди. Айниқса, дам олиш кунлари мириқиб ухлаганга нима етсин. Хизматдан кеч қайтган Акромжон қизи Ҳилоланинг қўлчалари билан юзини сийпалаб:

– Дадажон, тури-инг, тура қо-олинг, – деган ялинчоқ сўзларидан истар-истамас кўзини очди.

– Қизалоғим, намунча эрта туриб олмасанг. Бугун якшанба, боғчага бормайсан, ухласанг бўлмайдими? – дея эркалатиб кўнғироқ сочларини силаркан, унинг яқинида фуражка кийиб вазиятни кузатиб турган ўғли Умидга кўзи тушдию бу ҳолатнинг сабабини тушуниб етди.

– Ҳа шумтака, синглингни ишга солган сен экансанда, а? – деди ёлғондан пўписа қилиб. – Мен сенга неча мартаба айтганман фуражкамни бесўроқ киймагин деб. Энди жазоламасам бўлмайди шекилли.

Дадасининг гапи тугар-тугамас Умид бошидагини тезлик ила ечиб келиб:

– Дада, дам олиш кунни Ҳилола иккимизни айлантиргани олиб чиқмоқчи эдингиз-ку, турмайсизми? – дея синглисига қўшилиб ялина бошлади у ҳам.

Шу орада ошхонада нонушта тайёрлаётган Ирода кириб келиб болаларига танбеҳ бера бошлади:

– Сизларга ҳозиргина дадангиз ётган уйга кирманг, безовта қилманг, хизматдан кеч қайтган, дам олсин дегандим-ку, қачон қулоқларингга гап киради ўзи.

– Майли, қўявер, уларни уришма. Ваъданинг устидан чиқмагунимча мени тинч кўйишмайди бари бир, – оналаридан чўчиб турган болаларини бағрига босди Акромжон. – Қани, юз-қўлларингни ювган бўлсаларинг нонушта қилиб олингларчи. Қаерга боришимизни кейин маслаҳат қиламиз.

Болалар дадаларининг гапидан хурсанд бўлиб чопқиллаганча оналарига эргашишди.

Нонуштадан сўнг улар бесабрлик ила дадаларига термилишди. Уларнинг ҳолатини тушуниб турган Акромжон:

– Хўш, ширинтойларим, қаерга бормоқчисизлар ўзи? – деди ўғли билан қизига меҳр билан боқиб.

Унинг гапи тугар-тугамас Умид билан Ҳилола бара-варига:

– Меҳрибонлик уйига – дейишди жўр бўлиб.

Дастурхон йиғиштириб турган Ирода уларнинг гапини эшитиб:

– Ахир икки ҳафтадан буён дам олиш кунлари ўша ерга бораяпсизлар-ку, – деди таажжубланиб. – Нима, ҳайвонот боғига боришни истамайсизларми?

– Мени у ерда Лайло кутади, яна келаман, бирга ўйнаймиз дегандим ойи. Ўша ерга бора қолайлик, – кўзларини катта-катта очиб ялиндди Ҳилола.

– Мени эса Жасур кутаяпти, – синглисининг гапини маъқуллади Умид.

Акромжон уларнинг гапини эшитиб бир нуқтага тикилганча жим қолди. Ирода айни дамда умр йўлдошининг кўксига нима кечаётганлигини ҳис қилиб турарди. Чунки Акромжон болалар уйида улғайганди.

Юртга ҳурлик насиб этганида у ўн ёшда эди. У гўдак бўлиб онасининг меҳр тафтини, қайноқ бағрини, ёқимли ҳидини туймади, ҳис қилмади. Болалар уйида кўзини очди, тарбиячилар қўлида улғайди. Баъзида меҳрибон, баъзида қаттиққўл, турли феъл-атворга эга тарбиячилар. Тийрак, доно, миттигина болакай ақли кириб боргани сари онасини қўмсай бошлади. Унинг йўлига кўз тутишни одат қилди. Тунлари эртақлар айтиб беришини, алладан эриб бағрида ухлаб қолишни орзу қилди.

Тарбиячи опанинг, «Ким она ҳақидаги шеърни яхши ёд олса, онаси келганда айтиб беради», деган сўзларига ишонди. Онага бағишланган ўнлаб шеърлар ёдлади.

Бироқ... бироқ у келмади. Лекин беғубор, чексиз меҳри ила онажонисини кутишдан чарчамади, қайноқ кўксига бош қўйишдан умидини узмади.

У ўртоқларига қўшилиб ўйнашдан кўра болалар уйининг панжара тирқишларидан «озодликдаги» ҳаётни, «эркин» болаларни, ота-оналарининг қўлидан тутиб мамнун қиёфада кетаётган бахтли ўғил-қизларни томоша қилишни хуш кўрарди. Бу ҳолат унга ёқса-да, ўз ўрнида ҳали ҳаётнинг пасту баландини англаб етмаган, меҳрсизлик, хиёнат, разолат андуҳларини туймаган, ҳаёт машаққатларида тобланмаган пок қалбига оғриқ берарди. Ўша болалар ўрнида бўлиб қолишни жуда-жуда истар, умид қиларди. Янги йил байрам тилакларида эса ҳар гал битта, яъни онажонисини кўришни, уни бу ерлардан олиб кетишини илтижо қиларди у.

Бу ердаги болаларнинг бахтли онлари кўпроқ байрамларга тўғри келарди. Чунки янги кийимлар, ўзлари орзу қилган ош-овқатлар билан сийланишарди. Акромжон ҳам янги либос кийганда ўксик дилига қувонч, маҳзун чеҳрасига табассум югурарди. Кийимларини болаларча ғурур билан сийпалаб, шу ҳолатида онасининг кўришини истарди, чиройли бўлиб кетган ўғлини бағрига босишини жажжи юраги ҳапқириб истарди.

Акромжон илк мактабга чиққанида ҳам, яхши баҳо олиб устозлардан мақтов эшитганида ҳам, гоҳида болалар билан уришиб калтак еганда, синфдошлари томонидан етимлиги юзига солиниб хўрланган, ўксиганда ҳам онасини ёдга оларди, хаёлан унга суянарди. Ҳа, бирор маротаба юзини кўрмаган, меҳрига туймаган онажониси у учун яхши-ёмон кунларида суянгувчи, асрагувчи фаришта эди гўё.

Бироқ у ўсмирликка қадам қўйиб, ҳаётни англаб боргани сари умидсизлик, тушкунлик уни ўз доми-



га торта бошлади. Ҳаётда бир йўқлагувчиси йўқлиги, ёлғизлиги, ташландиқ эканлигини ҳис қилишнинг ўзи болакайни маъюс, одамови қилиб қўйганди. Чунки болалар уйидаги ўртоқларининг деярли барчасининг ташқарида кимидир борлигини биларди. Фақат Акромжонда... Шундай кунлардан бирида болалар уйида, шунингдек, Акромжоннинг ҳаётида катта ўзгариш юз берди.

Истиқлол нури сабаб, Меҳрибонлик уйи дея номлана бошланган бу даргоҳ ўзгача тус олди. Акромжонларнинг гуруҳига тарбиячи бўлиб келган Муаззам опа ундаги руҳий тушкунликни дарҳол англаб етди. Ўз меҳри, куюнчаклиги, она сифатида унинг қалбига йўл топа олган насиҳат ва ўғитлари билан ҳаётига, руҳий оламига ёруғлик бахш этди. Ундаги спортга бўлган қизиқишни сезган ҳолда, қобилиятини юзага чиқаришга ҳаракат қилди. Муаззам опанинг меҳр тафти ва ғамхўрлиги сабаб, Акромжоннинг ўзига бўлган ишончи мустаҳкамланиб борди. Ақлли, билимдон, дуркун йигит бўлиб вояга етди. Кўксидаги ҳарбий хизматчи бўлиш иштиёқи қатъий мақсадга айланди, офицер бўлишига замин яратди.

Атрофидаги яхши инсонлар, устозлари, Муаззам опадек онажониси сабаб, кўнгил қўйган ёрига уйланди. Бугун унинг севган касби, азиз оиласи, жонидан ортиқ кўргувчи фарзандлари бор. Шунингдек, болалиги ўтган, яхши-ёмон кунларида деворлари билан-да суюган, болалик орзулари, ширин хаёлларига сирдош тутинган меҳрибонлик уйи бор. У бу гўшани, тарбиячиларни, дўстларини асло унутмайди. Муаззам опани эса онаси қаторида кўради. Айниқса, байрамларда совға-саломлар олиб келишни қанда қилмайди. Балки шу сабаб, бугун тўққиз ёшни қаршилаётган ўғли ва беш ёшли қизалоғи беғубор меҳр тафти билан меҳрибонлик уйидаги тенгқурлари қалбига қувонч бағишлашни истар. Ўша гўшага интилиб турар.

Хаёлга чўмган Акромжон аёлининг:

– Дадажониси, болалар жавобингизни кутишяпти, кийинаверишсинми? – деган саволидан ўзига келди.

– Албатта, – болаларига ўзгача меҳр ила боқди у. – Қани тезда кийиниб олингларчи. Яхшиси, бундай қиламиз. Ҳозир ҳаммамиз меҳрибонлик уйига бориб, сизларни кутиб турган ўртоқларингизни олиб, кейин ҳайвонот боғига борамиз.

Дадаларининг бу гапи Умид билан Ҳилолани қувонтириб юборди. Улар қийқирганча кийиниш учун хоналарига чопқиллашди.

Болаларини жилмайиб кузатиб турган Акромжон:

– Ирода, ҳамиша болаларим кўп бўлишини орзу қилганман. Балки бу ўзим ёлғиз бўлганим учундир. Бахтга қарши, шифокорлар сенинг фарзанд кўришингни тақиқлаб қўйишди, – деди ўйчан қиёфада.

– Мен ҳам бу ҳақда кўп ўйлайман, – чуқур хўрсинди Ирода турмуш ўртоғининг юзига гуноҳкорона боқиб. – Ўғлимиз билан қизимизга шерик бўлса яхши эди. Улар катта бўлгани сари шуни исташяпти.

– Сен бунга асло сиқилма, – рафиқасининг елкасидан кучди Акромжон. – Аввало саломатлигингни ўйла. Соғлиқ бўлса ҳар ишнинг чораси бор. Ўғил-қизимизнинг истагини ҳам рўёбга чиқарсак бўлади. Кўпдан буён сен билан шу ҳақда гаплашмоқчи бўлиб юрибман.

– Ўйлашимча, сиз айтмоқчи бўлган гапни биламан, – умр йўлдошига синчков нигоҳини тикди Ирода.

– Ундай бўлса қандай хулоса билдирасан? – сўзсиз ҳам унинг қалбидагини ўқий оладиган рафиқасидан миннатдор қиёфада жавоб кутди оила бошлиғи.

– Мен розиман. Аммо болаларга ҳозирча айтмай турганимиз маъқул. Чунки уларни олиб келмагунимизча сўрайвериб чарчатиб юборишади.

– Тўғри, ҳужжат ишларининг ўзи анча вақт олади. Насиб этса Янги йилни тўрт нафар фарзандимиз билан бирга қарши оламиз.

Эр-хотин фикри бир жойдан чиққанидан мамнун эдилар.

Шу куни улар учун оилавий дам олиш онлари жуда кўнгилли ўтди. Меҳрибонлик уйида тарбияланаётган етти ёшли Жасур ва тўрт яшар Лайло ҳам уларга ҳамроҳ бўлишди. Тўртала болакай ҳайвонот боғида, ўйингоҳларда ҳам бир-бирларидан бир қадам ажралишмасди. Уларнинг овқатланиш пайтидаги меҳрибонликларини кўриб Акромжон билан Ирода тўғри йўл тутаётганликларини нигоҳлари орқали маъқуллаб қўйишарди. Аммо кечга томон болаларни Меҳрибонлик уйига ташлаб қайтишлари осон кечмади. Уларнинг кўзидаги маъюслик Акромжонга болалик чоғларини ёдга соларди. Жасур билан Лайлонинг ўтинч ила тикилаётган беғубор кўзларидан «яна қачон келасизлар» деган саволни ўқиб олиш қийин эмасди.

Умид билан Ҳилола ҳам кун бўйи ҳордиқ чиқаришганига қарамай уйга маъюс тортиб қайтишди.

– Дада, Жасур билан Лайло бизникида яшаса бўлмайдимиз? – кечга томон китоб ўқиб ўтирган дадасига фикрини айтишга журъат этди Умид. – Бирга ўйнардик, дарс қилардик.

– Ўғлим, бу ҳақда кейинроқ гаплашамиз. Ҳозир уйкуга ётиш пайтинг бўлди. Эрталаб мактабга боришинг керак, – китобдан бош кўтармай сўзини якунлади Акромжон.

У шу топда ўғлидан кутаётган саволни эшитганидан хурсанд эди. Умиджоннинг шу ҳақдаги кейинги берган саволига эса «Бу илтимосинг жавобини сенга янги йил куни айтаман», деди Акромжон сирли қилиб.

Орадан икки ой ўтди. Янги йилга санокли кунлар қолган. Барча хонадонларда ўзига хос тайёргарлик авжида. Ирода ҳам болаларининг кўнглига қараб уйларини улар билан бирга эртакнамо қилиб безатишди. Байрам дастурхони учун эса айнан болажонлар севадиган ширинлигу мевалардан кўпроқ харид қилинди.

Ўйинчоғу хилма-хил чироқлар билан безатилган арчанинг камалакранг нури хонадонга янада файз берди. Қувончи ичига сиғмай Қорбобони кутаётган Умид билан Ҳилола ўзгача ҳаяжонда, «тиқ» этган товушга қулоқ тутишади. Негаки, дадалари Қорбобо улар учун жуда катта ва бебаҳо совға олиб келаётганини айтганди-да. Шундай ҳаяжонли дамларда эшик кўнғироғи овоз бериб болалар кутган Қорбобо кириб келди. Энг қизиги, унинг олдида кичкинагина қорбобоча ва қорқизча ҳам бор эди. Бунинг сирини ошкор бўлганда эса Умид билан Ҳилола хурсандлигидан ўзларини кўярга жой тополмай қолишди. Ақромжон билан Ирода арча атрофида куёнчалардек сакраётган фарзандлари тўртта бўлганидан бахтиёр эдилар.

### ҒАФЛАТ СИРТМОҒИ

Мунаввар опанинг бугун кайфияти ўзгача. Тонгни барвақт қарши олди. Тўғрироғи, ярим тундан сўнг ухламади деса ҳам бўлади. Инсоннинг феъл-атвори ғаройиб. Қувончли хабарни эшитганда ҳам, ғам соя солганда ҳам уйқуси қочади, бедор бўлади. Мунаввар опа эса ўғли Тоҳиржонга боғлаган орзу-умиди рўёбга чиқаётганидан ҳаяжонда. Чунки онанинг тили билан айтганда «эркатой болагинаси» ота изини босиб, юридик институтга ўқишга кирди. Шу сабаб бугун уларнинг муҳташам хонадониде қариндош-уруғ, дўсту ёр ва ўғлининг ўртоқлари учун дастурхон ёзилади.

Тоҳиржон оиланинг тўнғич фарзанди. Ундан сўнг хонадонни бир-биридан гўзал уч қиз обод этди. Ота-она ҳарчанд буни исташмаса-да, ёлғиз ўғил уларнинг «саъй-ҳаракати» билан бир оз ўзғир ва эрка бўлиб улғайди. Аҳрор ака унинг билимли, заковатли бўлишига астойдил ҳаракат қилди. Институтга ўқишга кириши учун тажрибали ўқитувчилардан кўшимча дарс олди.

Аммо дастлабки йили йигитчага омад кулиб боқмади. Отасининг доимий назорати остида яна тайёргарлик кўришига тўғри келди. Шунингдек, меҳрибон ота ўғлининг астойдил ўқиб талаба бўлиши учун унга ёқадиган ваъда ҳам берди...

– Дадаси, Тоҳиржонга совға қилмоқчи бўлган машинангизни олиб берасизми энди? – тонг саҳардан эрининг ваъдасини эсига солди Мунаввар опа. – Шўрлик болам сизни хурсанд қилай деб кечани кеча кундузни кундуз демай ўқиди, ишончингизни оқлади. Эртадан кейин ҳуқуқшунос бўлиб ёнингизга киради, ишингизни давом эттиради.

Аёлининг сўнгги гапидан юзига табассум югурган оила бошлиғи:

– Ўқишини йўлга солиб олса, албатта сўзимнинг устидан чиқаман, онаси, – деди уни қувонтириб. – Топганимиз шу ўғил-қизларники-да.

Эр-хотин тонги дастурхон устида ширин орзулар қилишди. Бу хуш кайфият кечга томон меҳмонлар билан кўнгилли учрашувда давом этди, хурсандчилик ўйин-кулгуга уланди...

Тоҳиржон институтда уч-тўрт ой ўқиганидан сўнг, Аҳрор ака унга лафз қилган енгил машинани олиб берди. Бир томондан ўғли уйларида юз километрлик узоқ масофада, яъни пойтахтда таҳсил олаётгани сабаб, ҳар ҳафта келиб-кетиши учун қулай бўлишини истади жонкуяр ота. Иккинчи томондан олийгоҳда бирга ўқиган энг яқин дўсти Баҳром ака Тоҳиржонни хонадонларида бирга яшашга кўндирди.

– Ҳайҳотдек ҳовлим турганида ўғлингизни талабалар ётоқхонасига жойлаштира олаёчимисан? – Аҳрор акани койиди у. – Менинг ўғлим Дониёр ҳам талаба. Иккаласи бирга туришади, бирга дарс қилишади. Ўғлинг олдимда бўлса яхши-да, унга кўз-қулоқ бўлиб тураман.

– Гапингда жон бор. Ёшлар катталарнинг назорати остида турганига нима етсин. Лекин...

– Э-э, лекин-пекинингни қўйсанг-чи. Ундан кўра дастурхонга қара. Тоҳиржон бугундан бошлаб бизнинг ҳам ўғлимиз. Гап тамом.

Баҳром аканинг аёли Гулнора опа ҳам унинг сўзини маъқуллади. Бу меҳр-оқибатдан Аҳроп аканинг кўнгли тоғдек кўтарилди.

Ойлар ўтди. Тоҳиржон талабалик ҳаёти, янги хонадон ва Дониёрга анчайин кўникди. Аммо ёлғиз ўғил бўлган Дониёр ота-онасининг эътибор ва назоратига қарамай ўйин-кулгуни хуш кўрадиган бўлиб, гоҳ ошкора, гоҳо яширин тарзда «дўстлар» давраси-ю, дискотекаларга бориб турарди. Ота-онасидан тез-тез пул келиб турадиган, таъминоти яхши Тоҳиржоннинг ҳам ҳар гал ўзига шерик бўлишини истарди у. Йигитларни издан чиқарадиган бу давралар Тоҳиржонга аста-секин ўз салбий таъсирини ўтказиб борди...

Ёз ўртаси. Қуёш олов пуркагандек борлиқни қиздиради. Жазирама иссиқдан ўзини панага олиб дарахтлар соясидаги сўрида елпиниб ўтирган Мунаввар опа катта қизи Нафосатнинг кайфиятсиз ҳолатини кўриб сергакланди.

– Ҳа қизим, тинчликми? Намунча қовоғингдан қор ёғмаса. Сингилларинг билан хафалашиб қолдингми? Ё бирор жойинг оғрияптими?

Онасининг хавотирлик ила юзига термилиб кетма-кет бераётган саволларига:

– Ваҳима қилмасангизчи, аяжон, соппа-соғман, – деди уни тинчлантириб. – Фақат...

Қизи ниманидир айтишга қийналаётгани Мунаввар опани баттар бетоқат этди.

– Нима дардинг бўлса айта қолмайсанми, хавотирга қўймай. Тинчликми ишқилиб?

– Уч кундан буён тилла занжиримни топа олмаяпман. – Муддаога ўта қолди Нафосат. – Бугун қарасам зирагим билан узугим ҳам йўқ. Уни ўтган йили университетга кирганим учун совға қилган эдиларинг. Шунга сиқияпман.

Мунаввар опа елпинишдан тўхтаб бир зум ўйланиб қолди ва:

– Сизларга неча маротаба тилла буюмларингга эътиборли бўлинглар, дуч келган жойга ечиб кетаверманглар, кўздан пана жойда асранглар, деб тайинлаганман. Айтганимни қилган бўлсанг қандай йўқолиши мумкин?

– Аяжон, тақинчоқларимни сиз айтгандек хонамда, фақат ўзим биладиган жойда асрайман. Қандай қилиб ғойиб бўлганига тушунмаяпман, – деди кўзига ёш келиб Нафосатнинг.

Мунаввар опа унинг ҳолатини тушунди. Чунки қизларининг хонасини кўздан кечирганда бундай эътиборсизликка дуч келмаган. Шунинг учун бу муаммонинг тагига етиш, ечимини топиш кечқурунги оила даврасида давом этди. Фақат оилавий «машварат»да хонадон эркатойи Тоҳиржон иштирок этмади. Учинчи курсни якунлаб, имтиҳонлардан ҳориб қайтган ўғилларини ота-она таътилда бир оз эркин кўйгилари келди. Шу сабаб айни пайтда у «дўстлари» даврасида эди.

Аҳрор ака ва Мунаввар опа қизлари билан ҳаргиз мулоҳаза қилишмасин, тиллаларнинг йўқолиши борасида бир хулосага келиша олмади. Қизлар хонасига кириб кетгач, Аҳрор ака:

– Ўғлинг кейинги пайтларда жуда кўп пул ишлатяпти-да, – деди оғир хўрсиниб. – Унга эътиборли бўлсак яхши бўларди. Нима бўлганда ҳам бағримиздан узоқда ўқияпти, дўстимнинг назоратида бўлса ҳам ўз билганича яшаяпти. Болага ишониб ғафлатда қолмасак бўлгани.

Ҳар гал Аҳрор ака Тоҳиржонни койиганда ёки унинг ўзига ўхшамай бораётган феъл-атвори ҳақида гапирганда ўғлининг ёнини оладиган Мунаввар опа бу сифар мум тишлагандек жим қолди ва аста:

– Мен ҳам шуни ўйлаб тургандим, – деди ва ниҳоят дилини ёриб. – Кейин икки марта чўнтагидан қоғозга ўралган кукунли дори топиб олдим. Сўрасам бош оғриғига порошокли дори, деб айтди. Ўзи шу ҳақда сизга айтмоқчи эдим.

Аҳрор аканинг ранги ўзгарди. Ўта хушёр ҳуқуқ ходими бўла туриб, наҳотки фарзандининг юриш-туришини англамаган бўлса. У айна пайтда ўғли ҳақидаги гумони ўзгача бўлиб чиқишини жуда истарди.

Аммо, аммо у кутган ҳақиқатнинг «таъми» аччиқ бўлиб чиқди. Тоҳиржон икки йилдан буён гиёҳванд модда истеъмол қилиб юрганини ота-онасининг босими остида тан олди.

Аҳрор ака бир кунда гўёки ўн йилга қариди. Мунаввар опа эса қон босими кўтарилиб, хушини йўқотаёзди. Ота-онанинг наздида улар суянгувчи тоғ қулаганди.

Оила бошлиғи бу сирни ташқарига чиқармасликка астойдил ҳаракат қилди. Чунки ўқитувчилари хабар топса, уни университетдан ҳайдашлари тайин. Тоҳиржон қатъий назорат остида дадасининг саъй-ҳаракати билан ўқишини тамомлаб, диплом олишга эришди. Аммо захри қотил қонига сингиб кетган йигит ҳамон бу дарддан қутула олмасди. Таниш шифокорлар бу офатдан қутулиш унинг иродасига боғлиқ эканлигини ҳар гал такрорлашарди.

– Дадаси, Тоҳиржонни уйлантириб қўйсак яхши бўларди, – ранги синиқ умр йўлдошига фикрини билдирди Мунаввар опа. – Оилалик бўлса, бўлажак фарзандларини ўйлаб ўзини қўлга олса, даволанишлари наф берармиди?



Ахрор ака чуқур «ух» тортди. Айни пайтда унинг хаёлидан нималар кечаётганини англаб бўлмасди. Ўғлининг дардини яшириб, бир маъсума қизнинг бахтсиз бўлишидан виждони қийналса, бу чора «аждаҳо» домидаги фарзандини ёруғликка олиб чиқишига ишонгиси келарди.

– Майли, келин топ. Тўй қиламиз, – узоқ ўйлагач, қатъий қарорга келди оила бошлиғи...

Келинлик хонадоннинг ўзгача файзи бўлади. Юғриб-елиб хизмат қилиб юрган гўзал Муниранинг қувончи чексиз. Бой-бадавлат, хонадонга эрка келин бўлишни қайси қиз орзу қилмайди. Фақат, фақат у келажакда рўбару бўладиган оғир синовларга тайёр туриши, дош бериши лозимлигини хаёлига келтирмаган ҳали.

Ойлар ўтди. Тоҳиржон соҳаси бўйича фаолият юрота бошлади. Аммо уни қай даражада назоратда ушлашмасин, гиёҳвандликдан бойлик орттирувчи разолат оламининг манфур кимсаларию шу йўлда умрини хазон қилган гиёҳванд «дўстлари» ҳар қадамда йўлида пайдо бўлишаверди. Ойни этак билан ёпиб бўлмайди деганларидек, унинг орқама-кетин туғилган ўғли ва қизалоғи ногирон эди. Ахрор ака ва Мунаввар опанинг бир дарди икки бўлди. Шундай оғир кунлардан бирида келинлари Мунира:

– Ойижон, мени кечиринг. Ўғлингиз билан ажрашишга қарор қилдим, – деди кўзига ёш тўлиб. – Ота уйига қайтиш мен учун оғир. Аммо ногирон болаларимга термилиб бир умр эзилиб яшолмайман. Болаларим сизга омонат, ҳаётимни қайта бошламоқчиман.

Ҳовлидан чиқиб кетишга шай турган келинига бўғзига аччиқ ёш тиқилган Мунаввар опа бир оғиз сўз айта олмай қотиб қолди. Шу орада хотинининг сўзларини эшитиб турган Тоҳиржон уй ичидан отилиб чиқди.

– Ўлимдан бошқа дардга чора бор дейишади, – хотинига юзланди у ялинчоқ қиёфада. – Агар ҳозир кетсанг барчамизга оғир бўлади. Мен ўзлимни бутунлай йўқотаман. Сўнгги бор имкон бер. Соғлом ҳаётга албатта қайтаман, лафзимга ишон.

Мунира эрининг юракдан гапирётганини сизди. Кўкси тўла дард, илтижоли тикилиб турган қайнона-сию бегуноҳ фарзандларига термилиб ёруғ кунларга умид боғлади...

### ҒАФЛАТ

Даврон поезд орқасидан донг қотганча маъюс қиёфада жим термилиб қолди. Айни дамда кўнглида нима кечаётганини, нима учун дили ғаш бўлаётганини ўзи ҳам тушунмасди. Хотини ва болаларини купега олиб кириб жойлаштирди, юкларини жойлади, проводникка улардан хабардор бўлиб туришини илтимос қилди. Ҳарқалай болалари ҳали ёш, айниқса, ерга урса кўкка сапчийдиган ўғлига ортиқча эътибор зарар қилмайди. Хотини Намунанинг қўлига поезд чипталарини тутқазиб, болаларини бир-бир бағрига босиб, кўнгли хотиржам ҳолда поезд юрар чоғидагина уларни тарк этди. Аммо вагонлар силжиганидан кейин тушунарсиз туйғу дилини қоплади-ю, маъюс тортиб қолди.

Тўғри, хотини бир ой муддатга дала-ўқув машғулотига кетаётганини эшитиб, яқинларини кўриб келиши ҳақида гапирганида аччиғланди.

– Нима, мен ҳар сафар полигонга ёки хизмат сафарига кетганимда сен албатта уйга бориб келишинг керакми? – аёлини жеркиб берди у. – Ёш болалар билан минг километрга яқин йўл босишинг ҳақида ўйлаб кўрдингми?

– Уйда бўлмаганингиздан кейин, ёлғиз ўтиргандан кўра, болалар билан ота-оналаримизни кўриб келсам, яхши-ку. Улар ҳам невараларини соғинишади ахир.

– Соғинишса ўзлари келсин. Баҳонада кўрмаган жойларини кўриб, меҳмон бўлиб кетишади, – хотинига ётиғи билан тушунтиришга ҳаракат қилди Даврон. – Мени тўғри тушун, шу ерда бўлсаларинг, машғулотда бўлсам ҳам сизларни худди ёнимдагидек ҳис қиламан. Биринчи маротаба ёлғиз қолаётганинг йўқ-ку. Балки ота-оналаримиз келиб қолишар.

– Келишмайди, – бўшашиб ух тортди Намуна. – Кеча телефонда гаплашгандим. «Биз борсак, жуда бўлса икки-уч киши бўлиб борармиз. Сизлар келсаларинг ҳамма-ни кўрасизлар. Бу ердагилар ҳам сизларни соғинишган», дейишди. Кейин қариндошларимиздан бир нечтаси тўй қилаётган экан. Борсак тўйларни ҳам ўтказиб келардик. Рози бўлақолинг, дадаси.

Хотинининг ялинчоқ оҳангдаги эркаланиб қилган илтимоси йигитнинг юрагини юмшатди.

– Катталар шундай деган бўлса, борсанг бораверасан-да, – қовоғини уйиб, истамаган ҳолда розилигини билдирди Даврон. – Фақат болалар ҳамиша олдинда бўлсин, уларни эҳтиёт қил.

– Бўлмаса-чи, улардан асло хавотир олманг, – эрининг розилигидан беихтиёр қувониб кетди Намуна. – Биласиз-ку, болаларимизни бобою бувилари еру кўкка ишо-нишмайди. Бу томондан кўнглингиз хотиржам бўлсин.

– Хавотир олмай бўладими. Тўртта хотин бир бўлиб, гапга тушиб кетса борми, боласи тугул бутун дунёни унутади. Шунинг учун уларни катталарга ташлаб қўймай ўзинг эътиборли бўл.

– Яхши, яхши, айтганингиздек қиламан, ўғил-қизингизни олдимдан бир қадам ҳам силжитмайман. Энди тезроқ кетишга ҳозирлик кўришим керак, – ҳаяжонланганидан ишни нимадан бошлашни билолмай каловларди Намуна. – Биринчи навбатда сизнинг полигонга керак бўладиган нарсаларингизни тахт қилиб қўяман. Кейин, болалар ва ўзимнинг кийим-кечакларимни. Эр-

тага кетадиган бўлсак, чипталарни бугундан қолдирмай олишимиз зарур. Яна...

Даврон хотинининг режаларини бир оз эшитиб турди-да, чипта олиш учун вокзалга йўл олди. Мана кўз очиб юмгунча хотини ва ўғил-қизини кузатиб қолди. Дили хуфтон ва кайфиятсиз.

– Даврон ака, яхшимисиз?

Оғир ўйга ботган йигит аёл кишининг майин товушидан беихтиёр орқасига ўгирилди. Буғдойранг, хушсурат жувон майин жилмайиб, унга қараб турарди. «Ҳинд киноларидаги актрисаларга ўхшаб кетармикан», йигитнинг хаёлидан чақиндек шу ўй ўтди.

– Яхшимисиз, сизни...

– Мени танимайсиз, лекин мен сизни кўпдан буён билман. Ҳарбий шаҳарчада яшайсиз, тўғримми? – Давроннинг таажужланиб турганини кўриб, ўзини таништира кетди жувон. – Исми Ҳимоят, ҳарбий шаҳарча ёнидаги маҳаллада тураман. Сизлар билан ёнма-ён дугонам яшайди, эри ҳарбий, ўшаларникига тез-тез бориб тураман. Сиз билан йўл юзада кўп бора дуч келганмиз.

– Узр, эътибор қилмаган эканман.

– Ҳечқиси йўқ, сиз каби жиддий соҳа вакиллари барчага ҳам эътибор қилавермаслиги табиий ҳол.

– Йўғ-е, аксинча, биз доим ҳушёр бўлишимиз керак. Бироқ сизни кўрганимни эслай олмаяпман, – эътироз билдирди Даврон.

– Келинойимларни кузатдингизми дейман, кайфиятингиз йўқ, – гапни бошқа томонга бурди Ҳимоят. – Мен ҳам Тошкентдан келган меҳмонларни кузатгани чиққандим.

– Ҳа, кузатиш ҳар қалай кутиб олиш эмас. Айниқса, мен каби бола-чақасини кузатган эркакнинг уйи хувиллаб қолади. Шунинг учун бир оз кайфият бўлмаслиги аниқ. Ҳозир хизматга борсам, барчаси ўтиб кетади. Ортиқча ўйларга вақт қолмайди, – юришга шайланди Даврон.

Жувон унга эргашиди. Йўл-йўлакай майин табассу-  
мини ҳадыя этган ҳолда ширинсуханлик билан илтимоси-  
сини баён қилди.

- Даврон ака, сизга ўзимни таништирганимнинг са-  
баби, маслаҳатингиз керак эди.

- Маслаҳат?

- Ҳа, касбингизга доир саволлар десам ҳам бўлади.

- Майли, қўлдан келганча саволларингизга жавоб  
беришим мумкин, айтинг-чи.

- Биласизми, жияним ҳарбий бўлишга жуда қизиқа-  
ди. Лекин муаммолари бор. Буни сизга тушунтиришим  
учун бафуржа суҳбатлашимиз керак. Билишимча  
ҳозир вақтингиз йўқ.

- Тўғри. Хизматдан кеч қолишим мумкин эмас.

- Ундай бўлса қўл телефониингиз рақамини бера  
оласизми?

- Биз хизмат пайтида умуман телефондан фойда-  
ланмаймиз.

- Биламан. Шунинг учун вақтингизни инобатга  
олиб боғланмоқчи эдим.

Даврон қандай йўл тутишни билмай иккилана бош-  
лади. «Йўлдаги дуч келган аёлга телефон рақамини  
бериш», хаёлан мулоҳаза қила бошлади у. «Оилали  
бўлса, Намунанинг рашкчилигига эса таъриф йўқ. Бир  
бегона аёлнинг илтимоси деб оиласига совуқчилик  
тушиши яхши эмас».

Ҳимоят йигитнинг кўнглида кечаётган ўйни уққан-  
дек, вазиятни қўлга олди.

- Узр, сизни ноқулай ҳолга солган кўринаман. Мен  
ҳам оилали аёлман, эрим, ўғилчам бор. Жиянимни деб  
шу ишга қўл ургандим. Агар имконингиз бўлмаса...

- Йўқ-йўқ, ҳаммаси жойида. Илтимосингизни ба-  
жарганим бўлсин, - ҳазиломуз кулди Даврон. Ҳимоят-  
нинг оилалиман деган сўзи унинг фикрини ўзгартир-  
ган эди. - Сиздек аёлга телефон рақамини бермаслик

гуноҳ бўлса керак, – йигитларга хос илтифот кўрса-тишни ҳам унутмади у.

Улар шу тариқа, шу жойда икки ёнга кетишди. Даврон йўл-йўлакай мулоҳаза қила бошлади: «Аёл киши телефон рақами сўраб турса-ю эркак киши бунга журъат қилмаса, унинг ожизлигидан далолат-ку. Бу ҳол йигит шаънига яхши эмас, ахир. Бунинг акси бўлса бошқа гап. Лекин аёл анчайин қув кўринади. Чунки «сиз билан кўп бора дуч келганмиз», деган сўзи ҳақиқатдан йироқ. Негаки, бундай хушсурат аёлга дуч келган ҳар қандай эркак бир бор бўлса-да нигоҳ ташламаслиги мумкин эмас. Бу эркакларга хос феъл-атвор. Кейин дугонасининг эри ҳарбий хизматчи бўла туриб, мендан маслаҳат сўраши таажжубли ҳол. Э-э, нима бўлганда ҳам ўйлашга арзигулик иш эмас бу. Эркак киши бундай майда-чуйда ўйларга ўралашмаслиги керак. Телефон номеримни берганим аёл домига тушиб қолганим эмас-ку. Ҳамма нарсани ирода ҳал қилади. Мени оиламдан айириб, ўзига қаратиб оладиган аёл ҳали дунёга келмаган». Даврон ўз туйғуларидан ўзи ғурурланиб, шахдам қадам ила йўлида давом этди. Бироқ ғафлатда қолган йигит аёл макри неларга қодир эканлигидан беҳабар эди ҳали.

Эртасига хотини билан кўнғироқлашган Даврон уларни эсон-омон яқинлари бағрига етиб олганини билиб, кўнгли хотиржам тортди. Тили бийрон қизалоғи Сарвиноз, ўғилчаси Алишер билан суҳбатлашиб, кайфияти кўтарилди. Бир кун ўтиб дала ўқув машғулотига жўнади.

Машқ майдони – ҳарбий хизматчи учун ҳақиқий мардлик майдони. Посбонларнинг ҳарбий соҳада эгаллаган барча билимлари амалиётда юзага чиқади. Йигитлар учун ўзини кўрсатиш палласи бу. Тонг саҳардан бошланган синов машғулотлари баъзида тун ярмигача давом этади. Чунки тунда бажариладиган

машғулотларнинг ҳам ўз ўрни бор. Дам олиш паллаларида эса барча йигитлар яқинлари билан қўл телефони орқали хабарлашишга ҳаракат қилишади. Масофанинг узоқлигими ёки алоқа тармоғидаги етишмовчилик учунми, Даврон оиласи билан телефонда тузукроқ гаплаша олмасди. Болаларини соғиниб юрган йигитнинг бундан баъзида хуноби ошарди. Шундай кунлардан бирида унинг телефони овоз берди. Хотини Намуна деб ўйлаб, шошилиб алоқа боғлаган йигитни ўзга бир овоз қарши олди.

– Ассалому алайкум, Даврон ака. Мен Ҳимоятман, танидингизми?

– Ҳа-а, Ҳимоятхон сизмисиз? – бир оз бўшашиб жавоб қайтарди Даврон.

– Овозингиздан келинойим Намунахоннинг кўнғироғини кутаётган кўринасиз?

– Ҳа, энди.., – Ҳимоятнинг хушёрлигига тан бериш билан бирга «хотинимнинг исмидан ҳам хабардор экан-да», деган ўй йигитнинг хаёлини чақнатиб ўтди.

– Уларни роса соғинган бўлсангиз керак-а? Шунинг учун телефон орқали бўлса ҳам дардингизга дармон бўлай дедим-да.

Аёл «башорат» қилганидек, соғинч гирдобида қолган йигитга унинг гаплари бачканадек туюлаётган бўлса-да, негадир кўнглига хуш ёқмоқда эди.

– Мени ўйлаганингиз учун раҳмат. Аммо соғинч дардимни даволайман деб, поччамдан гап эшитиб юрманг.

– Поччангиз ўн беш кун ишда бўлса, ўн-беш кун уйдалар. Шу сабаб, мен ҳам ҳозир худди сизнинг ҳолингиздаман. Эр-хотинни доим бирга яшаганига нима етсин. Айниқса, сиз ва мен каби навқирон ёшда.

– Янглишмасам, мендан жиянингизнинг иши ҳақида маслаҳат сўрамоқчи эдингиз, – аёлнинг эҳтиросли гапларини бўлди Даврон.

– Ҳа, аслида ҳам мақсадим шу. Бироқ сиздек хизматда ҳориган йигитни ўз муаммоларим билан банд қилиш инсофдан бўлмаса керак. Кейин телефонда ҳамма гапни ҳам айтиб бўлмайди. Шунинг учун шаҳарчага қайтганингиздан кейин юзма-юз гаплашиб олсак де-моқчийдим.

– Бу гапингизда жон бор, – унинг фикрини маъқулади йигит. – Чунки юзма-юз суҳбатда жиянингиз ҳам бўлиши керак.

– Албатта. Ўзим ҳам шуни кўнгиллаб тургандим, – унинг сўзини майинлик ила тасдиқлади жувон, – Даврон ака, агар рухсат берсангиз сизга телефон қилиб турсам. Сиздек жиддий, гапи гапимга тушадиган меҳрибон дўст керак менга. Сиз билан бир марта суҳбатлашиб, худди акамдек меҳр қўйдим. Фақат мени тўғри тушунсангиз бўлгани.

Ҳимоятнинг зорланиб айтган гапи йигитнинг қалбини эритиб юборди. Қандай рози бўлганини ўзи ҳам сезмай қолди. Бундан унумли фойдаланган жувон Давронга деярли ҳар куни кўнғироқ қилиб, ўзининг эҳтиросли, ширин сўзлари билан унинг хаёлини банд этиб борди. Вазият жиддийлашиб бораётганини англаган йигит хотини билан боғланди.

– Намуна, эртага ҳарбий қисмга қайтамиз. Сизларни жуда соғиндим. Қани энди ҳозир уйда бўлсаларинг. Биласан-ку, ёлғизликни ёмон кўраман.

– Биз ҳам сизни соғиндик. Болалар «дадамга кетамиз», деб ҳар куни хархаша қилишади. Фақат шу ҳафтанинг охирида опам қайноғасини уйлантираяпти. Тўйни ўтказиб кетинглар, деб илтимос қилди. Шуни сизга айтмоқчи бўлиб тургандим. Яқинларимиз билан уч-тўрт ойда бир кўришсак. Тўйни ташлаб кетсам хафа бўлишади.

– Ўзинг биласан, – базўр жавоб қайтарди Даврон.

Полигондан қайтган йигитни хотини ва болаларисиз ҳувиллаган уй қарши олди. Нарсаларини жойлаб,



ўзини тартибга келтириб, чарчоғи ёзилган Давронга кутиб тургандек Ҳимоят кўнғироқ қилди.

– Даврон ака, эртага кўришсак бўладими? – саломаликдан сўнг, илтимосини йигит рад этмайдиган даражада ширинсуханлик билан етказди жувон. – Жияним ҳам шу ерда. Агар вақтингиз бўлса эртага кечқурун уйингизга ўтмоқчи эдик.

Бу илтимосга Даврон ортиқча монелик қила олмади. Эртасига ўзига ниҳоятда оро берган Ҳимоят йигит қаршида пайдо бўлди. Фақат у ёлғиз эди.

– Жияним ҳали замон келиб қолади. Сиз яхши кўрган таомни тайёрлаганим учун совуб қолмасин деб олиб келавердим. Ахир, аёл киши тайёрлаган таомдан бир ойдан буён бенасибсиз.

Унинг меҳрибонлигидан Давроннинг кайфияти кўтарилди. Ҳимоят бир зумда худди шу хонадон бекасидек стол устини тартибга келтирди, керакли идишларни топиб қўйди. Буғи чиқиб турган мантини дастурхонга келтирганида Даврон таажжубдан лол қолди.

– Манти, менинг энг яхши кўрган таомим-ку, буни қадердан билдингиз?

– Аёл киши меҳр қўйган инсони ҳақида ҳамма нарса ни билишни истайди ва бунга эришади ҳам, – нозланиб жавоб қайтарди Ҳимоят.

Даврон дастлаб аёлнинг нозланиб гапиришига у қадар эътибор қилмади. Аммо унинг меҳмонлар учун асраб қўйган «нозик» ичимлиги дастурхон устидан жой олгач, вазият ўзгарди. Аёл ва эркакнинг ўзаро сертакаллуф суҳбати бир-бирига суқланиб қарашларига уланди. Иккисининг ҳам оиласи ва жуфти ҳалолига бўлган садоқати бир четга сурилди. Ўртадаги ор-номус, ҳаё ва андиша ўрнини инсонни тубанликка етакловчи ҳирс эгаллади...

Даврон ётоғида базўр кўзини очди. Деразадан тонг нафаси урилиб турарди. Кеча нима бўлганини эслашга ҳаракат қилди. «Кеча кечқурун...» фикри тиниқлаш-

ган сари юраги тез-тез ура бошлади. Ва аста ёнига кўз ташлади. Хотинининг ўрнида Ҳимоят ётарди.

Гуноҳ ишга қўл урганини англаб юраги увушган йигит аста ўрnidан кўзғалди. «Кўни-кўшниларга сездирмай уни чиқариб юбориш керак», аёлни уйғота бошлади у. Аммо кўзлари қия очик, тош қотган Ҳимоятдан садо чиқмади. «Уйқуси қаттиқ» аёлни астойдил уйғотмоқчи бўлган Даврон ранги оқариб ўзини бир қадам орқага ташлади. Ҳимоят жонсиз эди. Вужуди қалтираётган йигит телбавор қиёфада бошини чангаллади. Унинг тегишли жойга хабар бермасдан бошқа иложи қолмаганди. Бир зумда тиббиёт ва ички ишлар ходимлари етиб келишди. Аёлнинг ўлими сабаби аниқланди. Спиртли ичимлик унинг кўнгил айнашига сабабчи бўлган, қаттиқ сархуш бўлган аёл, уйқу ичида ўзини ўнглай олмай бўғилиш натижасида жон берганди. Жон берганда ҳам фаҳш ва беҳаёлик домида, шармандали ҳолда бу дунёни тарк этганди...

Ҳарбий қисм эшигидан боши эгилиб чиққан Даврон, охирги марта азиз гўшасига назар ташлади. У шу ерда ўрин топганди, дўстлар орттирганди, обрў-эътиборга эришганди. Кўркам қоматига ярашган ҳарбий либосда касбидан ғурурланиб, қаддини ғоз тутиб қадам ташларди. Бугун барчасини бой берди. Ҳатто ортидан бирорта дўсти кузатиб чиқмади. Қадди дол йигитнинг кўксини алам кемиради, ғафлатга қурбонлик қилинган шаъни, оиласи – бахтини ўйлаб юрагига пичоқ санчилгандек, беихтиёр инграб юборганини ўзи ҳам сезмай қолади.

Қадамини базўр ташлаб, ер чизиб бораётган йигит фақат хатоси ҳақида ўйларди. Тўғри, тергов жараёнида у жинойатчи деб топилмади. Барча телефон кўнғироқлари Ҳимоят томонидан бўлгани, ўз ихтиёри ила йигит билан учрашгани, ножўя ҳаракати билан ўзини ўлим чангалига топширгани Давроннинг оқланишига замин яратди.

Бироқ буни оқлаш деб бўлармикан? Чунки табиатнинг ёзилмаган қонунлари борки, ҳар бир инсон виждони олдида жавоб беради. Ҳаётнинг сирли ҳакамлиги – ҳукми остида бир умрга тўлов тўлайди. Бу ҳукм Давронга оғир келди. Аини дамда, елкасини зилдек шармандали хиёнат юки босиб турган йигитнинг хаёлидан бир фикр ўтарди: «Намуна, болаларим мени кечирармикан, кечирармикан?..»

## ДИЁНАТ

– Ҳорманг, Зокирбой.

Пешонасини ранги униққан чит дурра билан танғиб замбилғалтакка шағал солаётган йигит қаддини кўтариб овоз келган томонга қаради. Рўпарасида кўшни маҳаллалик Қурбон носдан кўкарган сўйлоқ тишларини кўрсатиб тиржайиб турарди.

– Саломат бўлинг, ака, – бир оз қаддини эгиб, қадоқ қўлларини кўксига қўйди Зокиржон. Бу унинг Қурбонга бўлган ҳурматидан далолат эди.

– Жа-а дамингиз баланд-ку, йигит, – ярим-ёрти қуйилган пойдеворга имо қилди Қурбон. – Соё тўла тош бўлса. Ўзингизни қийнамай икки қатор тош териб уй қурсангиз ҳам бўлаверарди. Ё баланд уйда ўтиргингиз келдими? – унинг кутилмаганда сизлаб, исмига «бой» қўшиб гапиришидан аччиқ истехзо, нописандлик сезилиб турарди.

– Йўғ-е, ака. Сизларга ўхшаб баланд иморатлар қуришни бизга ким қўйибди. Шунчаки, уй бақувват бўлсин деб, ярим метр фундамент қуйяпман, холос.

– Ҳаракатингдан бу йилги ҳосил яхши бўлганга ўхшайди, – жиддийлашди Қурбон ҳовлини тўлдириб турган гилос дарахтларига кўз югуртирар экан.

– Насибага яраша, ака, – Қурбоннинг кўксини емираётган ғаразни сезгандек шашти паст жавоб қайтарди йигит.

Шу орада кўшни хонадон соҳиби Ихтиёрнинг қораси кўринди.

– Э-э, оғайни, келдингми? Бир соатдан буён йўлингга кўз тутаман, – Қурбонни кўриб беихтиёр кулочи ёйилди унинг. Икковлон қуюқ салом-аликдан сўнг Ихтиёрнинг ҳовлиси томон юришди.

– Майли, чарчаманг Зокирбой, – шу орада ҳам йигитга пичинг гап айтишдан ўзини тия олмади Қурбон.

Бундай камситишларга кўникиб кетган Зокиржон бунга жавобан самимий жилмайиш билан бошини қимирлатиб қўйди-да, ишини давом эттирди.

– Кўчама-кўча мардикорлик қилиб юрган мишиқи одам бўлиб қолибдими? – ҳовли дарвозасидан ўтар-ўтмас ғаламисликни бошлади Қурбон. – Сенга кўшни бўлаётгани-чи.

– Нимасини айтасан, дўстим. Унинг ерини ҳовлимга кўшиб олиш учун қанча ҳаракат қилдим, бўлмади. Маҳалла аҳли йўл бермади. Хонадон эгалари келиб, сотишга ўзлари рози бўлсагина савдо ҳалол бўлади дейишди.

– Зокирнинг қишлоққа қайтганига ҳам тўрт-беш йил бўлди. Кўлига уч-тўрт сўм пул бериб кўндирсанг бўларди-ку.

– Кўнмади-да занғар. Пойтахт томонларда иш қилиб юриб ақл кириб қолган кўринади. Пул билан неча бор алдашга уриндим. Ота-бобомнинг жойини сотмайман, уй қуриб, аям билан укаларимни олиб келаман, деб рози бўлмади. Неча бор сувдан қийишимга қарамай, кечалари ухламай ариқ ёқалаб бўлса-да, боғ қилди. Жони жуда қаттиқ экан бу боланинг. Нашаванд отаси тирик бўлганда-ку, бу иш осон кўчган бўларди.

– Кўявер, ҳалиям кеч эмас, – ҳамтовоғининг елкасига ҳамдардларча кўлини қўйди Қурбон. – Шундай қиламизки, ҳовлисини арзимаган чой-чақага кўш қўллаб ўзи топширади сенга, – айёрона тиржайди у. – Унга уй керак бўлса, ана, даштга чиқиб ҳовли қилсин.

Икки диёнатсиз узоқ вақт бошини бошига тираган-ча нималарнидир маслаҳат қилишди...

Қишлоқ аҳли бир оиладек гап. Оға-ини, қариндош-уруғ, ёру биродар меҳр-оқибат тафти остида занжир мисол бир-бирига боғланиб кетган. Бу инсонлар ҳамиша, ҳар ишда елкадош. Бироқ ора-чорада шундай кимсалар чиқадики, бундайларни йўлга солиш мушкул. Ҳатто, Ҳақнинг жазосига рўбару бўлиб туриб ҳам ўзларини гуноҳсиз деб билишади. «Қайси гуноҳим звазига...», дея иддао қилишади Бу икки гумашта ҳам шундай диёнатсизлардан эди.

\*\*\*

1930 йилнинг ёзи. Қишлоқнинг олди қизи саналмиш Ҳавохон эл эътиборидаги хонадонлардан бўлмиш Миржалол қассобнинг ўғлига никоҳланди. Хонадон фарзандлари ичида меҳнаткаш, тиришқоқ ва зукколиги билан ажралиб турадиган Миркозим севган ёрига етишиб кўкси тоғдек кўтарилган бўлса, Ҳавохоннинг яна бир ошиғи Нусрат тўйдан сўнг далли-девонага айланди. Онасининг ёлғиз ўғли бўлган бу йигит минг бир қаратиб-кўрсатишларга қарамай, йиллар ўтсада мажнунлигича қолди.

Бу орада Ҳавохон бир этак болали бўлди. Бироқ юртга келган чечак офати фарзандларини бир-бир домига тортди. Бу ҳам етмагандек, 1941 йилнинг ёз тонгида уруш наъраси янгради. Юртнинг қурол ушлашга қодир бор эркаги жангоҳга отланди. Ҳавохон келин бўлган хонадонда ҳам фақат аёллар қолди. Миркозим муҳорабага отланар экан, ҳомиладор хотинига сўнгги бор айрилиқнинг сўнмас дарди ила термилди. Фарзандларидан айрилиб, ёлғиз қорнидаги боласигагина умид боғлаб турган бардошли аёлига сабр тилашдан бошқа чора топмади. Унинг ўкинч тўла нигоҳида

бағрига эсон-омон қайтишини истаб турган илтижо туйди. Аммо...

Аммо уруш поёнига етган бўлса-да, катта хонадондан кетган бирорта эркак ортга қайтмади. Эри урушга кетгач, уч ойдан сўнг туғилган ўғли Ғофиржон беш ёшга қадам қўйди. У соғлом туғилганига қарамай, ёшига нисбатан жуссаси кичик, оёқлари маймоқ, овози хаста бўлиб, умуман отасига ўхшамасди. Шундай бўлса-да, онаизор «отасидек келишган йигит бўлмаса ҳам майли. Бахтимга соғ-саломат катта бўлиб, оила қуриб, атрофимни неваралар билан тўлдирса, ота жойига эгалик қилса бўлгани», дея ният қиларди.

Йиллар ўтди. Кўримсизгина Ғофиржон онасининг саъй-ҳаракати билан ўзидан кўра бўйчанроқ Турғуной билан оила қурди. Аммо гоҳ беданавоз, гоҳ қиморбоз, гоҳо нашавандлар даврасига ўзини урадиган йигит оила масъулиятини заррача ҳис этмасди. Онасининг насиҳати, ялиниб-ёлворишлари ўта дангаса, лоқайд ва танбал йигитга кор қилмас, девоналардек кўчадан бери келмасди.

Ҳатто бирин-кетин туғилган ўғил-қизлар ҳам унинг феъл-атворини ўзгартиролмади. Шундай кунлардан бирида ёз чилласида куйиб-ёниб ўғлини ножўя ишлардан асраш учун ортидан суриштириб юрган Ҳавохон хола, кутилмаганда бир пайтлар унга ошиқ бўлган Нусрат девонага дуч келди-ю, бир дам қотиб қолди. Унга неча бор рўбару келган бўлса-да, эътиборсиз ўтиб кетадиган аёл, айна дамда унинг қиёфасида ўғлини кўриб турарди. «Бу қарғиш, бу ёлғизгина ўғлим орқали менга юборилган қарғиш», беихтиёр лаблари пичирлади аёлни ва шу аснода кўз олдида ёшлик чоғлари гавдаланди.

Ариққа сувга чиққан қиз ҳар гал ўша жойда ошиғи девона – Нусратнинг туришини яхши биларди. Бу ҳол унга ёқарди, албатта. Чунки йигитнинг ялинчоқ илти-

жолари, унга аталган ғазалларини тинглаш қизни ҳаяжонга солар, ўзини маликалардек ҳис этарди. Ҳатто ошиғига «шафқат» кўрсатиб рўмолча ҳадя этган, совчилар ҳақидаги саволига «агар ота-онам рози бўлса...» дея ошиқнинг юрагини ҳаққиратувчи умидли жавоб ҳам берганди.

Аммо тақдири ўзга йигитга боғланди. Тўғрироғи, у нуфузли хонадонга келин бўлишдан асло бош тортмади. Нусратнинг Миркозимга ялиниб-ёлворишлари ҳам кумга қуйилган сувдек изсиз кетди...

Ҳавохон хола ўтмишини бир-бир ёдга оларкан, бўшашган кўйи ортига қайтди. Энди ўғлига инсоф кирмаслигини, оилани, рўзғорни эплаш келини иккисининг илкида эканини англади. Бироқ кўп ўтмай, бағри куюк она оламдан кўз юмди. Ҳавохон хола тупроққа қўйилгач, эртасига тонг саҳар Нусрат девона ҳам омонатини топширди. Унинг қабри бу дунёни тарк этгунга қадар юрагини банд этган севимли инсони олдидан жой олди.

Андуҳлар бўлсинки, Ҳавохон холанинг ўлими оилани парокандаликка олиб келди. Нашавандликни касб этган хонадон бошлиғи онасидан сўнг бутунлай оиласини унутди. Бу ҳам етмагандек, ўн яшар ўғли Жавлонни бозорга олиб бориш баҳонасида шаҳарлик бир бадавлат одамга хизматкор сифатида яширинча сотиб юборди. Ўн еттига қадам қўйган Зокиржон эса оиласини ночорликдан асраш учун иш қидириб қишлоқни тарк этди. Қайнонасидан сўнг, ношуд ва уқувсизлиги юзага чиққан Турғуной болалари тугул ўзини эплай олмагач, қизини олиб ён қишлоққа келин бўлган синглисининг уйига бошпана сўраб боришга мажбур бўлди. Шу тариқа бир пайтлар гуллаб-яшнаган хонадон бойқушлар маконига айланди.

Бироқ ушбу ҳовли неча йиллар кимсасиз ётган бўлсада, ўтганларнинг ҳурмати ҳақи қишлоқ аҳлидан би-

рор зот бу жойга кўз олайтирмади. Оққан дарё яна ўзанига қайтади, деганларидек оила давомчиларининг қайтишини кутди. Ва ниҳоят, орадан етти йил ўтиб хонадоннинг тўнғич фарзанди Зокиржон қишлоққа қайтди Йигит катта бўлган ҳовлисига кириб борганида урушдан кейинги йилларда қурилган кесакдевор уйлар аллақачон нураб бўлган, каттагина ҳажмга эга ҳовли томорқасини эса ўт-ўланлар қоплаганди. Мусофирликда суяги қотган йигит бу ҳолдан ўзини йўқотмади. Ҳовлисини боғ қилиш учун астойдил тер тўкди. Эски уйларни бузиб янги иморат қуришга жой ҳозирлади. Болаликдаги дўстлари, маҳалла аҳли уни ёлғиз қолдирмади, имкон қадар ёрдам қўлини чўзди.

Томорқани тўлдирган юз тупга яқин гилос йиллар ўтиб аста-секин мева бера бошлади. Бу орада Зокиржон онаси ва укаларининг ҳолидан хабар олиб турди. Қишлоқда кимнинг қандай юмуши бўлса хизматга шайлиги сабаб, элнинг меҳрини қозонди. Лекин қўли юпқалиги боис, уй солиб яқинларини олиб келиш орзуси орқага сурилди...

Мева ҳосили, устачилик ва чилангарлигидан қўли пул кўрган йигит мана, уй қуриш учун астойдил ҳаракат қилаяпти. Нияти – кузгача иморатнинг томини ёпиш. Қани энди сармоясини етса-ю уйининг бир хонасини бўлса-да қўлдан чиқариб, яқинларини жамласа. Кейин уйланиб, аллақачон бола-чақалик бўлиб кетган тенгдошлари қатори у ҳам оила қурса. Йигитнинг хаёлий орзуси поёнига етмай:

– Чарчадингми дейман, Зокиржон, жуда хаёлга толибсан, – деган меҳрли товуш эшитилди.

Бу яна Қурбон эди. Зокиржон ўта такаббур ва пулга ўч, унга нисбатан ҳамиша нописанд бўлган бу одамнинг юмшоқ муомаласидан ҳайратланган кўйи:

– Ҳа, энди шу, ҳаёт муаммоларида, – деди дардини юзага чиқаришни истамай.



- Сени тушунаман ука. Ниятинг тезроқ уйингни битказиб, онанг билан укаларингни саргардонликдан қутқариш, - катталардек салмоқли сўз бошлади, у. - Ёшинг ҳам ўттиздан ошяпти, уйланишинг керак. Агар хоҳласанг, бир оз йиғиб қўйган сармоям бор. Шуни сенга бериб туришим мумкин. Ишларингни битириб олганингдан кейин қайтарарсан. Яқин-ўртада пулга муҳтожлигим йўқ. Кейин сенинг ҳалол йигит эканинга ишонаман. Менинг ҳам қанча ишимни битказиб бергансан, сенга фойдам тегса тегибди-да.

Зокиржон бу меҳрибончиликдан ўзини йўқотиб қўяёзди. Ва албатта, бунга рози бўлди. Кўп ўтмай гувоҳлар олдида «Қурбон ака истаган пайтида олган қарзимни қайтариб бераман», қабилидаги тилхат билан каттагина маблағ олди. Шубҳасизки, бундан йигитнинг боши осмонда. У қурилиш ишларини жадаллаштириб юборди. Уч хонали уй кўтарилиб, томи беркилди. Сувоқдан чиқиб, дераза-эшиқлар ўрнатилди. Орзусига яқин, жуда яқин қолганда йигит учун кутилмаган ҳолат рўй берди. Қурбон пулини сўраб келди.

- Энди, шундай бўлиб қолди, Зокирбой. Тез топиб бермасанг бўлмайди. Бошқа иложим йўқлиги учун олдингга келдим. Сенга бир кун муҳлат.

- Ака, бир кун ичида шунча пулни қаердан топиб бераман? - зорланди йигит.

- Ўлимдан бошқа нарсани иложи бор укам. Ана, ҳовлингни қўшнинг Ихтиёрга сот. Қарзингдан қутулсан. Қолган уч-тўрт сўмга даштдан ер очиб мева эксанг, ҳаш-паш дегунча боғ бўлади. Бир чеккасига уй қуриб оласан. Сен меҳнатда пишган чайир боласан, бу қўлингдан келади.

Зокиржон унинг сўзларини эшитиб «ўргимчак тўрига» илинганини кейин пайқади...

Диёнатсизлар ниятига етди. Йигит ҳовлисини сотишга мажбур бўлди. Унинг ширин орзулар ила қур-

ган уйи Ихтиёрнинг молхонасига айланди. Лекин орадан кўп ўтмай Ихтиёрда телбанамо ҳаракатлар юзага чиқа бошлади. Гоҳо ўзига-ўзи гапириб кулар, гоҳо йиғлаб, гоҳида эса пичоқ кўтариб бола-чақасини қувишдан тоймасди. Дастлаб яқинлари унинг бу ҳолини атрофдагилардан беркитишга ҳаракат қилишди, яширинча қаратиб кўрсатишди. Бироқ касални яширсанг, иситмаси ошкора қилади деганларидек, у беҳуш ҳолда уйдан чиқиб кетадиган одат чиқарди. Бу ҳам етмагандек, қўлига арқон тушди дегунча, оғилга кириб ўзини осишга ҳаракат қиларди. Шу сабаб, ҳеч бўлмаганда оиладан бир киши унга кўз кулоқ бўлишга мажбур эди.

Қурбон эса қилган диёнатсизлигидан заррача пушаймон бўлмас, ҳамтовоғининг бошига келган кулфат нопок йўл касри эканини хаёлига келтирмасди. Тонгга яқин уйига қайтган маишатпараст йигит кўзи илинди-ю, кўрқинчли тушдан уйғониб кетди. Тушида Ҳавохон хола унинг қўлидан етаклаб набираси қурган, Ихтиёр оғилхонага айлантирган уйга олиб кирганмиш. Сўнгра уй шифтига имо қилиб тепада осилган иккита дорни кўрсатибди-ю кўздан ғойиб бўлибди.

Қурбон ўрнидан тура солиб юзини ювди. Унча-бунча нарсага парво қилмайдиган йигит кўксидаги безовталикни босиш учун ҳовлидан ташқарига чиқди. Эндигина дарвоза ҳатлаган ҳам эдики, қаердандир шошилиб келаётган қўшниси Омонга кўзи тушди. Салом-аликни қисқа қилган йигит:

- Қурбон ака эшитдингизми? Дўстингиз Ихтиёр ака ярим тунда оғилхонага кириб ўзини осган экан, хотини сезиб қолиб арқонни кесиб юборибди. Ҳозир чалажон ҳолда дўхтирда экан, – деди ваҳимали қиёфада.

Буни эшитган Қурбон оёқ-қўли қалтираган кўйи дарвозага суянганча қотиб қолди...

## ИККИ ЎТ ОРАСИ

Зайнаб опа субҳидам чоғи кўзини очди-ю ташқарига қулоқ тутди. Келини ҳар кунгидек эрта туриб ҳовли супуряпти. Кўнгли хотиржам тортди. Ўрнидан қўзғалар экан, ўғли Соҳибжоннинг паст товушда унга нималарнидир уқтираётгани ва майин кулгу қулоғига чалинди, энсаси қотди. «Намунча хотин қули бўлмаса бу бола». Аёлининг товушидан уйғониб кетган Эркин ака:

– Тинчликми? – деди ёстиқдан бошини кўтариб.

– Ўғлингизни айтаманда, тўй ўтгандан буён каллаи саҳарлаб хотинининг биқинига кириб, бирга ҳовли супуришади.

– Ҳа энди, янги келиннинг янги жойга ўрганиши осон эмас. Келин тонг қоронғисида ёлғиз чиқишга қўрқса керак. Ёрдам берса берибди, шунга шунча хуноб бўласанми?

– Бир кун ёрдам берсин, икки кун, ҳа қўйингки уч кун. Бугун тўй ўтганига ўн кун бўлди.

– Ҳалитдан ғурбат бошламасанг-чи. Арзимаган нарсага эрталабдан кайфиятни бузасан, – аёлини жеркиб берди оила бошлиғи. – Ўғлинг узоғи билан бир ҳафтадан сўнг ўқишга кетади. Унгача иккала ёшни тинч қўй.

Оилада ҳамиша сўзини ўтказиб келган аёл бу гал нафасини ичига ютди.

Келин олишнинг ўзгача гашти бор. Тонг саҳардан ҳовлилар ёғ тушса ялагудек чинни-чироқ. Нонушта тайёр. Малак янглиғ парирўй келинчак тавозе ила чой узатганда келин олишдаги барча заҳмату тўй ичидаги чарчоқларинг бир зумда унутилиб кетади. Лабларинг ўз-ўзидан дуога қовушади.

Эркин ака билан Зайнаб опа ҳам айни дамда мана шундай роҳатбахш лаҳзалардан масрур. Хонадон бошлиғи икки ёшни дуо қилиш баробарида, ўрни келганда уларга насиҳат қилишни лозим топди:

- Болаларим, олдиларингда жуда катта синов турибди. Аввало бир йилдан зиёд айрилиқда яшашларингга тўғри келади. Чунки ҳарбий билим юртида ўқишнинг ўзи бўлмайди. У ердаги қатъий тартиб шуни тақозо этади. Бошқа ўқиш бўлганда-ку, балки Соҳибжон йигирма кун, бир ойда келиб-кетиши мумкин эди. Аммо офицер бўлиш осон эмас. Шунинг учун ҳар қандай шаброитда сабрли бўлишларинг лозим.

- Бу борада биздан кўнгилларинг тўқ бўлсин, - Соҳибжоннинг меҳрли нигоҳи ҳаёдан бошини эгиб ўтирган келинчакнинг гўзал чехрасини бир лаҳза силаб ўтди. - Сарвиноз билан бу борада тўйдан аввал келишиб олганмиз. У ўқимишли бўлгани учун менинг ҳолатимни тўғри тушунади. Рухсат берсаларинг мактабдаги ишини давом эттириб, хизматларингни қилади. Мен унга ҳар томонлама ишонаман.

- Бор йиғиб-терганимизга умид билан келин олдик, - қошларини чимириб суҳбатга қўшилди Зайнаб опа. - Хизматимизни қилса кам бўлмайди. Мактаб ҳам бир қадам. Уй юмушларини уддаласа, ишлашига қаршиликимиз йўқ. Ҳарна рўзғорга ёрдам бўлади.

Сарвиноз қайнонасининг гапларини очиқ чехра билан қабул қилди. Қайнотасининг насиҳатига итоат ила бош эгди. Шу аснода, ҳаёт унга ўзи орзу қилган тўкин бахтни осонликча рўбару қилмаслигини, бунинг учун сабру садоқати минг бир синовдан ўтишини ҳис қилиб турарди у.

Бир ҳафта ўтмай Соҳибжон ўқишга отланди. Йигитнинг яқинлари билан хайрлашув онлари ҳар галгидан-да бу сафар оғир кечди. Чунки ёрининг мунгли нигоҳига муҳрланган кутилажак ҳижрон дарди, юзида ним кулгу бўлса-да, титраб турган лабларидаги айрилиқ изтиробини угина юракдан сезиб турарди. Янги оилада эндигина ҳаёт бошлаган Сарвинознинг илкида ўзига нисбатан-да бир қадар оғир юк борлигини анг-

лаб етганди. Шунингдек, волидаи муҳтарамаси ҳамда турли сабабларга кўра оила қурмаган опаси Маликанинг инжиқ феъли ҳам унга беш кўлдек аён эди.

Соҳибжон ўқишга кетгач, Сарвиноз янги оила аъзоларининг ҳурматини жойига қўйиб, уларнинг меҳрини қозониш учун астойдил хизмат қила бошлади. Бу орада меҳнат таътили тугаб, мактабдаги ишини ҳам давом эттирди.

– Сарвинозхон, олдиндан уқтириб қўйиш менинг вазифам, – ишга отланаётган келинчакка дилидаги гапларини, тўғрироғи, шартларини чертиб-чертиб таъкидлади Зайнаб опа. – Ота уйингиз мактабга яқин. Яна мендан бесўроқ бўлар-бўлмасга уйингизга бош суқишни одат қилманг. Яқинларингиз сизни кўргилари келса, ҳурмат билан келиб, йўқлаб кетишсин. Шу хонадонда униб-ўсаман десангиз, айтганларим ёдингиздан чиқмасин, тушундингизми?

– Тушундим, – деди аста Сарвиноз бўшашган кўйи.

– Келин, нима, «аяжон» деган сўзни ичингизга ютиб юбордингизми? – қайнона-келин суҳбатини эътибор ила кузатиб турган қайнопаси Малика Сарвинозга танбеҳ бера кетди. – «Хўп бўлади, аяжон», десангиз тилингиз...

– Малика!.. – Отасининг кутилмаганда «овозингни ўчир» қабалидаги буйруқона товушидан нафаси ичига тушган қиз «аламини» ичига ютди. Оила бошлиғининг биргина сўзи кутилаётган дилхираликнинг олдини олганди.

– Қизим, сиз ишингиздан кеч қолманг.

Сарвиноз қайнотасининг оталарча меҳрига суянган ҳолда қафасдан қутулган қушдек ташқарига шошилди.

Шу зайлда кунлар ўта бошлади. Сарвиноз қайнонаси ва қайнопасининг инжиқ феълига чидаб, қўйган талабларини бажаришга, оиладаги катта-кичик-

нинг ҳурматини жойига қўйишга ҳаракат қиларди. Шунингдек, чимилдиқ ипи узилмай ёр ҳижронига рўбару бўлган келинчак учун соғинч дарди билан яшаш осон эмасди, шубҳасиз. Гоҳида эса телефон орқали интиқлик ила кутилган суҳбат ҳажр заҳмида ёнган икки қалбга оз бўлса-да малҳам бўларди.

Ва ниҳоят, орадан тўрт ой ўтиб, Соҳибжон қисқа муддатли таътилга келди. Ёшлар бир-бирига қай даражада талпиниб турмасин, айрилиқдаги муддат уларнинг бир қадар руҳан йироқлашишига замин яратиб улгурганди. Шу сабаб учрашувга чиққан йигит-қиздек тортиниб турган келин-куёв никоҳнинг илк кечасидаги ҳаяжонни қайта туйгандек эдилар. Эртасига эса Зайнаб опа:

– Сарвинозхон, кўпдан буён уйлариңга бориб ётиб келмадингиз. Бугун борақолинг. Қудаларим, айниқса, бувингиз хурсанд бўлади. Эртага ишдан чиқиб келарсиз, – деди меҳрибонлик билан.

Сарвиноз нима дейишини билмай, Соҳибжонга қаради. Онасининг қандай ниятда бундай йўл тутаётганини тушуниб етмаган йигит унинг истагига унсиз бош эгди...

– Қизим, куёвинг неча ой деганда уч-тўрт кунга ўқишдан келса-ю сен унинг олдида бўлишнинг ўрнига бу ерга келиб ётсанг. Ишқилиб, хафа бўлмасмикан? – деди Мухлиса хола набирасининг жилмайишга ҳаракат қилаётган сўлғин чехрасига термилиб.

Қайнонасининг инжиқликлари ҳақида ҳеч кимга оғиз очмаган Сарвиноз бувисининг жўяли маслаҳати-га муҳтожлиги боис ҳам бу ҳақда унга гапиришга жазм этди. Буви-набира узоқ суҳбатлашишди.

– Бувижон, кўп ҳолларда нима учун қайнота келинга меҳрибону, қайнона бунинг акси бўлади. Менинг қайнотам ҳам ҳамиша ёнимни олади, меҳрибонлик қилади, қайнонам эса...

Мухлиса хола набирасига маслаҳат беришдан, на-  
сихат қилишдан аввал унинг кайфиятини кўтаришга  
ҳаракат қилди.

– Ҳазимнинг ақлли қизгинам, кел, сенга қадимдан  
қолган бир ривоятни айтиб бераман. Бу сенинг саво-  
лингга жавоб деса ҳам бўлади:

Ривоят қилишларича, Одам Ато билан Момо Ҳаво  
узоқ йиллар умргузаронлик қилиб, кўп ўғил-қиз-  
лар кўришибди. Бироқ Момо Ҳаво бувимиз фарзанд  
кўриш ёшидан ўтиб кексая бошлагач, Одам Ато бо-  
бомиз азият чека бошлабди. «Ҳали ер юзига қанча  
одам керак. Ҳаво эса қариб қолаяпти. Бунинг чора-  
сини кўриб Яратгандан ўзимга яна бир ёш хотин  
сўрамасам бўлмайди».

Унинг илтижоси Тангрига етиб, жаннатдан гўзал  
фаришта қиз унга умр йўлдош бўлиш учун ерга туши-  
рилибди. Турмуш ўртоғининг олдида бош эгиб турган  
гўзал келинчакни кўриб Момо Ҳаво бувимиз ҳайрат  
билан сўрабди.

– Бу не синоат, Одам Ато?

– Сен мен учун энг азиз аёлсан. Аммо энди фарзанд  
туға олмаслигинг мени ташвишга солаяпти. Ер юзига  
одам кўпайтириш эса бизга буюрилган Тангрининг  
фарзи. Шунинг учун бола кўрадиган ёш хотин сўраш-  
дан ўзга чора топа олмадим.

– Сен Оллоҳнинг пайғамбарисан. Унга қилган бар-  
ча тилакларинг рўёб бўлиб қайтади. Наҳотки, шунча  
эъзозга муяссар бўла туриб, менинг яна ёш келинчак-  
ка айланишимни сўрамаган бўлсанг?

Одам Ато ўйлаб қараса, жуфти ҳалолининг гапи  
тўғри. Шу нарса хаёлига келмаганига хижолат че-  
кибди. Шунча йиллар турмушнинг азобу шодлигини  
бирга тортган аёлига нисбатан ноҳақлик қилганлиги-  
ни англаб етибдию, Яратгандан унинг ёш бўлишини  
сўраб нидо қилибди.

Момо Ҳаво яна аввалгидек ёш ва нозанин аёлга айланибди. Бироқ жаннатдан ерга тушган фаришта яна қайтиб у ерга қабул қилинмас экан. Шунинг учун унга ерда яшаш изни берилибди. Бу ҳолдан Одам Атонинг боши қотибди: «Энди фаришта қизни нима қилсак экан?» Қарангки, бу мушкулотнинг ечимини ҳам тадбиркор бўлган аёл зоти – Ҳаво момомиз ҳал этибди:

– Нима қилардик, уни катта ўғлимизга келин қилиб олиб берамиз.

Барча жумбоқлар ечими топилиб, уларнинг ҳаёти яна аввалгидек осойишта кунларга уланибди. Аммо Момо Ҳаво келинига нисбатан аввал туғилган рашкнинг аламли излари сабаб, уни меҳр билан суймас, Одам Ато эса ўзига жаннатдан туширилган фаришта қиз ўғлига хотин бўлганлиги учун уни самимий меҳр билан ардоқлар экан.

Ривоятни эшитиб Сарвинознинг беихтиёр чеҳраси очилди...

– Бувижон, болалигимизда қанча эртагу ривоятлар айтиб бергансиз. Лекии буни сира эшитмаган эканман.

– Ҳа, бу шунчаки доно халқимиз томонидан тўқилган бир ривоят. Аслида, ҳаётда яхши қайноналар жуда кўп. Келинининг ёмонини яшириб, яхшисини ошириб, рўзғор тутишдан сабоқ берадиган, фарзандларидан ортиқ авайлайдиган, болаларини тенгма-тенг катта қилишадиган оқила қайноналар улар. Сенинг қайнонанг ҳам ёмон эмас, кўнглига йўл топсанг бўлади.

– Ҳаракат қилаяпман, лекин уларнинг кўнглини олиш жуда қийин, – уҳ тортди Сарвиноз. – Бунинг устига қайнопам ҳамма нарсага аралашади, ҳар битта ишимдан айб топади. Хўжайиним олдимда бўлганда-ку бу қийинчиликлар билинмасди, менга таянч бўларди.

– Инсоннинг бахт топиши осон эмас. Айниқса, аёл зотининг, – набирасига босиқлик ила ўғит бера бош-



лади Мухлиса хола. – Айтганларимни қилсанг асло кам бўлмайсан, болам. Аввало, ҳамиша чеҳранг очиқ бўлсин. Оилангдагилар қовоқ солинган тунд, норизо қиёфангни кўришмасин. Оила сирини ўзингни сирингдек асра. Асло ташқарига гап олиб чиқма. Мен ҳам бир пайтлар сен каби ёш келин бўлганман. Онам ҳар гал бир ўгитни такрорларди: «Меҳнатинг ва ҳурматингни аяма-санг бахт сеники». Сен ҳам шу ўгитни ёдингдан чиқарма, қизим. Уни ҳикматдек қабул қил. Сабр ва садоқат эса аёл киши учун фарз амалидек гап. Буни сенга уқтиришнинг ҳожати йўқ. Чунки бу ҳақда аввал ҳам айтганман. Набираларимнинг ичида энг ақллиси, сабрлиси ўзингсан, сендан кўнглим тўқ.

Сарвиноз бувиси билан суҳбатдан сўнг ўзини парвоздаги қушдек ҳис этди, руҳи енгил тортди. Бувисига «насиҳатларингизни сирғадек қулоқларимга тақиб оламан, кўнглингиз хотиржам бўлсин», дея ваъда беришни ҳам унутмади.

Кўз очиб юмгунча Соҳибжоннинг таътил кунлари ортда қолиб, йўлга чиқишга шайланди. Икки ёш учун висол онлари ширин тушдек эди гўё. У қайтар чоғи Сарвинозга нималарнидир айтишга қийналар, безовталанарди. Ва ниҳоят, унга дилини ёрди:

– Сарвиноз, сенга ўзимга ишонгандек ишонаман. Дадам, укаларим ҳам сендан миннатдор. Фақат аямнинг кўнглини олиш бир оз мушкул. Шунинг учун уларга ёқишга ҳаракат қил. Опамнинг феълини ҳам тўғри тушун. Шуларнинг айтганини қилсанг ўртада дилхиралик бўлмайди. Ҳадемай ўқишни битираман. Кейин ҳеч қачон бир-биримиздан айрилмаймиз, – унинг илтижолни нигоҳидан онасининг Сарвиноздан норизолигини (гарчи бунга айтарли сабаблари бўлмаса ҳам) англаш қийин эмасди.

Сарвиноз умр йўлдошининг кўнглидан кечаётган дардни тўғри тушунган ҳолда майин жилмайган кўйи

уни тинчлантирди. Рафиқасининг босиқлиги, ҳар бир ишни сабр ва мулоҳаза билан ҳал этишига ишонган йигит хотиржам қиёфада йўлга отланди. Бироқ қалбидаги онаси кўзғатган ғалаён босилай демасди. Унинг «хотининг ниҳоятда айёр. Шу билан яшасанг биринг икки бўлмаслиги аниқ», деган ғазабнок сўзлари қулоғи остидан нари кетмасди...

– Сарвинозхон, дорга ёйган кирларингиздан кир-соданинг ҳиди келяпти, тезда йиғиб олиб, қайтадан яхшилаб чайинг... Ҳовли супуришни биласизми ўзи, ҳовлида супургининг изи қолмаслиги керак. Наҳот шуни ҳам мен ўргатсам..., Пасон бўлиб мактабга бориб келавермай, ҳовли этагидаги томорқага ҳам қараб қўйинг..., Сувга чиқди дегунча йў-ў-ўқ бўлиб кетасиз. Қўшни келинлар билан камроқ ғийбатлашсангиз яхши бўларди. Ҳаммаларинг йиғилиб олиб қайноналарингни ёмонласаларинг керак-да?..

Сарвиноз қайнонаси қандай танбеҳ бермасин жимгина бош эгар, унинг кўнглидагидек иш тутишга ҳаракат қиларди. Бувисининг «... бахт топаман десанг қайнонангнинг синовларига чидайсан, болам. Чунки ўша аёлнинг меҳнату машаққат билан яратган хонадонига бекалик, бино қўйиб улғайтирган Алпомишдек ўғлига эгалик қилгани боргансан. Қайси қайнона сенга ўз давлатини, папалаб катта қилган ўғлини шундай топшириб қўяди. Албатта синовдан ўтказди-да. Сабр қилсанг, хизматингни аямасанг ўша хонадонда ўрин топасан...» деган сўзлари унга ҳамиша мадад бўларди. Баъзида эса, кўз ёшларини унсиз яширарди. Шундай кунлардан бирида:

– Онаси, намунча келин билан ўчакишавермасанг? – хотинига танбеҳ берди Эркин ака. – Айтганингни қилса, гап қайтармаса, хизматингга шай турса. Шунга қарамай феълинг кундан-кун ўсал бўлиб бораяпти. Сенга яна нима керак ўзи?

- Ҳа, забони йўқ, илондек силлиққина ишини битирадиган келинга рўбару бўлдим. Шу келгандан буён сиз ҳам мени кўп тергайдиган бўлиб қолдингиз. Ўғлингизнинг-ку хаёли фақат хотинида, - фиғони фалакка чиқди Зайнаб опани. - Хотини билан соатлаб телефонда гаплашади. Аммо онани эсламайди.

- Ўғлингнинг телефонда гаплашишга умуман имкони йўқ. Буни жуда яхши биласан. Чунки курсантларга бу нарса тақиқланган. Балки ора-чора рухсат олиб гаплашган бўлса бордир.

- Шуни айтаман-да. Деярли ҳар куни кечқурун келин билан гаплашаётганига гувоҳман. Бундан чиқди ўғлингиз қонунни бузаяпти. Бунга мана шу сув илон хотини мажбур қилаётгани аниқ. Шу кетиш бўлса, Соҳибжонни ўқишдан ҳайдаб юборишмаса бўлгани.

- Агар шундай бўлса, бунинг асосий айбдори сен бўласан, - бир гапдан қолмайдиган аёлига ўшқирди оила бошлиғи. - Чунки болани мажбурлаб уйлантирган ўзингсан. Ўғлинг ўқишининг нозик томонлари ҳақида қанча гапирди, тушунтирди. Аммо кулоқ солмадинг. «Ҳарна биттангдан қутулганим», деб туриб олдинг. Келиннинг эшигингда хизмат қилишини истадинг. Энди бўлса уни кўрарга кўзинг йўқ.

- Чунки у мен ўйлаган келин бўлиб чиқмади. Ўлардек пишиқ, писмиқ. Эртадан кейин ўғлимни бутунлай ўзиники қилиб олади. Кейин ўғлингиз ойда-йилда бир ҳолимиздан хабар оладими, йўқми?

- Ўзи сенга гап уқтириб бўлмас экан, - чуқур «ух» тортди Эркин ака. - Шундоғам ўғлинг хизмат бошлаганидан кейин ҳар ойда келиб-кетишга имкони бўлмайди. Керак бўлса ўзинг бориб кўриб келасан. Бунинг хотинига умуман дахли йўқ. Негаки, хизмат масъулияти, қонун-қоидаси шундай, офицер бўлиш осон эмас.

Зайнаб опа эрининг гапини мулоҳаза қилар экан, ўйланган кўйи жим қолди. У шу алфозда хаёлан турли режалар тузмоқда эди...

Икки ёш учун ҳижронга йўғрилган ойлар ортида қолиб ва ниҳоят, Соҳибжон ҳарбий билим юртини тамомлади. Офицерлар сафидан жой эгаллади. Сарвинознинг хаёлида янги ҳаёт, ўзгача турмуш тарзи кучоқ очмоқда эди гўё. Офицер йигитнинг севимли ёри бўлиб, ҳарбий оиллага бекалик қилишини ўйлагани сари ўз-ўзидан юраги ҳапқирар, бу сирли дунёнинг барча синов ва қийинчиликларига руҳан тайёр эди у. Фақат, фақат умр йўлдоши билан бирга яшаса бўлгани.

Соҳибжон янги хизмат жойига отланар экан,

– Ўзимнинг ақллим, меҳрибоним, яна озгина сабр қилишингга тўғри келади, – деди ёрига илтижоли термилиб. – Хизматни бошлаган заҳотим бирга яшашимиз учун уй ҳозирлайман. Рўзгорнинг кам-кетикларини борганиндан кейин бирга қиламиз, ҳаммаси яхши бўлади.

Унинг сўзлари бир-бирига талпиниб турган икки қалбнинг ширин орзуларига уланди. Айни дамда улар жуда бахтиёр эди.

Сарвиноз келинлик вазифасини ҳар доимгидек меҳр ва иштиёқ ила бажариб, ёрининг йўлига кўз тутарди. Маълум фурсат ўтиб, Соҳибжон уни олиб кетиш учун келди. Йигитнинг мамнун чеҳрасидан унинг хизмати ва режадаги ишлари жойида эканлигини англаш қийин эмасди. Бироқ улар ҳали олдиларида кутилмаган тоғдек синов турганини хаёлларига келтирмаганди.

– Хотинингни олиб кетишинг учун менинг розилигимни олдингми? – Соҳибжон онасининг дафъатан берган саволидан бир муддат қотиб қолди ва:

– Дадам билан маслаҳат қилдик-ку, – деди ранги ўзгариб.

– Ўғил туғиб, орзу-ҳавас билан келин олган менман. Шунинг учун отанг қатори маслаҳат беришга, керак бўлса тақдирингни ҳал этишга ҳақим бор. – Зайнаб опанинг туришидан вазият анчайин жиддий эди. Буни англаган Соҳибжон:

- Аяжон, арзимаган нарсани жуда бўрттириб юборасиз-да, - деди онасига ён берар экан, ўзини қўлга олиб. - Биламан, сиз менинг ёлғиз, қийналиб яшашимни асло истамайсиз, тўғрими?

- Албатта истамайман. Лекин ўзингга муносиб бўлмаган хотин билан яшашингга ҳам йўл қўймайман.

- Бу нима деганингиз? Сарвиноз менга ҳар томонлама муносиб-ку. Феъл-атвори ҳам ёмон эмас.

- Хотиним сиздан ҳам ортиқ демоқчимисан? Ҳозирдан бошингни айлантириб бўпти. Яхшики туғиб бергани йўқ. Агар болалик бўлса борми, уйдан чиқиб кетгандан кейин бизни танимай қолсанг ҳам керак.

- Аяжон...

- Нима аяжон? Менинг гапим шу. Хотининг менинг хизматимни қилиб, рўзгор тутишни ўрганиб, ишончимни оқласагина сен билан яшайди. Бўлмаса ана, катта кўча, кетаверсин. Сени ўзимга ёққан бошқа қизга уйлантираман.

- Сарвинозни ҳам ўзингиз топгансиз-ку. Ҳатто менинг кўнглим билан ҳисоблашмагансиз. Энди кўнгил қўйганимда ундан айирмоқчимисиз?

- Ана, худди ўйлаганимдек бўлиб чиқди. У сени иситиб олгани аниқ. Ўшандан бошқа одам кўзингга кўринмай қолибди.

Соҳибжон онаси билан баҳслашиш бефойда эканини англаб етди-ю қандай йўл тутишини билмай бошини чангаллаган кўйи узоқ вақт қотиб ўтирди. У икки ўт орасида ёнарди.

Она-бола ўртасидаги суҳбатни эшитиб турган Сарвинознинг кўз олди қоронғилашди. Энди унинг бор умиди қайнотасидан эди. Кечга томон ишдан қайтган Эркин ака бўлиб ўтган ишларнинг тагига етгач, хотинини инсофга чақирди, ўжар феъли учун дакки берди, яхши гап билан муроаса қилишга ҳаракат қилди. Аммо бир гапни ушлаб олган аёл алал-оқибат келинини уйдан ҳайдашга тушди:

- Эримни, ўғлимни ўзингга оғдириб, йўлингга солиб олганинг учун сени икки дунё кечирмайман. Ҳозироқ уйимни бўшатиб қўй.

Сарвиноз кўзларидан ёш қуйилар экан, қайнонасига бир оғиз ҳам сўз айтмади. Онасига қарши боролмаган Соҳибжоннинг унга термилиб турган илтижолари нигоҳи-га умид ила бир зум боқди-ю хонадонни тарк этди.

Эртасига Соҳибжон Сарвинозларнинг хонадонига борди. Қайнона-қайнотаси ҳеч гап бўлмагандек уни ҳурмат ила қарши олишди. Қайнотаси Абдусалом ака бўлиб ўтган воқеаларга тўхталар экан, куёвиги оталик маслаҳатини берди:

- Она ҳар биримиз учун аёлимиз ва фарзандларимиздан ҳам аъло, тенгсиз зот. Уни ардоқлашимиз, кўнглини олишимиз шарт. Шунингдек, эркак кишининг ҳаётини аёлсиз - умр йўлдошсиз ҳам тасаввур этиб бўлмайди. Шу сабаб қадимдан қолган мақол бор: «Бир қўлингга онангни, бир қўлингга рафиқангни тута бил». Ўғлим, шу нарсага қодир бўлган кунингиз Сарвиноз сизники. Бемалол олиб кетаверинг...

Орадан етти ой ўтди. Қаҳратон қиш кунларининг зулматли онлари кўкларнинг ҳаётбахш нафасига уланди. Сарвиноз Наврўз тонгида қалбига ўзгача нур бахш этган сеҳрли тушдан уйғониб кетди. Беихтиёр қалби ёришди. Янги кун унинг ҳаётига янгиланиш, яхшилик олиб келаётганини сизди, руҳи енгил тортди. Хонадон аҳли Наврўз дастурхонига жамулжам бўлган бир пайтда, остонада баҳорий гуллар кўтарган Соҳибжон кўринди. Икки ёшнинг соғинчга тўла нигоҳлари тўқнашди-ю, атроф гўё ёришиб кетди...

## ИШҚНИНГ ИЗТИРОБЛИ СИНОВИ

– Яна ўша ёқтирган қизинг ҳақида хаёл суриш билан оворамисан? Ҳатто хонага кириб келганимми сезмадинг-а?

Шербек хонадоши Зуфарнинг танбеҳидаи ўзига келди. Ширин хаёли капалакдек учиб кетган йигит аччиқланган кўйи:

– Нима, энди сенларни дастингдан ўқиш, келажак режалар ҳақида ўй суриб ҳам бўлмайдими? – деди шери-гига бўй бергиси келмай.

– Шундай бўлса-ку майли-я, аммо ўша Нигорахон деган малакка дуч келдингу, ҳаловатинг йўқолди. Қачон қарама ошиғи девона бўлиб хаёл суриш билан бандсан. Азбаройи сенга раҳмим келганидан...

– Менга раҳминг келмай кўя қолсин, – унинг сўзини бўлди Шербек. – Кейин ошиғи девона деган гапни иккинчи бор оғзингга олма, – астойдил аччиғланди у.

– Майли, майли, тақсир, сиз нима десангиз шу, – кесатиқ билан кўлини кўксига кўйиб, бошини эгди Зуфар. – Тўртинчи курсга қадар олийгоҳнинг энг аълочи талабаси бўлган шердек йигит ишқ домига илиниб, кўйдек ювош тортиб қолса. Севги деганлари шу бўлса агар, бирорта қизга ошиқ бўлмаганим бўлсин.

Шербек қарасаки, дўстининг кесатиғи тугамайдиган. У билан яна гап талашса қизаришиб қолиши тайин. Костюмини елкасига ташлади-да, индамай хонани тарк этди. Бундан баттар асабийлашган Зуфар орқасидан кесатиқ билан нималардир деб гапирганча қолаверди.

Талабалар шаҳарчаси ҳамиша ёшлар билан гавжум. Бироқ кузнинг сокин бағри борлиққа таъсир этгандек гўё. Йўлакларда қалбларга осудалик бахт этувчи ҳаловат бор. Табиат бахш этган бу сокинлик қучоғи-да қанча хаёл сурсанг сураверасан киши. У сенга яқин

дўстдек сирдош бўлади. Шербек ҳам дўстининг даш-  
номини хаёлидан ўтказар экан, ўзининг ўзгариб қол-  
ганини ҳис этди. Ҳа, ҳаётнинг товусдек товланиб ту-  
рувчи сеҳрли томонлари кўп. Ишқ аталмиш «жоду»  
ҳам мана шу сеҳрнинг бир кўриниши. У инсон қалбини  
забт этиб, ақлига ҳукмронлик қилади, ўз измига сола-  
ди. Шербек ҳам Нигорани учратгунга қадар муҳаббат  
деган тилсимни тан олмаган бўз йигит эди.

Атрофи тўла талаба қизлар. Аммо ўқишдан бошқа  
нарсасага эътибор қаратмайдиган йигит дарс қилишдан  
бўшамасди. Ўша куни ҳам дарсига тааллуқли бўлган  
тарихий асар учун шаҳардаги катта кутубхонага бор-  
ганди. Кўлига бир даста китоб қучоқлаб олган нозик-  
кина қизга кўзи тушди-ю, юраги бошқача ура бош-  
лади. Кутубхонада гўё шу қиздан бошқа ҳеч ким йўқ-  
дек, ўшанга термилганча қолди. Йигитнинг нигоҳини  
ҳис этган қиз, аста унга кўз қирини ташлади. Новчадан  
келган, қош-кўзи қора, буғдойранг йигит унга маҳ-  
лиё бўлиб турибди. Унинг таъқибидан қутулиш учун  
бошқа томонга қараган бўлиб, орқасини ўгириб олди.  
Шундагина Шербек унга термилган кўйи қотиб тур-  
ганини ҳис этиб, хушёр тортди. Гуноҳ иш қилгандек,  
ён-верига қараб қўйди. Ҳамма ўзи билан ўзи овора.  
Нигоҳлари ўзига бўйсунмаган йигит яна қиз томонга  
қаради. У кимнидир кутмоқда эди. Ҳа-а, мана дугонаси  
экан. Иккиси ташқарига йўл олишди. Шербек ҳам бе-  
ихтиёр уларга эргашди...

У Нигора билан шундай танишганди, бир кўришда  
ошиқ бўлганди. Мана, шунга ҳам уч ой бўлибди. Шер-  
бек, дарахтлар тўшаган «олтин сочқиларни» бир-бир  
босиб йўлак бўйлаб кезаркан, фақат Нигора ҳақида ўй-  
ларди. У билан ҳар дақиқа учрашиш, суҳбатлашишни  
истаган юрагига тасалли истарди.

Ҳа, дўсти Зуфар айтгандек, феъли ўзгарган бўл-  
са бордир. Ўқиши ҳам сал пасайгандир балки. Бироқ



айни дамда ошиқликдан, муҳаббат бахш этган сеҳр-ли туйғудан, тўғрироғи, кўнгил қўйган қизидан айрилиш йигит учун ҳаётини беришдек гап эди. Ҳатто Нигоранинг расмини катта портрет қилиб хонасига осиб қўйган йигит соатлаб унга термилиб хаёл суришдан чарчамасди. Албатта, бу ҳол асосан кечга томон дам олиш соатларида такрорланарди. Лекин бу безътибор қолган дўстининг ғашига тегарди ҳар гал. Неча йиллик кадрдонини бир зумда ўзиники қилиб олган ўша қизни орқаворатдан ёқтирмасди Зуфар. Худди у Шербекни алдаб, авраб юргандек, ундан эҳтиёт бўлиши, қизларнинг бевафолиги ҳақида ваъз ўқишдан чарчамасди куюнчак йигит.

Олтин куз қишга уланди. Ўтган кунлар, ойлар йигит-қизни бир-бирига янада яқинлаштирди. Ўқишдан бўш пайтлари улар тез-тез учраша бошлашди. Бу Нигора ҳам Шербекка кўнгил қўйганидан далолат эди, шубҳасиз. Лекин ўта эҳтиёткор қиз оиласи ҳақида деярли сўз очмасди. Йигит унинг ўзи каби водийдан эканини, отасининг хизмати сабаб, пойтахтга кўчиб келишганини биларди, холос.

– Нигора, қачон тўй қиламиз? – учрашувлардан бирида кўнглига тугиб қўйган ниятини юзага чиқарди Шербек. – Ҳадемай институтни битираман. Ўзимга қолса бир-икки йил ишламоқчи эдим. Аммо онам бир йилдан буён келин қилишга шошилади. Мен онамнинг яқин ўн йилда кўрган тўнғич фарзандиман. Балки шунинг учун тезроқ келин олгилари келар.

– Менинг учинчи курс талабаси эканимни унутманг, ҳали ўқишим керак, – уялган кўйи бошини эгди юзлари қизарган Нигора.

– Нима бўпти? Тўйдан кейин бемалол ўқишингизни давом эттираверасиз. Мен шу ерда қолиб ишлайман. Уйдагиларингиз рози бўлса, шу ҳафтада онамни олиб келаман.

- Йўқ-йўқ, ҳозир эмас, – шошган ҳолда йигитнинг сўзини рад этди Нигора. – Чунки опамни унаштирганмиз. Икки-уч ой ичида тўйи бўлади. Яхшиси, бу ҳақда кейинроқ гаплашайлик.

- Наилож, маликанинг сўзи биз учун қонун. Унга бўйсунушга мажбурмиз, – бошини эгиб ҳазил қилган бўлди Шербек.

Йигитнинг ёқимли ҳазилидан Нигора мамнун жилмайиб қўйди.

Олийгоҳни битирувчилар учун ўқишнинг сўнгги ойлари югур-югурларга бой бўлади. Айниқса, диплом ишини ёқлаш анчайин мураккаб жараён. Шербек ҳам битирув муаммоларига шўнғиб кетди. Нигора билан фақат телефон орқали боғланиб туришига тўғри келди. Охирги пайтлари эса унинг қўл телефони ишламади ҳам. «У менинг диплом ишимга халақит беришни истамаяпти», ўзини овутди йигит. Диплом ёқлайдиган куни эса, Нигорани ёнида бўлишини истади. Аммо қўнғироқлари жавобсиз қолди.

Мана, ниҳоят заҳматли, ҳаяжонли дамлар ортда қолди. Шербекнинг диплом иши энг юқори баҳоланди. Битирувчиларнинг тунларни тонгга улаган машаққатли меҳнати битирув оқшомига – ўйин-кулгуга уланди.

- Шундай хурсандчилик кунда намунча қовоғингдан қор ёғмаса, – даврага қўшилмай, бир чеккада хаёл суриб ўтирган Шербекнинг ёнига келди Зуфар. – Неча ойлар тер тўкдинг. Ҳаракатингга яраша имтиёзли дипломга лойиқ топилдинг. Буни дўстларинг билан нишонламайсанми?

- Нигора билан учрашмаганимга бир ойдан ошди. Гаплашмаганимга ўн беш кун бўлаяпти. Тинчликми-кан ишқилиб.

- Учинчи курсни битиради дегандинг. У ҳам имтиҳонлар билан банд бўлгандир. Энди шунга мотам тутишинг керакми?

– Ҳеч бўлмаса қўнғироқларимга жавоб берганда ҳам майли эди. Шундан хавотирдаман. Ўқиш жойига телефон қилсам, улар аллақачон таътилга чиқиб кетган дейишди.

– Ундай бўлса, эртагаёқ иккимиз уйига ўтамиз. Кайфиятингни кўтарсанг-чи, дўстим.

– Қаерда яшадини билсам эди.

– Нима? Сен қанақа ҳуқуқшуноссан ўзи. Яқин бир йилдан буён гаплашиб юрган қизингнинг турар жойини билмайсанми?

– У жуда сирли қиз. Ҳамма нарсани очиқ айтишни истамасди. Бирор маротаба уйигача кузатиб қўйишимга рухсат бермаган. Тўғриси, унинг бу сирлиги менга ёқарди.

– Ўлай агар, сени умуман тушунмадим. Мажнунлик бундан ортиқ бўлмас. Яна беш дақиқа олдинда турсам, менам жинни бўлиб қоламан.

– Фигони фалакка чиққан Зуфар бошини сарак-сарак қилганча, ўйин-кулгу бўлаётган давра томон юрди.

Энг ёмон воқеа эртаси куни содир бўлди. Хонага ҳовлиқиб кирган Зуфар ҳозиргина Нигорани хиёбонда келинлик либосида кўрганини бир амаллаб Шербекка етказди. Қўл телефони орқали олган суратини унга кўрсатди. Ранги оқариб кетган Шербек суратга кўзи тушиб диванга чўкканча қотиб қолди. Бир қўлида гул, бир қўлида куёвнинг тирсагидан тутган Нигора ниҳоятда мамнун ва бахтиёр ҳолда боқиб турарди.

– Бундай бўлиши мумкин эмас, мумкин эмас. Бу бошқа қиз, бошқа, – бир сўзни девонавор такрорларди у.

– Ўзингни қўлга ол, дўстим. Тўйи қаерда бўлаётганини ёнидагилардан билдим. Истасанг, кечга томон ўша жойга бориб кўрамиз.

Икки дўст тўйхонага боришганида келин-куёв эндигина карнай-сурнай садоси остида ичкарига йўл

олишмоқда эди. Шербек оппоқ либосдаги фаришта-лардек гўзал Нигорага боққанча забонсиз қолди...

\*\*\*

- Институтни битирганинггаям уч ой бўлаяпти. Устозларинг ўқиш жойингга ишга чақирди, борма-динг. Бирор режанг борми, ўғлим, - отаси Раҳмон ака тонги дастурхон устида сўради Шербекдан.

- Пойтахтга боргим йўқ, дада. Ўзимизнинг туманга хужжат топшириб қўйганман. Яқинда иш бошласам керак. Аммо баҳордан армияга кетмоқчиман.

- Армияга? - бу гапни эшитиб ҳаяжонланиб кетди онаси Дилшода опа. - Бу ҳақда ҳеч гапирмагандинг-ку, болам.

- Руҳан бақувват, иродали бўлишим учун менга ҳарбий хизмат зарур экан, аяжон.

- Тўғри ўйлабсан, ўғлим, - унинг сўзини тасдиқлади Раҳмон ака. - Йигит киши олдидаги бурч бу. Аянг-иккимиз бундан фақат хурсанд бўламиз.

- Ўғлим, ўқишни битириб келганингдан буён чиройинг очилмайди. Дилидаги дардни ичига ютиш ёмон. Нима бўлаяпти ўзи, сенга. Бизга ёрилсанг бўлади-ку, - неча кунлардан буён ўғлининг юзига термилиб, сиқилиб юрган она кўнглидаги хавотирни юзага чиқарди.

- Аяжон, кўриб турибсиз, соппа-соғман, кўнглим ҳам равшан. Имтиҳонларда бир оз чарчаган бўлишим мумкин. Ҳали ҳаммаси яхши бўлади.

- Ўзи хотин кишидан ваҳимачи зот бўлмайди. Ўғлингни тинч қўйсанг-чи, онаси, - хотинини койиб берди Раҳмон ака. - Эркак киши жиддий, камгап бўлади аслида. Шербек аввалги шўх ўсмир бола эмас энди.

Дилшода опа бошқа гапирмади. Фақат ўғлининг маҳзун кўзларига термилиб чуқур уҳ тортиб қўйди.

Вақт дардга малҳам дейишади. Шербек ҳарбий хизматдан ўзи орзу қилганидек иродали, қатъиятли зр йигит бўлиб қайтди. Хизматда кечган бир йил унга ҳар томонлама сабоқ берганди. Армиядан қайтганига бир ой бўлар-бўлмас, пойтахтдан яна унга иш таклиф қилишди. Йигит бу гал ортга чекинмади. Ота-онасининг дуоси билан йўлга отланди.

Дилшода опа эса келин қилиш тараддудига тушиб кетди. Шербек келин танлашни онасига қўйиб берди. Онанинг ўғлига муносиб қиз топиши осон кечмади. Узоқ суриштирувлардан сўнг ўша бахти кулган қиз номзодлар ичидан сараланди. Янги йил арафасида йигит-қиз Мустақиллик майдонида қад ростлаган катта арча тагида учрашадиган бўлишди. Шербек учрашув вақтидан ярим соат эртароқ келди. Нигорадан сўнг, қизларга нисбатан бефарқ ва ишончсиз бўлиб қолган йигит қалбида яна илк бор ҳаяжон уйғонди. Аммо юрагининг туб-тубида ҳамон Нигорага бўлган муҳаббати бир қатим нурдек милтиллаб турарди.

Мана, ва ниҳоят таъриф берилганидек, қизил пальтода, зангор шарф ташлаб, зангор сумка кўтариб олган қиз ийманибгина арча тагига келди. Шербек у томон юрди. Бироқ икки-уч қадам босган йигит қизга кўзи тушиб қотиб қолди. Бу унинг юрак-бағрини куйдириб кетган ўша Нигора эди. Йигит билан нигоҳи тўқнашган қиз ҳам Шербек каби ҳаяжон ва титроқда карахт ҳолда турарди. Нигорадан бир-икки қадам нарида эса унинг эгиз опаси Наргиза, бир-бирига унсиз термилиб турган синглиси ва Шербекка қараб нима бўлаётганини идрок этолмасди. Эгиз опа-сингиллар шу қадар бир-бирига ўхшардики, уларни ажратиб бўлмасди.

Сир ошкор бўлгач, ишқнинг изтиробли синовиди тобланган йигит-қиз дунёдаги энг бахтли севишганларга айланишди. Кириб келаётган Янги йил уларга ўзининг мана шундай сирли тухфасини тайёрлаб қўйганди...

## МЕҲР ЗАВОЛИ

Дилфуза телефон қўнғироғидан уйғониб кетди. Жон ҳолатда соатга қаради. Тунги уч. «Ярим тунда қўнғироқ қилаётган ким экан? Тинчликмикан, ишқилиб?» Хавотир ила телефонни қўлига олди у.

– Алло, эшитаман.

– Келин, сизмисиз? – катта қайноғаси Нормат аканинг товуши келди. Унинг овозидан безовталиги сезилиб турарди.

– Ҳа, ака, менман. Яхшимисизлар, тинчликми?

– Тинчлик, келин, тинчлик. Узр, ярим кечада ҳаловатларингни буздим. Болалар яхшими? Шухратжоннинг соғлиғи, хизмати жойидами? Унинг қўл телефони ишламаяпти чоғи, ҳеч туша олмадик, – у ниманидир айтишга қийналарди.

– Бугун тунги навбатчиликка қолганлар. Шунинг учун боғланолмаган бўлсангиз керак. Нима гап ўзи?

– Унда сизга айтсам ҳам бўлаверади, келин. Она-мизнинг саломатлиги яхши эмас. Ҳозир ҳаммамиз туман шифохонасидамиз. Аҳволи кундан-кун оғирлашиб борапти. Дўхтирлар, пойтахтга олиб борсаларинг тузалиб кетиши мумкин деди. Энди умидимиз Шухратжондан. Нима бўлганда ҳам ўқиган. Пойтахтда яшайсизлар, таниш дўхтирлари бўлса керак?

Қайноғасининг гапидан Дилфуза бир дам сукут сақлаб қолди. Унинг:

– Келин, Дилфузахон, гапимни эшитаяпсизми? – деган сўроғидан ўзига келди.

– Ҳа, ҳа, ака, эшитаяпман. Фақат онамнинг аҳволларини эшитиб, бир оз ўзимни йўқотиб қўйдим. Хавотир олманг, укангиз навбатчиликдан қайтган заҳоти бу хабарни етказаман. Ўзлари бориб, онамизни олиб келади, – дея Нормат акани тинчлантирди у.

– Умрингиздан барака топинг, келин. Айтганингиздек, ўзи келса яхши бўларди. Чунки дўхтирлар билан юзма-юз гаплашиб, қаерга кўрсатиш кераклигини билиб, олиб кетганига нима етсин? Биз ҳам қараб турмаймиз албатта, онамиз яхши бўлиб кетса бўлди.

Хайр-хўшдан сўнг бу ёқимсиз хабардан уйқуси қочган Дилфуза қандай йўл тутишни билмай, диванга чўкканча ўйланиб қолди. «Қаердан ҳам шу кўнғироққа жавоб бердим, номерига қарасам ўлармидим», ўзини-ўзи койиди у. «Эндигина чет эл мебелига пул йиққан эдик. Онасини олиб келадиган бўлса, янги мебель олишдан умид қилмасам ҳам бўлади. Кейин етмишдан ошган, дарди оғир кампирни қаратишдан нима фойда. Биз ҳам қараб турмаймиз эмиш, ўзи бир этак бола билан амаллаб яшайди-ю, қуруқ мулозаматига қуйиб ўлайми? Аслида, қайнонамнинг пенсиясини олиб, ишлатаётган ўшалар. Ўзлари қаратиши керак. Бир-биридан шаддод қизлари-чи? Ҳаммаси оилалик, қўлида пул ўйнайди. Оналарини қаратсин ўшалар». Дилфуза ўйлагани сари асаби бузилар, айни дамда уни ўлим билан олишаётган қайнонасининг аҳволи эмас, бу хабарни қандай йўл билан эрига етказмаслик хаёли қийнарди...

Шухратжон билан Дилфуза бир қишлоқ, бир маҳаллада улғайишди. Қадди-қомати келишган, оғир-вазмин, бир сўзли Шухратжонга ғойибона кўнгил берган қизлар кўп эди. Рисолат опа отасидан эрта етим қолган кенжа ўғлини ўзгача меҳр билан суярди. Қишлоқдаги баобрў хонадон бошлиғи Акбар ака автоҳалокат сабаб оламдан ўтганида фарзандларининг каттаси Норматжон эндигина ўсмир ёшига қадам қўйганди.

Беш фарзанд билан бева қолган Рисолат опа анча пайтгача бу айрилиқдан ўзига кела олмади. Аммо ўғил-қизлар келажагига масъуллик унга куч бағишлади. Болалар бирин-кетин оёққа туришди. Улар оталари орзу қилгандек олий маълумотли бўлишмаса-да, турли касб-хунарларни эгаллаб, ҳаётда ўрин топишди. Онасининг яқин таянчи бўлган Норматжон устачилик қилиб, ҳамширалик касбини эгаллаган сингилларининг уйли-жойли бўлишларига бош бўлди.

Оила кенжаси Шухратжон эса Рисолат опанинг саъй-ҳаракати билан олийгоҳда таҳсил олди. Қишлоқнинг сулув қизларидан бўлган Дилфузага ўғлининг кўнгли борлигини сезган она, «Нима бўлганда ҳам маҳаллангдан қўймасин», дея тўю томошалар ила келин қилди уни. Бир ҳафта ўтар-ўтмас Шухратжоннинг масъулиятли ва-зифаси сабаб келин-куёв пойтахтга жўнаб кетишди.

Йиллар елдимирим шамол. Ўғил-қизлари ўзидан тиниб, бир этак набираларга эга бўлган Рисолат опа фақат кенжа ўғлига интиқ, йўлига кўз тутиб яшади. У ҳар гал меҳрибонлик ила «биз билан ҳам яшанг», деб қанча ялинмасин «ўз уйинг – ўлан тўшагинг», дея шаҳардаги «каталақдек» уйларда ёшлар билан туришни ўзига эп кўрмади. Тўғрироғи, жуфти ҳалоли билан яхши кунлари ўтган ҳовлидан бир дам бўлса-да, айрилишни истамади. Заҳматлардан қутулиб, ўғил-қизларининг роҳатини кўрадиган бир паллада эса унга дард чанг соляпти...

Шухратжон навбатчиликдан тушга яқин қайтди. Ўзини қўярга жой тополмаётган Дилфуза хизматдан ҳориб қайтган эрининг хотиржамлигидан сездики, унга хабар етиб келмаган.

– Эрталаб хизматга доир муҳим тadbир бўлди, шуни ўтказиб келяпман, – аёлининг синчков нигоҳига жавобан «ахборот» берган бўлди у. – Телефонининг қуввати тугаб қолган, токка улаб қўй. Мен бир оз дам олмасам бўлмайди, жуда чарчаганман.



Дилфуза қайнонаси ҳақида сўз очишга неча бор оғиз жуфтлади. Бироқ ундаги шайтоний ўйлар йўл бермади бунга. Қўл телефонини эса ўчириб қўйди.

Орадан икки кун ўтди. Хизматга барвақт кетган Шухратжон шу куни уйга қайтмади. Йўлига кўз тикиб ўтирган Дилфузанинг кўнғироқлари эса жавобсиз қолди. Бу пайтда оғир аҳволда жонлантириш бўлимига ётқизилган онасининг ёнида ўтирарди у. Кўзлари юмуқ, нафас олишга қийналаётган онаизорининг қўллари юзига босиб, кўзи тўла ёш билан термиларкан, отаси ўлимидан сўнг сочларига бир кечада оқ тушган, ёшлиги эрта хазон бўлган, бор меҳрию ҳузур-ҳаловатини ўғил-қизларига бахшида этган мушфиқ волидасига Аллоҳдан умр тиларди. Ўғил бўлиб унга меҳр-муруват кўрсата олмаганидан бағри куярди...

Шифокорларнинг саъй-ҳаракати билан Рисолат опа аста-секин ҳаётга қайтди. Шу кунлар ичида Шухратжон бир дам бўлса-да, ундан узоқлашмади. Воқеадан хабар топиб, шифохонага етиб келган Дилфуза чехраси хомуш ва сўлғин умр йўлдошига кўзи тушдию, ранги оқарди. Шухратжон саросимада турган юзсиз хотинига аста, аммо қатъият билан «бу ердан кет», деди нафратини яширмай. Унинг гап оҳангидан юраги қалтираб кетган Дилфуза олдинга бир қадам босолмай бемажол қотиб қолди...

### ҚАЙНОНАЛИ КЕЛИН...

– Хурсаной, ҳой Хурсаной...

Садбархон кўча дарвозасида овоз бераётган қўшни холанинг товушини эшитиб, ўша томонга шошилди.

– Келинг, хола, келинг. Бу ерда турмай ичкарига киравермайсизми. Болаларнинг шовқини билан овозингизни эшитмабмиз, – ундан узр сўраган бўлди келин.

- Ўртоғим уйдаи? Бирпас гаплашиб ўтирай деб чиққандим, - ёши улуғ Малика хола ҳовлини тўлдириб ўйнаётган болаларни бир-бир эркалатиб ўтаркан, Хурсаной хола ўтирган сўрига қараб юрди.

Уни кўрган хонадон соҳибасининг чеҳраси очилди.

- Бормисиз, ўртоқ? Бир жойда яшаб туриб, бир-биримизга зормиз-а.

- Шунн айтинг, Хурсаной. Бир девор оралаб турсак ҳам кўришгани вақт йўқ.

Икки дугона қуюқ кўришишар экан, уларнинг кўпдан буён қадрдон эканлиги кўриниб турарди.

Садбархон хонтахта устига дастурхон ёзиб егуликлар келтира бошлади.

- Кенжа келинингиз Юлдузхон кўринмайди? - деди Малика хола дугонасига юзланиб.

- Ҳа, у ошхонада тушлик тайёрлапти. Шу келиним хамирли овқатларга жуда уста. Ҳозир угра қилапти. Тайёр бўлиб қолгандир, олиб келади.

- Йилларнинг ўтишини қаранг. Иккимизнинг келин бўлиб келганимизга ҳам эллик йилдан ошибди. Яқиндагина ёш жувон эдик. Мана энди бир этак невараяу эвараларнинг бувисимиз.

Уларнинг суҳбати хотираларга, ёшлик йилларига уланди. Тенгқурлари, яқинларини бир-бир эслаб ўтишди. Суҳбатлари мавзусини саломатлик муаммоси, кексачилик, қувватсизликдан шикоят ҳам четлаб ўтмади.

Шу орада тушлик тайёр бўлиб, хонтахта атрофида жамоат жам бўлди. Келинларнинг ўзаро иноқлиги, ширин муомаласини кўриб Малика хола ҳавасу ҳайратини яширмади.

- Хурсаной, қизларни ўзига муносиб жойга узатиб, тўртта келин олдингиз. Келинларингизнинг аҳил-иноқлигига бутун қишлоқнинг ҳаваси келади. Иккала ўғлингиз сизнинг раъйингиз билан уй-жой қилиб

чиқиб кетишди. Буларнинг барчаси сизнинг меҳнатингиз, ўғит ва маслаҳатларингиз меваси.

– Болаларим ақлли-хушли чиқди. Келинларимга ҳам раҳмат. Насиҳатларимга қулоқ тутиб, ҳамжиҳатликда яшаб келишяпти, – иккала келинига миннатдор қиёфада боқиб, сўзини давом эттирди хола. – Садбархонлар ҳам бир-икки йилда янги ҳовлига кўчишади. Уй-жойлари битай деб қолди. Шулар ҳам ҳаётини йўлга солиб олса, кўнглим хотиржам тортарди.

– Худо хоҳласа сиз айтгандек бўлади, – унинг сўзини қувватлади Малика хола. – Келинларингиз сиздек қайнонага учраганидан миннатдор бўлса арзийди. Мана, ҳовлингиз тўла бола. Баъзида уришишади, талашишади. Лекин иккала келинингизни ҳам бирор маротаба болалар ўртасига тушиб «сен-менга» боришганини кўрмадим, эшитмадим. Чунки буларнинг бошида сиз турибсиз. «Қайнонали келин қарқара келин», деб шуни айтишса керак-да.

Малика холанинг сўзларидан Садбархоннинг қоши чимирилди.

– Холажон, нима биз ёш боламидик, болалар ўртасига тушиб икки овсин уришсак.

– Шуни айтинг, опа, – унинг гапини маъқуллади норози қиёфадаги Юлдузхон. – Тўғри, аяжонимизнинг насихатлари биз учун қонун. Аммо ақл-хуши жойида, кап-катта аёллармиз. Сал нарсага тортишиб обрўйимизни йўқотармидик.

– Гапларинг тўғрику-я, лекин қишлоқдаги қайнонаси йўқ баъзи беақл келинлар арзимаган сабаб, бир-бирлари билан жанжаллашиб юзкўрмас бўлиб кетишяпти. Нима бўлганда ҳам оилада ёшларни муросага келтириб турадиган кексаларнинг бори яхши-да, – уларга фикрини тунтирмоқчи бўлди Малика хола.

Бунга жавобан Садбархон эндигина оғиз жуфтлаган ҳам эдики:

– Қани, қизларим, дастурхонни йиғиштириб бола-ларга, ошхонага қаранглар, – дея Хурсаной хола келин-ларига иш буюрган бўлди ва: – Катталар гапирганда сўзини бўлиш, гапини қайтариш ёшларга ярашмайди, – деб қўшиб қўйди.

Қайнонанинг танбеҳига индамай бош эгган келинлар дастурхон устидаги идишларни йиғиштириб ошхонага йўл олишди. Уларнинг ғийбати ўша ерда давом этди.

– Холанинг гапини қаранг опа, – биринчи бўлиб арз-ҳол бошлади Юлдузхон. – Биз қайнонамиз борлиги учун иноқ яшаётган эмишимиз. Ўзимизнинг ҳам ақл-ху-шимиз жойида.

– Тўғри айтдингиз, овсинжон, – унинг сўзини қув-ватлади Садбархон. – Қайнонамизсиз ҳам барчага ўр-нак келин бўла оламиз. Холанинг гапини қайтариб ташлардимку, аям йўл бермади-да...

Ордан кўп ўтмади. Кексачилик сабаб, Хурсаной хола бу оламни тарк этди. Кутилмаган бу айрилиқдан қай-ғуга ботган фарзандлари нафақат меҳрибон ва жонку-яр она, балки оила устуни бўлган доно маслаҳатчила-ридан айрилганини англаб туришарди. Холанинг маъ-ракалари охирига етгач, катта хонадонни тўлдириб турган ўғил-қизлар бирин-кетин уй-уйларига тарқа-лишди. Ҳаёт аввалги изида давом эта бошлади...

Хурсаной хола умргузаронлик қилган ўша ҳовли. Болалар ўйин билан овора, икки келин турли юмуш-лар билан банд. Фақат оилага нур бериб турган нуро-ний онахон энди йўқ.

Шундай кунларнинг бирида болакайлар ўртасида ўзаро тортишув чиқди-ю, оналари бунга аралашди. Ўйинқароқ болаларнинг арзимаган келишмовчилиги икки овсиннинг жанжаллашишига сабаб бўлди. Бунга маҳалла-кўй аралашди. Болакайлар аллақачон ярашиб олган бўлса-да, икки аёл мурасага келай демасди.

Ўртадаги муносабат жиддий тус олиб, вазият таранг ҳолатга келгач, Садбархонлар битмаган уйига кўчиб кетишга мажбур бўлди. У кўч-кўронини турмуш ўртоғи билан машинага ортар пайт, Хурсаной холанинг ўрнидан уларга дуо бериш учун ҳовлиларига Малика хола чиқди. Онахон ёшларни янги ҳовлида униб-ўсишлари учун эзгу тилак билдириб дуога қўл очар экан, кўз ёшлари юзини юварди. Назарида дугонасининг безовта руҳи уларни кузатиб тургандек эди гўё.

Икки келин бу шармандаликдан эгик бошларини кўтармас, қилган хатолари эл орасида бир умр таънаю, дашном бўлишини ҳис қилиб туришарди.

## ҚАЙТАРИЛГАН ГУНОҲ

Даврадаги оғир сукунатни Қамбарали отанинг сўзи бўлди:

– Қишлоқдан кўчиб кетишга астойдил ният қилган экансан, нима ҳам дердик. Ҳамма гап айтилди. Сенга қиладиган насиҳатнинг ўзи қолмади. Балки яна бир ўйлаб кўрарсан.

Бошини эгганча бир нуқтага тикилган кўйи қотиб ўтирган Саъдулла тоғасининг гапига жавобан ҳеч нарса демади. Бу унинг қарори ўз кучида қолганидан далолат эди. Кўз ёшлари юзини ювиб, унсиз йиғлаётган хотини Лобар, вазиятни тўлиқ англашга қодир бўлмаган ёш ўғил-қизлари оила бошлиғининг бу қарорига аллақачон бош эгишганди.

– Келин, йиғламанг. Мусофир бўлмагунча, мусулмон бўлмайсан, дейишади, – Лобарга ичи ачиган Қамбарали ота уни юпатишга ҳаракат қилди. – Бир-икки йилда қишлоққа қайтсаларинг ажабмас. Ғийбатчи ғаламисларнинг гапига аччиқ қилиб Саъдулла шу йўлни танлади. Аслида ота макондан ортиқ жойнинг ўзи бўлмайди.

Кўз ёш қилишдан бошқа чора топа олмаган Лобар эрининг ишораси билан болаларини олиб, хонани тарк этди. Тоға ва жиян ёлғиз қолишди.

– Тоға, сизнинг панд-насиҳатингиз, маслаҳатингизга амал қилиб кам бўлганим йўқ. Бироқ бу гал шу йўлни танлашга мажбурман. Йўқса, отамнинг гуноҳини таъна қилувчилардан бирортасининг жонига жабр қилиб, қотилликка қўл уришим ҳеч гап эмас. Чунки унинг иснодини кўтариб юришдан чарчадим.

– Ҳа, отанг номақбул ишга қўл урдию, қишлоқдан бадарға бўлиб кетди, – оғир уҳ тортди Қамбарали ота. – Оилали ёш келинчакка илакишиб, у билан қочиб кетгани барчамиз учун оғир иснод бўлди. Онанг бу юкни кўтара олмай ҳаётдан бевақт кўз юмди. Лекин сен ҳалол-поклигинг билан элда ўрин топиб, ука-сингилларингга бош, кўз-қулоқ бўлиб, авлодингни поклаб олишинг мумкин-ку, болам. Барчаларинг ҳамжиҳат, оилаларингга садоқатли, ҳаром йўлдан ҳазар қилгувчи бўлсаларинг халқ отангни унутади, сизларни тан олади. Бу исноддан қочиб қутулишнинг бирдан-бир йўли шу. Бўлмаса, қаерга бориб яшамагин, у сени таъқиб қилаверади.

– Тоға, нима бўлганда ҳам ғишт қолипидан кўчди. Ҳаммаси ҳал бўлган. Эртадан кейин бошқа вилоятга кўчиб кетаман. Зора, шу йўл билан ўтган ишларни унутсам. Ука-сингилларимнинг барчаси оиласи билан тинч. Менга муҳтожлик жойи йўқ. Фақат сиз уларга бош бўлиб турсангиз бўлгани.

Қамбарали ота айни дамда ҳар қандай уриниш Саъдуллани бу йўлдан қайтара олмаслигини тушунди. Унга оқ йўл тилаш баробарида сўнгги ўғитини уқтирди:

– Ўғлим, истайсанми, йўқми, вужудингда отангинг қони бор. Бу дегани унинг яхши феъл-атвори билан бирга, қусурли жиҳати ҳам вақти келиб кўксингда бош

кўтариши мумкин. Шундай паллада ўзингни кўлга ол, иродали бўл. Ҳаром йўл отангнинг ҳаётини издан чиқарганини авлодингни иснодга қўйганини унутма.

– Шундоғам оиламизни эл орасида беобрў қилган, барчамизнинг бошимизни эгган бундай йўлдан ҳазар қиламан. Мендан кўнглингиз тўқ бўлсин, тоға. Отамнинг хатосини деб туғилиб ўсган қишлоғимдан кўчиб кетишга мажбур бўлиб турибман. Худо хоҳласа, фарзандларим мен каби мустар бўлмай, бошларини тик кўтариб яшайди.

Орадан бир кун ўтиб, Саъдулла оиласини олиб, қишлоқни тарк этди. Хайрлашув олдидан Қамбарали ота орияти осмонда жиянини кўзида ёш билан бағрига босди...

Ойлар йилларга уланди. Кўз очиб юмгунча ўттиз йил ортда қолди. Саъдулла ака қишлоққа қайтмади. Дастлаб, довон ошиб яқинлари билан дийдорлашувга тез-тез интилиб турган оила, рўзғор юки залворлашиб боргани сари энг зарур паллалардагина оқибат боғланди. Саъдулла ака билан Лобар опа ўғил-қизларининг тақдири ҳарчанд водий томонларга боғланишини исташмасин, бунга қодир бўлишмади. Фарзандлари кўнгил ихтиёри ила тақдир йўлларини ўзлари танлашди.

– Туғилиб ўсган қишлоғимиздан, яқинларимиздан бутунлай узилиб қоляпмиз, дадаси, – эрига ҳар дамги нолишини қилди Лобар опа. – Узоғи билан ўн йилда ортимизга қайтамиз дегандингиз-ку. Энди истасак ҳам бу ерлардан кета олмаймиз. Болаларимизнинг ҳаммаси шу ерда уйли-жойли бўлишди. Ёлғиз ўзимиз қишлоққа қайтиб нима ҳам қилардик.

– Буни тақдир дейдилар, хотин. Болаларимизнинг тақдири, ризқи шу ерда экан, шу томонларга келдик, – ўйчан жавоб қайтарди оила бошлиғи. – Уларни ўзимиз

томонга мажбуран узатиб ёки зўрлик билан уйлантира олмаймиз-ку. Энг асосийси, болаларимиз бу ерларда таъна-дашном остида зоти паст деган ном билан яшамайди.

– Гапингиз тўғри, – эрининг фикрини тасдиқлади Лобар опа. – Меҳнаткашлигингиз, барчага баробар ширин муомалангиз, ҳар томонлама поклигингиз сабаб, оиламиз бегона жойларда тез хурмат топди, қишлоқ аҳлига эл бўлиб кетдик. Ўғил-қизларимиз ҳам ақлли ҳушли бўлиб улғайишди. Шунинг учун қизларимизни ҳавас қилиб келин қилишди, ўғилларимизга ҳавас билан қизларини беришди. Мана, бир этак неваранинг бувиси, бобосимиз. Бундан ортиқ бахт бўлмаса керак. Фақат яқинлар соғинчи қийнар экан-да. Айниқса, болаларинг ўзи билан ўзининг, ёшинг улғайиб боргани сари туғилиб ўсган жойингни қўмсайверар экансан.

– Бўлди, нолишни бас қил, ношкур бўлма. Эндигина олтмишдан ошдик. Бу қарилик дегани эмас, – аёлининг тушкун кайфиятини кўтаришга ҳаракат қилди Саъдулла ака. – Энг яхшиси, ёшлигимизни эсла. Бир-биримизга Лайли-Мажнун каби қандай кўнгил боғлаганимизни ёдга ол.

Умр йўлдошининг бу гапи Лобар опага хуш ёқди чоғи, беихтиёр чиройи очилди. Қирқ йилдан зиёд бир ёстиққа бош қўйиб, ҳаётнинг ширин дамлари-ю, синовли онларини бирга енгиб ўтган эр-хотин унутилмас хотираларга боғланишди.

Кўплаб йигитларнинг ақл-хушини ўғирлаган Лобархон гўзалларнинг гўзали эди. Кокиллари янглиф ошиқлари бисёр қиз улар орасидан Саъдуллага кўнгил қўйди. Қишлоқнинг олди йигити бўлган, келишган, ғайратли Саъдулла билан Лобархон бир-бирларига узукка кўз қўйгандек мос эдилар. Ҳарбий хизматга кетишга шай турган йигитнинг ота-онаси уни севган қизига уйлантиришга қарор қилди. Ўшанда Лобар-



хон эндигина ўн олти ёшдан ошган, Саъдулла эса ўн тўққизда эди. Орадан кўп ўтмай ошиқ куёв узоқ ўлкаларга хизматга отланди. Тўққиз ой ўтиб унинг ота бўлгани ҳақидаги қувончли хабар мактуб орқали йигит томон қанот қоқди. Ўтган ҳижронли уч йил уларнинг сабр-садоқатини синовдан ўтказди. Қалбларида ширин туйғулар уйғотувчи бу дамларни улар ҳар гал кулиб, берилиб ёдга олишарди.

Бироқ эр-хотин учун ёшлик давраларини эслаш қанчалик ёқимли бўлмасин, хотиралар ўз-ўзидан Саъдулла аканинг отасига келиб тақалар, унинг фахшга ботган гуноҳ йўли, онасининг бевақт ўлими Саъдулла акани бир зумда маъюс қиёфадаги тунд эркакка айлантирарди. Бундай пайтларда Лобар опа дарҳол гапни бошқа томонга бурар, эрини ёқимсиз хотиралардан чалғитишга ҳаракат қиларди.

Шу зайлда кунлар ўта бошлади. Оила тинч, фарзандлар бахтли. Эр-хотин эл назарида. Уларни четдан кузатган ҳар қандай инсон ҳавас қилмай қолмасди. Чунки ҳар иккиси ҳам кексаяётганига қарамай анчайин ёш кўринар, чеҳралари нурли, фариштали эди.

Аммо... Аммо кутилмаганда Саъдулла аканинг феъл-атворида ўзгариш бўла бошлади. Баъзи ишлар баҳонасида уйдан чиқиб кетганча кеч қайтар, Лобар опа билан суҳбатлашишни кўпам хушламас, рўзғор ишларига бепарво бўлиб қолганди. Лобар опа дастлаб «эрим ёмон дардга чалингану биздан яширяпти», деган ўйда ўзини қаерга қўйишни билмай қолди. Фарзандларига отасига эътиборли бўлишни қайта-қайта тайинлар, ўзи ҳам чеҳраси кундан-кун тундлашиб бо раётган эрининг кўнглига йўл топишга ҳаракат қиларди. Бироқ бунинг сабаби...

Ҳар доимгидек, тонг саҳарлаб далага экинлар парваришини кўздан кечиргани борган Саъдулла ака дала қўшнилари Нарзияга дуч келди. Эри хорижга ишлагани кетган ёшгина бу жувон икки норасидаси билан ёлғиз яшар, ерини ижарага бериб, шунинг орқасидан оила тебратарди.

- Вой, Саъдулла ака, сизни танимабман, бой бўларкансиз, - деди кутилмаганда нозланиб. - Эрталаб яхши инсонга дуч келсанг, кун бўйи ишинг юришади, деган гап бор. Бугун мен учун омадли кунга ўхшайди.

Салом-алиқдан сўнг Саъдулла ака пардоз-андози жойида, хушрўй аёлдан саҳарлаб дала кезиб юрганининг сабабини сўради.

- Эринг бўлмаганидан кейин аёл кишига қийин экан, - маюс тортган кўйи арз-ҳол қила кетди Нарзия. - Кимдир ҳолингизни сўраган бўлиб, кўнглингизга қўл солади, яна кимдир учрашувга таклиф қилади. Шу сабаб, чорасизликдан сиқилиб, бирорта кўнгилга яқин инсон учраб қолса дадрдлашаман деб, дала кезиб юрибман-да. Аммо сиз каби холис ёрдам берадиган мард эркак топилмайдик, ака-сингил тутиниб маслаҳатини олсанг, оғир кунда суянсанг.

Аёл «сиз каби» сўзига алоҳида урғу бериб гапирганида, Саъдулла аканинг ҳайит-байрамларда ёки деҳқончиликдан катта даромад тушганида унинг оила-сига саховат қилиб туришини назарда тутмоқда эди.

- Бу элимизга хос одат-ку, мен мурувват қилмасам, бошқа бир қўли очиқ одам болаларингиз учун ўз саховатини аямайди, албатта ёрдам қилади.

- Шундайку-я, аммо сиз каби фариштали, маслаҳати маънили одам кам-да. Агар ҳозир имконингиз бўлса, оиламдаги бир-иккита муаммо борасида маслаҳат олардим.

– Бемалол синглим, бемалол. Тинчликми, қандай муаммо сизни қийнаяпти? – Саъдулла ака Нарзияни «қизим» демоқчи бўлдию, бироқ унинг «ака» деб атагани ўзига ҳам ёқди чоғи, фикрини ўзгартириб, синглим дея меҳрибончилик кўрсата бошлади.

– Қаранг, ҳамма ёқ шабнам, ўтириб дардлашгани жой йўқ. Муаммоларим эса бир талай. Тик туриб узоқ суҳбатлашиш ноқулай. Четдан қараганларнинг кўнглига ҳам ҳар бало келиши мумкин. Ҳозир одамлар оёғи билан эмас, оғзи билан юради. Шунинг учун уйимда гаплашсак нима дейсиз?

Рўпарасида нозланиб турган суқсурдек жувоннинг сузилиб, ялиниб туриши Саъдулла акани бир зумда ўзига асир этди. Отасининг хатосини унутган эркак, беихтиёр аёлга эргашди. Режаси иш берган беҳаё Нарзия эса «олтин балиқ» тўрига илинганидан беҳад мамнун эди...

\*\*\*

– Аяжон, дадам ҳақида ҳеч қандай гап эшитмадингизми?

Қўшни маҳаллага тушган катта қизи Нурзоданинг дафъатан берган саволи Лобар опанинг кўксига ғулғула солди.

– Тинчликми, қизим. Отангга бирор гап бўлибдими? – қизининг саволига савол билан жавоб қайтарди юраги қалтираб турган аёл.

Нурзода жавоб ўрнига йиғлаб юборди. Нохушликни сезган Лобар опа ўзини кўярга жой тополмас, қизини тинчлантиришга ҳаракат қиларди. Ниҳоят Нурзода ўзини қўлга олиб онасига дилини ёрди:

– Дадам эри четга ишлагани кетган ёшгина жувон билан яширинча яшаб юрар экан. Ҳатто у билан бошқа жойга кўчиб кетишга қарор қилибди. Бу воқеа бутун қишлоққа овоза бўлибди-ю, биз эшитмабмиз. Кеча куёвингиз билан шунинг орқасидан уришиб қолдик. Энди эл орасида қандай бош кўтариб юрамиз?

Лобар опа ўтирган жойида забонсиз жим қолди. «Наҳотки, шу ёшда отасининг хатосини такрорлаган бўлса, наҳотки унинг гуноҳи эвазига эл орасида болаларимнинг боши эгилса. У-ку бир пайтлар таъналардан қочиб қутулганди, менинг болаларим қаерга бош уриб боради...»

Сонсиз саволлар олдида нажотсиз ўтирарди аёл.

Кечга томон оила фарзандлари оналари қошига йиғилди, оталарининг қайтишини кутди. Бу исноддан бирдек озор топган қалблар бир-бирига таянч бўлишга ожиз эди. Тун ярмида қайтган оила бошлиғини ўғил-қизлари совуқ қарши олди.

– Нима, ҳамманг йиғилиб мени суд қилмоқчимисан? – болаларининг эътирозини кутмай вазиятни қўлга олди гуноҳкор ота. – Ўзим киймай кийдириб, емай едириб, ҳеч кимдан кам қилмай катта қилдим сенларни. Ҳамманг уйли жойли, касб-корлисан. Энди ўзим учун яшамоқчиман. Истайсанларми-йўқми, бунга ҳақим бор.

– Ўзингиз учун яшашга ҳаром йўлни танладингизми, дада? – отасига қарши гапиришга ўзида куч топди катта ўғли Рихситилла. – Нимага бировнинг никоҳидаги аёл билан учрашиб юрибсиз. Қуда-андалик бўлиш остонасида турганимизда эл орасида барчамизнинг бошимизни эгдингиз. Фарзандларимиз бахтига чанг солдингиз. Ўзингиз-ку бобомнинг иснодига чидай олмай, таъналардан бизни олиб қочгандингиз. Энди бўлса чидаб бўлмас иснодга бизни рўбару қилиб турибсиз.

Ўғлининг ҳақ гапи олдида тили калимага келмай турган Саъдулла ака ранги кўкарган кўйи индамай ётоқхонасига кириб кетди. Лобар опанинг назарида эри гўё бошқа эркакка айланиб қолганди.

Ўғил-қизлари қай даражада ҳаракат қилишмасин, отасини бу йўлдан қайтара олишмади. Гуноҳга ботган эркак «ўзи учун яшаш принциpidан» ортга қайтмади. Бироқ кўп ўтмай жазманининг олдида борганда мия-

сига қон қуйилиб, хушини йўқотди ва ўзига келмай оламдан ўтди. Мисқоллаб йиққан обрўсини бир зумда йўқотган Саъдулла аканинг жанозасида қишлоқнинг санокли одамларигина иштирок этди...

## КАСОФАТНИНГ КАСРИ

Дунё омонатлиги, машҳар синовларини эслатгучи қадим қабристон. Бу фано мулкига қишлоқ аҳлининг не-не авлоди эгалик қилмаган, унинг тошлоқ бағридан жой олмаган дейсиз. Узоқ-узоқлардан кўзга ташлангучи асрлар билан юзлашган яккам-дуккам қабрларнинг баҳоли қудрат қад ростлаб турганини ҳисобга олмаганда, деярли барча қабрлар ерга сингиб кетгандек. Номигагина дўппайиб турган фано уйлари устунни дашт ўсимликлари – янтоқ, шuvoқ, юлғунлар қоплаган. Қабристоннинг олд қисми эса кейинги авлодларга тегишли бўлиб, қабрлар ҳам шунга мос: оқланган, кўкланган, баъзиларига қабр тошлари ўрнатилган.

Бу сокин даргоҳга қадам қўйган инсон борки, уни дастлаб майитлар оламининг ўзига хос сурони босади. Яқинларининг хоки шу гўшада йўқловчига интиқ эканлигидан беихтиёр кўнгли юмшаб, умр ўткинчи, ҳаёт бевафолигини ҳис қила бошлайди. Шоир таърифлаганидек, «индамаслар олами» эгалари билан индамайгина, кўз ёш тўкиб дардлашади. Охиратга йўлловчи бу маконда кексаю ёш, бою но-кон, яхши-ёмон бирдек жой олган. Аммо уларни бу даргоҳга келтирган сабаб – тақдир ҳукми турлича. Яъни, кимдир кексайиб – вақт-соати етиб, кимдир энг гуркираган даврида ёмон дард ёхуд бир фожиа сабаб, яна кимлардир эса баъзи нопок кимсаларнинг гуноҳ йўлдаги жазоси касрига қолиб, ҳаётга тўймай тупроққа сингиган.

Ҳали сувоғи қуриб улгурмаган уч қабр. Ёнма-ён тикланган катта-кичик бу «уйча»ларга она ва унинг икки норасидаси қўйилган. Мунғайиб турган бу мазорларга бир нигоҳ ташламай, қалбингиз пора бўлмай ўтмасликнинг иложи йўқ. Чунки бу йўқлик мулкига улар ҳали муносиб эмасди, ҳарчанд муносиб эмасди.

Фано даргоҳининг қачонлардир қурилган эски дарвозасидан кирган ўттиз беш ёшлардаги эркак хилват гўшага, ўлим ҳақлигини эслатувчи гўрларга рўбару бўлдию, бир муддат тош қотди. Сўнгра ўзига келиб, кўзлари жовдираган кўйи яқинларининг сўнги манзилни излай бошлади. Унинг қоматини тўғри тута олмай, чўлоқланиб, қийналиб юраётганидан ногиронлиги кўриниб турарди. Эркакнинг олазарақ кўзлари учала янги қабрга тушдию, вужудига титроқ кирди. Оёғини судрай-судрай қабрларга яқинлашди ва гавдасини ерга ташлаб, тиз чўқди. У ҳушсиздек норасидаларнинг қабрига девонавор тикилиб турди-да, истиқболга югуриб чиққан ўғил-қизини кенг қулоч ёзиб бағрига босган каби қабрларни кучоқлаб инграб юборди...

\* \* \*

Жавлон куёв навкарлар қуршовида келиннинг уйига кириб борар экан, ҳаяжондан юраги ҳапқирар, тўй аҳлининг нигоҳи унда эканлигини ҳис қилиб, бошини эгган кўйи атрофга қарамасликка ҳаракат қиларди. Улар ўзлари учун ажратилган тўкин дастурхон атрофидан жой олишгач, карнай-сурнай садолари куй-қўшиққа, йигитларнинг чапани рақсларига уланди. Энг ҳаяжонлиси хаёлини ўғирлаган гўзал келинчак билан никоҳ ўқитилгач, ота-онасининг розилиги ва дуосини олиб, уни қишлоққа, барча интиқлик ила кутаётган тўйхонага ёр-ёр билан олиб қайтиш онлари бўлди.

Қишлоқ тўйларининг ўзгача файзи бор. Айниқса, ҳовлиларда бўлиб ўтадиган никоҳ оқшомига меҳмонларни уйма-уй юриб таклиф қилиш шарт эмас. Тўй кўриш истагидаги инсон борки, ташриф буюраверади. Ҳатто ён қишлоқлардан ёш-яланглар гуррос-гуррос бўлиб никоҳ базмини томоша қилгани ошиқишади. Жавлонларнинг катта хонадони ҳам меҳмонлар билан гавжум. Ҳарбий билим юртини битирган офицер йигитга ён қишлоқнинг энг сулув малаги – Машхуранинг узатилаётгани аллақачон атрофга дув-дув гап бўлган. Ўз навбатида келин-куёвнинг бахтига ҳавас қилгувчи йигит-қизлар кўп бўлиб, тўй кўриш баробарида ўзларига шундай умр йўлдош насиб этишини ният қилишарди.

Икки ёшнинг тўйи жуда файзли ўтди. Жавлон Машхурадек гўзал санамнинг висолига эришганидан, шундай оқила ва доно қиз ила умр йўли боғланганидан беҳад бахтиёр эди. Удумларга кўра, тўйдан сўнг ўтказиладиган «куёв чақирди»да у қайнона-қайнотаси – Саноат опа ва Абдумажид акага ваъда берди: «Қаерда яшамайлик, Машхурани ҳамиша асраб-авайлайман. Ундан асло хавотир олманглар. Биз албатта бахтли бўламиз».

Кўп ўтмай катталар ёш келин-куёвни Жавлоннинг хизмат жойига кузатишди.

Машхуранинг янги жой, янги шароитга кўникиб кетиши осон кечмади. Ота-она ва яқинларининг соғинчи юрагини ўртаб турса-да, турмуш ўртоғига билдирмас, унинг муҳаббати ва меҳрибонлиги қалбидаги соғинч изтиробини ювиб турарди. Шунингдек, офицер йигитга умр йўлдош бўлиш бахти кўксини тоғдек кўтарарди ҳам.

– Жавлон ака, – икки-уч ой ўтиб эрига ялинчоқ оҳангда сўз бошлади у. – Қўлимда ҳамширалик дипломим бор. Уйда кун бўйи зерикиб ўтиргандан кўра ишласам яхши бўлармиди?

– Тўғри ўйлабсан, азизам, – унинг фикрини маъқулади Жавлон. – Эртадан бошлаб сенга иш суриштириб кўраман. Хизмат билан бўлиб бу ҳақда эртароқ ўйлаб кўрмаганимни қара. Кун бўйи ёлғиз эшикка термилиб мени кутиб ўтиришнинг ўзи бўладими, – уни бағрига босиб эркалади йигит. – Ҳадемай ўзингга ўхшаган ширин болаларимиз бўлса, шундоғам уйда қолиб уларни катта қилишингга тўғри келади.

Машхура ҳар томонлама тушунган, зиёли йигит билан тақдир йўли боғланганидан, ҳаёти бахтга йўғрилганидан ўзини осмонларда ҳис этарди. Орадан маълум вақт ўтиб у шифохонада ҳамширалик қила бошлади. Кунлар, ойлар ўтди. Икки ёшнинг бахтиёр кунлари қувончли хабарга уланди. Ўзини беҳол сезиб, кўнгил беҳузурлигидан ўзгача бўлиб юрган Машхуранинг ҳомиладорлиги юзага чиқди. Нафақат икки ёш, балки катталар ҳам интиқ бўлиб кутган бу янгилик барчани қувонтирди...

– Машхура, қара қизалоғим худди ўзимга ўхшайди, – хизматдан қайтган Жавлон қизчаси Мадинани бўйнига миндириб олиб эркалатаркан, овқат сузаётган хотинига юзланди. – Ўртоқларим ҳам Мадинани кўриб «қизинг ўзингни кўпиянг бўлибди» деб ҳайратда қолди. Кўрдинг, бу ҳақиқий ота қизи.

Эрининг астойдил мақтанаётганидан Машхура завқланиб кулди.

– Бунинг учун аввало менга раҳмат айтишингиз керак. Отасига ўхшаган қиз бахтли бўлади дейишади. Шунинг учун ҳам сизга ўхшатиб туғдим-да!

– Албатта, менинг қизим бахтли бўлади, ҳаммадан зўр қиз бўлади.

Эр-хотин кечки овқат устида ҳам қизчалари билан овора бўлишди. Бу онлар улар учун завқли ва фарахбахш эди...

Орадан икки йил ўтиб Жавлоннинг хизмат жойи ўзгарди. Шунингдек, лавозими ҳам ошди. Ёш оила янги



шаройтга тез мослашди. Рўзғорнинг, оиланинг ширин ташвишлари ила кунлар ўта бошлади. Улар бахтиёр эдилар. Ва бу бахтга уларни сазовор этган икки ёшнинг покиза қалбидаги меҳр-муҳаббат ва садоқат туйғулари эди, шубҳасиз.

Мадина тўрт ёшга тўлганда укаси Рустам дунёга келди. Офицер йигитнинг оиласи кенгайиш баробарида, унга хизмат жойида уч хонали уй берилди.

Аёл киши ҳамиша гўзалликка интилиб яшайди. Қарда истиқомат қилмасин, ўша ерни нурафшон этишга ҳаракат қилади. Чевар-чечан Машҳура ҳам янги хонадонни астойдил, дид билан жиҳозлади. Болалар хонасига алоҳида эътибор қаратди. Айниқса, Жавлонга тегишли нарсаларни ўзгача меҳр билан жойлаштирди. Аёлининг дидига ҳамиша юксак баҳо берадиган йигит бу гал ҳам унга тан берди.

– Азизам, кўлингнинг сеҳри борми дейман-да. Уйимиз шу қадар файзлики, кўп вақтингни болаларимизга сарфлаб туриб ҳам, ҳамма жойни саранжом-саришта тутганинга қойил қолмай илож йўқ.

– Сиз туну кун хизматда бўлсангиз. Менга ёрдам беришга вақтингиз йўқ. Уй юмушларини ўзим уддалашга ҳаракат қиламан-да, – эркаланган кўйи бир оз ўпкаланган бўлди Машҳура ва эрини ноқулай ҳолатга солмаслик учун. – Рўзғоримиз тўкинлиги, оиламиз ободлиги сиз билан. Бахтимизга соғ бўлинг, илоҳим. Фақат биз учун ҳам вақт ажратиб, меҳрингизни дариғ тутмасангиз бўлгани, – дея кўшиб кўйди майин жилмайиб.

– Бўлди, бўлди, нима демоқчи эканингни тушундим, – ўғил-қизини икки кўлида тутганча Машҳуранинг пешонасидан ўпди Жавлон. – Мана шу дам олиш кунимда сизларга алоҳида вақт ажратаман. Бирор жойга сайрга чиқамиз, мириқиб дам оламиз. Хурсандмисан?

– Бўлмаса-чи, – эрининг елкасига меҳр билан бош кўйди Машҳура. Аммо...

Аmmo бир қатор дам олиш кунлари ортида қолган бўлса-да, негадир Жавлоннинг оиласига вақт ажратилмади, улар билан дам олишга фурсати бўлмади. Бу ҳам етмагандек, хизматдан кеч қайтадиган одат чиқарди. Ҳар гал хизматда узоқ вақт ушланиб қолса хабардор қиладиган йигит, бу одатни унутганди. Мана шундай кунлардан бирида турмуш ўртоғининг йўлига кўз тикиб бедор ўтирган Машхура эшик қўнғироғи чалинган заҳоти зрига пешвоз чиқди.

– Хайрият, келдингизми? – салом бериб, қўлидан фуражқасини оларкан. – Жуда хавотир олдим, тинчликми? – деди савол назари билан термилиб.

– Нима, ёш боламидим мендан хавотир оласан, – уни жеркиб берди кайфдан чайқалиб турган Жавлон.

Эрининг қаттиқ мастлигини кўриб Машхура ҳайратини яширмади:

– Бу қадар кўп ичганингизни энди кўришим, меҳмондорчиликда бўлдингизми?

– Сенга ҳисоб беришим шарт эмас. Ортиқча савол берма, чарчаганман.

Машхура кўйлагининг тугмасини зарда билан узиб юборгудек тортиб-тортиб ечиб ётоқхонага кириб кетган эрининг орқасидан қараб қоларкан, бошқа сўз қотмади. «Ҳозир гапиришнинг фойдаси йўқ. Эрталаб ўзига келса гаплашиб оламиз. Бу ишидан уялади ҳали», ўзини овутган бўлди дили оғриган аёл.

Машхура ошхонага ўтиб, эри учун тайёрлаб қўйган дастурхонни йиғиштириб, ётоғига кирганда чала ярим ечинган Жавлон аллақачон қотиб ухлаб қолганди.

Машхура одатдагидек эрта туриб нонушта тайёрлади. Бироқ юзи димиққан ҳолда кайфиятсиз уйғонган Жавлон иштаҳаси йўқлигини баҳона қилиб хизматга отланди. У аёлини кечаги ҳолат юзасидан савол назари билан қараб турганини ҳис қилар, юзига қарамас, тўғрироғи, бунга журъат этмасди. Айби ошкор бўлиб

қолаётгандек, болаларини ҳам кўрмай ташқарига шошилган йигит хотини билан совуққина хайрлашди. Унинг нописанд муомаласини ҳазм қила олмай ичидан зил кетган Машхура эрига нима бўлаётганини англашга ҳаракат қилар, дилини қоронғилик қоплаганди...

Шу кундан эътиборан Жавлоннинг феъл-атворида кескин ўзгариш юз берди. Хотини ва болаларига меҳрибон, оилага жонкуяр йигит серзарда, аёлининг ҳар бир ишидан, сўзидан айб топадиган, болаларининг эркалигига танбеҳ билан жавоб қайтарадиган кўпол эркакка айланганди. Машхура бунинг сабабини излар, эри билан дилдан суҳбатлашишни истар, аммо хизматдан кеч қайтиб, эрта кетадиган Жавлон бунга имкон бермас, тўғрироғи истамасди. Эрининг эътиборсизлиги, совуққонлигидан азият чекиб юрган Машхуранинг олдига кўшниси Барно чиқди. Қисмдаги ҳарбий савдога қарашли бўлимда ишлайдиган бу аёл босиқ, хушфеъл бўлиб, Машхура билан дугоналик риштасини боғлаганди. Барно ранглари униққан дугонасининг юзига эътибор ила разм соларкан, саломаликдан сўнг мударога ўта қолди:

– Машхура, оилаларингга ҳамманинг ҳаваси келади. Чунки эр-хотин узукка кўз кўйгандек бир-бирларингга моссизлар. Рўзғорларинг бут, ширин фарзандларинг бор. Лекин бундай бахтга чанг солувчилар ҳам йўқ эмас.

Машхура дугонасининг узоқдан гап бошлаганидан ниманидир айтмоқчи эканини англади ва:

– Оиламизга кўз текканга ўхшайди, ўртоқжон, – деди ғамгин ҳолда кўнглини ёриб. – Жавлон акам кейинги пайтларда жуда ўзгарди. Бунинг сабабини билолмай бедорман.

– Шу ҳақда сиз билан гаплашмоқчи эдим, – бир оз дадиллашди мақсадини айтишга қийналаётган Барно. – Олдингизга чиқишдан аввал кўп ўйладим. Сизга ет-

казмоқчи бўлган хабарни айтишим шарт эканлигига ишонч ҳосил қилдим. Чунки биз аёллар ҳам оиламизни хиёнатлардан ҳимоя қилишимиз шарт.

Машҳура Барнонинг сўнги сўзидан эри ҳақида ноҳуш хабар айтишини сизди. Титроқ кирган юрагини бошишга ҳаракат қилиб, ҳақиқат билан юзлашишга ўзида куч топди ва дугонасига савол назари билан қаради.

– Жавлон ака Малика исмли енгилтабиат аёлнинг домига тушиб қолганга ўхшайди, – уни кўп куттирмай кўнглидаги гапни айтди Барно. – Аммо уларнинг ораси қай даражада яқин, билмадим. Ҳарқалай, ёмон ишнинг олдини олган маъқул-да, – дугонасини хиёнат азобидан асраган ҳолда қалби озор чекмаслик учун воқеага жиддий тус бермади у.

Бироқ Машҳура эрининг хиёнаткорлигини Барно қай даражада хаспўшлаб унга етказмасин, ўзи сезиб, тахмин қилиб юрган фожиа юз берганини ҳис қилиб турарди. Ҳа, Жавлонни ҳаммадан, энг яқинларидан-да устун қўйган Машҳура учун унинг хиёнати чиндан-да фожиа эди.

Дугонаси Машҳурага оиласини покиза асраш борасида бир қатор жўяли маслаҳатлар бергач, чиқиб кетди.

Машҳуранинг қулоғига унинг бир гапи кирган бўлса, бириси кирмади. У шуурини йўқотган инсондек бир нуқтага тикилганча қотиб ўтирар, бу ишларнинг сабабини англашга, идрок қилишга қодир эмасди. Унинг хаёлида фақат «нима учун хиёнат қилди, нима учун?» деган биргина савол айланарди, холос. У ҳушсиздек узоқ ўтиргач, базўр кўзгу олдига борди. Эрини ўзидан совутган асл сабабни ойнада кўришни истади. Чунки хонадонни покиза асраш, пазандалик, муомала борасида эридан бирор марта танбеҳ эшитмаган Машҳура ўзининг айбини ҳуснидан қидиргиси келди. Лекин кўзгудаги аёл икки фарзанднинг онаси бўли-

шига қарамай ранглари бир оз униққан бўлсада, ҳамон хушрўй ва дилбар эди.

Кун бўйи кўксида хиёнат чўғи ловуллаб, аламли хаёллар оғушида тушкун ўтирган аёл кечга бориб ўзини қўлга олди. Тўғрироғи, бунга мажбур эди. Чунки болаларини боғчадан олиши, уларга таом тайёрлаши ва албатта, турмуш ўртоғи билан суҳбатлашиб олиши шарт.

Ҳар доимгидек Жавлон хизматдан кеч қайтди. Феъл-атвори ўша-ўша – кўрс, тунд. Машхура кўкси қай даражада куюб турмасин, унга сўз очиш учун фурсат кутди ва:

– Малика ким? – деди қовоғини уйганча ётоққа кириб кетаётган эрига юзланиб.

Кутилмаган бу саволдан Жавлоннинг ранги ўзгарди.

– Неча ойлардан буён менга орқа ўгириб ётишингизнинг сабаби ўша аёлми?

Машхуранинг қатъий оҳангдаги саволидан сири ошкор бўлганини англаб турса-да, кўрқоқ аввал мушт кўтаради деганларидек, Жавлон уни силтаб ташлади ва ҳақоратга ўтди:

– Сен мени ким деб ўйлаяпсан... Қандайдир Маликани пеш қилиб мени қўлга олмоқчимисан? Истасам ҳозир уйдан чиқиб кетишим мумкин. Лекин ёмон отлик қилишингга йўл қўймайман. Ҳе, сени ўша...

Машхуранинг кўз олди қоронғилашди. Эрининг ориятини, виждонини ютган хиёнат аждаҳоси унинг юзида, сўзида акс этиб турарди...

Орадан уч кун ўтиб, қайнона-қайнотаси келди. Қўлнинг синганини енгнинг ичи яширади деганларидек, Машхура бундан ўзга чора топа олмади. Ўғлининг юриш-туришини обдон суриштиргач, ўзга аёл билан алоқа боғлаганига ишонч ҳосил қилган Кимсанбой ака унга ҳар томонлама танбеҳ берди, насиҳат қилди:

– Сенинг бу қилмишинг янгичада ҳам, эскичада ҳам гуноҳи азим. Ҳатто муқаддас китобимиз Қуръони каримда оилали эркак ва аёлнинг зино йўлдаги гуноҳига ўлим жазоси буюрилган. Чунки шармсиз, зино ишнинг касри ҳамма нарсага, биринчи навбатда, болаларингга уради. Унинг касофати сабаб эл-юрт, тенгқурларинг орасида беобрў, беҳурмат бўласан. Рўзғорингдан файз қочади, барака кетади, фарзандларинг ризқи қийилади. Вақтида ўзингни йиғиштириб олмасанг ишингдан, оилангдан айрилишинг ҳеч гап эмас. Йигитлар орзу қиладиган соҳада хизмат қиласан, ўғлим. Ахлоқсизлигинг учун хизматдан ҳайдалсанг, шаъни букилган, хизматдан четлатилган ота сифатида болаларингнинг келажagini булғайсан. Ҳатто сени дунёга келтириб, меҳнату машаққат билан улғайтириб, элга қўшган биз – ота-онанг ҳам бу гуноҳинг учун икки дунё жавоб берамиз. Вақтида кўзингни оч, бу йўлдан қайт, болам...

Ўғлининг шу қадар тубан кетишини кутмаган Кимсанбой ака унга узоқ танбеҳ берди, ахлоқсиз кимсаларнинг бахтсиз турмушидан, аччиқ қисматида мисоллар келтирди. У надомат чеккандек бошини қуйи эгиб ўтирган ўғлини насиҳатларидан сўнг бу йўлдан қайтишига ишонди. Аммо ота танбеҳига узоғи билан бир ҳафта амал қилган йигит аввалги қилмишини бошлади. Фарзанди орқасидан боши эгилган ота бу гал унинг командирлари олдида юзи сарғайди. Ўғлининг хизмати унинг тили билан айтганда «Малика қиёфасидаги шайтондан – балои офат»дан узоқларга, бошқа гарнизонга кўчиришни илтимос қилди...

Аёл сабри, саховатли қалби билан оилани нурафшон этади. Машҳура тоғли ҳудудда жойлашган турар жойни ҳам мамнуният ила қабул қилди. Унинг учун эрининг ахлоқан поклиги, оиласининг асралиши муҳим эди. Жавлоннинг кечирилмас хиёнатидан кўксининг бир парчаси куйиб турса-да, ранжу аламларни ичига

ютди. Болалари учун, уларнинг отасиз улғаймасликлари барча синовларга, қийинчиликларга тайёр эди у.

Жавлон ҳам ўзини бир қадар босиқ ва вазмин тутарди. Иродасизлиги, енгилтабиатлиги сабаб хизмат мансаби пасайиб, оиласи мукаммал бўлмаган шароитда истиқомат қилаётганидан эзиларди. Эр-хотин ўртасида кўзга кўринмас меҳр заволи – хиёнат доғи парда тортиб турса-да, Машхура эрини аввалгидек кутиб олар, ҳурматини жойига қўярди. Шу зайлда орадан уч-тўрт ой ўтди. Лекин оиланинг тинч ҳаёти узоққа чўзилмади. Йигитнинг қимматбаҳо совғаларини маишатли кечаларга ўрганган Малика уни топиб борди. Жавлон аёлни хушнудлик ила қабул қилганидан икки гуноҳкорнинг ўзаро келишув орқали учрашгани кўриниб турарди. Фақат бу сафар йигит ўта эҳтиёткор бўлди. Хотинининг сезиб қолишига имкон бермади. Бироқ у энг асосий ҳақиқатни – ахлоқсизлигининг оқибати мудҳиш кунларни бошига солишини, касофатининг касри фариштадек аёли ва болаларига уришини унутганди. Тўғрироғи, хаёлига ҳам келтирмаганди.

Ўша куни Машхура кун бўйи ёз неъматларидан банка беркитди. Уй-жойларини тартибга келтирди, болаларини чўмилтирди. Эртасига биринчи синфга борадиган қизалоғи Мадинанинг кийимларига дазмол босди. Сумкасини кучоқлаганча ҳаяжон билан «аяжон, эрталаб ухлаб қолмаймизми? Мен билан бирга мактабга борасиз-а?» дея кетма-кет савол бераётган қизининг қўлидан сумкасини олиб, бош томонига қўяр экан, уни тинчлантириб, кўнғироқ сочларини силаб ухлатди. Ва ҳар доимгидек эрининг йўлига термилиб кўзи илинди.

Ярим тунда маст ҳолда қайтган Жавлон хотини сезмаслиги учун эҳтиёткорлик ила уйга кирди-да ошхона томонга ўтди. Кўнгли қайноқ чой тусади. Бироқ мастлик устун келиб газ плитканинг қулоқларини бураса-да қўли ўзига бўйсунмай гугурт чақа олмади. Чайқала-чайқала ортига қайтди.

Нохуш ҳиддан уйғониб кетган Машхура тун қоронғи-сида дастлаб нима бўлганини англолмади. «Яна чирок ўчибди-да», хаёлидан ўтказди аёл ва шам ёқиш учун гургурт чакди. Уй ичини бир зумда олов ва фарёд эгаллади. Ўша мудҳиш кун барчани ларзага солди. Хиёнаткор эркакнинг гуноҳи кабираси жуфти ҳалоли, жигарпораларига урди. Ўзи эса мажруҳ кимсага айланди.

Жавлон ҳарбий госпиталда йўқлик ва борлик ораси – икки дунё ўртасида ўлим билан олишаётган бир паллада маъшуқаси Малика янги жазмани билан ҳаёт «гаштини» сурмоқда эди...

Ўлим ҳақлиги, маҳшар синовларини эслатгувчи сокин қабристон. Яқинларининг қошида тиз чўкиб ўтирган яримжон девонавор йигит қабрларга термилганча хотини ва болалари билан берилиб гаплашар, гоҳ йиғлар, гоҳ куларди...

## СЎНГГИ ПУШАЙМОН

Набираси Зулайҳонинг сочларини қирқ кокил қилиб ўрган Муборак опа унинг майда ўрим кокиллариغا меҳр ила термилиб:

– Кунда тутам-тутам кўпайиб, ойда қулоч-қулоч ўсин, – дея силаб қўйди.

– Бувижон, менга ҳар гал сочимни ўриб бўлгач айтадиган мана шу гапларингиз жуда ёқади, – эрқаланди Зулайҳо.

– Бу сўзлар катта бувиларингдан мерос. Бувим, онам сочимни ўриб бўлгач, шундай ният қилишарди. Замоннинг зайли билан ҳозир ҳеч ким соч ўрдирмайди. Сен ҳам сал улғайсанг, сочингни алламбало фасонларга солишни бошласанг керак.

– Ўзимнинг бувижоним, – жавоб ўрнига Муборак опанинг бўйнидан кучди қизгина.

– Бўлди, бўлди, эрқаланиб кетма. Онанг мактабдан қайтгунча ошхонани тартибга келтириб, дарсларингни



қил. Сен яхши ўқишинг керак. Биласан-а, ота-онангнинг умиди ёлғиз сендан.

– Биладан бувижон, биладан.

Унинг жавобидан «бу сўзни кўп айтгансиз», деган маънони англаш қийин эмасди.

Муборак опа ошхонага йўл олган кўзга яқин зукко набирасининг ортидан қараб қолар экан, «ўзингга шукр», деди аста пичирлаб.

Ҳовли четидаги дарахтлар тагини юмшатиб турган Саидакбар ака буви-набирани бир оз кузатиб турди-да, аёли ёлғиз қолгач, унинг олдига келди.

– Совуқ чой борми, онаси, томоғим қақраб кетди, – дея толиққан кўйи сўри четига ўтирди. Муборак опа эрига хонтахта устидаги чойдан қуйиб узатди.

– Ўғлинг айтган анави масалани ўйлаб кўрдингми? – деди Саидакбар ака хотинига синчков термилиб.

– Қайси масалани? – ўсмоқчиланди Муборак опа.

– Нега ўзингни билмасликка оласан, нима, гарангмисан?

– Ҳа, гарангман, – эрининг қўпол муомаласидан бир зумда авзойи ўзгарди аёлнинг. – Шу қилаётган ишларинг менга умуман ёқмаяпти. Ширин оиласи, фарзанди бўла туриб яна битта оила қуриш... Хотини эсли-хушли, хушрўйгина бўлмаса ҳам майли эди.

– Гап унда эмас. Сен билган нарсани мен ҳам биладан. Келин яхши чиқди. Олий маълумотли, мактабни, оилани бирдек уддалаяпти. Бизнинг ҳурматимизни ҳам жойига қўйиб келяпти. Аммо қизи ўн тўртга қиряптики, бошқа туққани йўқ. Ўғлинг Ҳожиакбар эса ўғил кўришни истайди. Қолаверса, менам шуни хоҳлайман.

– Фарзанди йўқ эмас, бор-ку. Ҳаётда қанча тирноққа зорлар бор ахир. Келин бечора яна туғиш учун ўзига дори-дармон қилавериш ҳолдан тойди. Ичи дорига тўлиб кетди.

– Ўғлинг ҳам қараб тургани йўқ, даволанди. Хотини билан бирга неча бор дўхтирларга учради. Шунинг учун

айб келинингда экани аниқ. Боласи ўғил бўлганда ҳам майли эди. Эртадан кейин Зулайҳони узатиб юборишса, иккаласи шўппайиб қоладими?

- Аввало ота-она ўғилдан роҳат кўрадими, қизданми, ўзига аён. Қолаверса, атрофи тўла ака-опа жигарлари бор, ёлғиз қолмайди. Қизи ўзидан кўпайса, бир этак на-бираси бўлади.

- Ҳой, қайсар хотин, ўғлинг яна битта оила қуриб ўғил-қизи кўп бўлса, бунинг нимаси ёмон. Эрта келиб укалари Зулайҳога таянч бўлади, ёлғизлигини билдир-майди.

- Ўғлингизнинг оила қуришига келинингиз билан набирангиз рози бўлади, деб ўйлайсизми? Улар буни кечирмаса, оиласи пароканда бўлади-ку.

- Шунинг учун сен рози бўлсанг бу ишни ими-жимиди қиламиз. Ҳожиакбар болалик бўлиб, ҳаммаси изига тушиб кетгач, хотинига ётиғи билан тушунтирамиз. Набиранг ақли, буни тўғри қабул қилади.

- Аммо руҳи синади, отадан кўнгли қолади. Ўзини фарзанд сифатида ўрни йўқлигидан бир умр ўксиб яшайди. Шу ишнинг бошида турганимизни билса сиз билан мени кечирмайди.

- Набирангга бўлган меҳринг ақлингни ноқис қилиб қўйибди, - пиёла тагида қолган чойни зарда билан ҳовлига сочди Саидакбар ака. - Уйланмоқчи бўлган аёли қишлоғимиздан йигирма километр узоқда, ишхонасининг олдида яшайди. Вақти-соати етгунча балки ўзимиздан бошқа ҳеч ким билмас. Эртага бориб кўриб кел. Иккита ўғилчаси билан бева қолган экан. Ўғлингга ҳам ўғил туғиб берса ажабмас.

Муборак опа индамади. Саидакбар ака буни розиликка йўйди. Эр-хотинлар паст овозда суҳбатлашган бўлсада, «набирамнинг қулоғига бирор сўз чалиниб қолмадимикан», деган ўйда ошхона томонга хавотирлик ила қараб қўйди.

Орадан бир ҳафта ўтди. Эрининг қистови билан ўғлига иккинчи хотин бўлишга розилик билдирган аёлни кўргани борди. Замоनावий кийинган, шаддоггина Сурайё уни яқин инсони каби қарши олди. Бўлажак келин сифатида меҳр билан мулозамат кўрсатди. Бироқ унинг юзларидаги ясама табассум, айёрона сузилиб турган кўзлари-ю, юзаки илтифотидан Муборак опанинг кўнглига қоронғилик оралади. Бу жувон эрта келиб кўнгилсиз муаммоларни бошлашини сизди. Унинг олдидан тушкун кайфиятда қайтди, тўғрироғи, уни оилаларига яқинлаштирмасликка қарор қилди. Аммо аллақачон Сурайёнинг домига илинган Ҳожиакбар бир сўзда туриб олди.

– Ойижон, Сурайёни кўпдан буён танийман. Кўнгли очиқ, яхши аёл. Эри оламдан ўтгач, унга совчи қўйганлар кўп бўлган. Лекин у оилам борлигини била туриб мени танлади.

– Йўқ, ўғлим, у сени эмас, мансабинг, пулларингни танлаган. Ҳозир ширин оиланг, қизинг борлигига ношукрлик қилиб кўзингни каттароқ очмасанг, кейин кеч бўлади.

Онасининг сўзларидан Ҳожиакбарнинг энсаси қотди.

– Дадам келса маслаҳат билан бирор хулосага келармиз, – дея унинг навбатдаги насиҳатидан ўзини олиб қочди ўғил.

Кечга томон оиладаги «сирли машваратда» ушбу масала кўндаланг қўйилди ва оила бошлиғи ўғлининг ўша аёлга уйланишига розилик билдирди.

– Сен ўғлингнинг уйланишини истамаганинг учун у жувонни ёқтирмагансан, – хотинининг эътирозини инobatга олмади Саидакбар ака. – Ўғлинг бир йил мобайнида уни обдон суриштирган, кузатган. Бир-икки бор уйда меҳмон бўлиб, яқинлари билан танишган. Сен бўлсанг бир кўришдаёқ йўққа чиқариб ўтирибсан. Савоб ишни ортга суриш гуноҳ, рози бўлақол энди.

– Мен онаман, қолаверса аёлман. Аёлни аёлчалик ҳеч ким билмайди. Ўғлингизни, унинг оиласини кўра-била туриб чоҳга итаряпсиз. Мана шуни гуноҳ дейишади ас-лида.

Аёлининг йиғлаб юборишга шай турган ёш тўла кўзларини кўриб оила бошлиғи ўғлига қараб қўл сил-тади.

– Э-э, қўявер ўғлим, онангга бари бир гап тушунти-риб бўлмайди. Машойихлар хотининг билан маслаҳат қилгину, билганингдан қолма деган. Биз ҳам шу йўлни тутамиз. Эртага болаларинг кўзга кўриниб қолса, ҳам-масини унутади. Тайёргарлигингни кўравер.

Уч-тўрт кун ўтар-ўтмас ими-жимидида ўтказиладиган тўй куни белгиланди...

– Ойижон, иш билан бўлиб сиз билан бемалол суҳ-батлашишга ҳам имкон тополмаяпман, – дам олиш куни эрталабки чой устида қайнонасининг ўйчан юзига тер-милди Моҳида. – Неча кундан буён кайфиятингиз йўқ, паришонсиз. Мендан хафа эмасмисиз? Ишдан ортиб, хиз-матингизни яхши қилолмаяпман.

– Ундай деманг, қизим, – базўр жилмайди Муборак опа. – Ҳамма ишни чиройли удалаяпсиз. Бундан ортиқ бўлмайди. Менинг кайфиятимга эътибор берманг. Гоҳи-да дадангиз билан хафалашиб қоламиз.

– Тўппа-тўғри, мен кўпдан буён кузатиб юрибман, – кутилмаганда суҳбатга қўшилди Зулайҳо. – Бувим бобом билан гаплашди дегунча кайфиятлари тушиб хафа бў-либ қоляпти.

– Ҳой, беодоб, катталарнинг гапига аралашишни сен-га ким қўйибди, – қизига танбеҳ берди Моҳида. – Чойин-гни ичиб олгин-да, хонангни тартибга келтир.

– Бувижонимни яхши кўрганим учун айтяпман бу гапларни. Чунки уларнинг хафа бўлишларини асло ис-тамайман, – Муборак опанинг елкасига бошини қўйди Зулайҳо.

Муборак опа набирасининг бошини силар экан, икки ўт орасида ёнар, келинининг юзига қарашга бо-тинолмасди.

Тўй учун белгиланган кун келди. Ҳожиакбар хиз-мат сафари баҳонасида бир кун аввал хонадонни тарк этди. Саидакбар ака никоҳга бориш учун белгиланган уч-тўртта яқинлари билан йўлга отланди. Шубҳасиз-ки, уларнинг орасида хотини ҳам бўлиши шарт эди. Бироқ Муборак опа ўзини ҳарчанд қўлга олмасин, бу-нинг урдасидан чиқолмади. Никоҳга боришни кескин рад этди...

Орадан ойлар ўтди. Ортда қолган ҳар бир кун хона-дон катталари-ю Ҳожиакбар учун оғир сирнинг залво-ри остидаги кўнгилсиз онлар эди гўё. Саидакбар ака эса ўғлидан янгилик кутар, аммо ундан бу борада садо чиқмасди.

- Кунларнинг ўтишини қара. Уйланганингаям етти ой бўлаяпти, - ўғлига юзланди хонадон бошлиғи. - Хотинингда ўзгариш бўлай демаяптими?

- Ҳозирча янгилик йўқ, - гапни қисқа қилди ўйчан ўтирган Ҳожиакбар.

- Кейинги пайтларда шаштинг паст, кайфиятинг йўқ. Вақтни ўтказмай дўхтирга учрашинглар.

- Шундай қилмоқчи эдим. Лекин Сурайё аввал участ-ка қуриб беришимни истаяпти. Қурилишни бошласам, кейин даволаниб, ҳомиладор бўлар экан.

Бу сўзни эшитиб Саидакбар ака бир зум қотиб қолди.

- Шунақасиям бўладими, аввал туғиб берсин, кейин шарт қўйсин, - тутоқиб кетди у. - Сен ҳам бў-шшиб ўтирмасдан талаб қил. Бўйингда бўлди де-гунча айтганингни қиламан, де. Кейин бу гаплардан зинҳор-базинҳор онангнинг хабари бўлмасин. Акс ҳолда дийдиёсини бошлайди. Ҳаммаданам қон босими ошиб кетади. Бирор кўнгилсизлик бўлмасин яна.

Ҳожиакбар индамади. Шу топда ота-бола иккиси ҳам Сурайёнинг қай даражада беюз, беандишалигини ҳис қилиб туришарди. Шунингдек, у отасига ҳамма гапни айтмаганди. Чунки Сурайё эл-юрт олдида Ҳожиакбардек мансабдор эри билан мақтанишни, у билан қўлтиқлашиб тўй-маъракаларга боришни истар, қонуний никоҳдан ўтишни талаб қиларди. Айтганлари бўлмаса, хотинига бориб ҳамма гапни айтиш баробарида, бир «муштипар» аёлнинг бошини айлантириб, ноқонуний яшаб юргани учун мансабидан бир зумда мосуво қилиш қўлидан келишини қистириб ўтарди. Йигит фарзанд кўришдан кўра ундан қутулишни ҳарчанд истамасин, орқага йўл йўқ эди гўё.

Шу сабаб, Ҳожиакбар Сурайёнинг барча айбларидан кўз юмиб, айтганларини бажариш учун ваъда бериб шифокорга учрашга кўндирди уни. Бироқ шифокорларнинг чуқур текшируви йигит учун кўнгилсиз тугади.

– Фарзанд кўрмаганингизнинг сабаби сизда, – деди шифокор ташхис натижалари билан уни таништирар экан. – Ҳаётингизда бирор автоҳалокатми ёки оғир шамоллашни ўтказган бўлишингиз керак. Балки бу борада узоқ даволанишлар наф берар. Аммо айтилган дамба фарзанд кўришингизга умуман кафолат бера олмайман. Аёлингиз эса соғлом, унинг даволанишига асло ҳожат йўқ.

Врачнинг хулосаси Ҳожиакбар учун фожиа билан баробар эди. У тушкун холда шифокор қабулини тарк этди. Кўз олдида ўғил туғмагани учун ўзини гуноҳкор сановчи севимли хотини Моҳиданинг маъюс чеҳраси гавдаланди. Фарзанд деб ўн йилдан ортиқ-ки, табибу шифокорларнинг остонасига бош уриб келаётган, вужудини кераксиз дори-дармон билан заҳарлаётган меҳрибон аёлининг гуноҳи нима эди? Ўтган ишларни унга қай юз билан айтади. У еру кўкка ишонмай-

диган эрининг хиёнатини кечира оладими? Ўзига куйиб қўйгандек ўхшаган зукко қизи Зулайхонинг ундан кўнгли қолмасмикан? «Шу ишни қўй, жон болам» деб, неча бор ялинган, Сураёга уйланганидан буён чеҳраси очилмай келаётган бағри куйик онажониси-чи?

Ҳожиакбар ўйлагани сари севимли инсонларининг олдида қай даражада юзи қора эканлигидан юраги увушарди. У аста қаддини тутди. Унинг олдида чорасиз ўйлардан қутулишнинг фақат бир йўлигина бор эди. Ҳожиакбар нафасини бўғаётган галстугини бўйнидан бўшатиб, костюмини елкасига ташлади-да, айбига иқрор бўлиш учун ҳамма нарсани унутиб яқинлари томон йўл олди...

## КЕЧИРИЛМАС ГУНОҲ

– Ойи-и, ойижо-он, чарчадим, дам олайлик.

Оғир ўйлар гирдобида бемажол қадам ташлаётган Гулноза қизининг нолишидан ўзига келди. Шундагина оғир сумкалардан қўллари толиққанини ҳис қилди. Ёнида индамай кетаётган ўғилчасига қаради. Терлаб кетган, базўр қадам ташлаётган болакай онаси тин олган заҳоти унга суянди.

Аёл ёвдан қочаётгандек атрофга аланглаб назар ташлади. Уни ҳеч ким таъқиб қилмаётганига ишонч ҳосил қилгач, қўп қаватли уйлар ёнидаги ўриндиққа оғир чўкди. Болалари шу заҳоти оналарининг биқинига тикилишди.

– Ойижо-он, қорним очқади, – онасига илтижоли термилди етти ёшли Озода.

– Менинг ҳам, – ингранди беш ёшли Назиржон

Гулноза болаларининг зорланишини эшитмагандек, бир нуқтага тикилганча бир оз муддат қотиб ўтирди. Уларнинг хархашаси авжига чиққач, хушини йиғиштириб, қизини жеркиб берди.

– Намунча минғирлайвермасанг. Укангни қара, сендан кичик бўла туриб сабр қияпти.

Қовоқларини уйиб ўтирган, норози қиёфадаги ўғлига қараб «полвоним», дея эркалатиб кўйди. Шу билан унинг инжиқлигининг олдини олган бўлди.

– Озгина чидасаларинг бўлди, манзилга етиб қолдик. Овқатланиб дам оласизлар.

У тугун-терсагини кўтарганча, атрофга ҳадик билан боқди-да, болаларини эргаштириб яна йўлга тушди...

\*\*\*

Аёл! Бу нозик ҳилқат сабру садоқати ила улуғ шаън эгаси, оналик заҳмати, фидойилиги ила буюклик рамзидир. Ҳаёдан яралган поклиги эса аёл шаънининг мезонидир. Бу мезон дарз кетган куни унинг ҳаёти тубанликка юз тутади. Энг ёмони, атрофидаги яқинларининг қадди эгилади. Бу гуноҳ тоабад ювилмас ва кечирилмасдир. Чунки унинг нопок қадами авлодларининг-да шаънига доғ бўлиб тушади.

Гулноза енгил табиати, ахлоқсизлиги билан нопоклик чегарасини кесиб ўтди. Айни дамда болаларини сарсон қилиб қаергадир шошаётган аёл ўз гуноҳларидан, муқаррар жазодан қочмоқда эди. Шу алфозда уни ташқаридан кузатган одам ҳуши жойида эмаслигини сезарди.

Аёл тинкаси қуриган аҳволда, қолдан тойган болалари билан кўп қаватли уйда жойлашган хонадонлардан бирининг эшик кўнғироғини босди. Эшикни очган ўрта ёшлардаги жувон уни қошлари чимирилган кўйи хушламайгина ичкарига киритди...

Ўрта бўй, оппоқ юзли, қош-кўзлари попукдек Гулноза оиланинг тўнғич фарзанди эди. У бўйга етгани сари ошиқлари кўпайиб борди. Тўрт ўғил ичида улғайган ёлғизгина қизини Садир ака жон қадар авайларди.



Отанинг гоҳида меҳрибонлик ила берган панд-насиҳати, гоҳида қаттиққўллик билан сингдирган тарбияси Гулнозада бўй кўрсатди. Онаси Самира уни хилма-хил кийинтириб, гўзаллигини атрофдагиларга кўз-кўз қилишни ҳарчанд истамасин, қизгина отанинг берган ўғитларига риоя қиларди. Яъни, камтар ва камсуқум эди.

Бунинг ўзига хос сабаблари бор эди, шубҳасиз. Қирққа яқинлашган бўлса-да, ҳамон гўзаллигини асраган танноз Самира ахлоқан пок эмасди. Бир этак болали бўлгач, қинғир йўли юзага чиққан аёл эрининг юзига оёқ босганди. Етимликда ўсган Садир ака болаларининг ўзи каби ўксиб улғайишини истамасди. Тишини тишига қўйди, аелининг тўғри йўл танлашига умид қилди, дардини ичига ютди. У эл-юрт олдида энгилоёқ хотин билан яшаётган, оила бошлиғи сифатида шаъни топталганини ҳис қилиб турарди. Бу аччиқ ҳақиқат оғир дард бўлиб эркакнинг юрагини кемириб борди.

Бундан бохабар Гулноза эса қадди букилган отасига таянч бўлишни истар, ўз навбатида руҳан эзилар, чорасизликдан қийналарди.

Тиббиёт билим юртини тамомлаб ҳамшира бўлган қиз яна бир ҳақиқатни англаб турарди. Яъни, у қай даражада хушрўй ва гўзал, иболи бўлмасин, орини йўқотган онаси сабаб, атрофидаги ошиқларнинг бирортаси унга совчи юборишга ботина олмасди. Бу Гулнозага оғир ботар, ҳар гал ўзига ўзи ваъда берарди: «Мен онам каби нопок йўлга асло қадам босмайман. Умр йўлдошимга садоқатли бўламан. Поклигим, садоқатим билан оилам шаънини асрайман. Отам ишончини оқлайман...»

Ва ниҳоят, Гулнозага ён тумандаги узоқ бир қариндошларининг ўғлидан совчи келди. Бўйдор, қорачадан келган ҳарбий либосдаги Муслимбек бир кўришдаёқ Гулнозага ёқди. Йигит эса гўзал қизга боқди-ю маҳлиё бўлди-қолди.

Келинчаклик либосида гул-гул ёниб турган фаришта қизига Садир ака эзгу дуолар қилди, оқ фотиҳа берди. Гулноза отасининг ҳар бир тилагида ўзига хос маъно туйди, унинг ўғитларини қалбига муҳрлади. Қизининг тўйдан сўнг кўп ўтмай Садир ака юрак хуружи билан оламдан кўз юмди...

– Гулнозим, энди пойтахтда яшашимизга тўғри келади, – хизматдан қайтган Муслимбек янги хабар етказди рафиқасига. – Чунки хизмат жойим ўзгартирилди. Бир ойдан сўнг янги жойда истиқомат қиламиз.

Эрининг кўтаринки кайфиятидан бу янгилик унга маъкул келгани кўриниб турарди.

– Пойтахтда ҳамма шароит бўлса керак, – чиройи очилди Гулнозанинг ҳам. – Болаларимизни махсус боғча ва мактабга берамиз, мен ҳам ишга жойлашаман.

– Албатта, ҳали ҳаммаси зўр бўлади, – ҳарбийча оҳангда қатъий фикр билдирди Муслимбек.

У кўп ўтмай масъулиятли вазифада янги жойда хизматини давом эттирди. Гулноза ишга жойлашди. Қизи мактабга, ўғли боғчага қатнай бошлади.

Инсон ҳаётида оиланинг ўрни муҳим. У ҳузур-ҳаловатни, инсоний бахтни айнан оиладан топади. Кун бўйи толиққан вужуди, асаблари яқинлари бағрида тин олади, ором олади. Муслимбек ҳам имкони бўлди, дегунча севимли рафиқаси, фарзандлари бағрига ошиқади. Дам олиш кунлари эса уларнинг истагига биноан дилбандларини театр ва боғларга, кўнгилочар гўшаларга олиб боришдан эринмайди. Оталик, эрлик вазифасини чин дилдан адо этади. Ҳатто навбатчиликда қолган кезлари ҳам уйга тез-тез кўнғироқ қилиб, уларнинг ҳолидан бохабар бўлиб туради.

Ҳа, бахтиёр онларга йўғрилган кунлар йигит учун чиндан-да фарахбахш лаҳзалар эди. Лекин кутилмаганда Гулнозанинг феъл-атворида тушунарсиз ҳолат юзага чиқа бошлади. Яъни, оила юмушларига бефарқ,

фарзандларига эътиборсиз, турмуш ўртоғига нисбатан эса...

– Гулим, ишонасанми-йўқми, сени кун бўйи соғиниб қоламан, худди асал ойидагидек, – тунги осудаликда рафиқасини меҳр ила бағрига босди Муслимбек.

Бироқ Гулноза ток ургандек бир силтанди-ю, уни итариб юборди. Бу ҳолатни кутмаган йигит саросимада қотиб қолди.

– Тинчликми, – деди базўр аёлига синчковлик билан термилиб.

– Шунчаки, кун бўйи мазам бўлмади, – хиёлати фош бўлиб қолаётгандек, тутила-тутила ножўя ҳаракатини оқлай бошлади Гулноза. – Юрагим... бошим... ишқилиб ҳамма жойим оғриди, – эридан нигоҳини олиб қочди у.

Муслимбек орқа ўгириб ётган аёлига қайта сўз қотмади. Унинг гапини йўқотиб, тутилиб келтирган асоссиз баҳоналари сабабини излай бошлади. Шу аснода қалбининг туб-тубини қоронғилик қоплади.

Бир гал хизматдан эрта қайтган йигит болаларини ёлғиз, қаровсиз ҳолатда кўрди. Дадаларини кўриб чиройи очилган болалар, қоринлари оч қолганидан арз қила кетишди.

– Оналаринг қани? Бугун иш куни эмас-ку, уйда бўлиши керак.

– Бозор қилгани чиқиб кетди, – ўпкаси тўлиб дадасига тушунтира кетди Озода. – Тухум, колбаса олиб келиб қовуриб бермоқчи эди.

– Музқаймоқ ҳам ейсизлар дейганди, – опасига қўшимча қилди Назиржон. – Аммо анча бўлди, келмаяпти.

– Қанақа бозор? Уйда ҳамма нарса бор-ку! Яқиндагина бозор қилиб берганман, – таажжубланди Муслимбек ва кийимларини алмаштириб болаларининг қорнини тўйдириш учун ошхона томонга йўналди.

Шу орада «бозорга кетган» Гулноза кириб келди. Унинг қизариб кетган юзидан шошилиб келгани кўри-

ниб турарди. Эрининг хизматдан эрта қайтишини кутмаган аёл уни ошхонада кўриб нафаси ичига тушиб кетди.

- Дугонамда зарур ишим бор эди. Шунинг учун... - унинг бежо кўзлари эрининг савол назари билан қараб турган ўткир нигоҳига тўқнашди-ю, сўзини давом эттира олмади.

- Ишинг болаларнинг оч қолишидан ҳам зарурмиди?

Гуноҳлари гирдобида қалтираб турган аёл ўзини қўлга олиб, бир зумда бошқа қиёфада товланди:

- Намунча тергамасангиз. Биринчи маротаба шундай бўлиши, - беихтиёр эркаланиб эрига ним табассум ҳадя қилди у. - Энди бу ҳолат такрорланмайди, ўртоқ командир.

Муслимбек бор «санъати»ни ишга солиб айёрона жилмайиб турган аёлининг гўзал чехрасига термилиб ҳовуридан тушган бўлса-да, унинг феъл-атворидаги ножўя ўзгаришни қалбан ҳис қилиб турарди. Кундан-кун совиб бораётган ўрталаридаги эр-хотинлик муносабати, хотинининг оилага нисбатан бефарқлиги йигитни жиддий ўйлашга ундай бошлади. Айниқса, навбатчиликда қоладиган кунлари аёлидаги ўзгача тараддудни кузатган йигит бунинг тагига етишга қарор қилди.

- Бугун навбатчиликда қоламан, болаларни эҳтиёт қил, - хотинига астойдил тайинлади Муслимбек.

- Болалардан асло хавотир олманг, - эрига парвона бўлди Гулноза. - Ишдан эртароқ келиб улар яхши кўрган таомни пишириб бераман.

- Яхши, - ўзини хотиржам кўрсатди оила бошлиғи. - Эртага хизматдан барвақт қайтсам, бирга бозор қиламиз.

Муслимбек хушнудлик ила хизматга кузатаётган аёлини зимдан кузатар экан, кўнгли бир нохушликни сезгандек оғир увишди.

Аслида навбатчи бўлмаган йигит ярим тунда одамлар оёғи тингач, аста хонадонига яқинлашди. Ўз кали-

ти билан оҳисталик ила эшикни очди ва кийимларини ҳам алмаштирмай ётоқхонаси томон йўналди. Бироқ у ерда Гулноза кўринмасди. Муслимбек нохуш хаёлларни четга суриб, аёлини болалар олдида бўлса керак, деган умидда улар ётган хонага мўраллади. Ўғли ва қизи ширин уйқуда оналарисиз ором олишмоқда эди.

Бошқа хоналарни кўздан кечириб хотинини уйда эмаслигига ишонч ҳосил қилган йигит қандай йўл тутишни билмай, бир муддат қотиб турди. «Наҳотки, мен севган аёл тубанликка йўл тутган бўлса? Наҳотки, менга, болаларига хиёнат қилса? Оиласини, ширин оиласини беномусликка алмаштирса? У ҳозир қаерда... ким билан..?» Йигит нафратдан қалтираётган кўллари билан бошини чангаллади. Хаёлига келган аччиқ ўйдан беихтиёр инграб юборди. Ҳаво етишмагандек, кўйлагининг тугмаларини ечиб ташқарига отилди.

У шу ҳолатда ҳам гумони нотўғри бўлиб чиқишини жуда-жуда истар, қалбининг бир четида умид деган илинж милтиллаб турарди. Аламли ўйлар гирдобида қанча пайт қотиб турганини, қанча фурсат ўтганини сезмаган Муслимбек аёл кишининг паст товушдаги нозли кулгусидан ўзига келди. Нафратга тўла нигоҳини ўша томонга қадади. Узун йўлак бўйлаб тонг қоронғисида икки кишининг шарпаси кўринди. Новчадан келган эркак нималарнидир шивирлаб аёлга тегажойлик қилар, у эса қиқирлаб куларди.

Йўлак бошида турган Муслимбек ўзини панага олмади. Бироқ дунёни унутган диёнатсизлар унга яқинлашгунга қадар ҳам буни сезишмади. Шу пайт Гулнозанинг нигоҳи важоҳатли алфозда турган эрига тушди-ю, даҳшатдан қотиб қолди. Вазиятни тушуниб етган гуноҳкор эркак эса, аёлни бир зумда унутиб, орқага бир-икки тисланган кўйи ўқдек учиб қоронғиликка сингиб кетди...

Хиёнаати тан олингач, девонага айланиб ўзини ўлдиришга чоғланган Гулноза оналикдан маҳрум бўлиш остонасида турарди. Шаъни булғанган аёл учун болаларидан айрилиш ўлим билан баробар эди. Шу сабаб, у уйда ёлғиз қолганидан фойдаланиб, ўғли ва қизини олди-ю, боши оққан томонга йўл олди, тўғрироғи, қочди. Уни таъқиб қилгувчилар топа олмайдиган жой излади. Аммо Гулноза учун бош суқишга ҳақи бор фақат биргина хонадон, яъни кўшмачи аёлнинг наҳсга ботган кўналғасигина бор эди, холос.

У гуноҳсиз норасидаларини манфур, ахлоқсиз кимсаларнинг оёғи узилмайдиган шу жирканч жойга беркитишдан ўзга чора топмади. Биринчи кечадаёқ ўғли ва қизи босинқираб дадаларини чақириб чиқди. Кечирилмас гуноҳлари эвазига чорасизликдан тўлғониб тонгга яқин кўзи илинган Гулноза эса, дадаси Садир аканинг юзига туширган тарсакисидан ўрнидан туриб кетди. У ўзига келганда юзи ловуллаб ёнар, юрагини ваҳм босганди. Гўё хонада қолса отаси уни калтаклаши муқаррардек, кўча томон шошилди ва девонавор қиёфада боши оққан томонга йўл олди...

## НАДОМАТ

«Ўрнингиздан туринг, суд келяпти!» Илҳом кулоғи остида жаранглаган суронли товушдан уйғониб кетди ва жон ҳолатда ёстикдан бош кўтарди. Дастлаб, тун қоронғисида қаерда эканлигини ҳис қила олмади. Қабрда ётгандек юраги дукиллаб бўғзида ура бошлади. Гўёки у оламдан ўтган-у, қабрда қайта тирилган. Қора терга ботган зилдек оғир вужудини ўнглаб қарахт онгини тиниқлаштиришга ҳаракат қиларкан, қамоқхонанинг ачқимтир зах ҳиди димоғига урилди. Атрофга нажот излаб жовдираган нигоҳи сим тўр билан қопланган кичкинагина дераза кўзига тушди-ю,

айни дамдаги ҳолатини идрок қила бошлади. Шуури тиниқлашиб боргани сари қоронғи гўрдек ҳибсхона деворлари уни бўғаетган каби нафаси сиқди, ўрнидан туришга ҳаракат қилди.

Ва ниҳоят, ўзига келди. Оғир гуноҳи сабаб бандиликда эканлигини англаб етди ва бир қадам ҳам олдинга боса олмай оёқлари қалтираган кўйи қайта ўтириб қолди. Кечагина бўлиб ўтган суд жараёни бир-бир кўз олдидан ўта бошлади:

«Ўрнингиздан тулинг, суд келяпти!» Қора панжара ичида бошини кўйи эгиб ўтирган Илҳом юрак ютиб залда ўтирган яқинлари томон нигоҳ ташлади ва бир қалқиб тушди. Кўзлари гўё атрофда ҳеч ким йўқдек фақат онасини, хокисор, қадди дол онасини кўрди. У дастлаб кўзларига ишонмади. Унинг сочлари, унинг сочлари аввал ҳам шундай оппоқ эдимиз? Наҳотки шу қадар тез оқарган бўлса. Холаси унинг тирсагидан тутиб турганига қараганда гавдасини кўтаришга ҳам ҳоли йўқ. Ҳа, озиб кетган онаизори оз фурсат ичида ўғлининг бор гуноҳини бўйнига олган каби боши ҳам, ранги афтодаҳол, мунгли қиёфадаги кексайган аёлга айланганди.

Кечагина ўғлининг ҳарбий либосини тавоф қилиб, шукроналикдан кўзларида қувонч ёшлари қалқиган Назира опа бугун суд залида дўст-душман олдидан қадди эгилиб ахлоқсиз ва қотил жигарбандига ҳукм ўқилишини кутмоқда эди.

Адлия ходимлари томонидан унинг ҳар бир гуноҳи, жинояти очилиб боргани сари Илҳомнинг кўз олдидан онаси чўкиб, йўқликка сингиб бораётгандек эди гўё...

- Аяжон, суюнчи беринг. Ҳамма синовлардан ўтдим, энди аскар бўламан, - дарвозадан кира солиб онаси кутаётган хабарни етказди Илҳом қувончи ичига сиғмай.

Тандирга ўт қалаётган Назира опа ўғли келтирган хушxabардан бир зум ўзини йўқотиб қўйди. Чунки ўғли-

нинг аскар бўлиши у эришажак орзуларнинг бир қисми эди-да. Келажакда ҳарбий хизматчи бўлишни мақсад қилган Илҳомнинг бу борадаги эзгу истаги ҳаммадан ҳам онаизорига аён эди. Қўли юпқалик билан ўстирган суянчиғи «катта одам» бўлишини бир умр орзу қилган онанинг боши кўкларда эди бу дам.

– Ростдан ҳам армияга кетишинг аниқ бўлдими? – юзига нурли табассум югурди Назира опани. – Хайрият, ўзига шукр, беадад шукр. Бу янгиликни даданг эшитса роса хурсанд бўлади. Ахир қишлоқдаги ўнта йигитдан биттаси бир йиллик армияга бораяпти, – ўғлининг толеидан беҳад мамнун эди она.

Илҳомни эзгу дуолар остида хизматга кузатишди. Ота-она унга хизматни яхши ўташи борасида меҳр ила қайта-қайта ўгит ва насиҳатлар қилишди. Фарзандининг бағридан илк бора узоқлашаётгани Назира опани кўпроқ ҳаяжонга солар, кечаю кундуз дуо қилишдан чарчамасди. Айниқса, оила даврасидаги дастурхон устида соғинч кўз ёшларини билдирмайгина ичига ютарди она. Илҳомнинг ҳарбий қасамёд қиладиган куни оила аъзолари учун чиндан-да байрамга айланди. Улар дарҳол йўлга отланишди. Ўғлининг оз фурсат ичида қадди тик, ранглари тоза, қатъиятли йигитга айланганидан ота-онанинг боши кўкда эди.

Илҳом хизматни аълочилар сафида ўташга ҳаракат қилди. Тўғрироғи, ҳарбий хизматчи бўлиш орзуси томон астойдил интилди. Ва ниҳоят, ўша кун келди ҳам. Маълум синовлардан муваффақият ила ўтган йигит ҳарбий хизматни шартнома асосида давом эттиришга эришди.

Ўғиллари салобат ила ҳарбий либосда кириб келганида Ўралбой ака ва Назира опа қувончдан бир дам ўзларини йўқотиб қўйди.

– Биздан ҳам ҳарбий хизматчи чиқса бўларкан-ку, – ҳаяжон ила ўғлини бағрига босди ота.



– Дўст-душман олдида юзимизни ёруғ қилдинг болам,  
– елкасига бош қўйиб ўғлининг ҳарбий либосини тавоф қилди онаизор.

Бир зумда кутлуғ бўлсинга кўни-қўшнилар йиғилишди. Соддагина хонадонга ўзгача файз кирди. Йиғилганларнинг бири қўйиб, бири эзгу ният қилишдан чарчамасди:

– Илҳомжондек йигитлар қишлоғимизнинг обрўйи. Илоҳим толеи бундан ҳам баланд бўлсин.

– Ҳа, омадини берсин, ўқиб катта командир бўлса ҳам ажабмас.

– Қишлоқдаги йигитлар ундан ўрнак олса арзийди...

Айниқса, аёллар бир-бирига гап бермай Назира опанинг қулоғини ширин сўзлар билан банд этишарди:

– Энди кўркмай қишлоқнинг энг сулув қизига совчи бўлиб бораверасиз, опа. Илҳомжондек йигитга кимлар қизини бермайди.

– Шуни айтинг, кўшни. Қадди-қомати келишган, иши тайин, кўлида катта маоши бор куёв қизлик хонадонларнинг орзуси-ку. Энди Назира опам тўйга тайёргарлик кўрса бўлаверади...

Назира опа кўшни аёлларнинг хушомадли гапларидан эриб кетди, келин олиш орзуси хаёлини банд этди. «Чиндан ҳам энди қишлоқнинг олди хонадонлари билан куда бўлсам ярашади. Келин олиб ҳузур кўрганга нима етсин», ширин ўйлар оғушида дили ҳапқирарди онанинг.

Ўралбой ака ва Назира опалар ўғилларининг шарофати билан топган-тутганларини дастурхонга тўкиб, қариндош-уруғ ва маҳалла аҳлига «ош» беришди. Ва ўғилларининг ёруғ келажагига улкан орзулар боғлашди.

Илҳом белгиланган жойда хизматини адо эта бошлади. У ота-онасининг ўзига боғланган орзу-дунёсини яхши англади, уларнинг ишончини оқлашга ҳаракат қиларди. Шу сабаб, чапдаст ва ғайратли йигит хизматда тез ўрин топди. Бирин-кетин муваффақиятларга эриша бошлади. Аммо ...

Аmmo у ютуқларни қўлга киритгани сари кўксини фахрланиш туйғусига ёт бўлган манманлик эгаллади. Хизмати жойида, яшаш шароити яхши, моддий таъминотда бекаму кўст йигитда ёшлик «даврини суриш» иштиёқи бош кўтара бошлади. Тўғрироғи, маҳаллада ижарада турган Илҳом шу атрофдаги айрим ахлоқсиз кимсаларнинг «тўрига илинди». Бу шайтоний йўл иродасини емириб, ҳаётини издан чиқараётганлигини англашга қодир эмасди у. Атрофида бир зумда кўнглига йўл топа оладиган «дўстлар» парвона бўла бошлади. Ундан нажот кутиб турган ота-онаси эса четга сурилди.

Йигитнинг ҳаётидаги салбий ўзгариш хизматдаги дўстларининг эътиборидан четда қолмади. Улар Илҳомга дўстона ўғит ва маслаҳатлар беришди, тартибга чақиришди. Лекин...

Ўша машъум воқеа содир бўлган кун Илҳом хизмат таътилига чиққан эди. Таътил пулини олиб, ота-онаси бағрига отланаётган йигит каттагина сармоя қўлига теккач, эски «касали» қўзғади. Енгилтабиат аёллар билан маишат қилиш истаги уни яна гуноҳ йўлга бошлади. Ор-номус, поклик, инсоний ахлоқ мезонларини унутган йигит ўзига «муносиб жуфтлик» излашга тушди. «Кўр кўрни қоронғида топибди», деганларидек ахлоқсизликда номи чиққан енгилтабиат аёл – Маъсуда унга рўбару бўлди.

Ахлоқсизликнинг азалий ҳамроҳи ақлдан оздирувчи ичимлик ва гиёҳвандликдир. Илҳом билан Маъсуда ҳам дастлаб кафега йўл олишди. Спиртли ичимлик билан нафсларини қондиргач, шайтон тузоғида кўнгилларини хушлашди.

Шарм-ҳаё, ор-номус унутилган жойда хиёнат, беҳаёлик бош кўтарди. Алар-оқибат қабоҳат ҳукмрон бўлади. Гуноҳга ботган бу жуфтлик ҳам беҳаё мақсади ҳосил бўлгач, ўрталарида низо келиб чиқди. Покиза туйғулардан йироқлашган кўнгиллар нафрат ўтида ёнди. Бир-бири-

ни ҳақорат қилиш баробарида қўл кўтаришга қадар бориб етди.

Қаршисида нозик вужуд – аёл турганлигини унутган Илҳом Маъсуданинг юзига мушт туширди ва бир-икки силтаб ерга улоқтирди. У ҳушини йўқотганини билгач, воқеа жойидан жуфтакни ростлади. Қаровсиз қолган аёл ўша жойда жон таслим қилди.

Жинойят жавобсиз қолмаслиги тайин. Кўп ўтмай ички ишлар бошқармасининг тезкор гуруҳи томонидан Илҳом қўлга олинди. Маъсуданинг уяли алоқа телефонида унинг рақамлари муҳрланган эди...

Илҳом тун зулмати қопланган зах хонада аянчли хаёллар азобида ўтирар экан, онасининг маҳзун қиёфада, суд залида айтган сўнги сўзи қулоғи остида жаранглади: «Гуноҳга ботган қотил ўғлимга қандай жазо берсаларинг ҳам розиман. Менинг бундай болам йўқ, бундай болам йўқ...» Илҳом девонавор қиёфада кулоқларини беркитди.

У кечагина она бағрида эркаланиб юрган бола эди. Ножўя шўхликлари учун отаси танбеҳ берса онажониси ҳар гал ёнини оларди. Аммо насиҳатини канда қилмасди:

– Катта бола бўлиб қолдинг. Энди шўхлик қилиш сенга ярашмайди. Ундан кўра дарсингни қил, укаларингга қара, менга ёрдамлаш.

Онаси мактабда фаррош бўлиб ишлагани сабаб, гоҳида унга ёрдам беришга ҳаракат қиларди. Ёши катта бўлгани сари оилаларидаги етишмовчилик унга сезила бошлади. Қишлоқдаги бадавлат хонадонларга ҳавас билан қарар, ўсмир ўғлининг яхши яшашга интилиши, орзу қилиши Назира опани бефарқ қолдирмасди. Шундай пайтларда:

– Сен оиламизнинг умиди, таянчисан. Ҳали катта ўқишларда ўқиб, катта одам бўласан. Укаларинг ҳам

сендан ўрناق олишади. Тўкин ҳаёт кечирамиз. Ўшанда бизнинг оилага ҳам ҳамма ҳавас қилади, – дея унинг кўнглини кўтарарди

Онасининг бундай эзгу ниятлари Илҳомга ёқар, тезроқ катта бўлиб камсуқум ва камтар, соддагина волидасининг орзу-армонларини юзага чиқаришни жуда-жуда истарди у.

Гоҳида эса қишлоқдаги бирорта йигитнинг нобоп ҳаракати ҳақида сўз кетса:

– Фарзанднинг савоб ва гуноҳ ишларининг ажри икки дунё ота-онага ҳам тегиб туради. Ёшлигидан ҳалол-пок бўлган, чимилдиққа покиза кирган йигитларнинг ҳаёти нузли, келажаги ёруғ бўлади. Покликда гап кўп, – дерди онаси нотўғри йўлга кирган ахлоқсиз йигитларнинг ҳолатига бош чайқаб.

Онасининг бундай доно фикрлари айнан унга қаратилганини Илҳом ҳис қилиб турарди. У орзу қилгандек фарзанд бўлишга ўзига ўзи ваъда берарди ҳар гал. Бироқ бироқ бугун ҳамиятсиз ва бебурдлиги, нахсга ботган вужуди, қотилликка қадар етиб борган кўллари билан нафақат ота-онасининг қаддини эгиб, балки келажагига болта уриб турибди.

Илҳом ранжу надоматга ботган кўйи узоқ вақт қотиб ўтирди. Ёстиққа бош қўйишга юраги дов бермади. Яна алаҳсирашдан – виждон азобининг бош кўтаришидан чўчиди. Шу алфозда кўзи илинди. Аммо суронли товушдан жон ҳолатда ўрнидан туриб кетди: «Ўрнингиздан туринг, суд келяпти!»...

## НАСТАРИН ГУЛЛАРИ

Гулнур пардоз қилиб бўлгач, кўзгудаги аксига бир муддат маҳлиё бўлиб ўтирди. Ўзига нисбатан ўта талабчан бўлган инжиқ қиз учун бундай ҳол деярли кузатилмасди. Унинг ўзини қониқтирган гўзаллиги сири қалбини эгаллаб, чеҳрасида бўй кўрсатган муҳаббатнинг сеҳрли қудратида десак янглишмаган бўлардик. Чунки севги аталмиш бетакрор туйғугина, моҳир мусаавир каби нигоҳларга ўзгача учқун, бахтдан ёришган чеҳраларга бемисл гўзаллик бахш эта олади. Гулнур ҳам айна дамда севган йигити билан учрашувга чоғланмоқда эди.

- Ўртоқжон, ярим соатдан буён ойнага термилиб ўтирибсан. Иқбол ака йўлингга кўз тикиб ҳолдан тойгандир, - унга танбеҳ берган бўлди дугонаси Ҳикматхон. - Ошиғи бечорага сал раҳм қилсанг бўларди.

- Мана шундай учрашувларда йигитнинг сабри синовдан ўтади. Керак бўлса кун бўйи кута олиши керак, - кўзгудан кўзини узмай, мағрур қиёфада майин жилмайиб қўйди Гулнур.

- Қўйсанг-чи, дугонажон. Ўзинг ҳам Иқбол акани тезроқ кўришга интиқ бўлиб турибсан-ку. Буни чарақлаб турган кўзларингдан англаш қийин эмас. Шунинг учун пайсалга солмай, тезроқ йўлга туша қол.

- Бўлди, бўлди, ўртоқ. Ўзиям кампирлардек насиҳат қилдинг-да. Мана кетаяпман. Сенга сиримни айтган ўзим аҳмоқ, - дугонасидан ўпкаланган бўлди Гулнур, ҳазиллашиб қовоғини уяр экан.

Ҳикматхон ўзидан кўнгли тўлган ҳолда, мамнун қиёфада учрашувга йўл олган дугонасининг ортидан жилмайганча кузатиб қолди.

Иқболжон тонг саҳардан кўзини севган қизи билан бўладиган учрашув ҳаяжони билан очди. Бир муддат ширин хаёл суриб ётди. Бироқ учрашув юрагини ҳапқиратиб чўзилиб ётишига йўл бермади чоғи, сапчиб ўрнидан турди-да, бадантарбия қилди, ювиниб чиқди. Сўнгра нонушта тайёрлашга киришди. Ҳамон хонадоши Учқун ширин уйқуда. Тўғрироғи, дам олиш куни бўлгани учун соат саккиз бўлаётганига қарамай, талабалар ётоқхонасида «чурқ» этган товуш қулоққа чалинмайди.

– Учқун, тур, чой ичамиз, – у ёқдан-бу ёққа юриб зериккан йигит шеригини уйғота бошлади. – Зўр нонушта тайёрладим.

Ёстикдан аранг бош кўтарган Учқун дераза томонга кўз ташлади-ю, бошини кўрпа билан ўраб яна қайтиб ётиб олди.

– Хў-ў, оғайни, сен ташқарига қарама. Қишда соат ўндаям кун ёришмайди, – унинг ёпқичини бошидан тортиб туришга ундай бошлади Иқболжон. – Агар ҳозирок турмасанг, бошингдан сув қуяман.

– Эй, ким сени сўфи азон айтмасдан туриб олсин деди. Бугун дам олиш куни бўлса, тинч кўясанми, йўқми?

– Тинч, қўёлмайман, дўстим. Чунки бугун учрашувим бор, маслаҳатинг керак.

Дивандан базўр гавдасини кўтарган Учқун, норози қиёфада ювиниш хонасига йўл олди. Аслида ўта сергап ва маслаҳатгўй бўлган йигит у ердан тетик қиёфада чиқиб «маъруза» ўқий кетди:

– Учрашув борасида маслаҳатинг керак, дейсанми? Ахборотинг учун мен ҳали бирорта қизга кўнгил кўйиб, учрашувга чиққаним йўқ. Худди ҳар куни қизлар билан учрашиб юрганимдек гапирасан-а. Кейин ёқтирган қизинг билан биринчи бор учрашмаяпсан-ку. Камида ўн мартаба кўришгандирсан. Майли, шун-

дай бўлса ҳам маслаҳатим керак экан, эшит. Аввало, хушмуомала ва жиддий бўл. Қизлар жуддий йигитларни ёқтиришади. Қолаверса...

- Тўхта-тўхта, - унинг сўзини бўлди Иқболжон. - Мен сенга маслаҳатинг керак деганимда ваъз ўқишингни назарда тутганим йўқ. Буларни ўзим ҳам жуда яхши биламан. Менга кийим танлашиб юбор, демоқчи эдим. Негаки, бугун унинг қўлини сўрайман. Уйдагилар янги йилдан кейин совчи бўлиб боришмоқчи. Шунинг учун бугун ўзгача қиёфада бўлишим керак, яъни унга албатта ёқишим зарур.

- Шундай демайсанми. Бу борада ҳам дидим чакки эмас. Аммо аввал қоринни тўйғазиб олайлик. Нонушта қилиб бўлгач, ўзим сени башанг қилиб кийинтириб қўяман.

- Вақтимиз бемалол. Гулнур билан учрашувни соат иккига белгилаганмиз.

- Нима-а, ҳали пешиндаги учрашувга деб, мени каллаи саҳарлаб турғазиб олдингми? Сенда инсоф борми ўзи?

- Ўзингни боссанг-чи, дўстим. Мен нонуштадан кейиноқ кийиниб чиқиб кетмоқчиман. Сочимни тўғрилайман, гул, совға оламан, яна бошқа қиладиган ишларим бор.

Нонушта давомида ҳам Учқуннинг жағи бир нафас тинмади. Учрашувнинг ширин хаёли билан андармон бўлиб ўтирган Иқболжон эса, ўз дунёси билан банд бўлиб, унинг бир сўзини эшитса, бирини эшитмасди.

- Ў-ў-й, Мажнун, мен сенга гапиряпман. Ўзингдан ўзинг жилмаяпсанми-ей, мен куладиган гап гапирганим йўқ.

- Нима, нима дединг? - Унинг танбеҳидан хушёр тортди Иқболжон. - Узр, дўстим, хаёлим сал паршон бўлиб қолибди. Гапиравер, эшитяпман.

- Севган қизим билан кўришаман деб, туришингдан қувончинг ичингга сиғмаётган кўринади,

– яна оталик насиҳатини бошлади Учқун. – Биласанми, жуда хурсанд бўлиб кетиш ҳам хосиятсиз. Бундай ҳолда иш чаппасига кетиши ҳеч гап эмас. Шунинг учун..

– Қўй-е, ниятингни ел олсин – унинг жағини ёпди Иқболжон. – Шунақаям совуқ ният бўладими. Сендақа маслаҳатчи дўстдан иккита бўлса, душманнинг кераги йўқ. Ундан кўра тур, кийим танлаш...

Ошиқ йигит барча ишларини тинчитиб, қўлида гулдаста билан учрашув учун белгиланган жойга етиб борганида қоқ туш пайти, яъни соат бир бўлаётганди. «Йигит кишини учрашув жойига эртароқ келиб, севгилисининг йўлига кўз тутиб туришининг ўзгача гашти бор-да», яна Гулнур ва у билан боғланажак келажаги ҳақида ўй сура кетди Иқболжон. Шу алфозда ёнгинасида уч тўрт чоғли йигитни аввал ўзаро гап таллашиб, кейин ур-тўполонни бошлаб юборганини сезмай ҳам қолди.

– Ҳой оғайнилар, нима қияпсизлар, ўзларингни қўлга олсаларинг-чи, – қўлидаги гулни бир четга қўйиб, уларни ажратишга шошилди у.

– Йўлингдан қолма, бу бизнинг муаммомиз, – унинг кўкрагидан итарди калтак еб кўзи кўкарган йигитлардан бири.

Унинг гапи поёнига етмай нақ футбол тўпидек муштлардан бири Иқболжоннинг бурнига келиб тушди. Кўп ўтмай пост патруль хизмати ходимлари етиб келди-ю, осойишталик бузғунчиларини олиб кетишди. Шубҳасизки, буларнинг орасида бурнидан қон оқаётган Иқболжон ҳам бор эди...

\*\*\*

Водийдаги катта қурилиш бошқармаси.

– Абдурахмон Аҳадович етакчи ходимларни йиғиб мажлис ўтказаетган эдилар, – дўстини кўриш учун



келган Мирзали акага вазиятни тушунтирди котиба қиз. – Йиғилиш тугаши билан келганингизни етказман. Унғача ўтириб дам олиб тулинг. Истасангиз чойми, қаҳвами тайёрлаб бераман.

– Раҳмат, қизим, овора бўлманг. Йиғилиш тугагунча мен шу атрофларда айланиб тураман. Фақат келганимни билдириб қўйсангиз бўлди.

Орадан чамаси бирор соатлар ўтгач, икки дўст Абдурахмон аканинг хонасида бир-бирлари билан қучоқ очиб кўришишди.

– Қаерларда юрибсан, дўстим? Ярим соатдан буён йўлингга кўз тикиб ўтирибман. Ташқари совуқ, қор бўлса. Ёки котиба қиз яхши кутиб олмадимиз? – салом-алиқдан сўнг, Мирзали акани койиб кетди Абдурахмон ака.

– Ҳаммаси жойида, котибанг ҳурматимни жойига қўйиб қарши олди. Йиғилишинг тугагунча, оёғимнинг чигалини ёйиб, бошқарма ҳовлиси билан танишиб чиқдим-да.

– Хў-ўш, унда таассуротларинг қалай? – котиба олиб кирган чойдан Мирзали акага узатар экан, савол назари билан дўстига қаради Абдурахмон ака.

– Таассуротлар кутилгандан-да аъло. Нимага десанг, тизза бўйи қор бўлишига қарамай, бошқарма ҳовлисида настарин дарахти гуллаб ётганини кўриб, ҳайратдан лол қолдим.

– Настарин?

– Ҳа, сирень, яъни настарин гуллари кайфиятимни кўтариб юборди.

– Ҳазиллашаяпсанми?

– Нега ҳазиллашар эканман, кўрганимни айтаялман.

– Соғлиғинг жойидами, дўстим? Кўзингга ҳар балолар кўринмаяптими ишқилиб?

– Соғлиғим зўр. Калам ишлаб турибди, кўзим ҳам жойида. Агар ишонмасанг сен билан гаров боғлашим мумкин.

– Бир дақиқа, дўстим, – стол тагидаги тугмачани бо-  
сиб котиба қизни чақирди Абдурахмон ака.

– Лолахон, айтингчи, бошқарма ҳовлисидаги на-  
старин дарахти гулламаганми мабодо? Унга кўзингиз  
тушмадими?

– Шундай қорда настарин гуллайдими? – кўзини  
катта-катта очиб, бошлиғига ҳайрат билан қаради ко-  
тиба қиз.

– Бўлди, бўлди, кетаверинг. Сизга рухсат.

– Сен билан бўлса, ёш қизнинг олдида шарманда  
қилганинг учун ўзинг айтганингдек бошқача гапла-  
шаман, – котиба чиқиб кетгач, мийиғида кулиб ўтир-  
ган Мирзали акага юзланди Абдурахмон ака. – Шарти  
оғир, айтиб қўяй. Яъни, гапингни исботлаб беролма-  
санг, бу галги дўстлар учрашуви харажатини ўзинг  
кўтарасан. Агар исботлаб берсанг, буни ўз зиммамга  
олганим бўлсин.

– Жуда яхши. Унда кийин, ташқарига чиқамиз. Нас-  
тарин гулларини кўриб сен ҳам бир маза қилгин.

Икки дўст бошқарма биносининг кўпчиликнинг  
назари тушмайдиган орқа томонига ўтишди. Бу ерда  
бошқарма ошхонасининг доимий равишда иссиқлик  
буғи чиқиб турадиган деразаси бўлиб, настарин да-  
рахтининг катта шохи шу деразага эгилиб ўсганди.  
Табиат мўъжизасини қарангки, атроф оппоқ қор бўли-  
шига қарамай, доимий иссиқлик сабаб, настарин шохи  
гўзал гуллар билан бурканганди. Абдурахмон ака уни  
кўриб, бир муддат лол турди-да, кулиб юборди. Ва дўс-  
тига қўлини узатиб:

– Гаровда сен ютдинг Мирзали, ҳалол ютдинг.  
Янги йил арафасидаги дўстлар учрашувини зўр қи-  
либ ўтказиб бериш мандан, – деди унинг қўлини  
маҳкам қисар экан.

Учрашув жойида узоқ кутиб, қўл-оёқлари совуқда қотган Гулнур ортига қайтишга қарор қилди. Бироқ алам ва ҳавотирлик ўртасида қолган қиз ғурурини бир четга суриб, Иқболжоннинг қўл телефонига қўнғироқ қилди. Телефонда йигитнинг «узр Гулнур, ҳозир гаплаша олмайман. Кейин... ўзим...» деган узун-юлуқ ҳорғин товуши келди-ю ўчди. Ранги гоҳ оқариб, гоҳ қизариб ортига қайтган қиз кўзида ёш билан йўл-йўлакай бир сўзни такрорларди. «Уни асло кечирмайман, асло кечирмайман...»

Кўп ўтмай талабалар Янги йил таътилига чиқишди. Бурни аралаш юзи моматалоқ бўлган Иқболжон қиздан ўзини олиб қочиб юрди. Йигит билан танишганидан буён, пойтахтдан водийга бирга қатнайдиган қиз, бу гал ёлғиз қайтди. Тўғрироғи, у қорасини кўрсатмай кетган лабзсиз Иқболжонни бутунлай унутишга қарор қилганди.

Янги йилга яқин анчайин ўзига келган йигит туман марказига, Гулнурларнинг уйига борди. Ичкарига киришга жазм этмаган бўлса-да, қайсар қиз билан учрашишга эришди. Бўлиб ўтган воқеаларни унга тушунтиришга ҳаракат қилди. Бироқ...

– Кечиримиз учун ҳар қандай шартга розисиз, шундайми? – қошларини чимирди ҳамон алами тарқаманган қиз.

– Албатта, чунки эртага Янги йил. Янги йилни хурсандчилик, бир-биримизга бўлган ишонч билан кутиб олишимизни истайман. Шунинг учун ҳар қандай шартингизга розиман, Гулнур. Фақат мени тўғри тушуниб кечирсангиз бўлгани.

– Ундай бўлса мени қандай гулни ёқтиришимни биласизми?

– Албатта биламан, настарин гулларини.

– Мана шу настарин гуллари эртага Янги йил киришидан аввал қўлимда бўлишини истайман. Хайр, яхши

боринг, – бошқа сўз қўшмай жиддий қиёфада ортига қайтди қиз.

Севган қизи билан ярашишга «йилт» этган умид борлигидан ичи ёришган йигит, ҳаяжон билан ортига қайтди. Аммо шартни бажаришга келганда боши қотди унинг. «Настарин фақат баҳорда гуллайди. Уни бирорта гул дўконида кўрмаганман. Лекин бир чорасини топишим зарур. Лекин қандай қилиб...» Ўйлаб ўйига етолмасди у.

Эртасига Қўқон шаҳрига бориб, ҳар эҳтимолга қарши, дея гул дўконларидан настарин гулини суриштирди. Гулчиларнинг қайси бирининг энсаси қотса, қайси бири йигитнинг ортидан «бечора ошиқ, Мажнун бўлибди-ку», дея қулиб қолди.

Иқболжон шаҳарни обдон кезиб настарин гулларини топа олмаган бўлса-да, унинг расми ва ясама нусхаси билан қайтди. «Нимадир қилиш керак-ку», ўйларди йигит. Лекин ичига чироқ ёқса ёришмасди. У Гулнурга ҳақиқий настарин гулларини ваъда қилган ахир. Соат тўртдан ошаяпти, ҳадемай кеч тушади. Икки ёш битта туманда яшашса-да, орадаги масофа анчайин узоқ, камида ўттиз километр бор. Боши қотган ошиқ нима бўлса бўлди дея, бор совғасини олиб, эндигина йўлга тушаётганди ҳамки, отаси Абдурахмон ака юзида қувонч билан бир кучоқ настарин гулларини кўтариб кириб келди. Хонадон бир зумда настариннинг муаттар ҳидига тўлди. Оила аҳли эса кутилмаган бу совғадан лол ва ҳайрон эди. Савол назари билан қараб турган хотини ва болаларига, «бу гулнинг тарихи узоқ ва қизиқарли, кейин батафсил айтиб бераман», деди Абдурахмон ака кўтаринки кайфиятда. Шубҳасизки бу мўъжизадан ҳаммадан ҳам Иқболжон шод эди. У гўё осмонларда учиб юрарди...

– Қизим, эшикка қарасанг-чи, меҳмон келганга ўхшайди. – Гулнур онасининг гапидан кушдек елиб, дарвоза эшигини очди-ю настарин гулларига рўбару бўлди.

Унинг ортида эса мағрур жилмайиб Иқболжон турарди. Йигитни аллақачон кечирган, настариннинг хушбўй ҳидига чўмилиб лол ҳолда турган қиз бундай бўлишини кутмагани сабаб, бирор сўз тополмасди. Янги йил икки севишган ёшга сирли тарзда, мана шундай кутилмаган совға инъом этганди.

## НАФС БАНДАСИ

### ЁХУД

## БУРЧГА ХИЁНАТ

Ривоят қилишларича, ниҳоятда хушсурат савдогар йигит савдо карвони билан қароқчилар қўлига тушибди. Не ажабки, қароқчилар бошлиғи аёл киши бўлиб, қўлга киритган карвонида бирорта жонни тирик қолдирмас экан. Бироқ, у йигитнинг кўркамлигини кўриб, ғойибона ошиқ бўлиб қолибди ва унинг жонини асраш эвазига ишқий муносабат таклиф этибди. Аммо зино йўлни гуноҳ деб билган покдамон йигит, аёл билан бирга бўлгандан кўра, ўлимни афзал билибди. Муроди ҳосил бўлмаган аёл ниятига етиш мақсадида савдогарга шарт қўйибди:

– Мақсадимга қарши чиққан бўлсанг-да, яшаб қолишинг учун яна бир имконият бермоқчиман, – айёро-на режасини ишга солибди у. – Сенга учта шартим бор. Мана шулардан қайси бирини бажарсанг ҳам, барча бойлигингни қайтариш билан бирга жонингни омон асрайман. Биринчи шартим аввал айтганимдек, менинг кўнглимни оласан. Иккинчиси, карвонингда тирик қолган гўдакни ўз қўлларинг билан ўлдирасан. Учинчиси эса, кўзадаги мана шу майни ичасан.

Шунда йигит:

– Сен билан кўнгилхушлик қилиб ёки боланинг қотили бўлиб, оғир гуноҳга ботгандан кўра, майни сипқорганим бўлсин, – деб учинчи шартни танлабди ва кўзадаги майни ичибди.

Шайтоний ичимлик йигитни бир зумда сархуш этиб, ақлу ҳушидан айирибди, ўзига тобе этибди. Онгу шуурини йўқотган йигит ўз-ўзидан аёлнинг биринчи ва иккинчи шартларини ҳам адо этиб, кечирилмас гуноҳга ботибди.

\*\*\*

Қаттиқ мастликдан ҳушини йўқотган Наримон телефоннинг устма-уст жиринглашидан ўзига келди. Вужуди тош осиб қўйгандек оғир, боши карахт йигит жон ҳолатда соатга қаради. Соат 9:00. «Хизматга... хизматга кеч қолибман-ку. Кўнғироқнинг қисм навбатчилигидан экани аниқ». Пала-партиш ҳаракатлар билан ўрнидан қўзғалди у. Шу аснода уйига қачон кириб келганини эслашга ҳаракат қилди. Ёдида, хизматдан сўнг, уйига қайтаётганда ҳар доимги улфатлари олдидан чиқди. «Шу касофатни қайта оғзимга олмайман», деб ўзига ваъда берган йигит, нафси олдида яна ожиз қолди. Кафега кириб ўтиришди, ичишди. У ёғи... у ёғи эсида йўқ. Ҳарқалай кўчадаги пана-пастқам жойда эмас, уйда кўзини очди.

Мана шу хаёллар билан юз-қўлини ювмоқчи бўлган йигит кўзгуда ўз аксини кўриб кўрқиб кетди. Юзи шинқираган, сочлари тўзиган, димиққан қовоқлари остидан нурсиз боқиб турган кўзлари маъносиз ва совуқ. Энг ёмони, эғнида ғижимланган ҳарбий либос. Шунда хотини Гулҳаё билан бўлиб ўтган тортишуви, тўғрироғи, яқуни кўнгилсиз тугаган жанжали ёдига тушди:

– Борган сари ароқни деб ўзлигингизни йўқотяпсиз. Шу кетиш бўлса, меҳр қўйган касбингиздан айрилишингиз аниқ. Бу оиламиз тугул, етти авлодга иснод келтиришини биласизми? Мени ўйламасангиз ҳам, қизларингизни, онамни ўйланг. Кексайган чоғларида сизни деб...

– Овозингизни ўчир, – хотинига ўшқирди сиркаси сув кўтармас Наримон танқидга дош беролмай. – Ароқ ичган бўлсам хизматдан сўнг, меъёрни билиб ичяпман.

Ҳарбий либосда оғзимга олганим йўқ. Аммо сендақа совуқ ниятли хотиннинг совуқ башоратлари хизматимга таъсир этиши тайин. Айтиб кўяй, иккинчи бор мени кўлга оламан деб, онамни, қизларимни орага суқма. Ўзи шуларни деб сен билан яшаб юрибман.

Эрининг юз-хотирсиз гапидан юраги музлаган Гулҳаё кўзига ёш тўлган кўйи жим қолди. «Наҳот, севиб-севилиб оила қурган умр йўлдошим шу заҳар-заққумни деб, мендан тонса», ўзига сабр тиланган кўйи, бу ҳолга чора изларди у. «Унинг гапига аччиқ қилиб, ҳозир болаларимни олиб кетсам менга ҳам, унга ҳам яхши бўлмайди, оиламиз пароканда бўлади. Қизларим отасиз ўсади. Улар дадаларини шу қадар яхши кўради-ки, хизматдан қайтишини интиқ кутишади. Аммо ҳар куни маст бўлиб келишидан безиллаб қолишган. Шундай бўлса-да, иккиси ҳам «дадам, яхшилар», деб туради. Қайнонам олдимизда бўлганда-ку... Энг яхшиси уларни чақиртираман. Чунки ҳозир чиқиб кетсам, зрим баттар ичса ичади-ки, ортга қайтмайди. Кейин нима бўлиши аниқ.

– Ҳа, нимага бўзрайиб қолдинг? Булбулдай сайраб, менга насиҳат қилардинг-ку, – жўжахўроздек жангга шай турарди Наримон. Унинг ҳолатидан бир кун аввал ичган ароғининг «кучи» сезилиб турарди.

– Қаттиқ гапирган бўлсам мени кечиринг. Сизга яхши бўлсин дейман-да, дадаси, – бор аламини ичига ютиб майин гап бошлади Гулҳаё. – Бундай ичишингизда касал бўлиб қоласиз ахир. Ишингиз ҳам нозик. Мана, академияда ўқияпсиз. Битирсангиз лавозимингиз янада кўтарилади. Сиз омадли инсонсиз. Ёш бўла туриб кўп нарсага эришдингиз. Атрофингизда дўстларингиз билан бир қаторда ҳасадгўйлар ҳам йўқ эмас. Сиз билан ҳар куни улфатчилик қилаётганлар орасидаям мана шундай ғараз ниятли кимсалар, бор деб ўйлайман. Бугун меъёрни билиб ичаётганингиз би-

лан эртага буни унутасиз. Яхшиси, шу касофат ичимликдан воз кечинг, дадаси. Истасангиз эртага онамни чақиртирамиз. Дадам ўтганларидан кейин, анча ўзларини олдириб қўйди. Кенжа ўғилсиз, сизни бошқача кўради. Олдимизда бир муддат туриб кетса, онамга ҳам, бизга ҳам яхши бўларди.

– Сен кимсан, биласанми? Маккора аёлсан. Илонсан, қўйнимдаги илон, – кутилмаганда ҳақоратга ўтди Наримон. – Илондек тўлғониб, яхши гапириб онамдан фойдаланмоқчимисан? Сенинг макрингга учадиган аҳмоқ йўқ. Менинг бўлишим шу. Йўлга соламан деб овора бўлма. Истасам ҳозироқ уйдан ҳайдаб юборишим мумкин. Ҳе, ўша сени...

Орадаги даҳанаки жанг, Наримоннинг хотинига қўл кўтариши, иорасида қизалоқларнинг қўрқиб чинқириши-ю, оиланинг парокандаликка юз тутиши билан якун топди...

Наримон шуларни хаёлидан ўтказар экан, салқиган юзи, ғовлаб турган боши, ўзига бўйсунмаётган карахт вужуди билан хизмат жойига кириб боришини ўйлади. Ахир у кичик лавозимдаги хизматчи эмас. Ҳарбий қисмда ўрни, нуфузи бор. Аммо кўза кунда эмас, кунда синади деганларидек, ҳарбий либосда бу ҳолга тушгани тегишли жойда кўриб чиқилиши аниқ. Бу ҳам етмагандек, хизматдан кеч қолиб турибди.

Ўйлаганидек бўлиб чиқди. Юқори қўмондонлик томонидан обдон танбеҳ эшитди, хайфсан олди. Атрофидаги ёр-биродарлари ҳам «дўст ачитиб гапиради» деганларидек, ўгит ва маслаҳатлари билан аямай «савалашди».

Хизматдан қайтганида эса уйи остонасида онаси Муслима холани мунғайиб ўтирганини кўрди.

– Онажон, келишингизни хабар берсангиз кутиб олардим-ку. Узоқ йўл босиб келиб, остонада ўтиришингизни



қаранг, – кўзида соғинч ёшлари ила меҳр билан бағрига босган онасининг маъюс чеҳрасига термилиб қайта-қайта узр сўрарди Наримон.

Унинг бир хаёли эса тўзиган, бетартиб уйида эди. Онасини қандай қилиб бу шароитга рўбару қилиши ҳақида ўйларди.

– Кеча дадангни безовта ҳолда туш кўрдим. Сендан хавотирда экани билиниб турарди. Саҳар турдим, уйдагиларнинг ҳай-ҳайлашига ҳам қарамай йўлга тушдим. Худога шукр, соғ-саломат экансан.

Она-бола йўл-йўлакай гаплашиб уйга киришди. Ўғлининг униққан юзига термилган кўйи уй ичига қадам кўйган Муслима хола ичкаридаги бетартиблик ва ароқнинг бадбўй ҳидидан кайфияти тушиб кетди. Юзига эзгу ниятлар ила фотиҳа тортган онаизор, руҳи синган ҳолда, бир муддат нафас ростлади. Буни сезган Наримон деразаларни очиб хонанинг ҳавосини янгилаш, тартибга келтириш асносида, онасини гапга солиб чалғитишга ҳаракат қиларди.

– Мана, хотининг йўқлиги оқибати, – афсус билан бош чайқади Муслима хола. – Руҳи арвоҳлар ҳар ишдан хабардор деб бежиз айтишмас экан. Даданг сени деб у дунёда ҳам тинч бўлолмапти. Хотининг кетганига бир йил бўлди. Наҳот, болаларингни соғинмасанг, болам. Неча марта яраштирамиз десак, қайсарлик қилдинг. Эришганинг шуми? Эртагаёқ аканг билан гаплашиб хотининг, қизларингни олиб келишини тайинлайман.

– Онажон, мени мана шу ҳолга тушиб қолишимга аслида ўша маккора аёл сабабчи. Ўша билан ярашгандан кўра тоқ ўтганим яхши.

– Сени ҳеч ким мажбурлаб уйлантиргани йўқ. Ўзинг суйиб, кўнгил кўйиб оила қурдинг. Гулҳаё яхши келин чиқди. Бундан ортиғи бўлмайди. Хотинингни ўйламасанг, болаларингни ўйла. Қиз бола мунглиғ бўлади, отага таянади. Уларнинг кўнглини чўктириб, кўзини ёшлатсанг яхши кун кўрмайсан.

– Қизларимни ташлаб қўймайман, таъминотини қилиб тураман. Аммо Гулҳаё билан ярашмайман. Истасангиз ҳозироқ сиз топган аёлга уйланаман. Мени тўғри тушунсангиз-чи, онажон. .

Муслима хола ўғлининг қизариб-бўзариб гапиришидан, ҳамма айбни, ҳатто ўз қилмишларини ҳам хотинига юклаганидан дили оғриди. Ароқ унинг асаблари-ю, ориятига чанг солганидан кўнгли вайрон бўлди...

Наримон кўп ўтмай ҳаётини янгитдан бошлаш ниятида бошқа аёлга уйланди. Имкон қадар ичмасликка, касбида ўрин топишга ҳаракат қилди. Олий ҳарбий билим юртини имтиёзли тамомлаган, Қуролли Кучлар академиясида таҳсил олган тажрибали офицерга юқори лавозим ишониб топширилди. Аммо ўрганган кўнгили ўртанса бўлмас, деганларидек, маълум муддат ўтиб, у яна кайфу сафога берилди. Берилганда ҳам...

Наримон энди мансабини суиистеъмол қила бошлади. Таъмагирчиликка ўтди. Қўл остидагиларга қимматбаҳо совғалар келтиришни, базму жамшиди учун пул тўлашни, шахсий манфаати йўлида турли буйруқларини адо этишларини талаб қила бошлади. Бу ҳам етмагандек, спиртли ичимлик емириб, таранг тортилган асаблари тилига эрк беришига, атрофидагиларни ҳақоратлашига замин яратди. Алал-оқибат, бурчига хиёнат, ношукурлик, нотавонлик уни панжара ортига етаклади...

\* \* \*

Наримон қамоқхонанинг мўъжазгина деразасидан узоқларга термилади. Қизларининг қиқирлаган ширин кулгуси қулоғи остида жаранглагандек бўлади. Беихтиёр кечагина тушига кирган отаси Асадулла аканинг норози оҳангдаги ўкинчли овози қулоғи остида садо беради: «Ким эдинг, ким бўлдинг, болам. Кўзингни оч, кўзингни оч, кейин кеч бўлади». Наримонга отасининг бу

илтижולי сўзлари жуда таниш. Бу сўзларни у аввал ҳам эшитган, айна ичкиликка берилган пайтларида тушидами, ўнгидами эшитган. Отаси уни ғафлат уйқусидан уйғотмоқчи бўлган. Бироқ заҳар-заққум элтган карахт онги буни ўқий олмаган.

Ҳа, у отаси ёдига солганидек, кечагина ким эди? Аввало, эътибордаги зиёли, нуфузли оилада вояга етди. Севган касбига эришди, ўрин топди, давлат мукофотига сазовор бўлди. Ҳаёт уни ҳар томонлама сийлади. Севган қизига уйланди, фарзандлар кўрди. Омад оғушида юқори мансабларга кўтарилди. Обрў, эътибор, бахт, давлат... Унда барча- барчаси бор эди. Аммо...

Аммо буларнинг барчасини шайтоний ичимлик ортидаги ёлғон дунёга бой берди у. Бой берганда ҳам отасининг руҳини қақшатиб, етти авлодини иснодга қўйиб, мунис онасининг бағрини куйдириб, қаддини эгиб, жигарларининг юзини ерга қаратиб, фарзандларини етимликнинг аччиқ қисматини рўбару қилиб, бир сўз билан айтганда, икки дунёсини куйдириб бой берди. Ҳа, унинг қисмати нафсининг қулига айланиб, ичкиликка қўл чўзаётган кимлар учундир сабоқ бўлса, ажабмас. Наримон учун эса энди кеч, жуда кеч...

## ОҒИР БАДАЛ

Ўқишдан қайтаётган Ҳафиза ҳовлилари томон яқинлашар экан, отасининг ҳақоратли бақир-чақири қулоғига чалинди. «Дадам яна ичиб келган кўринади», унинг кунда, кунора кўтарадиган жанжалидан юраги безиллаб қолган қиз қадамини секинлатди. «Ишқилиб аямга қўл кўтармаган бўлсин-да», деган ўй поёнига етмай кўча дарвозасидан важоҳатли қиёфада отаси чиқиб келди. Қўллари мушт, асаблари таранг Қосимали ака ичкарига киришга бетламай турган тушқун қиёфадаги қизига кўзи тушди-ю, «ҳамманг бир гўр-

сан», дегандек «э-э-э», дея қўлини силтаб, шахт билан кўча бўйлаб юриб кетди.

Ҳафиза ичкарига шошилди. У тахмин қилганидек отасидан калтак еган Арофат опа айвон бурчагида юзини беркитган кўйи йиғлаб ўтирарди.

– Аяжон, яхшимисиз?

Қизининг товуши қулоғига чалинган заҳоти онаизор ўзини қўлга олди.

– Келдингми, қизим? – кўз ёшини артиб, аянчли ҳолатига хос бўлмаган эпчиллик билан ўрнидан кўзғалди. – Сендан хавотир олиб тургандим. Бугун сал кеч қолдингми? – нохуш вазиятни бошқа томонга бурмоқчи бўлди у.

– Дадам яна сизни урдими?

Қизининг ўпкаси тўлиб, лаблари қалтираб айтган гапи аёлнинг алам ва хўрликдан фарёд чекишга шай турган қалбини тилиб ўтди.

– Энди шундай қўймайман. Шу бугуноқ дадам билан гаплашаман. У қачонгача сизни хўрлайди, оиламизни шарманда қилади. Шундоғам соғлиғингиз яхши эмас. Бу кетишда касал бўлиб ётиб қоласиз. Бундай отанинг боридан йўғи яхши.

Қизининг сўнгги гапидан Арофат опа чўчиб тушди. Қалбидаги алам бир зумда тарқаб, қатъиятли аёл қиёфасида қизига нигоҳини тикди.

– Бу гапни бир гапирдинг, иккинчи бор оғзингга олма. Отанинг шаъни қай даражада улуғлигини унутдингми, қизим, – у шундай дея жигарпорасининг ножўя гапини бирор кимса эшитмадимикан, деган ўйда ҳадик билан қўшни томонга қараб қўйди. – У сизларни яхши кўради. Ичиб олганда фақат мен билан жанжаллашгиси келади, холос. Худо инсоф бериб қолар.

– Бизни яхши кўрганда, ўтган гал сизнинг тарафингизни олгани учун укамни калтакламаган бўларди, – кўз ёшлари юзини ювиб отасига бўлган аламини

тўкиб солди Ҳафиза. – Болаларини ўйлаган одам уларнинг кўнглини ўкситиб сал нарсага жанжал кўтаравермайди. Олдин маст бўлганда шундай қиларди. Ҳозир ичса-ичмаса бирор нарсани баҳона қилиб ҳовлини бошига кўтаради, сизни ҳақорат қилади. Бунга қачонгача чидаш мумкин?

Арофат опа «ўчир», дегандек, қизининг оғзини беркитди. Ҳафиза бир силтанди-ю, йиғлаганча уй ичига кириб кетди.

– Оҳ қизгинам-а, бу азоблар менга Аллоҳ томондан юборилган гуноҳларимнинг жазоси эканини билганингда эди, – қизининг ортидан қараб қолар экан, аста лаблари пичирлади унинг. Аёлнинг нола ила айтган сўзлари борлиққа изсиз сингиб кетди.

Оғир ўйлар гирдобида қотиб турган Арофат опа ўғилчалари Тоҳиржон ва Расулжон ёнига келиб, тиззаларидан кучоқлагандагина ҳушини йиғиштириб олди. Дадалари ҳар гал жанжал кўтарганда беркиниб олишни одат қилган болакайлар ҳовлининг қайсидир бурчагидан чиқиб, оналарига шу йўсинда ҳамдардлик билдиришаётган эди. Уларнинг мунгли чехрасига термилиб, шулар учун ҳам яшаш лозимлигини ҳис қилган аёл, қаддини тутишга ўзида куч топди ва ҳар доимгидек рўзғор юмушларига киришиб кетди.

Кечга томон оила аъзолари – уч қиз ва тўрт ўғил дастурхон атрофида жамулжам бўлди. Фақат оталаригина бундан мустасно. Хоҳлаган пайтда, асосан тун ярмида хонадонига кириб келишга одатланган эркакка эртароқ қайтишни эслатишнинг ўзи оловга керосин қуйиш билан баробар. Шу сабаб, тинч ўтаётган ҳар дақиқага шукр қилган Арофат опа пиширган оби-ёвғонини болаларининг олдига қўйди. Фақат дастурхон атрофида Ҳафизанинг ўрни билиниб турарди.

– Опангни чақирмадингми, Зоҳиржон? – ўсмир ўғлига юзланди она.

- Икки-уч марта чақирдик, овқатланмас экан. Ухлайман, чарчадим, деб айтди, - онасини тинчлантирди у.

«Беақл қиз, астойдил аразлаган кўринади», хаёлидан ўтказди Арофат опа. Бир-икки қошиқ овқат хўплаган бўлди-ю, томоғидан таом ўтмади. Ўрнидан туриб қизи ётган хонага кирди. Онасининг қораси кўринган заҳоти хаёл суриб ётган Ҳафиза ўзини уйқуга солди.

- Ўзимнинг эрка қизим, аразчи қизим, - унинг ёнига ўтириб, ёстикни тўлдириб ётган узун сочлари, чиройли чехрасига термилди она. - Менга таянч бўлишни ишашингни биламан. Фақат дадангга қарши чиқиб, унга тик боқиб эмас. Балки фарзандлик меҳринг билан уни бу йўлдан қайтара оларсан.

Ҳафиза ортиқ ўзини уйқуга сола олмади.

- Дадамнинг феъл-атвори яхши бўлишига ишонмайман, - деди у арази тарқаманган оҳангда. - Агар ўзгарганда аммам, амакиларимнинг насиҳати билан ўзига келган бўларди.

- Ноумид шайтон дейдилар, қизим. Бир кун келиб орияти ўзига қайтар, оиласини қишлоққа шарманда қилаётганини англаб етар.

- Аяжон, ҳар гал сабр қиласиз, яхши кунларга умид боғлайсиз. Сиздан бошқа аёл бўлганда аллақачон ажрашиб кетган бўларди. Бизни ўйлаб дадамнинг хўрликларига чидаётганингизни биламан. Аммо ҳеч бўлмаганда унинг сизга ҳар куни қўл кўтараётганини бобом билан бувимга ёки тоғаларимга айтсангиз бўлади-ку. Дадамини тоғаларимдан ҳайиқишини биламан. Улар бир-икки гапириб қўйишса, сизга ўйлаб муомала қилган бўларди.

Арофат опа қизига қандай жавоб қайтаришни билмай жим қолди. У унсиз йиғларди.

Ҳафиза онасига қайсидир гапи оғир ботганини сизди. Унинг дилини оғритиб қўйдим, деган ҳадикда ёстикдан бошини кўтариб онасининг елкасига бош қўйди.

– Аяжон, нотўғри гап айтган бўлсам мени кечиринг, – ўпкаси тўлди қизгинанинг ҳам. – Сизга ёрдам бергим келади. Дадамнинг сизни калтаклашларига ортиқ чидай олмайман. – Она-бола дардлашган кўйи бир муддат сўзсиз, жим қолишди.

– Бу кунларнинг бошимга келишига ўзим сабабчиман, – ва ниҳоят дилбандига кўксини босиб турган оғир дардни, тўғрироғи сирни ошкор қилишни истади Арофат опа.

Ҳафиза онасининг хўрсиниб, армон ила айтган иқрори қандай синоат эканлигини билиш учун унинг маҳзун чехрасига термилди. Арофат опа ўзининг ҳаёт ташвишларидан йироқ ёшлик даврига – хотираларига қайтди.

\*\*\*

– Дадаси, қизингизнинг пешонаси ярқираган кўринади, – эркак совчиларни кузатиб қайтган Назиржон акага чой қуйиб узатар экан, мамнунлигини яширмади Ширмоной опа. – Кети узилмаётган совчиларнинг ҳаммаси тагли-тугли, обрўли инсонлар. Ўғиллари ҳам ўқимишли, келишган. Қайси бирини танлашни ҳам билмайсан киши.

– Гапинг тўғри, – аёли узатган чойни хўплаб ёстиққа суянди оила бошлиғи. – Менга мана шу охирги келган совчилар жуда маъкул. Ўғли зиёли, ҳокимиятда ишлар экан. Таниганлар келажаги бор йигит дейишяпти. Қизинг билан маслаҳат қил. Ёшлар бир-бирига тушса, келаси ҳафта совчиларга розилик берамиз.

– Арофат шу кунгача бир гапимизни икки қилмаган фарзанд бўлди. Кўнглига қараб ўқитдик, муаллималик қиляпти. Албатта бизга ёққан одамга рози бўлади, унга ишонаман.

Кечга томон она-бола ўртасида ўзига хос сирли суҳбат бўлиб ўтди. Ширмоной опа қизига ўзларига маъ-

кул келган хонадон, уларнинг ўғли ҳақида обдон маълумот берди. Камсукум, камтар Арофатга улар танлаган йигит ёқишига шубҳа қилмасди у. Бироқ кутилмаганда қиздан садо чиқди:

– Ая, рози бўлсаларинг ўзим ёқтирган йигитга турмушга чиқаман.

– Ўзим ёқтирган деганинг нимаси? – ҳайратдан лол қолди Ширмоной опа. – Қачон, кимга кўнгил бериб улгурдинг?

Бир дамлик сукутдан сўнг:

– Юқори маҳалладаги Қосимали кўпдан буён мени ёқтиради, – деди аста Арофат.

– Ўйлаб гапиряпсанми, қизим, – ранги ўзгарди Ширмоной опанинг. – Ўша ўқимаган, кўлида бирор хунари йўқ йигит-а?

– Оилавий шароити сабаб ўқимаган у. Аслида жуда ақлли, ишбилармон йигит. Ҳаёти изга тушиб олса сиртдан ўқимоқчи.

– Ақлингни еб қўйибсан қизим. Унинг отаси ичувчи, жанжалкаш эканини биласанми? Хотинининг бир умр ранги чиқмайди. Болалари ҳимоячи бўлгунча эрининг калтагини еб касалванд бўлиб қолган. Эрта келиб ўғли ҳам отасининг изини босмаслигига ким кафолат беради, – хуноби ошиб қизига тушунтира кетди она.

– Дадасининг феъли оғирлигидан ҳамиша орият қилади у. Бундай йигитлар оиланинг, аёлнинг қадрига етади. Отасининг хатосини такрорламайди.

– Буни ҳаёт дейдилар, қизим. Олманинг тагига олма, беҳининг тагига беҳи тушади. Катталарнинг айтганини қилсанг кам бўлмайсан. Ўртамиздаги гап шу ерда қолсин. Даданг билса сендан қаттиқ ранжийди. Вақт топиб келган совчининг ўғли билан учраш. У сенга албатта ёқади, ёз ичи тўй қиламиз.

Онаси сўнгги гапни қатъият билан айтди. Бу Арофатга Қосималини унут, дегани эди.



Шубҳасизки, ошиқи-беқарор Қосимали совчилардан дарак топди. У тушкун қиёфада Арофатга ялиниб-ёлворди. Яъни, оилавий аҳволи ночорлиги сабаб, бир-икки йил кутса албатта тўй қилишлари, дунёдаги энг бахтли жуфтлик бўлишларини илтижо қилиб тушунтирарди йигит. Бу орада унинг совчилари ҳам қизнинг эшигини қоқди. Тўйни кечроқ қилишса-да, икки ёшнинг бошини боғлаб кўйишга ҳаракат қилишди. Аммо Назиржон ака уларни кескин рад этди. Арофатнинг тўй куни белгиланди.

Қиз икки ўт орасида ёнарди. Унинг бўлажак умр йўлдоши чиндан-да билимдон, кўркам, ҳар томонлама мақтовга арзигулик йигит эди. Лекин қизнинг юрагини ҳамон «камбағаллик айбми?» дея мажнун қиёфасига кирган ночор аҳволдаги Қосимали банд этганди. Арофат девона ошиғини севадими ёки раҳми келгани учун йигитнинг армонли қалбига малҳам бўлишни истайдими, ҳар қалай уни унутолмасди.

Қудалар ўртасидаги барча олди-бердилар бажарилиб, тўйга уч кун қолди. Узоқ-яқин қариндошлар ва яқинларга хабар кетди. Иккала хонадонда ҳам югур-югур, тайёргарлик авжида. Шундай ҳаяжонли дамларда Назиржон ака ва Ширмоной опалар оиласида кутилмаган кўнгилсизлик, ота-она учун фожиа юз берди. Яъни, Арофат Қосимали билан қишлоқни тарк этганди. Қизнинг тўйни ташлаб яхши кўрган йигити билан қочиб кетгани бир зумда атрофга овоза бўлди. Назиржон аканинг эл эчида қадди эгилди. Ширмоной опа бетоб бўлиб ётиб қолди...

– Ушанда онам бир ҳафта туз тотмай, куйган юрагига фақат муздек сув ичган экан, – оғир уҳ тортди Арофат опа.

Даданг билан бир муддат бегона жойларда сарсон-саргардон бўлиб юргач, қишлоққа қайтдик. Чунки қанча ҳаракат, меҳнат қилмайлик, биримиз икки бўл-

мади, косамиз оқармади. Бу вақтда сен билан уканг туғилган эди. Бошида бинойидек менга меҳрибон, оилапарвар бўлган даданг бора-бора ўжар, маишатпарас эркакка айланди. Унинг кўнглига йўл топиш учун айтганини қилдим. Ишламаслигимни истади, ўқитувчиликни йиғиштириб, уй аёлига айландим. Болаларим кўп бўлади, деб туриб олди. Орзусини бажардим. Аммо феъл-атвори яхши томонга ўзгармади. Онаминг айтгани бўлди. Мен бобонг билан бувингни ҳаётини армонга тўлдирган ношукур фарзандман. Улар мени кечирганми, йўқми, бироқ бошимга келган бу кўрғиликларни ота-онаминг юзига оёқ босганим учун гуноҳларимнинг бадали деб қабул қиламан ҳар гал.

– Сизни унаштирган йигит...

– У йигит ҳозирда катта лавозимда хизмат қиляпти. Юртнинг олди хонадони қизига уйланган. Оиласи ҳам нуфузига мос, эл назарида.

Ҳафиза сочларига эрта оқ тушган, муштипар онасининг кўксига бош қўйди.

– Аяжон, мана кўрасиз, ҳаммаси яхши бўлади. Дадам келса, сиз айтгандек ҳурматларини жойига қўйиб, гаплашиб оламан. Худо хоҳласа уларнинг феъли албатта яхши томонга ўзгаради.

Она-боланинг қалбини яхши кунларга боғланган умид учқунлари ёритиб ўтди...

## СИНОВЛИ ДУНЁ

Насимбек ишдан ҳориб қайтди. Эрталаб кўнглини қоплаган ғашлик кун бўйи уни тарк этмади. Негадир оёқлари оиласи томон тортаверди, бироқ эртароқ уйга қайтишнинг имкони бўлмади. Хизмат вақти тугаган заҳоти яқинлари томон шошилди. Мана, ҳозир рафиқаси кутиб олади-ю, меҳрибонлик билан кечки таомни дастурхонга келтиради. Унга қадар ота-она-

сини зиёрат қилгач, яқиндагина туғилган қизалоғи-ни кўлига олади. Унинг кафтдеккина момик юзчасига юзини босади, тўйиб ҳидлайди. Шундан сўнг албатта кайфияти кўтарилади.

Йигит ширин хаёллар оғушида оила аҳли жам бўлиб овқатланадиган хона томон юрди. Бундай пайтда ҳамма шу ерда – дастурхон атрофида жамулжам бўлади. Кутганидек, ота-онаси, укаси ва сингиллари уни қарши олишди. Негадир хотини Муножот ва қизалоғи кўринмасди. «Чақалоқнинг таглигини алмаштираётган бўлса керак», кўнглидан ўтказди у ва кийимларини алмаштириш баҳонасида қизини тезроқ кўлга олиш учун эр-хотинга ажратилган хонага шошилди. Аммо сукунат қоплаган уй йигитни совуқ қаршилади. Беихтиёр унинг юраги увишди. «Наҳотки аям айтганини қилиб...» миясига яшиндек урилган ўй вужудини титратиб ўтди.

– Келинингиз кўринмайди, ая?

Уйдан ранги афтодаҳол бўлиб чиққан ўғлидан шу саволни кутиб турган Саида опа:

– Хотининг кетди, қайтиб келмайди энди, – деди кескин оҳангда. – Сенга неча маротаба айтганман, у бизга муносиб эмас. Келар-кебдики, шу келиндан ичим чиқмади. Туққан боласи ҳам юрагимни илитмади. Ота-онаси ҳақида-ку гапирмаса ҳам бўлади. Дастурхони йўқ ўлардек қаттиқ одамлар. Шунинг учун уни қайтариб олиб келишни хаёлингга ҳам келтирма.

– Ая, Муножотни менинг кўнглимга ҳам қарамай ўзингиз келин қилгансиз. Энди бўлса...

– Хотинингни ўзим топган бўлсам, ўзим йўқ қиламан, – ўғлининг гапини бўлди она. – Хом сут эмган банда борки, адашади. Менам келин қилишда адашдим. Кўшни маҳаллага тушган опасини кўриб ҳавас қилгандим. Орқаворатдан суриштирсам, ким бўлса «опасининг худди ўзи», деб таъриф бераверди. Одамларнинг гапига ишониб мана, куйиб ўтирибман. Ё қомати бор,

ё хусни. Олий маълумотли бўлса ҳам майли эди. Хуллас, у сенинг тенгинг эмас. Бундай кўримсиз хотиндан вақтида қутилганинг маъқул.

– Болам-чи? Болам тирик етим бўлиб қолади-ку?

– Кечагина туғилган, икки ойлик бир парча гўдак кўзингга кўриняпти-ю, онанг кўринмаяптими? Хотининг шу ҳовлига келгандан буён юрак ўйноғи бўлиб қолдим. Унга кўзим тушди дегунча қон босимим ошиб кетади. Сенга она керак бўлмаса, ана олиб келиб қаёқда яшасанг яшайвер. Ё мени дейсан ёки уни.

Насимбек умидвор қиёфада қовоқлари уюлганча бир нуқтага тикилиб ўтирган отасига қаради. Шерали ака ўғлининг илинжи ундан эканини тушунган ҳолда:

– Онангга паридек гўзал келин керак экан, – деди кесатик билан хотинига қараб. – Бундай эпчил, чаққон ва одобли келин ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Ҳатто туғруқхонадан келиб ҳам онангнинг кўнглини олай деб бир кун ётмади, шўрлик келин. Аммо бунга гап тушунтириб бўлмайди, – қўлини бигиз қилиб хотинига ўшқирди оила бошлиғи. – Дарров қон босими ошиб, юраги ўйнаб, хушидан кетади. Ўзинг биласан, онанг билан бу борада кўп тортишдик, наф бўлмади. Ёшинг бир жойга борганда, эр-хотин орасидаги бундай жанжаллар оилани эл-юрт олдида беобрў қилади. Шунинг учун сабр қил, ўғлим. Худо бир йўлга бошлар. Аммо бу қилмиши учун онангнинг жабр тортиши аниқ.

Бундай ҳақ, лекин аччиқ сўзлардан сўнг аёлининг жағи очилишини сезган Шерали ака ўрнидан туриб тўнининг барини силтади-ю, эшикни қарсиллатиб ёпганча ташқарига чиқиб кетди. Онасининг заҳар сўзлари яна Насимбекка ёғилди...

Неча ойлардан буён давом этиб келаётган бу ҳол йигитнинг сабрини букди. Бир ой ўтар-ўтмас, онасининг истагига бўйсуниб хотинининг кўч-кўронини машинага ортди...

– Опажон, поччам катта машинада кўчларингизни олиб келди, – уй ичида боласини эмизиб ўтирган Муножотга жон ҳолатда янгиликни етказди кичик синглиси Машҳура.

Муножотнинг юраги шувуллаб кетди. Кўзларидан беихтиёр ёш қуюла бошлади. Қизалоғи Муаттар онасининг ҳолини тушунгандек, эмишдан тўхтаб унинг юзига термилди. У оиласи тугаганини ҳис қилиб турган, уйга қайтганидан буён орқасидан бирор кимса хабар олмаган бўлса-да, эрини сўнгги бор кўришни, унга қуюб қўйгандек ўхшаган қизалоғини охириги марта қўлига олишини жуда-жуда истарди. Лекин юраги қалтираётган ҳолсиз жувон ўрнидан қўзғалишга ўзида куч топмади. Кўз очиб кўрган жуфти ҳалоли у билан видолашиш учун кириб келаётгандек, кўзлари эшик томон жовдиради. Бироқ...

Бироқ кўп ўтмай онаси Моҳинисо опа кириб келди.

– Эринг чорасиз эканини айтиб, узр сўраб кетди, – қизининг ҳолини тушунган кўйи аста сўз бошлади онаизор. – Сени кўришга юраги дов бермади чоғи, боши эгилган кўйи ҳовлидан чиқиб кетди. Укаларинг кўшни йигитлар билан кўчингни туширишяпти.

Моҳинисо опа қизининг нимадир дейишини, юрагини бўшатиб олишини кутиб, унинг докадек оқариб кетган юзига термилди.

– Ўзингни қўлга ол, болам, – дея бағрида ухлаб қолган қизалоғини олиб жойига ётқизди. – Ўша ғурбат хонадондан қутулганингга шукр қил. Келин бўлибсанки, рангинг очилмайди. Эринг меҳрибон бўлгани билан қайнонанинг инжиқлигини айтмасанг ҳам сезиб турардим. Одамнинг дилини эзадиган энг ёмон ҳолат унинг камситилиши. Шунга ҳам менинг ўгитларим сабаб, сабр қилдинг, қизим. Худо хоҳласа кам бўлмайсан. Ҳаётинг ҳали олдинда. Қўлингга гулдек фарзандинг бор, ёруғ кунларга умид боғла, болам.

Бир нуқтага тикилганча қотиб ўтирган Муножот онасига жавобан бир сўз айтмади. Чунки оғиз очди егунча, ҳўнграб йиғлаб юбориши, шундоғам эзилиб турган онаизорининг кўнглини хуфтон қилиши аниқ эди. У шу аснода қайнонасининг сўнгги ойлардаги қилиқларини бир-бир кўз олдига келтирди. Шу билан таскин топишни истади. Ҳар бир ишидан айб топандиган, ҳар қадамда жеркиб турадиган Саида онанинг бирор сўзини, бирор маротаба икки қилмаганди у. Негаки, ўн саккизга кириб муҳаббат не эканлигини турмушга чиқибгина англаган қиз эрини беҳад севарди.

Пойтахтда ўқиб қайтган кўркам, келишган Насимбек онаси танлаган нозик ва ўта тортинчоқ рафиқасига аста-секин ўрганиб борди. Оёқ кийимларига қадар тозалаб, мойлаб, пайпоқларигача кийгазиб кўядиган келинчакнинг кўзларидаги севги учқуни унинг қалбида ҳам меҳр тафтани уйғотди. Бироқ Саида опатўйдан сўнг уч-тўрт ой ўтар-ўтмас танлаган келини ўғлига муносиб эмаслигидан нолий бошлади. Бу орада Муножотнинг бўйида бўлди. Унинг ҳали оналикка тайёр бўлмаган нозик вужуди бошқоронғилик жараёнида азоб тортаётган бўлса-да, қайнонасининг кўнглини олиш учун бир дам тинмасди. Лекин юзларига доғ тушган, янада озиб кетган Муножотга қайнонаси шарт қўйди.

- Майли, ўғлим айтганидек, туғиб олгунингизча сабр қиламан. Маҳалла-кўй олдида иккиқат келини кетказиб юборибди, деган иснодни кўтаришга тобим йўқ. Кейин боламни тинч қўясиз. Уни кўз остимга олиб қўйган ўзига муносиб, олий маълумотли, кўркам қизга унаштирмоқчиман. Гапимни уқдингизми?

Муножот бошини эгган кўйи оғиз очмади. Эрининг «аям нима деса ҳам сабр қил. Туққанингдан кейин, неварасини кўргач, фикри албатта ўзгаради», деган сўзларига амал қилди. Ва ниҳоят, у паридек қизалоқ

кўрди. Бироқ бу билан вазият ўнгламади. Қайнона келинини кетказиш ҳақидаги фикрида қолди.

Муножот учун машъум кечган ўша куни Насимбек ишга кетгач, қайнонаси ўзининг ва боласининг кийим-кечакларини йиғиштиришга буйруқ берди. Унинг нолишларига заррача эътибор қилмай, нарсаларини енгил машинага ортиб хонадондан хайр-хўшсиз чиқариб юборди. У қишлоғига етиб келгунга қадар боласини бағрига босганча титраб-титраб йиғлади. Отаонасининг олдида бундай алфозда қайтиш у учун оғир гуноҳ эди гўё. Бир томондан, ортида вояга етаётган икки сингисининг бахти унга боғлиқ эди жувоннинг назарида. Қолаверса, қишлоқда турли гап-сўзлар, миш-мишлар тарқалишини сезиб турарди. Ва шундай бўлди ҳам:

– Эшитдиларингми? Муножотни қайнонаси ҳайдаб юборганмиш.

– Йўғ-э, шундай ройиш, меҳнаткаш қизни-я.

– Туман марказидан совчи келди, опасига яқин жойга тушади деб уйдагилари шошиб қолди чоғи. Мана оқибати. Қишлоққа келин бўлганда албатта тиниб-тинчиб кетарди.

– Ҳа, тушган жойи катта хонадон, йигит олий маълумотли деб эшитгандим. Ўқимаган қиз деб писанд қилмаган бўлса керак-да...

Ҳар даврада ҳар хил миш-миш, турли гап-сўз.

Сув бир лойланиб тингани каби Муножаат ҳақидаги гап-сўзлар ҳам аста-секин босилди. У кўп ўтмай, эрининг олий маълумотли қизга уйлангани ҳақидаги хабарни эшитди. Вужуди музлаб кетди. Камситилган жувоннинг оиласига қайтиш илинжи бутунлай сўнди. Бир муддат тушкун ҳолда юрган Муножот, ниҳоят ўзини қўлга олди. Ўтган кунларни, эрини унутишга ҳаракат қилди. Унинг кўнглига таскин берадиган, ҳаётга умид уйғотадиган овунчоғи ширин қизалоғи Муаттар

эди. Қизи ёшига етгач, боғчага энага бўлиб ишга кирди, қаддини тутди. Ҳаёти изга тушиб, бир оз тўлишгач, гўзал жувонга айланди. Унга совчилар кела бошлади.

– Қизингизнинг тақдири қишлоқда турган экан-ки, биринчи никоҳи хосиятли бўлмаган. Буни ёлғон тақдир дейдилар ака. Мана, Салоҳиддинга узатсангиз, у кунларни кўрмагандек бўлиб кетади, – совчиликка келган қишлоқ оқсоқоли Муножотнинг отаси Шодмон акага йигитни мақтай кетди. – Салоҳиддинни яхши биласиз, қишлоқнинг олди йигитларидан. Икки ойгина оила қурганини ҳисобга олмаганда, уйланмаган йигитдек. Ҳозир қишлоқнинг қайси қизига совчиликка борса, йўқ демайди. Қарангки, шу йигитнинг кўнгли сизнинг қизингизга тушибди. Бу ҳам бўлса унинг бахти. Шунинг учун унаштирув оқлиғини олиб чиқаверинг, ака.

– Тақдир бўлса, ажабмас, – кўлини кўксига қўйди Шодмон ака. – Фақат хотиним, қизимнинг олдидан ўтмасам бўлмайди. Биласиз, оғзи куйган одам қатикни ҳам пуфлаб ичади, дейишади. Маслаҳатли тўй тарқамас, маслаҳат қилгач, жавобимизни ўзим сизларга етказаман.

Совчилар ташрифидан Шодмон ака билан Моҳинисо опанинг дили ёришди. Улар қишлоқнинг олди хонадони қизларини ҳавас қилганидан мамнун эди. Йигит ҳам бинойидек – ақлли, ишбилармон, қадди-басти келишган, хуллас, ҳавас қилса қилгудек. Аммо кутилмаганда Муножот турмушга чиқишни бутунлай рад этди. Ота-онаси, яқинлари қанча насиҳат қилмасин, бир сўзда туриб олди: «Тоқ ўтсам ўтаманки, қизимни ўгай ота эшигида катта қилмайман».

Орадан бир йил ўтди. Ҳаётини қизига бағишлашга аҳд қилиб, ўз орзу-дунёси билан яшаётган Муножотнинг олдига хушрўйгина аёл келди. Унинг ўзини тутиши ва гап-сўзларидан ўта шаддодлиги кўриниб турарди.



– Сизни хунук аёл деб эшитгандим, тўғрироғи, қайнонам шундай баҳо берганди. Кўзга яқин, чиройли жувон экансиз-ку, – Муножотга бош-оёқ назар солгач, ҳайратини яширмай сўз бошлади у. – Мени кўрмаган бўлсангиз керак, кундошингизман.

Унинг юз-хотирсиз сўзлари-ю, инсонга тик боқувчи қаттиқ нигоҳидан Муножотнинг энсаси қотди. Жувон бунга парво қилмай сўзида давом этди:

– Қайнонам мени ҳам ҳайдаб юборди. Юзимга чанг солиб, қулоғимдан зиракларимни юлиб олди. Бу ҳам етмагандек, эрим ҳам қўл кўтарди. Сизниям қандай хўрлашганини эшитганман. Агар рози бўлсангиз, иккаламиз бир бўлиб уларни судга берар эдик. Икки аёлни хўрлагани, бахтсиз қилгани учун жавоб берсин юзсизлар.

– Мени кечиринг, истагингизни бажара олмайман, – босиқлик билан аёлга юзланди Муножот. – Чунки эримдан фақат меҳр кўрганман. Кейин, у ёлғиз фарзандимнинг отаси. Қаерда бўлса ҳам озор чекишини асло истамайман. Узр, мен ишдаги одамман, болаларга қарашим керак. Соғ бўлинг.

Аёл Муножотнинг ортидан қараб қолар экан, бундай жавобни кутмагани боис оғзига бирор калима келмай, бўшашиб ортига қайтди.

Орадан уч-тўрт ой ўтди. Боғчада хоналарни тартибга келтираётган Муножот «мумкинми», деган таниш овоздан сесканиб тушди. Қаршисида гуноҳкорона қиёфада Насимбек турарди...

## ТАҚДИР СИНОВИ

Саодат сўнгги бор ортига қаради. Умр йўлдоши билан бир дунё орзу ила қурган уйи, ҳовли саҳнида боши эгик ўтирган турмуш ўртоғи у билан сўзсиз видолашмоқда эди. Ўзига-ўзи «хонадонни тарк этаётганда, асло йиғламайман», дея қанчалар сўз берган бўлма-

син, томоғини аччиқ алам тирнаб ўтдию кўз ёшга айланиб, юзини ювди. Опаси Сарвихон «ўзингни қўлга ол», дегандек тирсагидан тутмаганда, қандай ҳолга тушарди номаълум. У ўзини қай даражада иродали ҳисобламасин, айнаи дамда нима қилаётганини, қадамлари қай томон кетаётганини ҳис этмасди. Шу аснода хаёлан бир сўзни такрорлаб борарди: «Айб менда. Мен эримга бола туғиб бера олмадим. У фарзанд кўриши керак. Бунга тўғаноқ бўлишга энди ҳақим йўқ, асло ҳақим йўқ...»

Саодат билан Зоҳиджон ўн йил аҳил-иноқ яшашди. Ёшликдаги бир-бирига бўлган муҳаббати турмушнинг баланд-паст синовларида ҳам ўз тафтини йўқотмади. Бироқ йиллар давомида иккисининг қалбини бир армон тирнаб борди. Яъни, фарзандсизлик. Икки ёш табибу шифокорлар остонасига неча бор бош уриб борди. Катталарнинг фарзанд кўриш борасидаги ҳар бир жўяли ўгитига бўйин эгди. Аммо ота-оналик бахти уларга насиб этмади. Оила қурганларига тўрт йил бўлди, деганда Саодатнинг қайнона-қайнотаси ёшлар учун янги уй қуришга қарор қилишди.

– Топган-тутганларингни йиғиб, уй қуришга ҳаракат қилинглар. Биз ҳам қараб турмаймиз, – уларга маслаҳат берди Тўхтамат ака. – Янги ҳовлига кўчиш хосиятли дейишади. Ҳаётларингда яхши ўзгариш бўлса, ажабмас.

– Даданг тўғри айтяпти, – бир зумда кўзига ёш тўлди Гулнора опанинг. – Зораки, худойим сизларга ҳам бир тирноқ ато этса.

Ёшлар янги ҳовли қурилишини ўзгача меҳр, ўзгача иштиёқ ила бошлашди. Айниқса, болалар хонасига алоҳида эътибор қаратишди. Гўёки фарзанд кўришлари янги уйга боғлиқдек қурувчи усталарнинг ёнига кириб, тенгма-тенг меҳнат қилишди. Ва ниҳоят, янги

ҳовлида сўнмас илинж, янги орзулар оғушида ҳаётларини давом эттиришди.

Бир-бирини қувлаб ўтаётган ойлар яна йилларга уланди. Ҳар лаҳза уларнинг сабрини синаб борди. Орадан ўн йил ўтди.

– Келинингга айт, кўчини йиғиштирсин. Бундан ортиқ кутиш бўлмайди. Ўғлинг тенгқурларининг болалари аллақачон вояга етиб, олдига кирди. Уни бошқасига уйлантирамиз, – хотинига қатъий қарорини айтди оила бошлиғи.

– Балки айб келинда змасдир, – зарби танг эрига қарши гапиришга ўзида журат топди Гулнора опа. – Ўн йил давомида бирор маротаба юзимизга тик боқмади, ўғлимизнинг ҳурматини жойига қўйиб келаяпти. Бир-бирига меҳри зиёда ёшлар ажралишга кўнишармикан? Айниқса, Зоҳиджон...

– Ўғлингни баҳона қилма, – оила бошлиғининг уюлган қовоғи-ю, бужмайган юзидан хотинининг гапи ёқмагани кўриниб турарди. – Биз шу қарорга келдикми, уни бажариши шарт. Гап тамом.

Саодат худди шу кун келишини билгандек, катталарнинг қарорини жимгина қабул қилди, фарёдини ичига ютди. Тунни мижжа қоқмай ўтказди, садо чиқармай унсиз йиғлади. Эрининг нимадир дейишини кутди.

Зоҳиджон эса... Зоҳиджон айвон остидаги сўрида мук тушиб ўтирганча жойидан жилмади. Бу отасининг қарорига бўйин эгганидан далолат эди.

Аммо ҳаётнинг бу оғир зарбаси йигитнинг руҳиятини четлаб ўтмади. У катталарга қарши чиқиш бефойда эканини сезган ҳолда, ўз ҳаётини ўзи ҳал этишга қодир бўлмаганидан бир кечада одамови кимсага айланди. Айниқса, отасининг «хотининг кўчини олиб кетаётганда, охирги гапингни айтиш ёдингдан кўтарилмасин», деган сўзи кўксини зирқиратиб ўтди. Лекин эркаклик «сўзи-

ни» айтиш у ёқда турсин, ўн йил бир ёстиққа бош кўйган жуфти ҳалолига сўнгги бор боқиб, сўнгги бор арзирли бир гап айтишга ўзида куч топмади.

Эр-хотин шу аснода ажралишди...

Саодатнинг ота уйига қайтганига бир ой бўлди. Ота-онаси унинг кўнглига қараш билан овора. Укаси Раимжон эса опасининг ўксимаслиги учун ҳамиша хизматига шай. Уйли-жойли бўлиб кетган ака-опаларининг хонадонларига тез-тез бош суқишларидан жигарлари ҳаётидаги кўнгилсизлик, изтироб уларни ҳам четлаб ўтмагани кўриниб турарди. Осмон йироқ, ер қаттиқ деганларидек, Саодат тақдирга тан берган бўлса-да, бир ой давомида остона ҳатлаб кўчага чиқмади. Маҳалла-кўйга кўринишни, тўғрироғи, унга ачиниб қарашларини истамади. Бироқ қалбининг бир четида милтиллаб турган умид илинжида эрининг келишини, унинг қўлидан тутиб, «уйимизга кетдик», дейишини кутди. Чунки иккисининг орзу-умид, меҳнату машаққат ила қурган уйида бошқа аёлнинг эри билан яшашини тасаввур эта олмасди у. Аммо бу аччиқ ҳақиқат уч ой ўтар-ўтмас бўй кўрсатиб улгурди.

– Куёвингизни бу қадар тез уйланади, деб ўйламагандим, эртага тўйи экан, – Садир акага ўпкаси тўлиб, алам билан нохуш янгиликни етказди Ўктамхон опа. – Қизингиз буни эшитса, қандай аҳволга тушаркин? Битта қишлоқда бўлмасак ҳам майли эди. Озгина юз-хотир қилишса бўларди.

– Мен рози бўлдим, – хотинига бўшашган кўйи эътироз билдирди Садир ака. – Қуданг бирров бўлса-да, олдимдан ўтди. Ёшларнинг кўнглига қарасак, иккисининг ҳам умри бефарзанд ўтади. Шунинг учун гапни кўпайтирма. Айниқса, Саодатнинг олдида бу ҳақда умуман сўз очманглар.

Ҳаётнинг пасту баланд синовларида қадди эгилмаган, иродали эрининг тушкун ҳолати Ўктамхон опага

оғир ботди. Бош эгасининг мунгли нигоҳидаги ўкинч бир дардини икки қилди.

Истайдими-йўқми, хаёли эрида бўлган Саодат эса унинг уйланаётганини аллақачон эшитганди. Лекин ота-онасининг уни зимдан кузатиб эзилаётганини сезгани боис, ўзини қўлга олди. Чехрасини очик тутишга ҳаракат қилди. Ўзини овутиш учун эри билан яшаётган кезлари қалбига оғир ботган кўнгилсиз онларни қайта-қайта кўз олдига келтира бошлади: ҳа, барчанинг назарида улар ўн йил фарзанд кўрмаган бўлса-да, бирор маротаба «сен-менга» бормаган, ажралиш ҳақида сўз очмаганди. Ҳатто, бу ҳолат кўпчиликини ҳайратлантирарди ҳам. Аслида эса, аслида Зоҳиджон ҳар гал тенгқурлари болали бўлганда, Саодатга бирор ножўя сўз айтмаса-да, бир муддат тунд қиёфасини очмас, ҳатто гапирмасди. Унинг кўнглини олиш учун берган саволларига «ҳа» ёки «йўқ» жавоби билан кифояланарди.

Эрининг ўртоқлари ўғилчаларига «суннат тўйи» қилган паллалар эса Саодат учун янада оғир дамлар бўлди. Зоҳиджоннинг уч кунлаб орқа ўгириб ётиши, нималарнидир баҳона қилиб норози боқишлари Саодатни сўзсиз эзарди. Қайнотаси Тўхтамаат аканинг кесатик, аччиқ-тирсиқ гаплари ҳам ҳар сафар Саодатга қаратилган бўларди. Бундай дамлари у ўзини гуноҳкор ҳис этар, эрига айро яшаб кўришлари ҳақида сўз очишга мажбур бўларди.

Лекин Зоҳиджон унинг ажралиш ҳақидаги фикрини эшитишни истамас, бу ҳақда сўз очишига йўл бермасди. Бу муҳаббатми ёки йиллар давомида бир-бирига ўрганиб, бир-бирига боғланиб қолган икки инсоннинг бошқа бир инсон билан янги ҳаёт бошлашга чўчиши, иродаси етмаслигими, ҳар қалай улар айро яшашни тасаввур эта олишмасди. Қолаверса, шифокорлар иккиси учун ҳам фарзанд йўли очиклигини таъкидлашдан нарига ўтмасди. Лекин йиллар ўтгани сари ёшлар-

нинг фарзанд кутиш борасидаги етган сабрига катталарнинг тоқати етмади.

«Балки бу яхшиликкадир. Зоҳид акам ўша аёлдан фарзанд кўрса, ажабмас. Ҳеч бўлмаса, биттамининг ҳаётимиз тўкис бўлади-ку». Саодат шаҳло кўзларини тўлдирган ёшни аста артди, кўкси қай даражада куйиб турмасин, ўзини қўлга олди.

Кўп ўтмай Зоҳиджоннинг янги оиласи билан шаҳарга кўчиб кетганлиги хабарини эшитди.

Ўттизга яқинлашган бўлса-да, қадди-қомати келишган, оқ юзли, кўзга яқин Саодатга ҳам совчилар кела бошлади. Бироқ у турмушга чиқишни ҳаёлига сиғдира олмасди.

Кўз очиб юмгунча бир йил ўтди.

– Қизим, келажакнинг ҳақида ўйласанг бўларди, – жигарбанди билан дилдан гаплашишга қарор қилди Садир ака. – Совчилар ҳақида онанг гапирган бўлса керак?

– Дадажон, оила қурмоқчи эмасман, – бошини эгган кўйи йиғлаб юбормаслик учун лабини қимтиди Саодат. – Боғчада ишляпман, кўлимда касбим бор. Укамнинг болаларини катта қиламан. Оилага оғирлигим тушмаслигига ҳаракат қиламан, дадажон.

– Бу нима деганинг, болам? Сени ҳаммамиз яхши кўрамыз. Ҳеч кимга малолинг тушмайди. Фақат ўз оиланг бўлганига нима етсин? – меҳрибонлик билан қизига тушунтира бошлади Садир ака. – Қолаверса, қайнотанг Тўхтават «Саодатхонни жойи чиқса, узатсаларинг яхши бўларди. Ўғлим бир йил бўлдики, хотинига кўнгил қўймапти. Бу туришда фарзанд кўролмайди», деб илтимос қилди.

Дадасининг сўнгги гапи Саодатнинг кўксига наштардек санчилди. Қайнотасининг гапидан «қизингиз ўғлимнинг қайтишини кутяпти», деган маъно туйди-ю ота-онасига осон эмаслигини ҳис қилди. Қалбига қарши бориб, ўзи билан ўзи курашиб ўтказган уч-тўрт

кунлик фурсатдан сўнг, уни узатиш ҳақидаги яқинларнинг қарорига бўйин эгди...

– Совчиларнинг бирортаси сенга маъқулми, қизим?  
– Саодатнинг юмшаб қолганидан фойдаланиб кўнглиги қўл солди Ўктамхон опа.

– Кимга турмушга чиқишимнинг энди қизиғи йўқ, аяжон. Сизларга ёқса бўлгани, – мунгли қиёфасини очмай жавоб қайтарди Саодат.

Унинг жавобидан, «сизлар учун оила қуришга рози бўлдим», деган маънони англаш қийин эмасди.

Қизининг тушкун ҳолати-ю, ҳаётга қизиқиши сўнган умидсиз нигоҳини кўриб Ўктамхон опанинг юраги эзилди. Ҳар доимгидек, унинг фарзанд кўрмай оиласидан ажралишида ўзини айбдор ҳис қилган онаизор бир муддат жим қолди.

Ҳа, ҳаётда шундай. Қайси бир оилада нуқсонли бола борки, ота-она унинг олдида ўзини гуноҳкор ҳисоблайди. Бошқа фарзандларига нисбатан унга кўпроқ меҳрибончилик кўрсатишга, уни авайлашга ҳаракат қилади. Айниқса, оналар учун бундай айбдорлик ҳисси бир қадар зиёда экани сир эмас. Ўктамхон опа айти дамда шундай ҳолатда эди.

– Ёши ўзингга муносиб, болали йигит учраса яхши бўларди, – ўртадаги оғир сукунатни бузди у. – Шунинг учун опаларинг сени сўраётганларни суриштиришяпти. Зора юлдузи юлдузингга тўғри келиб, болали бўлиб кетсанг. Чеккан ҳамма ғамларинг унутиларди, болам.

– Фақат бу ўртага турмушга чиқмайман. Балки шунда ҳаммасини унутарман.

Кўп ўтмай Саодатга шундай куёв топилди. Ёши ўзидан уч ёш катта. Саккиз ёшли ўғилчаси бор. Нобоп йўлга кирган беҳаё хотини билан ярим йил аввал ажрашган. Ҳаётини янгидан бошламоқчи.

Бўлажак куёв ҳақидаги бу маълумот қай даражада ҳақиқатга яқин, буниси номаълум эди. Нима бўлган-

да ҳам ўртада турган совчи аёл бу «беллашув»да ютиб чиқди. Саодат ўзга бир қишлоққа кўзида ёшу дилида армон билан келин бўлиб кетди.

Исмат бўйчан, буғдойранг, камгап бўлиб, туман марказидаги дўконда сотувчилик қиларди. Саодатга орқаворатдан ошиқ бўлиб уйланган бу йигит оғир, камсукум кўринса-да, оғзига спиртли ичимлик тегди дегунча шерга айланарди. Улфатлари кўп, «шинаванда» йигит дастлаб ўзидаги бу нуқсондан тийилишга ҳаракат қилди. Чунки маишатпарастлиги, хотини ва болаларига безътиборлиги сабаб, оиласи дарз кетганди.

Саодат келин бўлиб тушган дастлабки кундан бошлаб, ёш бола бўлса-да ҳамиша ўйчан, қимтиниб юрадиган Нўъмонжонга меҳрибончилик кўрсата бошлади. Оналик масъулиятини меҳр ила илкига олди. Одамови болакай ҳадеганда киришиб кетмас, Саодатдан ўзини тортиб турарди. Бу борада унга тарбиячилиги қўл келди. Кўп ўтмай, онага бўлган соғинч ва интиқлик миттигина кўксини эзиб турган болакай унга дилини очди:

– Мени аям билан укаларимнинг олдига олиб борасизми? – Саодатга илтижоли нигоҳини тикди у.

– Укаларимнинг олдига? – ҳайратдан бир зум қотиб қолди Саодат. – Сени укаларинг борми?

– Ҳа, иккита, – ўгай онасининг ҳолатидан беҳабар болакай дардини эшитгувчи топилганидан мамнун ҳолда берилиб гапира кетди. – Нодиржон беш ёшда, Малоҳат икки ёш. Уларни кўрмаганимга а-а-нча бўлди, роса соғинганман. Олиб борасиз-а?

Кутилмаган бу «янгилик»дан тили калимага келмай турган Саодатни Нўъмонжоннинг ялинчоқ товуши сергаклантирди:

– Олиб борасиз-а?

– Улар ҳозир қаерда? – боланинг ундан нажот кутиб турган катта-катта беғубор кўзларига боқиб ўзини қўлга олди у.



– Оқтепа қишлоғида, бувимникида. Аям кўп касал бўлгани учун дадам ташлаб келган, – у сўнгги гапини овози қалтираб айтди ва ҳадиксираган кўйи, – буни сизга айтганимни дадам билмасин, бўлмаса мени калтаклайди, – деди аста мўлтираб.

Саодат беғубор, ўйинқароқ ёшда бўла туриб, катталарнинг-да қаддини эгадиган ҳаёт ташвишлари-ю, қисмат синовига дуч келиб турган митти «дардкашини» чўккалаган кўйи бағрига босди.

– Аянгнинг олдига албатта олиб бораман, – унинг кўзларида ёш ҳалқаланди. – Буни дадангга айтмаймиз. Биз энди сирдошмиз, тўғрими? Фақат бунинг учун мактабда беш баҳога ўқишинг, яхши овқатланишинг керак. Қара, гавданг ўртоқларингникидан анча кичкина. Уларга етиб олишинг шарт. Келишдикми?

– Келишдик, – деди Нўъмонжон маъюс чехрасига табассум югуриб.

Қисмат унга яна қандай синоатли синовлар тайёрлаб кўйганини хаелидан ўтказиб, дилини ҳадик ва ўкинч қоплаган Саодат кўксининг тагида митти юрак ураётганидан ҳали беҳабар эди.

Эртасига опасидан хабар олгани келган Раимжон уни тушкун кайфиятда кўрди.

– Опажон, машинанинг орқасини тўлдириб мевалар олиб келдим. Хоҳлаганингизча мураббо, шарбат тайёрласангиз бўлади, – Саодатнинг кайфиятини кўтаришга ҳаракат қилди у.

– Яхши қилибсан, ука. Зора шундай юмушлар билан овора бўлиб, ҳаётимдаги чигалликларни унутсам, – зўраки жилмайди у.

– Тинчликми? Қандай муаммо қийнаяпти сизни? Ёки поччам...

– Поччанг ҳозирча яхши, – уни тинчлантирди Саодат. – Фақат бир бегуноҳ аёлнинг бахтига зомин бўлиб, болаларини етим қилганга ўхшайман.

– Тушунмадим, – опасига синчков термилди Раимжон.  
– Поччамнинг биринчи хотини ҳақида гапиряпсизми?

– Шундай. Лекин бу ҳақда ҳозирча ҳеч кимга оғиз очма. Дадам билан аямнинг дили хуфтон бўлмасин. Ҳаммасининг тагига етгач, кейин сенга батафсил тушунтираман.

Раимжон опасининг олдидан оғир ўй билан қайтди.

Саодат эса муаммолардан чалғиш учун мевалардан мураббо-ю, шарбат беркитишга киришиб кетди. Аммо ҳар дақиқада Нўъмонжонга берган ваъдасини бажариш ҳақида ўйлар, режалар тузарди. Ва ниҳоят, уч-тўрт кун ўтгач, бир тўхтамга келди.

– Нўъмонжон, ҳозир иккимиз аянг билан укаларингни кўргани борамиз, – эрталаб эрини ишга кузатгач, болакай учун қувончли бўлган хабарни етказди у.

– Ҳозир-а? Ростдан ҳам борамизми? – кўзлари чакнаб кетди Нўъмонжоннинг.

Унинг чеҳрасида балқиган қувонч Саодатнинг дилини ёритиб ўтди.

– Аввал кийиниб ол. Кейин укаларингга ширинликлар оламиз.

– Дадам-чи, дадамга айтмаймизми?

– Сен хавотир олма. Даданга кейин ўзим тушунтираман.

Икковлон Нўъмонжоннинг онаси – Зайнабхон улғайган хонадонга яқинлашганда, болакайнинг қадами тезлашди. Унинг юраги ҳапқириб, онаси томон югуришга шай турганини Саодат ҳис қилиб турарди. Дарвозани ранглари униққан, озғин аёл очди. Саодатга бир лаҳза савол назари билан қараб турди-ю, ўғилчасига кўзи тушиб борлиқни унутди. Бир-бирига интиқ она-боланинг айрилиқ, соғинч изтиробларини туйган Саодат бу оилада ўзининг ортиқча эканини яна бир бор ҳис қилди.

Зайнабхон уйига, эрига эгалик қилиб турган гўзал бу жувонга нисбатан қай даражада аламзада бўлмасин, уни ичкарига таклиф қилишга ўзида куч топди. Шу тариқа икки куйган юрак узоқ дардлашишди.

- Эримнинг олдидаги менинг айбим қизимни туққанымдан сўнг саломатлигимни йўқотганим бўлди, - кўзида ёш билан ўтган ишларни ёдга олди Зайнабхон. - Шифокорлар узоқ вақт даволанишим кераклигини айтишди. Бироқ маишатга берилган эрим буни истамади, ажрашишга қарор қилди. Унинг дам-бадам кўл кўтариши, турткилаши, ҳақоратларидан безиллаб қолганим боис, бунга рози бўлдим. Жигарларим қараб туришмади, қаратиб-кўрсатишди. Соғлигим энди жойида. Фақат болаларимни ўйлаб эзиламан. Уларнинг ҳам ота-она бағрида улғайишга ҳақи бор-ку.

- Опажон, мен бу ишлардан бутунлай беҳабарман. Билганимда асло эрингизга турмушга чиқмаган бўлардим. Энди менга имкон беринг. Йўлини қилиб, албатта оилангиз тикланишига ёрдам бераман. Эрингиз, рўзгорингиз ўзингизга насиб қилсин.

Саодат Нуъмонжонни олиб ортига қайтди. У иккинчи эридан ҳам ажрашишга қарор қилган бўлса-да, руҳи енгил, дили ёруғ эди. Бироқ негадир тўйиб-тўйиб йиғлагиси келарди.

Бироқ орадан уч-тўрт кун ўтиб, унинг ҳомиладор экани юзага чиқди. Ва бу хушxabар бир зумда яқинлари ва туғилиб ўсган қишлоғига овоза бўлди.

Саодат шифокорлардан дастлаб бу янгиликни эшитганда ўзини йўқотиб кўяёзди. Қувонч ва аламдан кўзларидан тўхтовсиз ёш қуюларди. Неча йиллар интиқ кутган зуриёди севимли инсонидан насиб этмаганига йиғларди у.

Исмат эса бу янгиликни оддийгина қабул қилди. Уч-тўрт ой давомида «шайтон суви»дан ўзини аранг

тийиб турган йигит, шу баҳона бўлди-ю, ҳар доимгидек маишатни бошлаб юборди.

Саодат эса ҳаётидаги бу ўзгариш – оналик бахтига мушарраф бўлиш қай даражада муҳим бўлмасин, ўз қароридан қайтмади. Муштипар аёлни фарзандлари билан оиласига қайтариш ҳақида ўйлай бошлади.

– Бир ҳафтадан буён ичиб келасиз. Инсоф борми сизда? – оёқда базўр чайқалиб турган Исматга танбеҳ бера кетди Саодат. – Бу туришда сиз билан яшаб бўлмайди.

– Нима-а? – истехзоли кулди Исмат. – Ўн йил туғмай юрган хотин менга тегиб юзинг ёруғ бўлди. Яшамай қаёққа борардинг. «Яшамасмиш, кўрамиз қандай яшамаслигингни», – ўзига-ўзи ғўлдираб, кийимларини йўлма-йўл ечиб ерга улоқтирганча ичкарига йўл олди у.

– Шундай денг, – ортидан эргашди Саодат. – Мен Зайнаб опа эмасман, сизнинг хўрликларингизга чидаган. Эртагаёқ кетаман.

– Кетсанг ана, катта кўча, кетавер. Ўзинг қайтиб келасан.

У ичкари уйга кириб ўзини тўшакка ташлади-ю, зум ўтмай хуррак отиб уйқуга кетди.

«Маст бўлса ҳам тили бийрон», хаёлидан ўтказди Саодат ва укасининг телефон рақамларини терди. Ҳамма гапдан хабардор бўлган Раимжон опасининг қарорига қарши чиқмади. Ота-онасига бу ҳақда ётиғи билан тушунтирди.

– Опам тўғри йўл танлаганига ишонаман. Уни ташлаб қўймайман. Керак бўлса, боласи билан шу уйга эгалик қилади. Мен янги ҳовли қилиб чиқиб кетаман. Фақат қайтишига рози бўлсаларинг бўлгани...

Эртасига Раимжон иккита шерик билан опасининг кўчини юклаш учун машина олиб борди. Бундай бўлишини кутмаган Исмат серрайганча қотиб қолди.

– Бу нима қилганинг, мастликда одам нималар демайди? – Саодатга ялина бошлади у.

- Энди жуда кеч, ортга қайтолмайман, - ўзини бо-  
сиқ тутди Саодат. - Ҳаётда ёлғиз қолмай десангиз хо-  
тинингизни олиб келинг, болаларингизнинг бошини  
силанг. Ғамхўрлик қилсангиз, ўшалар сизнинг қад-  
рингизга етади.

Саодат кўчларини юклар экан, беркитган мураб-  
бо-ю, шарбатларига қўл теккизмади. Укасининг савол  
назари билан қараб турганини кўриб:

- Булар Зайнабхон опа билан болаларига, - деди  
маъюс жилмайиб. - Улар келади, албатта келади.

Раимжон эзгу ниятли опасининг елкаларидан қуч-  
ди. Опа-ука шу тариқа хонадонни тарк этишди.

Орадан беш ой ўтди. Садир ака билан Ўктамхон опа  
ҳомиладорликнинг дастлабки ойларини бир оз оғир  
ўтказган қизларини авайлаш билан овора. Кутилма-  
ганда, Тўхтамат аканинг кириб келиши хонадон аҳ-  
лини таажжубга солди. Чўрткесар қуда мезбонларни  
куттирмай муддаога ўта қолди:

- Ўғлим учун остоналарингга бош уриб келдим. Ха-  
барларинг бўлса Зоҳиджон иккинчи хотинига кўнгил  
кўймади, фарзандлик ҳам бўлмади. Яшасам фақат Сао-  
дат билан яшайман деяпти. Шунинг учун биздан ўтган  
бўлса кечиринглар. Рухсат берсаларинг иккала ёшни  
яраштирардик.

Ёши улуғ, бир сўзли, ғурури осмонда эркакнинг  
фарзанди учун бошини эгиб ўтириши Садир акага таъ-  
сир этмай қолмади.

- Кўз очиб кўргани билан қўша қариганга нима ет-  
син, Тўхтамат ака, - дилидагини яширмади Садир ака.  
- Саодатнинг кўнгли ҳам Зоҳиджонда бўлса ажабмас.  
У билан бу ҳақда гаплашиб кўрамыз. Лекин рози бўл-  
ган тақдирда ҳам, фарзандини эсон-омон дунёга кел-  
тириб, суягини қотириб олгунча бағримизда бўлади.  
Кейин икки ёшни яраштириш ҳақида гаплашамиз.

- Қуда, агар лафзимга ишонсангиз Саодатхон кўпа-  
йишгунга қадар она-болани сизлардан-да ортиқ

асраб-авайлаймиз. Худо хоҳласа туғилажак боламизни ҳамма невараларимдан ортиқ кўриб катта қиламан. Зоҳиджонни чуқур текширувлардан ўтказиб, даволатдик. Икки ёш яна кўша-кўша фарзандлар кўрса, ажабмас. Уларнинг ярашишига ҳозир розилик бера қолинг.

Бироқ Садир ака ўша гапида қолди. Тўхтамак ака умидини узмай, эзгу ниятлар ила хонадонни тарк этди.

Вақти-соати етиб Саодатнинг кўзи ёриди. У ойпарчадек қизалоқ кўрди. У кўпайишгунга қадар Зоҳиджон туғруқхонани тарк этмади. Қизалоққа Умида деб исм кўйишди. Садир аканинг розилиги билан қизалоқни ўз номига расмийлаштирди. Она-боланинг туғруқхонадан чиқишида куда-андалару жигарлар жамулжам бўлишди. Айниқса, алвон гуллар кўтарган Зоҳиджоннинг ҳаяжони чексиз эди. У севимли ёри ва қизалоғини олиб уйига қайтар экан, яна мана шундай ҳаяжонли дамлар насиб этишини юракдан ҳис қилиб турарди.

## ТАҚДИРИ АЗАЛ

Шаҳзода опа онасини сўнгги манзилга кузатапти. Икки ёнида таянч бўлиб турган ўғиллари Бунёд билан Шерзод тобут кўтарилгач, оломон олдига тушиб бувисининг сўнгги манзили томон йўл олишди. У кўлдан-кўлга ўтиб кетаётган тобут ортидан ўкинч ва армон ила, айрилиқ ёши юзини ювиб қараб қолди. У айни дамда жуда, жуда ёлғиз эди.

Шаҳзода опа ҳазрати аёл бўлиб яшади. Аммо илкидаги бурч эркакларники каби заҳматли, залворли бўлди. Ҳаётига муҳрланган бу тақдир ҳукмини қаноат ила қабул қилди, мушкулотларни қаноат ила енгди. Бу оддий бир аёлнинг ибратли умр йўли эди...

Муниба опа тонг саҳар чўчиб, кўзини очди. Ёнгинасида ухлаб ётган эри Нурмат аканинг нафаси қулоғига чалиниб, енгил тин олди. Кўрган туши таъсирида ўйга

ботганча бир муддат жим ётди. Болалиги ўтган ўша ота ҳовли. Боболаридан қолган эски уйлар... У қачонки хосиятли бир туш кўрадиган бўлса, албатта шу ҳовлида кўради. Ҳозир қишлоқдаги ота мерос у жойларда кенжа укаси Абдумалик яшайди. Бир этак ўғил-қизлар улғайган у эски уйлар аллақачон текисланиб, ўрнига янги иморат қурилган. Бироқ тушларига фақат давр силсилаларида бир қадар чўккан, болаликнинг энг ширин дамлари муҳрланган ўша қадрдон уйлар кирди. Бу гал ҳам шундай бўлди:

– Ўзимнинг қизгинам, – қўйнида катта қилган бувиси Хонимбиби эна уни меҳр билан бағрига босди. – Қара, болаларинг катта бўлиб қолибди-я, – вояга етиб кўркам йигит-қизга айланган ўғли билан қизига имо қилди у. – Ҳадемай яна битта фарзанд кўрасан, қиз туғасан. Ўша сени, болаларингни эплайди, авлодингни давом эттиради. Уни эҳтиёт қил болам, эҳтиёт қил.

Бувиси илтижоли боққанча қаёққадир ғойиб бўлди. Унинг ўрнида бўлиб қолган ота-онаси қизларининг ҳайрат ила қараб турганини кўриб, бувисининг сўзларига қўшимча қилишди:

– Бу тақдири азал, қизим, тақдири азал. Бунга бўйсунининг керак...

Муниба опа тушининг таъбирига қандай изоҳ изламасин, айланиб-ўргилиб бир нарсага – унинг яна бир фарзанд кўришига аниқ-тиник ишора қилинмоқда эди. Бироқ буни хаёлига сиғдира олмасди. Чунки ҳарбий учувчи бўлиш учун узоқ ўлкаларда таҳсил олаётган ўғли Жаҳонгир шифокор бўлиш мақсадида институтга имтиҳон топшириш оstonасида турган қизи Зиёдадан сўнг, у яна она бўлишни бутунлай унутганди.

Тўғри, қишлоқдаги тенгқурларида камида тўрт-бештадан бола бўлиб, у шаҳарда яшаган ўқимишли аёл сифатида, иккита фарзандни ҳар томонлама етук,

бекаму кўст қилиб улғайтиришни афзал билганди. Хотинининг бу қарори Нурмат акага ҳам маъқул келгани сабаб, бу ҳақда қайтиб оғиз очмаганди. Энди бўлса, қирқ ёшдан ошганда унинг фарзанд кўришига ишора бўлиб турибди. Ишора бўлганда ҳам ақлли, ғайратли, ҳамма ҳавас қиладиган ўғли, доно ва зукко, меҳрибон қизидан устунроқ яна битта қиз кўришига белги берилаяпти. Бу қандай синоат бўлди?

Муниба опа оғир ўйлар гирдобида ўрнидан қўзғалди. Кўрган тушини унутишга ҳаракат қилди. Бу ҳақда Нурмат акага айтмоқчи ҳам бўлди, бироқ истамади. Бу ҳол арзимас нарсасидек кўринди унга. Нонушта тайёрлаб, ишга отланди. Кун бўйи тушкун кайфият тарк этмади уни. Ўзини беҳол сезиб ишдан барвақт қайтди. Кутилмаганда, боғ ичидаги йўлакда осмондан тушгандек лўли кампир пайдо бўлди.

- Қаён кетаяпсан, қизим, намунча таъбинг хира бўлмаса? Кел, қўлларингни манга бер, кафтингга қараб аслингдан, наслингдан фол очиб қўяман, ҳожатинг равон бўлади.

Муниба опанинг энсаси қотди. «Бир ками шу лўли хотин етмай турувди», жеркиб бермоқчи бўлди уни. Кексалигини кўриб ўзини босди, қовоқ уйганча индамай йўлида давом этди.

- Кўрган тушинг ҳадемай рўёб бўлади. Ножўя ишларга қўл уриб юрма яна.

Лўли кампирнинг гапидан унинг юраги шувуллаб кетди, қадамини секинлатди. Бир оз юриб ортига қаради. Кампир бамайлихотир навбатдаги «мижози» томон яқинлашмоқда эди. Унинг олдида бормоқчи бўлди, лекин ўзини кўлга олди. «Бундайлар инсон психологиясини яхши билади», хаёлидан ўтказди у, «ҳамма, ҳар куни яхши-ёмон туш кўради. Лўли фолбинлар шундай ҳам фойдаланса керак. Менга айтгани эса шунчаки тасодиф», турли ўйлар гирдобида уйига етиб келганини сезмай ҳам қолди.



Кунлар ойларга уланди. Муниба опа кўрган тушини унутди. Иш, оила юмушлари билан бўлиб, вужудида кечаётган ўзгаришни англамади ҳам. Дафъатан иштаҳаси йўқолди. Сал нарсага кўнгли айниб, боши айлана бошлади. Шундагина хушёр тортди, шифокор хузурига шошилди.

– Қирқ беш ёшда фарзанд кўрмоқчи бўлибсиз-да, – уни текшираётган шифокор бамайлихотир фикрини билдирди Муниба опага. – Бунақаси кўп бўлмаса-да, учраб туради.

– Нима? Нималар деяпсиз, доктор? – текширув столдан беихтиёр туриб кетди у. – Мен умуман туғмоқчи эмасман. Агар имкони бўлса бугуноқ, ҳозироқ болани олдиришга тайёрман.

– Энди жуда кеч. Ҳомила тўрт ойликка яқин. Уни олдириш ҳаётингиз учун хавфли. Эртароқ келганингизда бошқа гап эди.

– Бундай бўлишини кутмагандим, – бўшашган кўйи базўр жавоб қайтарди Муниба опа.

– Ўзингизни қўлга олинг, – уни тинчлантирди шифокор. – Балки бу яхшиликкадир. Атрофингизга қаранг, тенгқурларингизнинг деярли барчаси қаҳрамон оналар. Сиз эса иккита туғибсиз, холос. Шунинг учун учинчи фарзанд зиён қилмайди. Қайтага организмиз янгиланади. Соғлиғи жойида, оиласи тинч аёлга туғиш фожиа эмас-ку. Бу янгиликни хурсандчилик ила қабул қилишингиз керак. Шундагина бола соғлом туғилади.

– Болаларим-чи, болаларим буни қандай қабул қиларкин? – оғир уҳ тортди Муниба опа. – Фарзандлари вояга етган, келин-куёв кўриш остонасида турган мендек аёлга уят-ку бу. Балки...

– Ёмон хаёлларни ёдингиздан чиқаринг, – унинг сўзини бўлди шифокор. – Дастлаб бу хабардан ўғил-қизингиз хурсанд бўлмаслиги мумкин. Аммо шуни ваъда бериб айта оламанки, чақалоқ туғилгач, уни ҳаммалари яхши

кўриб қолади. Ҳаётингизга ҳам ўзгача маъно киради. Шу сабаб, болани турли йўллар билан йўқ қилишни ўйламанг. Кейинги пушаймон ёмон дейдилар.

У шифокор қабулидан кайфиятсиз қайтар экан, унинг туғиш ҳақидаги даъватини эслаб, аччиқланарди. «Одатда менинг ёшимдаги аёллар ҳомиладор бўлиб қолса, дўхтирлар албатта унинг она бўлишига қарши бўларди. Аччиқ-аччиқ гаплар билан узиб оларди. Бу гинеколог бўлса...» ўйлаб ўйига етолмасди у.

Лекин Муниба опа эри унинг туғишини қай даражада қўллаб-қувватламасин, бошқа шифокорга учраб, ҳомилани олдиришга қарор қилди. Аммо ҳарчанд уринмасин, бунинг уддасидан чиқа олмади. Ва ниҳоят, тақдирга тан берди. Ойлар ўтиб, фариштадек қизалоқ дунёга келди. Унга Шаҳзода дея исм қўйишди.

Узоқ вақт чақалоқ ҳидини туймаган хонадонга ўзгача файз кирди. Нурмат ака ишдан қайтди дегунча, ҳамма нарсани унутиб, қизалоғини қўлга оларди. Талабалик насиб этган Зиёда эса, онасига ҳар томонлама ёрдам бериш баробарида, сингилчасининг ғамхўр энагасига айланди. Жаҳонгир бўлса ҳар хатида унинг суратини сўрашдан чарчамасди. Шаҳзода мана шундай меҳр остида улғайиб борди...

Орадан етти йил ўтди. Кўнғироқ сочларига оппоқ ленталар таққан зукко қизалоқ мактабга борди. У Муниба опа билан Нусрат аканинг ҳаёти мазмунига айланган эди.

– Онаси, Шаҳзода бўлмаганда нима қилардик, а? Шунини дунёга келтирганинг учун сендан хурсанд бўлиб кетаман, – дадасини обдон саволга тутиб, сўнгра алифбони ўқишга тутинган қизалоққа қараб мамнун қиёфада сўз бошлади Нурмат ака. – Шундай ақлли, сўзамолки, гоҳида саволларига жавоб тополмай қоламан. Кеча нима бўлди дегин?

– Яна саволлари билан бошингизни қотирдимми?

– Қотирганда-чи. Кеча крандан сув ичаётган экан, «Бу сувни қайнатмасдан ичиб бўлмайди, иккинчи бор бундай қилганингни кўрмай», деб танбеҳ берсам, ҳар доимгидек «Нима учун?» деб сўради. «Чунки қайна-тилмаган сувда микроб бўлади. Сув қайнаганда у ўла-ди. Кейин ичиш мумкин» десам, «Нима, унда ўлган микробни ичаманми?» деса бўладими. Унинг саволига жўяли жавоб топгунча анча тараддудландим.

Эр-хотин мириқиб кулишди.

– Гапингиз тўғри, – эрининг гапини қувватлади Му-ниба опа. – Ўғлимиз узоқ ўлкаларда хизмат қиляпти. Оиласи ҳам ўзи билан бирга. Ҳадемай набирали бўла-миз. Аммо бир йилда бир маротаба бағримизга кела-ди-ю, қайтади. Зиёда ҳам худди шундай. Шифокорлик дипломини олди-ю, ишлаб бериш учун узоқ вилоятга жўнатилди. Тақдири ўша ерда экан, келин қилиб узат-дик. Ҳозир Шаҳзода бўлмаганида қулоқ-бурни кесил-ган одамдек бир-биримизга термилиб ўтирардик.

Нурмат ака ҳижжалаб алифбо ўқиётган қизчасига термилган кўйи бош ирғаб хотинининг гапини маъ-қуллаб қўйди...

Орадан кўп ўтмай, Жаҳонгирдан қиз фарзанд кўр-ганлиги ҳақида хабар келди. Аммо набирали бўлган-ларидан боши осмонда эр-хотиннинг қувончи узоққа чўзилмади. Жаҳонгир бошқараётган самолёт ҳарбий ўқув машғулоти чоғида ҳалокатга учради...

Фарзанд айрилиғи бир зумда эр-хотиннинг қадини эгди. Шундай оғир кунларда миттигина Шаҳзода улар-га таянч бўла олди. Нурмат ака билан Муниба опа шу қизлари учун айрилиқ азобларига бўй бермай яшашла-ри лозимлигини англаб туришарди. Лекин ота-онанинг ишонч ва умиди бўлган ёлғиз ўғилни йўқотиш андуҳи эр-хотиннинг юрагини кемириб борди. Уларнинг дар-дига оз бўлса-да малҳам бўла оладиган Жаҳонгирнинг хотини эса юртга қайтишдан воз кечди, қайнона-қайно-таси билан алоқасини бутунлай узди.

Вақт дардга малҳам, дейишади. Аммо ғам-қайғунинг андуҳли изи юракларга ўз муҳрини босиб улгурди. Шаҳзода ўн беш ёшга етганда Нурмат ака юрак хуружи билан тўсатдан оламдан ўтди. Отасига меҳри зиёда қизга бу ҳол ёмон таъсир қилди. Унинг ўсмир қалби бу азобни енгишга тайёр эмасди ҳали.

Бахт ҳам, қайғу ҳам кўшалок келади, деганларидек, оила қурганига етти йилдан ошган бўлса-да, фарзанд кўрмаган Зиёда руҳий касалга чалиниб, оилага қайтди. Қайғулар гирдобида қолган Муниба опа бунинг тагига етишга ҳарчанд ҳаракат қилмасин, қизининг касалга чалиниш сабаби сирлигича қолди.

Оилада аста-секин моддий томондан қийинчилик бошланди.

– Ойижон, кўлимга шаҳодатнома теккач, рози бўлсангиз, полиграфия техникумига ўқишга кираман, – мактабдан қайтган Шаҳзода онасига мақсади ҳақида сўз очди.

– Сен ўқитувчи бўлмоқчи эдинг-ку, нима учун бу касбни танламоқчисан? – ҳайрат билан қизига термилди Муниба опа.

– Матбаачиликка ўқиётганлар дарсдан сўнг, шу соҳа бўйича кечки сменаларда ишласа бўлар экан. Маоши ҳам жуда яхши дейишди.

– Муштдек бошинг билан пул топишни сенга ким кўйибди? Яна кечки сменада ишлар эмиш, буни хаёлингдан чиқар.

– Ўзимнинг меҳрибоним, – норози қиёфадаги онасининг елкасига бош кўйди Шаҳзода. – Пенсиянгизни қорнимизга, кам-кўстимизга зўрға етказаяпсиз. Опамни даволатишга ҳаракат қиляяпсиз. Ўзингизнинг ҳам тез-тез тобингиз қочаяпти, дори керак. Шунинг учун ишлаб пул топсам нима қилибди? Ёшман, соғломман, ўқишни ҳам, ишни ҳам бемалол уддалайман. Ёки менга ишонмайсизми?

Муниба опа жавоб қайтармади, тўғрироғи, қайтара олмади. У унсиз йиғларди...

Шаҳзода ўзи мақсад қилганидек, ўқишга кирди, иш бошлади. Аста-секин оила таянчига айланиб борди. Ғайрати, меҳнатсеварлиги, ширин муомаласи билан иш жойида етакчи ходим сифатида ўрин топди. Анвар исми муҳандис йигитга кўнгил қўйди. Бироқ кекса онаси, ҳамон ҳуши жойига қайтмаган касалванд онасини ташлаб кета олмасди у. Дастлаб йигит уни тушунган ҳолда бирга яшашга кўнди. Ёшлар оила қуриб, олдинма-кетин иккита ўғилчали бўлишди. Лекин кўп ўтмай Анвар уларни сабабсиз ташлаб кетди.

Шаҳзода эрини қайтаришга ҳаракат қилмади. Чунки бу оиланинг қувончу азоби уники эди. Ҳаётига келган бу айрилиқни ҳам ғурури, сабри, меҳнати билан индамай енгди. Кўз ёшини ичига ютди. Онасининг ҳар кунги дуоси унга мадад берди...

Бир-бирини қувалаб ўтган йиллар унинг ҳам сочларига оқ кўндирди. Ўғиллари йигит ёшига етди. У бугун саксон беш ёшни қоралаб, ундан миннатдор қиёфада кўз юмган онасини сўнгги манзилига, кузатаяпти. Ҳаёт синовларида кўз ёшни унутган аёл илк бора юракдан йиғлади. Онасининг оламдан ўтганини-да ҳис қилмаётган онасини бағрига босиб йиғлади. Меҳрибон отасини, хоки ўзга юртлар осмонига сочилиб кетган акасини, қанчалар қидирмасин, изини топа олмаган, бегона ўлка кенгликларига сингиб кетган ёлғизгина жияни – жигарини эслаб йиғлади. Сўнг қаддини тутди. Ҳали илкида ўғилларини ўқитиш, касб-корли, уй-жойли қилиш, бир этак набира-ларга бош бўлиш, бир сўз билан айтганда, ота-онаси умид қилганидек авлодини элга манзур қилиб давом эттириш мажбурияти турганлигини англаб, қаддини тутди.

Унга умр синовларини бисёр қилган ҳаёт, сабр-қаноатига яраша эрта келиб нурли кунлар тақдим этишини дилдан ҳис қилган ҳолда қаддини тутди у...

## ТОПТАЛГАН КАДР

Хумора ошхонадан хўрандалар оёғи узилгунга қадар бир зум тинмади. Бўшаган столлар устини тозалаб, тинимсиз идиш ювди. Ошхона ёпилгач ҳар доимгидек пол ювишга тутинди. У шундай қилмаса бўлмайди. Учта болани боқишнинг ўзи бўладими? Ошхона бошлиғи унинг шароитини яхши тушунгани сабаб, яхшигина ҳақ тўлайди, қолган овқатлардан мурувват қилиб туради.

Соат тунги ўн бир. Аёл иш билан банду хаёли болаларида. Катта фарзанди Гулшода ўн ёшда. «Қиз бола ўнга кирса онаси сонга киради», деганларидек, ҳар қалай зукко қизгина укаларини эплейди. У ишини тинчитгач, ошпаз берган таомларни олиб ташқарига шошилди. Қани энди тезроқ етиб борса-ю, болаларининг оғзига улардан тутқазса. Лекин аксари ҳолларда норасидалари ухлаб қолган бўлади.

Хуморанинг шаҳар четидаги уйи билан ошхона ораси уч-тўрт бекатлик йўл. Аёл бу йўлни деярли ҳар куни яёв босиб ўтади. Бу сафар ҳам оёғини қўлга олиб уйига шошилди.

– Ҳорманг, Хуморахон, ҳорманг, – катта йўлда секинлаб келаётган енгил машина унинг ёнгинасига келиб тўхтади. – Намунча шошилмасангиз, келинг, олиб бориб кўяман.

Бир вақтлар унга ошиқ бўлиб совчи қўйган Луқмон. Ҳозир уни Луқмонбек деб аташади. Таниқли бизнесмен. Қўша-қўша машина, уй-жой, савдо расталари, хуллас, бойлиги беҳисоб. Хумора шуларни хаёлидан ўтказар экан, юраги бир кўнгилсизликни сезгандек, тез-тез юра бошлади. Бунинг яна бир сабаби, унинг Хумора ишлаётган ошхонада бот-бот кўриниб қолаётгани эди. Ишчиларга мўлжалланган бундай емакхоналарга умуман

қадам босмайдиган йигит учун бу кутилмаган ҳол эди, шубҳасиз.

– Яхшимисиз? – У билан салом-алик қилар экан, ҳаяжонини босишга ҳаракат қилди аёл. – Йўқ, раҳмат, овора бўлманг, юриб ўрганганман, – сўзи тугар-тугамас қадамини янада тезлатди у.

– Хумора машинага чиқсангиз-чи, овораси борми, йўлим шу томонда. Аёл кишининг ярим кечада ёлғиз юриши яхши эмас, – машинасини секин-аста ҳайдаб, меҳрибонлик ила кўндиришга ҳаракат қилди Луқмонбек. – Ҳозир сизни ташлаб кетсам виждоним қийналади. Уйингизга етиб боргунча соат бир бўлади, ахир. Кейин иккимизни кўриб турганлар «ошхонадаги аёлни бир эркак машинасида таъқиб қилиб юрибди», деб гап кўпайтириши ҳеч гап эмас. Бўлақолинг, машинага ўтиринг.

Хумора эркакнинг қатъиятлиги, «жонкуярлиги» олдида ожиз қолди. «Майли, бир марта чиқсам чиқибман-да, иккинчи бу ҳол такрорланмайди», ўзига-ўзи ваъда бериб, истамаган ҳолда йигит эпчиллик ила очган орқа ўриндиққа ўтирди.

– Мана бу бошқа гап, – машинага газ берар экан, олдидаги кўзгудан аёлга суқланиб қараб қўйди у. Машина ичини ёқимли қўшиқ оҳанги эгаллади.

– Учта болалик бўлиб ҳам ҳамон ўша-ўша гўзал Хуморасиз. Ўрнингизда бошқа аёл бўлганда бу шароитда аллақачон чиройини йўқотган бўларди.

Йигитнинг хушомади Хуморага ёқмади, юзини тундлик қоплади. Қани энди машинаси тезроқ юрса-ю болалари бағрига тезроқ етиб борса.

– Истасангиз сизга ёрдам бериб туришим мумкин, – сўзида давом этди Луқмонбек, ўлжасини сўлак безлари билан ўраётган ўргимчак янглиғ. – Бундай ошхоналарда ишлаш сиздек аёлга ярашмайди.

– Раҳмат, бошимда эрим бор. Бошқаларнинг ёрдамига муҳтож эмасман, – аччиқланганини юзага чиқарди Хумора.

– Эр, қанақа эр, – истехзоли жилмайди йигит. – Беш йилдан буён оиласини унутиб, дом-дараксиз кетган нормардни эр деяпсизми?

– Лукмон ака, бу менинг оилам, менинг муаммом. Бунга бошқаларнинг аралашини истамайман.

Хумора охирги сўзини ўпкаси тўлиб, овози қалтираб айтди. Йигит вазиятни дарҳол қўлга олди. Ундан узр сўради. Уйига етиб борган аёл, бош қимирлатиб раҳмат айтган бўлди-ю, ичкарига шошилди. Уйлаганидек, болалари аллақачон ухлаб қолганди. Онасининг келганини сезиб базўр бошини кўтарган қизини «ухла, асалим, ухла», дея ётқизиб қўйди. Қизи ва ўғилчаларига термилган кўйи узоқ ўтирди, кўнгли бўшагунча йиғлади. Кун бўйи толиққанига қарамай хўрлик, алам юки уйқусини қочирганди. Қулоғи остидан Лукмонбекнинг «оиласини унутиб, дом-дараксиз кетган эрни эр деяпсизми», деган таънали сўзи нари кетмасди.

Лукмонбек эса маккор овчи каби тунги таъқибини давом эттирди...

\*\*\*

– Хуморахон, эрингизни чақиринг, маслаҳатли гап бор, – қайнонасининг авзойидан масала жиддий экани кўриниб турарди.

Ичкаридан эснаб, керишиб чиққан Зойир сўрида қовоқлари уюлиб ўтирган дадасига кўзи тушиб, ўзини тартибга солди. Эр-хотин катталар қаршисидан жой олишди.

– Гап бундай, ўғлим, эртадан хорижга чиқишга ҳужжат тайёрлайсан, – томоқ қириб гап бошлади Нусрат ака. – Қўшнимиз Элбек билан четга ишлагани борасан. Ака-укалар хорижда ишлаб икки йил ичида уй-жойларини яхшилаб, машина олди. Қачонгача оиланг билан бизга юк бўласан.



Ота-онанинг эркатойи бўлган Зойир дадасининг гапидан ҳангу-манг бўлиб қолди.

– У ерда нима иш қиламан?

– Нима иш қилардинг, мана шу йигитлардек қурилишдами, заводдами ишлайсан, ҳайдовчилик ёки қоровуллик қиларсан. «Лўлининг эшагини суғориб пулини ол», деган мақол бор, ўғлим. Хуллас, кўлингдан нима келса, шуни қиласан. Пул топиб, оилангни боқсанг бўлгани.

– Дадангнинг гапида жон бор, болам, – суҳбатга кўшилди Ўлмасхон ая. – Ҳозир айна кучга тўлган давринг. Бола-чақанг учун ҳаракат қилишинг керак. Янги маҳалладаги сен учун тикка қилган иморат чала-ярим турибди. Ишлаб келсанг шуни битириб кўчиб чиқасан. Биз энди укангни уйлантиришимиз керак. Бир томонда кичик опанг ўғилчасига тўй қилмоқчи. Буларнинг ҳаммаси катта харажат талаб қилади. Сени ўқитдик, уйладик. Энда ўзингни ўзинг эплагин, ўғлим.

Оиладаги икки қиздан кейин туғилиб, эркин ва эрка ўсган Зойир олий маълумотли бўлса-да, бир ишнинг бошини тутмаган, дангаса йигит эди. Олийгоҳни битирадиган йили биринчи курс талабаси – Хуморага ошиқ бўлган ўғилларини ота-онаси дарров уйлантириб қўйишди. Орқама-кетин фарзандлик бўлган Хумора ўқишни давом эттира олмади. Шундай қилиб икки ёш катталарнинг кўлига қараган, боқимандага айланди.

– Майли, четга чиқиб ишласам ишлайвераман-да, – кесатиқ аралаш розилигини билдирди Зойир. – Фақат келинингиз ҳадемай кўпайишади. Туғиб олгандан кейин кетсам яхши бўларди.

– Хотининг тимсамидики уни пойлайсан. Учинчи туғиши бўлса, – ўғлини жеркиб берди Ўлмасхон ая. – Ишни орқага сурмасдан ҳаракатингни қил. Бола-чақангга мана биз балогардон.

– Онанг тўғри айтаяпти, – хотинининг гапини тасдиқлади Нусрат ака. – Келин, болаларингдан кўнглинг тўқ бўлсин. Улар ҳар доимгидек бизнинг қанотимиз остида бўлади. – Элбеклар узоғи билан икки-уч ҳафтада жўнар экан. Мен гаплашиб қўйганман, сен ҳозироқ кириб, у ернинг қонун-қоидаларини билиб, маслаҳат қилиб ол. Тез ҳаракат қилмасанг бўлмайди, четга чиқиш учун ҳужжат тайёрлашингга вақт кетади ҳали.

Гап шу, дегандек эр-хотин юзларига фотиҳа тортиди-ю, ўрнидан кўзғалди. Бошини экканча қайнона-қайнотасининг маслаҳатини тинглаб ўтирган Хумора даврада йўқдек эди гўё. Бирор киши унинг фикри билан қизиқишни лозим топмади ҳам. Олти йилдан буён эридан бирор кун айро яшамаган аёл учун бу кутилмаган айрилиқ онларининг нохуш хабари эди...

Зойир жўнаб кетгач, бир ҳафта ўтиб Хуморанинг кўзи ёриди. Туғиш жараёни оғир кечгани учун у анча пайт ўзига кела олмади. Ўғилчаси ҳам шифокорларнинг саъй-ҳаракати билан базўр асраб қолинди. Шундай бўлса-да, ўзини унутган аёлнинг фикри-ёди эрида эди. Чунки масъулиятсиз ва дангаса эрининг маишатга суяги йўқлиги уни хавотирга соларди. Отаси жойлаб қўйган яхши вазифаларни эплай олмаган йигитнинг оғир меҳнат қилиб пул топишини хаёлига сиғдира олмасди у.

Кўшнисининг ёрдами билан ишга жойлашган Зойир дастлаб яқинларига кўнғироқ қилиб турди. Бироқ аста-секин унинг оқибати узилиб борди. Нусрат ака ўғлининг аҳволини билиш учун Элбек билан боғланишга мажбур бўлди. Аммо ниманидир сир тутаётган кўшни йигит Зойир ҳақида жўяли бир гап айтмас, фақат соғлиги жойида эканини такрорлашдан нарига ўтмасди. Ўғли ҳақидаги ҳақиқатнинг тагига етган ота уни ўзи каби пул ишлагани борган энгилтак аёлга уйланиб олганини эшитди-ю, қон босими кўтарилиб ҳушини йўқотди...

– Дадаси, минг шукрки, Аллоҳ сизни бизга қайтариб берди. Яқин ўн кун ҳушсиз ётдингиз-а. Бир ой деганда аслингизга қайтдингиз. Қолган умрингиз фойдага. Энди ўзингизни асранг, – ёстикқа суяниб беҳол ўтирган эрига чой тутқазар экан, унинг кўнглини кўтаришга ҳаракат қиларди Ўлмасхон ая. – Ўғил-қизларни катта қилдик, ўқитдик. Ҳаммаси уй-жойи билан тинч. Кенжамиз Баҳодиржонни ҳам уйлаб қўйсак бўлди, одамлардек дам оламиз. Шуларнинг ҳузурини кўриш насиб қилсин, илоҳим.

– Зойиржон телефон қилдими?

– Зойиржон?.. – ҳузур-ҳаловат ҳақида берилиб гапирётган Ўлмасхон ая Нусрат аканинг дафъатан берган саволи олдида бир нафас жим қолди. Эрига жўяли жавоб изларди у.

– Элбекка кўнғироқ қил. Кўшни келинга айтсанг эри билан боғланишингга ёрдам беради. Зойиржонни орқага қайтарсин, – ўғлидан хат-хабар йўқлигини сезиб турган оила бошлиғи хотинидан жавоб кутмай кескин фикр билдирди.

– Нега? Зойиржоннинг кетганига ҳали кўп бўлмади-ку, – таажжубланди, ўғлининг юриш-туришидан беҳабар она. – Шароитга энди мослашган бўлса пул юбориб қолар.

– Айтганимни қил, – хотинига ўшқирди Нусрат ака. – Мен ўғлингга ишониб нодонлик қилдим, хато қилдим. Боланинг дангаса, аҳмоқлигини кўра билмадим. Ғайратли, ишбилармон йигитлар шу ерда ҳам пул топаяпти. Юрт ободлигига ҳисса қўшиб, элдан дуо олаяпти. У бўлса...

Нусрат ака сўзини давом эттира олмади, ҳансираган кўйи нафаси қисиб йўтал тута бошлади. Эрининг ҳолатидан кўрқиб кетган Ўлмасхон ая унга жон ҳолатда чой тутқазди.

– Кўрқитманг дадаси, кўрқитманг. Ҳозироқ кириб Элбек билан боғланаман, ўғлингиз етиб келади, – деди қалтираган кўйи.

Бироқ отаси беҳуш ётган пайтларда ҳам онаизорнинг ўғлига қилган хабари беиз кетганини билдирмади у.

Шу тариқа уч йил ўтди. Ўзлигини унутган Зойир пул юбориш у ёқда турсин, ота-она оиласи билан боғланиб туришни ҳам лозим топмади. Нусрат аканинг соғлиги бутунлай ўнганмаган бўлса-да, оилани бошқаришга, келини билан набираларини уддалашга ҳаракат қиларди. Кенжа ўғли Баҳодир институтни битириб ишга тушгач, оилага янги келин келди.

– Хуморахон, ишингизни қўйиб ёнимга келинг, – ошхонада куймаланаётган келинини ёнига чақирди Ўлмасхон ая. – Мана, баҳорга ҳам чиқиб олдик. Дадангиз билан маслаҳатлашиб, янги иморатнинг бир хонасини битириб, сизни кўчириб қўйишга қарор қилдик. Сиз ҳам аста тайёргарлигингизни кўраверинг. Узоғи билан бир ой ичида кўчиб кетасиз.

– У ерга чиқиб ёлғиз бошим билан болаларимни қандай эплайман, – чўчиб кетди Хумора. – Сизларга яқинроқ жойда бўлса ҳам майли эди. Шаҳарнинг бир чеккаси бўлса.

– Қандай эплардингиз, ишлайсиз. Ҳовлидаги томорқага ул-бул нарса экасиз. Жуда бўлмаганда тўртта уруғ сепиб кўкат қилиб сотсангиз ҳам тирикчилигингиз ўтади. Зора, янги ҳовлида ёлғиз яшаётганингизни эшитиб Зойиржон қайтиб келса.

– Ойижон, янги ҳовлига Баҳодиржонлар кўчиб чиқса, бўлмайдими? Ҳарқалай эркакли оиланинг ўрни бошқа. Кейин...

– Кейин-пейинни қўйинг. Жуда доно бўлиб кетиб-сизми, келин, – Хуморани жеркиб берди Ўлмасхон ая. – Мана шу ақлингизни эртароқ ишлатганингизда, эрингиз дангасалик қилмасдан бирор ишда қўним топган бўларди. Бечора болам мусофир юртларда сарсон-саргардон бўлиб юрибди.

Хумора жим қолди. «Ўғлингизни четга чиқаришдан аввал менинг кўнглим билан номига бўлса ҳам қизиқ-

диларингми? – деб дардини тўкиб солмоқчи бўлди-ю тилини тийди. Чунки айна дамдаги ҳар бир эътирози, ўзига калтак бўлиб тегиши аниқ эди. Қайнонаси ўғлининг ортга қайтмаётганини унга юклаб қўйиши ҳеч гап эмасди.

Ўлмасхон ая Хуморанинг жимгина бош эгиб турганини кўриб, бир поғона пасайди, мулойим тортди.

– Ўзингиз эсли-хушли, чидамли аёлсиз, Зойиржоннинг йўқлигига сабр қилиб, боримизга қаноат қилиб, айтганимиздан четга чиқмай ўтирибсиз. Ҳозирги ҳолатни ҳам тўғри тушунинг, қизим. Сиз айтгандек Баҳодиржон чиқиб кетса, биз кексаларни ким боқадим? Кўриб турибсиз, дадангиз парваришга муҳтож, дори-дармон билан тирик. Кейин невараларнинг шовқинини юраги кўтармаяпти. Янги ҳовлига кўчиб чиқсангиз худо хоҳласа, ҳаммаси яхши бўлади. Биз ҳам қараб турмаймиз.

Шундай қилиб Хуморанинг ҳаётида янги саҳифа очилди. Бир ҳафтага етадиган озиқ-овқат билан янги ҳовлига кўчган жувон карахт ҳолда эди. У денгиз ўртасидаги эшкаксиз қайиқда ёлғиз қолган кимсага ўхшарди гўё. Битмаган чала-ярим иморат, қаровсиз ҳовли унинг юрагига ваҳима солар, ишни нимадан бошлашни, кимга суянишни билмасди. Акс бўлиб, икки ёнидаги қўшнилар ҳали кўчиб келмаган, маҳаллада санокли одам яшарди. Шу шаҳарда истиқомат қилаётган ота-онаси ҳам айна дамда унга таянч бўла олмасди. Чунки укаси Хуршидбек четга ишлагани кетган бўлиб, ота-онасининг яқинига тушган синглиси улардан хабар олиб турарди.

Бирор жойда ишлаб кўрмаган, қўлида ҳунари йўқ Хумора ўқишини давом эттира олмаганига илк бора армон қилди. Бу унинг ҳаётидаги энг катта хатоси эканини англади. Эрининг ўта рашкчилиги сабаб, ҳеч бўлмаганда ойлик курсларда ўқиб бирор ҳунарни

эгалламаганига афсус чекди. Бироқ афсусланишдан фойда йўқ, иш топиши, пул ишлаб болаларини боқиши лозим.

Шу тариқа тирикчилик уммонига тушиб қолган Хумора нажот излаб бир қатор даргоҳларга бош уриб борди. Фаррошлик, ошпазлик, ошхона юмушлари, хуллас, аёл кишининг қўлидан келадиган ҳар қандай юмушни бажаришга шай эди у. Гоҳида кунбай ишлар, яъни хонадон тозалаш, кир ювишдан ҳам бош тортмасди. Қўли бўшади дегунча ҳовлидаги томорқага қозонга қайнатишга ярайдиган нима бўлса экишга ҳаракат қилди. Баъзи-баъзида катта ҳовлидагилар хабар олиб туришар, қайнотасининг саломатлиги яхши бўлмагани сабаб, улардан ортиқча мурувват кутмасди.

Иш излаб юрган Хумора мана шундай оғир кунлардан бирида шаҳар марказидаги одамлар билан гавжум емакхонага бош сукди. Ошхона бошлиғи Оллоёр ака ранглари униққан, кўҳликкина жувоннинг дардини тинглаб аҳволини тушунди.

– Майли, синглим, сизга иш топиб бераман. Фақат ошхонамиз хизмати хўрандаларнинг келиш-кетишига қараб тун ярмигача давом этиши мумкин. Сизнинг эса болаларингиз ёш экан. Уларни қандай уддалайсиз. Ёш болаларни қаровсиз қолдириб бўлмайди.

– Уддалайман, албатта уддалайман, – шошиб қолди Хумора иш топилганидан ҳаяжонини яширмай.  
– Қизим мактабга боради, ўғилларимни боғчага жойлаштираман, – беихтиёр маъюс чехраси очилди унинг.  
– Пул топсам боғчага тўлашга имконим бўлади. Қизим жуда ақлли. Укаларини боғчадан олиб мен боргунча бемалол эплайди. Ишга олсангиз бўлгани, балки хўжайиним ҳам қайтиб қолар.

Хумора сўнгги гапини умидсизлик ила тушкун ҳолда айтди. Эрига бўлган илинж юрагини титратиб ўтди. Оллоёр ака унинг кўнглини кўтариб бажарадиган юму-

ши, ошхонадаги мавжуд қонун-қоида билан таништира-  
рар экан, «иш тугагач, ошхонада ортган овқатлардан  
бемалол болаларингизга олиб боришингиз мумкин»,  
дея қўшиб қўйди. Бу Хумора учун ўз ўрнида жуда кат-  
та ёрдам эди.

Ойлар йилларга уланиб борди. Шу тариқа у ҳаётини  
анчайин изга солиб олди. Камсуқум, меҳнаткаш, ҳалол  
ва хушмуомалалиги билан атрофдагилар ҳурматига  
эришди. Аммо кўзга яқинлиги, ёнида эрининг йўқли-  
ги баъзи ноинсоф, диёнатини унутган кимсалар сабаб  
дилининг ранжишига олиб келарди.

Бугун ҳам шундай бўлди. Луқмонбекнинг «илтифо-  
ти», беандиша гапи дилига ханжардек ботди. Иккинчи  
марта унинг юзига қарамасликка аҳд қилган аёлнинг  
тонгга яқин кўзи илинди.

– Аяжон, чой тайёрладим, турасизми? – қизи Гулшо-  
данинг товушидан базўр кўзини очди у. – Роса чарчаб-  
сиз-а. Ҳар куни барвақт турардингиз, – онасига раҳми  
келган кўйи уни аста кучоқлади қизалоқ.

Ўрнидан туришга эринчоқлик қилиб ётган ўғилча-  
лари Шуҳрат ва Шавкатжон ҳам Хуморанинг биқинига  
тиқилишди. Оталарини унутаёзган болалар учун она-  
лари тоғдек таянч эди.

Хумора болаларини бир-бир бағрига босиб эркала-  
гач, улардан куч олгандек, дадил ўрнидан кўзғалди.  
Яна ҳаёт ташвишларига шўнғиб кетди. Луқмонбек эса  
деярли ҳар куни унинг қаршисида пайдо бўлар, Хумо-  
ра унинг меҳрибончилигини кескин рад этарди. Шун-  
дай кунлардан бирида тунги ўн бирларга яқин қизи  
Гулшода қўнғироқ қилди.

– Аяжон, тез етиб келинг, Шавкатжон биқинини уш-  
лаганча, дод солиб йиғлаяпти. Ҳеч юпата олмаяпман.

Қизининг йиғламсираб айтган нохуш хабаридан  
Хуморанинг эсхонаси чиқиб кетди. Оёғини қўлга олиб  
уйи томон чопди. Аксига олиб йўлда бирорта енгил

машина тўхтамасди. Шунда ҳар доимгидек Луқмонбек пайдо бўлди ва машинасини унинг ёнгинасида тўхтатди. Боласини кўричак бўлганликда гумон қилиб, ҳушини унутаёзган аёлни бу пайтда танлаш имконияти йўқ эди.

Хуморанинг ташвишига шерик бўлиб, ҳовлисига бирга кирган Луқмонбек чирқираб йиғлаётган Шавкатжонни кўтариб машинасига олиб чиқди-да Хумора билан касалхонага олиб кетди.

Хумора янглишмаганди, ўғилчасига кўричак ташхиси қўйилди.

- Бемор учун зарур бўлган мана бу дориларни ҳозироқ олиб келишингиз шарт.

Ҳамшира берган қоғозга кўзи тушган Хуморанинг ранги оқарди. Болаларини амал-тақал қилиб боқаётган аёл учун бу катта харажат эди. Шифокорлар билан гаплашиб чиққан Луқмонбек, карахт бўлиб турган Хуморанинг кўлидан дорилар рўйхатини индамай олди-ю, ташқарига йўналди...

\*\*\*

- Оиламиз шаънига иснод келтирган бундай келиннинг укам учун қурилган бу ҳовлида яшашга ҳақи йўқ. Бир ой аввал кўчиб кет дегандик. Пинагини бузмай яшаб юрганини-чи бунинг.

- Уятсиз, беномус. Сенинг қилмишларинг барчамизнинг бошимизни эгди. Сен каби қанчадан-қанча аёллар ҳалол пок яшаяпти, сабр билан эрини кутаяпти. Эссизгина укам. Хотини кечалари машинали бойвуччалар билан сайр қилиб, дон олишиб юрганини эшитса қай аҳволга тушаркин.

- Ҳозироқ уйни бўшатиб қўй, бўлмаса лашушларингни ҳовлига олиб чиқиб ўт қўямиз...

Хумора бири қўйиб бири ҳақорат қилаётган қайнопаларининг тухматига жўяли жавоб тополмас, қай-



нона-қайнотасидан нажот кутарди. Қизларини базўр тинчитган Ўлмасхон ая кесатиқ аралаш қироат билан гап бошлади:

– Хуморахон, оилангизнинг ночорлигига қарамай сизни келин қилгандик. Сизга ишониб катта ҳовлиларни бериб қўйдик. Сиз бўлса тузлиғимизга тупуриб, юзимизга оёқ босдингиз. Зойиржонга аталган бу ҳовлиларни жазманларингиз келиб-кетиши учун қурганимиз йўқ. Бу қилмишингизни асло кечириб бўлмайди. Кўч-кўронингизни йиғингу, ота ҳовлингизга жўнанг.

Хумора нажот истаб қайнотасига қаради. Нусрат ака ҳассасига бошини тираганча, ерга қараб жим ўтирар, бу кўргиликларнинг бош сабабчиси ўзи эканлиги учун оғзига бирор жўяли сўз олишга, хотини ва қизларига қарши чиқишга ожиз эди у.

Кўз ёшлари юзида қотган Хумора бошини кўтариб, қайнонасига тик қаради.

– Ойи, сиз нима десангиз шу. Майли, бугуноқ кўчиб кетганим бўлсим. Отамникига сиғмасам, ижарага уй оларман. Аммо шуни билингки, ҳаром йўлга оёқ босмадим. Тўғри, сизлар айтган ўша бойвачча муҳтож чоғимда ёрдам берди. Болам учун унинг мурувватини қабул қилдим. Чунки ўзга чорам йўқ эди. Ўша дамда барчангизга қўнғироқ қилиб нажот истадим. Лекин бирортангиз лоақал қўнғироғимга жавоб беришни эп кўрмадингиз. Яқин ўн йил тузингизни ичганим рост. Бироқ ўйлаб қарасам, ўша хонадонда қорним тўқу, заррача қадрим бўлмаган экан. Сизлар учун ошхонангизнинг хизматчиси эдим, холос. Ўғлингизни четга юбораётганда ҳам қўнғилим учун розилик сўраб қўймадиларинг. Бунинг жабрини сизлардан кўра кўпроқ мен тортдим. Болаларимни отасиз уддалаш осон кечаётгани йўқ. Ҳозир ҳам мана шунинг жабрини тортиб, тухматга қолиб турибман. Майли, сизларга уй-жой азиз бўлса, менга болаларим азиз. Поклигим Аллоҳга аён.

– Бунинг ваъз ўқишини қаранг. Кўчама-кўча юриб жуда доно бўлиб кетибдим. Эртақларимга ишониб раҳм қилишади, десанг адашасан, – масхаромуз жилмайиб яна ҳақоратга ўтди кичик қайнопаси. – Бизга поклигингни исботлагунча, кўчингни кўтар. Шу ҳовлидан изингни қириб ташлаб, укамни онаси ўпмаган қизга уйлантириб қўймасам отимни бошқа қўяман. Беномус...

Аёлнинг ҳақоратлари охирига етмай, кўча дарвозасида икки эркакнинг қораси кўринди. Бири Луқмонбек, бири эса яқин олти йил деганда юртига қайтган Зойир эди. Сочлари оқарган, озғин йигитни дастлаб яқинлари таний олмади. Зойирни олиб келган Луқмонбек эса бу ишни Хумора учун қилганди. Унинг покдамон аёл эканлигини англаб етган йигит буни исботлашга, Хуморани туҳмат балосидан асрашга жазм этганди...

## ТУБАНЛИК ГИРДОБИДА

Ёр-ёр билан куёвнинг уйига яқинлашаётган қизлар қадим ўланни янада авж олдиришди:

*Шилдир-шилдир қамишзорга,  
Сирғам тушди, ёр-ёр.  
Синалмаган йигитга,  
Синглим тушди, ёр-ёр...*

Енгил машина орқасида куёв билан кетаётган Моҳинур ёр-ёрни эшитиб беихтиёр жилмайди. Ва «мен синалмаган йигитга эмас, синалган, ўзим кўнгил қўйган садоқатли инсонга турмушга чиқаяпман, қизларжон», деди хаёлан бошини эгган кўйи куёв томонга меҳр ила кўз қирини ташлар экан. Унинг дилидан кечаётган ўйни сезгандек, Шерзод келинчакнинг қўлини кафтига олиб аста сиқиб қўйди.

Чиндан-да икки ёшнинг муҳаббати синовларда сайқалланган деса арзирди. Улар ёнма-ён маҳаллаларда улғайишди. Бир мактабда таҳсил олишди. Шерзод Моҳинурдан уч ёш катта бўлишига қарамай дастлабки йиллари ўқишга киролмагани сабаб, олийгоҳларга бир йилда киришди.

Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитга курсантлик либоси насиб этган бўлса, Моҳинур ўқитувчилик касбини танлади. Икки ёшнинг мактаб давридаёқ куртак отган муҳаббати катта шаҳардаги яқинларидан йироқдамларда янада мустаҳкамланди. Шерзод олий ҳарбий таълим муассасасида таҳсил олаётгани сабаб, улар кам учрашсаларда, севгиларини садоқат ила асрашди, руҳан бир-бирларига талпиниб туришди. Шерзод ва Моҳинур ўртасидаги муҳаббат катталарни бефарқ қолдирмади.

– Дадаси, Шерзод суйган қизнинг оиласини сиз ҳам бир суриштириб кўрсангиз яхши бўларди, – телевизор кўриб ўтирган Давлат акага синчков нигоҳини тикди Шоҳида опа. – Нима бўлганда ҳам кўшни маҳалла одамлари. Биз билмаган томонларини кўни-кўшни, маҳалла-кўйи яхши билади. Ота-онаси, насл-насаби ҳақида билиб қўйсақ зиён қилмайди. Эрта келиб қуда бўлсак...

– Сиз хотинларга ҳеч тушунмадим-да, – унинг сўзини бўлди Давлат ака. – Ўша оилани обдон суриштириб, бўлажак келинингни ўлчамларигача аниқлаб сарполар йиғиб ётибсану, яна суриштиринг дейсан. Қолаверса, ўғлинг неча йилдан буён шу қизга ошиқ, фақат шунга уйланаман, деб турибди. Энди суриштириб қаёққа борардинг.

Эрининг бу гапидан Шоҳида опанинг энсаси қотди.

– Сиз билан ҳеч бир ишни маслаҳат қилиб бўлмайди. Дарров гап билан оғзимга урасиз. Келин қилишнинг одати шундай.

– Одат-податни йиғиштир, хотин. Уларни аввалдан биламан, яхши одамлар. Ўғлинг икки ойдан кейин офи-

цер бўлади. Қаёққа хизматга жўнатилиши номаълум. Шунинг учун ўқишини битирди дегунча тўй қиламиз...

Севишганларнинг тўйи жуда файзли ўтди. Даврада сўз олганлар борки келин-куёвнинг бир-бирига бўлган ўтли муҳаббати, садоқати ҳақида сўз юритди. Нурли келажакларидан башорат қилишди, эзгу тилаклар дуоларга йўлдош бўлди.

Кўз очиб юмгунча Шерзоднинг таътил кунлари охири-лаб қолди.

– Ўғлим, сен кўнглингни бир жойга қўйиб, хизмат жойингга кетавер, – келинчаклик либосида ял-ял ёниб ҳовлида иш қилиб юрган ёрига термилган кўйи хаёл оғушида ўтирган Шерзодга маслаҳат берди Давлат ака. – Хизматнинг дастлабки ойлари енгил кечмайди. Ўқиш бошқа, иш бошқа. Айниқса, сенинг соҳанг масъулиятли. Шунинг учун янги хизмат жойингга мослашиб, яшаш шароитингни тўғрилаб, кейин келинни олиб кет.

Дадаси унинг хаёлини уққандек жўяли фикр билдирган эди.

Бу борада Шоҳида опа ҳам дилидагини тилига чиқарди:

– Моҳинур қизим келиб ҳовлимизга файз кирди, бағримиз тўлди. Иккинчисиз ҳам кетиб қолсангиз уйимиз хувиллаб қолади. Сингилларинг борку-я, лекин келиннинг ўрни бошқа-да. Кейин, қанча қариндош-уруғлар келин чақирди қилишмоқчи. Мен ҳам уларнинг келинини уйга чақириб зиёфат қилганман, сарполар кийгизганман. Энди бизни таклиф қилиш уларнинг навбати. Сен хизматингни йўлга солиб олгунингча мана шундай маросимларни ўтказиб оламиз. Хотинингдан асло хавотир олма. Жуда зерикиб қолса, ана мактаб олдимизда ишлаб туради. Тўй ўтгандан бери ишласа жой бор, деб нечта элчилар келди.

– Ортиқча гапларни қўйсанг-чи, онаси, – ўғлига юзланди оила бошлиғи. – Эр қаерда бўлса хотин ҳам ўша

ерда бўлади. Хуллас, келинга тушунтир. Бир-икки ойдан кейин уни олиб кетасан.

Шерзоднинг Моҳинурдан кўнгил узиб кетиши осон бўлмади. Бироқ белгиланган вақтда хизмат жойида бўлиши шарт. Офицерлик бурчи шуни тақозо этади. Буни тўғри тушунган Моҳинур ёрига оқ йўл тилади.

– Шўхлик қилиш йўқ, қизларга қарасангиз қулоғингизни чўзиб қўяман, – Шерзоднинг елкасига бош кўйиб эркаланар экан, кўз-ёшларини билдирмасликка ҳаракат қилди у. – Ўзингизни эҳтиёт қилинг. Мендан кўнглингиз тўқ бўлсин. Атрофим тўла меҳрибонлар. Дадам айтганларидек, шароитга қараб мени олиб кетарсиз. Қаерда бўлса ҳам бирга яшасак розиман.

Кимлардир вақтнинг тез ўтаётганидан нолийди. «Кўз очиб юмгунча бир йил ўтибди-я», деб ҳайратини яширмайди. Аммо икки ёш учун дастлабки ойлар соғинч, ҳижрон онлари қай даражада оғир эканлигини исботлади. Улар тунлари уяли телефон орқали соатлаб суҳбатлашишар, ширин орзулар қилишар, бу кунлар ўткинчи эканлигини айтиб, бир-бирларини хотиржам қилишарди.

Шерзод хизматини йўлга қўйиб олгач, Моҳинурни олиб келиш учун мукамал шароит истади, шунга ҳаракат қила бошлади. Бу орада янги оила қургани инobatга олиниб, қисқа муддатга уйга бориб келиши учун бир-икки бор рухсат берилди. Бу онлар ёш келин-куёв учун таърифсиз висол лаҳзалари эди, шубҳасиз. Улар бир-бирларига термилиб, суҳбатлашиб тўямас, бир-бирлари учун яратилгандек эди гўё. Бироқ бу висол онлари сонялар каби ширин тушдек тез якун топар, ёри хизматга отлангач, Моҳинур бир муддат маҳзун тортиб қоларди Шундай кунлардан бирида Шоҳида опа:

– Моҳинур, қизим, қўлингиздаги диплом бекор турмасин. Мактабдагилар «қанча ишласа ҳам майли, кел-

син», деб кўп илтимос қилишди. Шерзоджон олиб кетгунча ишлаб турсангиз яхши бўларди. Қўлингиз пул кўради, уйда зерикиб ўтирмайсиз, – деди келинига жонкуярлик билан.

Моҳинурга қайнонасининг маслаҳати маъқул келди. Қолаверса, дугоналаридан бир нечтаси мактабда ишлайди. Ҳар гал уларни кўрганда ҳаваси келади. Уйда ўтиргандан кўра севган соҳасида ишлаб турганига нима етсин. Энг асосийси Шерзод ҳам бунга қаршилик қилмади. Бир ҳафта ўтар-ўтмас у мактабда муаллималик қила бошлади. Бир ой ўтиб эса Моҳинурнинг ҳомиладорлиги юзага чиқди.

Бу хушхабар барчани қувонтирди. Айниқса, бўлажак отанинг. У энди катталарнинг маслаҳати билан Моҳинурни олиб кетишни бир оз орқага сурди. Чунки ёш она ҳомиладорликнинг дастлабки ойларини оғир ўтказди. Бир томони онаси айтганидек, мактабда ишлаб туғруқ таътилига чиқса «бир этак» пул олади. Кейин ҳомиладор аёлни ёлғиз қолдириб бўлмайди, катталар кўз-ўнгида бўлгани яхши. Ҳарбийларнинг хизмати эса эрта кетиб, кеч келиш дегани. Яна ҳафталаб машғулотлари сабаб, оиласидан узоқда бўлиши мумкин.

Хуллас, турли сабабларга кўра ёшларнинг бирга яшаши ортга сурилди. Улар ҳам бу ҳолатга анчайин кўникишди. Ўрталаридаги ишонч, садоқат сабрли бўлишларига замин яратди.

Вақти-соати билан Моҳинурнинг кўзи ёриди. У севган ёрига паҳлавондек ўғил ҳады этди. Аммо туғруқ оғир кечгани сабаб, соғлиғи секин тиклана бошлади. Ўғилчаси Беҳзодни қайнонаси ва яқинларининг ёрдами билангина эплай оларди. Шу сабаб яна катталарнинг «жўяли маслаҳати» билан гўдакнинг суяги қотгунга қадар она-бола қайнонасининг бағрида бўлиши тавсия этилди:

- Икки ёшнинг бирга яшаши қочмас, ҳозир энг асо-  
сийси болани катта қилиб олиш.

- Албатта, келин ҳам ўзига келиб олади. Одамдан  
одам келмоқ осонми.

- Шунинг айтиши, она-болага катталар қараб турмаса  
бўлмайди...

Ўғилчалик бўлганидан боши осмонда Шерзод эса саф-  
дошларига оталик бахтини обдон «ювиб» берди. У чин-  
дан-да бахтиёр эди. Севган ёри, ўғилчаси бор. Ўзи орзу  
қилган касбида ўрин топиб улгурди, дўстлар орттирди.  
Энди қони қайноқ йигитга хизматдан сўнг кечки таом-  
ни ижарадаги уйида ёлғиз ўзи тановул қилиш оғирлик  
қила бошлади. Дўстлари билан тез-тез кафе-барларга  
боришни одат қилди. Шундай кунлардан бирида йигит-  
лар билан ёнма-ён столларда ўтирган навнихол қизлар  
уларнинг эътиборини тортди. Айниқса, нозикдан кел-  
ган оқ юзли санам Шерзодга нозли нигоҳ ила боқиб, йи-  
гитни бир зумда ўзига мафтун этди.

«Талаба қизлар бўлса керак», хаёлидан ўтказди у  
Моҳинур билан катта шаҳарда кечган фарахбахш он-  
лар ёдига тушиб. Ва беихтиёр қалби алланечук ҳис-  
ларга ошно бўлган йигит кўксини ёрининг соғинчи  
титратиб ўтди. Бу орада иштаҳа очиш баҳонасида  
олинган «юз грамм»дан вужуди қизиб ўтирган йигит-  
ларнинг шўхлиги тутди:

- Қизлар, рухсат берсаларинг меҳмон қилардик.

- Даврамазни кенгайтириб бирга ўтирсак яхши  
бўларди.

- Ҳа, танишиб олардик, ҳаммамиз бўйдоқмиз ахир.

- Айниқса, мана шу офицер дўстимизга яхши қиз  
керак, - Шерзоднинг елкасига қоқиб, ҳазилни авж ол-  
дирди улардан бири. - Тезроқ уйланмаса бўлмайди,  
ота-онаси шоштираяпти.

Бири қўйиб, бири илтифот ила гап ташлаётган йи-  
гитларнинг таклифи қизларга ёқди чоғи, улар «бўй-  
доқлар» билан танишишга қаршилиқ қилишмади...

Йигитлар билан қизлар кафедан чиқишганида кеч тушиб қолганди. Шерзод эътиборини тортган навниҳол малак – Ҳулкарни кузатиб қўйишга жазм этди. Тўғрироғи, буни оддийгина йигитлик бурчи деб билди. Албатта, қиз ҳам бунга эътироз билдирмади.

– Эндигина коллежни битирган экансиз. Кеч борсангиз уйдагилар хавотир олишмайдами? – тортинган қўйи бошини эгиб кетаётган қизга савол назари билан боқди йигит.

– Ота-онам узоқ қариндошимизникига тўйга кетишган. Уйда бувим билан укаларим бор. Уларга дугонанинг уйига туғилган кунга кетаяпман, кеч қолсам хавотир олманг деганман.

Қизнинг товуши қалтираб чиқишидан ҳаяжонланаётгани сезилиб турарди. Унинг ҳолатини тушуниб турган йигит:

– Унда, ҳозир бувингизга учраб, ёлғон гапирганингизни айтиб бераман, – деди ёлғондан пўписа қилган бўлиб.

Шерзоднинг самимийлигидан Ҳулкар ўзиини бир қадар эркин тута бошлади. Улар то манзилга етиб боргунча турли мавзуларда суҳбатлашиб кетишди.

Қизни кузатиб, ижара уйига қайтган йигитнинг кайфияти кўтаринки эди. Ёр ҳижрони сабаб кўксини босиб турган оғир юқдан халос бўлиб, бағридаги соғинч тафти босилгандек эди, гўё. Бу ҳолатга ўша қиз сабабчи эканлигини англаб турарди у.

Айни севиб севилиш ёшида қалби муҳаббатга интиқ Ҳулкар эса офицер йигит эътиборига тушганидан ўзини осмонларда ҳис этар, ўзи орзу қилган йигитга рўбару бўлиб турганидан мамнун эди.

Орадан уч-тўрт кун ўтди. Ҳиссиётлари чекиниб, аввалги ҳаётига қайтган йигит ҳарбий қисм яқинида беихтиёр Ҳулкарга дуч келиб қолди. Бу тасодифми ёки қиз томонидан белгиланганми, ҳар қалай Шерзод бу учрашувдан қувонди. Севган қизига дуч келган ошиқ-



дек юраги хапқирди. Йигитни кўриб, юзига бир зумда қизиллик югурган қиз эса салом-алиқдан сўнг ҳам ундан қандайдир илтифот кутаётгандек йироқлашишни истамасди. Бундан дадилланган йигит Хулкарни кафега кечки овқатга таклиф қилди.

Учрашувда дастлаб Хулкарга оиласи, ўғилчаси ҳақида гапириб беришни мақсад қилган Шерзод унга рўбару келганда бунга жазм эта олмади. Тўғрироғи, йигитдан муҳаббат истаб кўзлари ёниб турган гўзалнинг ҳафсаласини пир қилгиси келмади. Қолаверса, мана шу фаришта сабаб ҳаёти ўзгача маъно касб этаётганди. Бу галги учрашувда ўзини анчайин дадил тутган қизнинг нозлиб боқишлари, эркаланиб гапиришлари йигитни ўзига асир этиб борарди.

Хулкарни кузатиб кўйган Шерзод хайрлашув олдидан кўл телефонига унинг телефон рақамларини муҳрлади. Ўсмир ошиқдек ширин орзулар оғушида ортига қайтган йигит, уни гўё инсофга чақиргандек дафъатан овоз берган телефон кўнғироғидан чўчиб тушди. У рақамларга қарамай истар-истамас алоқа боғлар экан, Моҳинурнинг овозини эшитиб юраги алланечук бўлиб кетди. Салом-алиқдан сўнг рафиқасининг ширин каломи янгради:

– Саломатлигингиз яхшими, Шерзод ака, жуда ҳориган кўринасиз?

– Яхшимисан, азизам, ўғилчамиз катта бўляптими? – унинг айни дамдаги ҳолатини хотини кўриб тургандек ранги оқарган кўйи ҳаяжондан тутила-тутила жавоб қайтара бошлади у. – Менинг соғлиғим жойида. Аям, дадам, уйдагиларнинг ҳаммаси яхшими?

– Узр, бевақт телефон қилдим чоғи. Гапларингиздан дам олиб ётган бўлсангиз, уйғотиб юборганга ўхшайман, – айбдордек зридан кечирим сўради Моҳинур. – Кун бўйи уй юмушлари, Беҳзод билан бўлиб эртароқ телефон қилишга имконим бўлмади. Иккимиз ҳам сизни жуда соғиндик. – Шерзод унинг титроқ товуш ила айтган

сўнгги сўзидан сўнг жим қолганидан кўзларидан соғинч ёшлари қуюлаётганини сезди, юраги увишди. Бир-бирига қовушмаган сўзлар билан рафиқасига далда бўлишга ҳаракат қилди.

Шерзод хотини билан бўлиб ўтган суҳбатдан сўнг, виждон азобида узоқ вақт қотиб ўтирди. Танлаган йўли хато эканлиги, бу йўлга қайта қадам босмаслигини англади. Қолаверса, ундан покиза муҳаббат умид қилиб турган содда қизнинг қалбини парчалаб, бахтига зомин бўлмаслигини ҳис қилиб турарди. «Фурсат бўлди дегунча шу ҳафтада хотиним билан ўғлимни албатта олиб келаман», ўз-ўзига ваъда берди у.

Тунни бедор ўтказган йигит тонгни ҳорғин қарши олди. Ва ҳар доимгидек хизматга отланди. Кечга томон тайёр егуликлар харид қилиб турар жойига қайтди. У Хулкарга рўбару бўлмаслик учун имкон қадар хизматга эрта кетиб, кеч қайтишга ҳаракат қиларди. Бироқ истайдими, йўқми, кўзига ҳар бир қиз Хулкар бўлиб кўринар, яқиндагина танишган қиз кўнглидан жой олиб, иродасини буқаётганидан аччиқланар, ўзини қўлга олишга ҳаракат қиларди.

Орадан икки-уч кун ўтиб у кўрққан, учрашув содир бўлди. Ҳарбий қисм яқинидаги ошхонага тушликка чиққан йигит Хулкарга дуч келди ва яна унинг асирига айланди. У билан учрашув белгилашдан ўзини тия олмади...

Бу учрашувларнинг натижаси ўлароқ, хотинини олиб келиш истагини бир муддат ортга сурди.

– Шерзод ака, ота-онам сиз билан яқиндан танишишмоқчи, – учрашувлардан бирида йигитга қувонч ила хабар етказди Хулкар. – Фурсатингиз бўлган куни уйга таклиф қилишар экан.

Ранги ўзгарган кўйи савол назари билан қараб турган йигитнинг ҳолатини ўзгача тушунган қиз бир оз уялиқираб, деди:

– Бўлажак куёвлари билан суҳбатлашиб кўрмоқчи улар.

Воқеанинг жиддий тус олишини кутмаган Шерзод довираб қолди. Кўнгилхушлик учун ёш қиз билан вақти чоғлик қилиб юрган йигит бундай муаммо кўндаланг бўлишини кутмаганди.

Шу кундан эътиборан у қиздан ўзини яна олиб қоча бошлади. Маълум муддат ўқув машғулотларида бўлиб қайтди. Бироқ юрса ҳам, турса ҳам хаёли фақат Хулкар билан банд йигит унинг висолини кўмсарди.

Кечга томон ижарадаги уйида кўксини кемираётган ранжу аламларни – иродасиз ва худбинлиги азобини енгиллаштириш учун майхўрликни чора билиб ёлғиз ўтирган Шерзод эшик кўнғироғидан сергакланди. Оғайниларидан бири деб ўйлаб, ширакайф ҳолда эшикни очган йигит остонада хижолат ва ҳаяжондан овчи қаршисида турган оҳудек ним титраб турган Хулкарга дуч келди-ю, ўзини йўқотиб қўйди.

– Кўринмай кетганингизга сиздан жуда хавотир олдим. Шунинг учун кеч бўлса ҳам... – қизнинг ҳаяжон ичра бўлиб-бўлиб айтган сўзи охирига етмай Шерзод девона ошиқдек уни бағрига босди.

Йигитга бўлган муҳаббати, соғинчи кўксида исён кўтариб турган қиз бунга қаршилик қилмади...

Эртасига эрталиб шуури тиниқлашган Шерзод оғир гуноҳга ботганини, тубанликка йўл қўйганини англади. Юраги билан бирга вужуди қақшаб оғриди. Шашти паст, ғайрати сўнган йигит хизматга истар-истамас йўл олар экан, хаёли ҳаётидаги муаммо билан банд эди.

Йигитнинг унга бўлган муҳаббатига заррача гумони йўқ, куни келиб турмуш ўртоғига айланишидан кўнгли тўқ Хулкар эса ҳаётидаги фожиани англаб етмаганди ҳали. Шу сабаб сўнгги учрашувдан сўнг орадан бир ҳафта ўтиб йигитнинг кўришиш ҳақидаги истагига эътирозсиз бош эгди у.

Шерзоднинг ахлоқсизлиги касри, тубанлик гирдобидаги тўғрилаб бўлмас хатоси икки ойдан сўнг юзага чиқди:

– Шерзод ака, қачон совчи юборасиз? – йигитга илтижоли боқди Ҳулкар. – Агар тезроқ тўй қилмасак мен шарманда бўламан, – йиғлаб юборди у ерга боққанча ва: – Чунки ҳомиладорман, – деди аста қўллари билан юзини беркитар экан.

Дастлаб қизнинг гапини ҳар доимгидек бепарво эшитиб ўтирган йигит унинг ҳомиладорлик ҳақидаги сўзидан тош қотди. Тили калимага қовушмас, онги карахт ҳолда эди. Бу чигал вазиятдан энди қутула олмаслигини англаб турарди у.

Жуфти ҳалолидан бир пайтлар худди шундай хушxabар эшитиб, шодлигидан осмонда учган Шерзод бу хабардан зулматга сингиб бораётгандек ҳис этарди ўзини. Кўз олдидан ўғли, хотини ўтар, «нималар қилиб қўйдим, қандай разилликка қўл урдим, энди қандай йўл тутаман. Яқинларимнинг юзига қандай қарайман? Моҳинур мени кечирмайди, асло кечирмайди, мендан воз кечиши аниқ...» Аччиқ, адоқсиз ўйлар гирдобида ўзини ҳар томонга урарди у.

Орадан икки ҳафта ўтди. Бироқ Шерзод муаммо ечимини ҳал эта олмади. Қизларининг шармандали ҳолатидан воқиф бўлган Ҳулкарнинг ота-онаси ўзгача йўл тутишга мажбур бўлди. Уни қонун ҳукмига топширди.

Ранги афтодаҳол, боши эгик йигит шайтоний ҳирси сабаб хиёнат кўчасида топган оғир гуноҳи бадалини тўлаш учун суд залига йўл олди...

## ЎНТА ФАРИШТАЛИ ХОНАДОН

Доя аёл қишлоқ четидаги ҳовлига кириб келганда тун ярмидан ошганди. Уй ичидан шошилиб чиққан Ойимгул хола уни бир оз хижолатлик ила қарши олди.

– Нурпошша, сизни кечасида безовта қилмай десам иложи бўлмади. Эсангул бир ухлаб туриб белим оғри-япти, деб қолса бўладими.

– Иккиқат хотиннинг дарди кўз оғриғидек гап. Кутилмаганда келади. Тонг отишини кутмай мени чақириб яхши қилибсиз. Ҳечам хижолат бўлманг эгачи, одамдан одам келмоғи осонми?

– Умрингиздан барака топинг, илоҳим. Ҳамма болаларига ўзингиз момолик қилгансиз.

– Худо хоҳласа, келинингиз эсон-омон қутулиб олади.

Икки аёл гаплашиш асносида уй ичига шошилишди.

Доя хотин кириб кетгач, кажавали мотоциклини дарвозахонага киритиб қўйган Умрзоқ ҳовлида бир муддат дераза ойнасига термилганча туриб қолди. Унинг юраги тез-тез урар, хотини дарддан тўлғониб ётган хонага кириш-кирмасликни билолмай, ичкаридан хабар кутарди.

– Дада, аям касал бўлиб қолдими? – беш ёшли қизи Зулайҳо қўлидан тутгандагина ёнига келганини сизди.

– Асал қизим, ярим кечада нега ўрнингдан турдинг? Қани опаларингнинг ёнига, жойингга кириб ёт-чи.

– Аям...

– Аянгнинг озгина боши оғриган экан, дўхтир олиб келдим. Ҳозир яхши бўлиб қолади. Ўзимнинг хушёр қизим, доно қизим, – у қизининг қўлидан тутганча хонасига олиб кирди.

Узун равонда қизлари ором олишмоқда. «Етти қизим, меҳрибонларим, бир-биридан ақлли, зукко, меҳнаткаш» отанинг кўзлари меҳр ила уларни сийлаб

ўтди. Зулайҳо жойига кириб ётгач, кўнгли хотиржам тортиб ортига қайтди.

«Ишқилиб, бу гал ўғил туғилсин-да», ширин орзудан юраги энтикди Умрзоқнинг. Аммо ҳадеганда ичкаридан хабар чиқмас, баъзи-баъзида хотинининг юракни эзувчи дардли товуши элас қулоғига чалинарди. Ҳаяжондан ҳовлининг у ёғидан бу ёғига бориб келаётган эркак тоқати тоқ бўлиб хотини туғаётган хона томон юрди.

– Эна, Эсангулнинг аҳволи яхшими? – эшикни қия очиб, ичкарига мўралади у.

Унинг саволи тугар-тугамас уй ичини чақалоқнинг йиғиси тўлдирди.

– Бувагимиз дунёга келиши учун отасини кутаётган экан-да, – доя хотин гўдакка яхши тилаклар билдира-билдира киндигини кесишга тутинди.

– Она-бола яхши, хижолат бўлма ўғлим, – Ойимгул хола ҳолсиз жилмайиб ўғлини тинчлантирди.

Умрзоқ онасининг туришидан хотинининг яна қиз туққанини сизди. Чуқур нафас олди. «Борига шукр», деди аста пичирлаб. Кўп ўтмай доя аёлнинг чақируви билан ичкарига кирди.

– Мана, отажониси, суюнчини катта қилиб берсангиз арзийди, фариштадек қизлик бўлдингиз.

Умрзоқ атаганини момога тутқазиб, чақалоқни кўлига олди. Бошчасини ҳар томонга буриб кўкрак истаётган қизчасининг пешонасидан ўпди. Сўнгра чўккалаб ўтириб, кўзини юмганча юзини ён томонга буриб унсиз йиғлаётган хотинига термилди.

Келинининг ҳолатини тушунган ҳолда, кўз ёшини тия олмаётган Ойимгул хола рўмолининг четига ёшини артиб, хонанинг у ер-бу ерини йиғиштирган бўлди-ю, доя аёл билан ташқарига йўналди. Эр-хотин ёлғиз қолишди.

– Аяжониси, бизни кўргинг келмаяптими? – бир қўли билан аёлининг пешонасини силади Умрзоқ. – Соғ-сало-

мат қутулиб олганингдан хурсандман. Ҳаммаси яхши, ҳаммаси жойида. Мени яна битта чиройли қиз билан сийлаганинг учун раҳмат.

Эсангул қўли билан юзини тўсганча, хўнграб йиғлаб юборди.

– Мана буниси ортиқча энди. Ўтган галгидек сиқилиб, яна бир ҳафта истмалаб ётмоқчимисан? – хотинига астойдил танбеҳ бера бошлади Умрзоқ, – Ўғил туғмадим, деб куюнганинг билан қизимиз ўғилга айланиб қоладими. Ўрта ичида касал бўлиб қоласан. Кейин барчамизга қийин бўлади. Йиғини тўхтат, болаларимизнинг шуқурини қил.

Умрзоқнинг сўзи охирига етмай Ойимгул хола исириқ тутатиб кирди.

– Ўғлим, Нурпошша холангнинг уйига олиб бориб қўй. Момолик хизматини чиройли рози қилдим. Сени ташқарида кутяпти.

Умрзоқ чиқиб кетгач, Ойимгул хола келинига ҳар доимги насиҳатини бошлади:

– Эсангул, қизим, ўзингга келиб қолдингми? Атала қилдим, ҳозир олиб келаман. Жон болам, фақат йиғини тўхтат. Невараларим қиз бўлса ҳам менга дори. Ҳар бирини кўзимга суртиб катта қиялман. Биласан, Умрзоқим бир ёшлигида отаси оламдан ўтган. Шу боламини деб бошқа эр қилмадим. Туну кун унинг униб-ўсишини, ўзидан кўпайишини тилаб дуо қилдим. Минг бир қийинчиликка, меҳнату заҳматларга дош бердим. Беадад шуқурки, бир этак невара туғиб бердинг. Агар невараларим ўғил-қиз аралаш бўлганда, беш-олтитадан кейин туғишни йиғиштирган бўлардинг. Бу ҳам бўлса худонинг менга кўрсатган инояти. Қиз туққан хотин ўғил ҳам туғади. Ҳали ёшсан, Тангрим бераридан қисмаса, албатта, ўғил туғасан.

Ойимгул холанинг насиҳати Эсангул ўзига келгунга қадар, яъни беш-олти кун давом этди.

– Эна, мен ҳар гал қиз туққанимда ўзим учун эмас, ўғлингиз учун куюнаман, – насиҳатли кунлардан бирида

қайнонасыга дилини ёрди Эсангул. – Дўст-душман олдида шуларнинг юзини ёруғ қилиб, ўғил туғиб беролмаётганимга ўзимни гуноҳкор ҳис қиламан. Кейинги пайтларда бошқа аёлга уйланса ўғил туғиб берармиди, деган фикр хаёлимдан нари кетмаяпти.

– Бу нима деганинг, болам. Бу гапни бир айтдинг, иккинчи бор оғзингга олма, эркакнинг хаёли бўлинади, – келинини қаттиқ койиб берди Ойимгул хола. – Умрзоқ қиз туққанингни бирор марта юзингга солмаса, қизларини жонидан ортиқ яхши кўриб, сени авайласа. Сенга яна нима керак? Ана, қўшни маҳалладаги Нуржон тракторчи, хотини Гулжамол тўртинчи қизини туққанидан кейин кўч-кўрони билан уйига ташлаб келибди. У аҳмоққа «экканингни ўрасан-да», дейдиган одам топилмаган кўринади.

Эсангул индамади, Гулжамолнинг ҳолатини кўз олдида келтириб юраги эзилди. «Аёлнинг фарзанд дунёга келтириши кошки осон бўлса. Бошқоронғилик азоби, қишлоқдаги оғир меҳнат ичида тўққиз ой боласини авайлаб, таърифлаб бўлмас дард билан дунёга келтирса-ю, эъозланиш ўрнига қиз туққани учун оиласидан бадарға бўлса», Эсангул шуларни ўйлагани сари ўзи истамаган ҳолда қароқларидан ёш қуйиларди...

\*\*\*

Бугун оиланинг саккизинчи фарзанди Озода ўн кунлик бўлди. Кечқурунги дастурхон устида Умрзоқ:

– Эна, рози бўлсангиз қизларим учун қишлоққа ош бермоқчиман, – деди кўтаринки кайфиятда.

– Тинчликми? – деди Ойимгул хола хайратини яширмай. – Қизларинг туғилганда шундоғам маҳалла катталарига ҳар гал йиғин қилиб берамиз. Бу сафар ҳам шундай қилсак бўлмайдими?

– Энажон, неча йиллардан буён элнинг ошини еб юрибман. Шунинг учун қизларимга атаб катта тўй



қилмоқчиман. Қолаверса, Шаҳноза бу йил коллежга ўқишга киради, кейин институтга ҳаракат қилади. Насиб қилса, қизларимнинг ҳаммасини олий маълумотли қиламан. Комбайнчининг болалари ҳам билимдон бўлишини асал қизларим исботлайди ҳали. Шундайми? – дастурхон атрофида одоб билан терилиб ўтирган қизларига меҳр билан термилди Умрзоқ.

Оталарининг сўзидан юзлари ёришиб кетган қизларига қараб Эсангулнинг дилидаги армон ғубори кўтарилгандек бўлди. Бироқ эрининг тўй қилиш мақсадини ўзгача тушунган аёл:

– Ўғлимиз йўқлиги учун тўй қилмаганингизни кимдир юзингизга солдими? – деди хавотирлик билан.

– Нега ҳамма нарсани ўғлимиз йўқлигига боғлайверасан-а, хотин. Ундан кўра тўй ҳаракатини ўйласангчи.

Умрзоқнинг қизларига атаб қилган тўйи тўкин, файзли ўтди. Қишлоқ катталарининг оила фарзандлари учун қилган эзгу дуосига ёшу кекса баробар қўл очди...

Бир-бирини қувалаб ўтаётган йиллар Умрзоққа яна икки фаришта – икки қиз ҳадя этди. У қай даражада ўғилни кўришни орзу қилмасин, ҳар гал армонини ичига ютар, куюнчак хотинини авайларди.

– Онаси, ўнта бола туғишнинг ўзи бўлмайди. Ёшинг ҳам қирққа яқинлашяпти, – дилидагини тилига чиқарди Умрзоқ. – Ҳар бир эркак орқасида ўғли, издоши қолишини орзу қилади. Лекин бераридан ортиғини кутиш нодонлик. Мана, катта қизимиз институтга кирди. Қолган қизларимиз ҳам опасининг изидан кетяпти. Ҳаммасининг ўқиши, ақл-одоби яхши. Ўқитувчилари ҳамиша улардан хурсанд, биздан миннатдор. Энамнинг айтишига қараганда, қизларимизни орзу қилаётганлар кўп экан. Бундан чиқди, эрта-индин совчилар кела бошлайди. Шунинг учун энди ўғил кўриш ниятингни унут, қизларимизнинг келажагини ўйла.

Шуларни узатсак, насиб этса ўғил невараларимиз кўп бўлади ҳали.

Эсангул эрининг гапини жимгина тинглар, юраги остида ўн биринчи фарзанди унаётганини унга айтмагани ҳали. Умрзоқ ўйчан ўтирган хотинининг ҳолатини ўзгача тушунган ҳолда, унинг кайфиятини кўтариш учун қизларига боғлаган орзу дунёсини тинмай сўзларди.

- Биласанми, кеча нима бўлди. Далага, иш қилиб турган жойимга юқори маҳалладаги Қўлдошбек бориб, дуо қилишимни сўради.

- Фарзандлари турмаётган Қўлдошбекми?

- Ҳа, ўша. Оила қурганига ўн икки йил бўлибди. Шу йиллар ичида олтита фарзанд кўрибди-ю, болалари турмабди. Халқ орасидаги «фарзанд туғиш хотиндану, туриши эркақдан», деган гапга у бир воқеани гапириб бергандан кейин ишондим.

- Қандай гап экан? - эрининг оғзига термилди Эсангул.

- У аҳмоқ тўйидан бир ҳафта аввал гуноҳ ишга кўл урибди, - афсус дегандек, бошини чайқаб сўз бошлади Умрзоқ. - Уйларидаги она ит бешта болалабди. Қараса, ичида бирорта эркаги йўқ. Шунда ҳаммасини қопга солибди-ю, далага олиб чиқиб тириклайн кўмиб ташлабди. Ит далага етиб боргунча Қўлдошнинг кўллари ялаб, атрофида гирдикапалак бўлибди. Болаларини кўмаётганда эса увиллаб нола қилибди. Аммо у итга заррача раҳм қилмай ортига қайтибди. Ити бир-икки кун кўринмай қолгач, кучукларни кўмган пайкалга борса, ити болалари кўмилган жойга кўксини босганча ўлиб ётган эмиш. Уни кўриб нохуш ҳолатни сезгандек, юраги увишиб кетибди.

«Нечта ўғил-қизни кўзим кўрди-ю, кўлим тутмади», деб ёш боладек йиғласа бўладими. «Хотиним менинг касримга қолиб, азоб тортяпти. Тинимсиз даволана-

ди, мулла эшону, фолбинлар эшигида сарғайиб нажот истайди. Лекин билмайдик, бу азобларнинг барчаси менинг гуноҳим меваси. Хотинимни яхши кўраман, ундан ажралишни истамайман. Сизнинг қизларингиз каби бир дона қизим бўлса ҳам майли, шукур қиламан. Шунинг учун мени дуо қилинг, ака. Ўнта қизнинг меҳрибон отасисиз. Сиздек бўлиш осон эмас, дуонингиз ўтади», деб ялинди. Кўрдингми, хотин, ҳайвонга кўрсатган бешафқатлиги ҳаётига уқубат бўлиб қайта-япти. Ўғил эмас, қиз фарзандга ҳам зор...

Орадан етти ой ўтди. Доя Нурпошша хола қишлоқ четидаги ҳовлига тонг саҳар шошилганча кириб келди. Куёш уфқдан кўтарилаётган бир паллада Умрзоқнинг хонадоида чақалоқ йиғиси янгради. Унинг товуши Нарпай тоғларига қадар садо берди. У эр-хотин узоқ кутган паҳлавон ўғил эди...

Йиллар ўтди. Хонадоннинг ота ардоғидаги ўн фариштаси барча ҳавас қиладиган даражада етук улғайди. Билимдон, зукколиклари билан турли касбларда, раҳбарлик лавозимларида фаолият юритишяпти. Оқи-ла фарзандлари сабаб, Умрзоқ ака ва Эсангул опа элнинг дуогўй инсонларига айланишди. Қизлар олтмиш йил бирга яшаб, умргузаронлик қилган ота-оналари омонат дунёни тарк этгунларига қадар меҳр ардоқларида асраб-авайлашди. Буларнинг барчаси Умрзоқ аканинг шукроналик меваси эди.

## УНУТИЛГАН БУРЧ

– Ойижон, дадам хизматдан қайтдимми?

Маҳорат лицейдан кела солиб отасини сўраган қизи Чароснинг шодон чеҳрасидан беихтиёр нигоҳини олиб қочди ва:

– Йўқ, ҳали келмади, – дея жавобини қисқа қилди.

– Нега? Ахир кеча ўзингиз «даданг навбатчиликка қолган. Эртага тушга яқин келади», дегандингиз-ку?

– Қизим, дадангнинг вазифаси жуда масъулиятли. Керак бўлса ҳафталаб уйга келмаслигини яхши биласан. Балки кечга томон қайтар.

– Унда дадамни кутаман. Уларга гапим бор. Менга маслаҳатлари керак.

– Қандай маслаҳат экан, менга айтақол, – беихтиёр қизига юзланди Маҳорат йиғидан қизарган кўзларини унутиб.

Кийимларини алмаштиришга тараддудланаётган Чарос:

– Ойижон, бу дадам билан ҳал бўладиган иш-да, – деди онасининг ғамли нигоҳига эътибор қилмай.

Маҳоратнинг юраги увишди. Отасини жондан севадиган қизи унинг қилиб юрган ишларини, мақсадини билса қандай аҳволга тушаркин? Ҳамма нарсага таъсирчан ўсмир қалби бунга кўтара оладими?

Ўғли Хумоюн-чи? Дадаси бир енгилтак аёлни деб, уларни ташлаб кетгани юзага чиқса, олий ўқув юртига кириш учун кеча-ю кундуз тайёргарлик кўраётган дилбандининг руҳи синмасмикан? Тенгқурлари олдида боши эгилмасмикан?

Энг ёмони, меҳр билан нафрат ораси бир қадам деганларидек, уларнинг қалбида оталарига нисбатан меҳр кўри ўрнини нафрат ўти эгалламасмикан?

Буларни ўйлагани сари аёлнинг кўксига санчиқ кирарди. Ахир умр йўлдоши Жавоҳир билан йигирма йилдан зиёд бирга яшади. Унинг хизмат бурчи сабаб, турли шароитларда ҳаёт кечирди, қанча қийинчиликларни бирга енгиб ўтди. Ниҳоят оиласи эл назарига эришганда...

– Икки кундан кейин хизмат сафарига жўнайман. Нарсаларимни тайёрлаб қўй, – хизматдан кеч қайтган

Жавоҳир негадир Маҳоратнинг кўзига қарамасликка ҳаракат қиларди.

– Тинчликми? Қаерга? Неча кунга?

– Худди мен биринчи марта кетаётгандек кетма-кет савол беришингни қара.

– Кўпдан буён...

– Ҳа, кўпдан буён хизмат сафарига чиқмадим, – аёлининг сўзини бўлди Жавоҳир. – Шунинг учун кечроқ қайтишим мумкин.

Унинг илк алдови, оиладан йироқлашуви шундан бошланди. Маҳорат буни руҳан сезди. Чунки турмуш ўртоғи билан яхши-ёмон кунларда ҳамиша бирга бўлиб, айро яшамаган аёл эридаги ўзгаришни қалбан ҳис қилди. Юрагидан «чирт» этиб нимадир узилди.

Тўғри, унинг нигоҳидаги совуқ мавҳумликни ҳисобга олмаганда, ҳаммаси жойида эди. Яъни, болаларига меҳрибон, рўзғорга жонкуяр, Маҳоратга эътиборли. Бироқ оиладаги ўрнини, мавқеини асрашга ҳаракат қилаётган эркак, ҳаётидаги ахлоқий ўзгариш жиддийлашиб боргани сари, буни уддалай олмади. Эрлик, оталик бурчини аста-секин унутди...

Дастлаб, садоқат билан хиёнат ўртасида бош кўтарган, «нопок йўлдан қайт», дея бонг урган виждони қийнала-қийнала унинг иродасиз ва виждонсизлигига кўникди. Бу – ҳаётда, хизматда ўрин топиб, подполковник даражасига эришган, ёши қирқдан ошган Жавоҳирнинг тубанликка юз тутмоғи эди.

Маҳорат эридаги ўзгаришни сезган бўлса-да, унинг ортидан суриштиришни, юриш-туришини тафтиш қилишни ўзига эп кўрмади. Тўғрироғи, фарзандлари оёққа туриб, куда-андалик бўлишга яқинлашаётган бир паллада оила шаънига доғ тушишидан чўчиди. Қолаверса, болаларини ўйлади, уларнинг нозик қалбини хиёнат зарбасидан асрашни истади ва албатта, жуфти ҳалолининг ёмонотлиқ бўлишидан қўрқди. Аммо...

Аммо иродасиз эркак бу инсоний туйғуларнинг нечоғлик азизлигини унутди, ўзи истаган йўлдан қайтмади. Оиласи, ўғил-қизини эмас, севиб қолган маъшуқасини танлади.

Мана, шунга ҳам бир йил бўлаяпти. Ўтган ойлар давомида Маҳорат ўзи билан ўзи курашиб яшади, ўзини енгиб яшади. Рафиқа сифатида иззат-нафси, қадри хўрланган аёл гоҳида аламини йиғидан олди. У меҳри, фидойилиги ва сабри ила эрини бағрига қайтара олишига ишонганди.

Аммо ҳарчанд ҳаракат қилмасин, Жавоҳир оиласидан узоқлашиб борди.

Сўнгги бир ой ичида эса, оиласидан деярли хабар олмай кўйди. Маҳорат унинг хизмат жойига боришга мажбур бўлди. Лекин бу аёл учун яхшилик билан тугамади. Шунда ҳам у ўғил-қизидан бу сирни беркитишга ҳаракат қилди. Бироқ у минг турли баҳоналарни ишга солмасин, касални яширсанг иситмаси ошкор қилади, деганларидек, бугун-эрта оталари қилмишидан фарзандларининг хабар топишини сезиб турарди. Шу сабаб, уларга ўзи ётиғи билан тушунтиришга, бу дадаларининг ҳаётидаги ўткинчи ҳолат эканлигини айтишга қарор қилди:

– Чарос, қизим, кийимларингни алмаштириб бўлдингми? Келақол, бирга тушлик қиламиз, – қизига айтадиган гапларини дилида қайта-қайта такрорлар экан, йиғлаб юбормаслик учун ўзини қўлга олди у.

Ҳар доимгидек қувноқ ва шаддод Чарос кўтаринки кайфиятда дастурхонга ўтирди ва беихтиёр онасига кўзи тушди-ю:

– Вой ойижон, кўзларингиз қизариб кетибди, йиғладингизми? – деди ҳайрат ва хавотирини яширмай.

– Йўғ-е, нимага йиғлар эканман, тушлик тайёрлаш учун пиёз тўғраган эдим. Биласан-ку, кўзим жуда таъсирчан. Овқатингни есанг-чи, совиб қолади, – гапни

бошқа томонга бурди Маҳорат. – Хўш, ота қизи, даданг билан қандай масалани ҳал қилмоқчи эдинг? Менга ҳам айта қол, жуда билгим келяпти, – деди жилмайишга ҳаракат қилиб.

– Ойижон, биламан сиз бунга қаршилик қиласиз. Мени фақат дадам тушунади, – онасига эркаланди Чарос. – Майли, шундай бўлса ҳам айта қолай. Рози бўлсаларинг дарсдан сўнг каратэга қатнашмоқчи эдим.

– Уйлаб гапиряпсанми, қизим?, – бирдан хушёр тортди Маҳорат. – Ахир сен сариқ касал бўлгансан, жигар билан ҳазиллашиб бўлмайди. Сенга спорт билан шуғулланиш умуман мумкин эмас. Айниқса, каратэ билан, – куюнчаклик ила қизига тушунтира кетди у.

– Ана, айтмадимми сиз рози бўлмайсиз деб.

– Даданг ҳам рози бўлмайди.

– Йўқ, улар мени тушунади, – қайсарлигини қўймасди Чарос. – Бу ҳақда энди дадамга айтаман деганимда командировкага кетиб қолди. Келганларидан буён ҳам кўриша олмадим. Уларни жуда соғиндим. Телефон қилсам деярли жавоб бермайди.

– Даданг хизмат жойида телефон ишлатмаслигини биласан. Энди ёш эмассан, қизим. Ўзим ҳам дадангнинг муаммолари ҳақида аканг иккинги билан гаплашмоқчи эдим.

– Дадамнинг хизматларида муаммо бормикан, қандай муаммо? – бирдан ҳаяжонланиб кетди Чарос.

Унинг таъсирчанлигини кўриб Маҳоратнинг тили айланмай қолди.

– Шу, оддий, ҳаётда учрайдиган муаммо-да, – каловланди у ва қизининг савол назари билан қараб турганини кўриб, гапни узоқдан бошлади.

– Қизим, оилада турли хил воқеалар бўлиб туради. Эр-хотин ўртасида ҳам. Даданг иккимиз ҳам келишолмай қолдик. Шунинг учун даданг мендан шу кунларда бир оз аразлаб юрибди. Уларни кутмаганинг маъқул. Арази тарқаган куни кириб келади.

Чарос кўзларини катта очганча киприк қоқмай она-сига термилиб турар, унинг сўзларини ҳазм қилолмас-ди. Ва ниҳоят:

- Дадам бизни ташлаб кетдимиз? - деди овози қалтираб.

- Нега энди ташлаб кетар экан, - қизининг докадек оқариб кетган юзига қараб қўрқиб кетди Маҳорат. - Даданг сен билан акангни ҳеч кимга, ҳеч қачон алмашмайди. Ҳадемай оиламизга қайтади.

У шундай деди-ю, бўғзига тиқилган аччиқ йиғидан жим қолди. Яна бир оғиз гапирса ўксик қалбидаги алам кўзларидан ёш бўлиб қуюлишини ҳис қилиб турарди у.

Айниқса, эри билан учрашиб юрган ёшгина қиздан эшитган гаплари умр йўлдошининг ортига қайтишига ишонган аёлнинг бор умидини пучга чиқарганди.

Қадди навниҳол, ярим-ёрти кийимларидан қома-тини кўз-кўз қилиб турган Рима Маҳоратга очикдан-очик таҳдид қилди:

- Эрингиз мени танлаганини тан олдимиз, унинг устидан шикоят қилиб ҳеч нарсага эришмайсиз. Устидан арз қилиб судлашсангиз, ишдан бўшаб, номи қора рўйхатга тушади. Бу болаларингиз келажакка ёмон таъсир этишини яхши биласиз. Шунинг учун уйингизда тинчгина ўтирганингиз маъқул. Сизларни моддий томондан таъминлаб турса ҳам жон денг.

Маҳорат тубанликка, нахсга ботган беҳаё аёлга нафрат ила бир зум қараб турди-ю:

- Сенга раҳмим келади, - деди аста. - Эндигина йигирма ёшдан ошган қиз ўзингга қирқ бешга кирган эркакни муносиб билибсан. Ёдингда тут, оиламни пароканда, болаларимни етим қилганинг учун сенга Аллоҳнинг жазоси муқаррар.

Ўртадаги суҳбатни эшик ортида эшитиб турган виждонсиз эрига эса ҳеч нарса демади. Унинг хиёнатидан юраги қай даражада куйиб турмасин, тўғри йўлни



танлаши учун кўриладиган ҳар бир чора, инсофга келиши учун айтилажак ҳар бир гап айна дамда бефойда эканини сизди.

У ортига қайтар экан, фақат болаларини ўйлар, ҳаётнинг бу зарбасидан уларни асраш йўлини изларди.

Аммо қизи билан суҳбатлашиб билдики, бунинг уддасидан чиқиши осон эмас. Оталарини ўзларининг тоғдек таянчи, фаҳри деб билган ўғил-қизига буни тушунтириш осон эмас. У ҳушсиздек қотиб ўтирган қизига таскин бериш учун энди оғиз жуфтлаган ҳам эдики, эшик кўнғироғи чалинди. Эшикни очган Маҳорат остонада турган Хумоюннинг ўзгача қиёфасидан қандайдир кўнгилсизликни сизди.

– Дадамнинг ёш қиз билан яшаб юргани ростми? – уйга кира солиб онасига юзланди у. – Ўртоқларим айтди, кўпдан буён ўша билан бирга экан. Наҳотки, сиз буни сезмагансиз ойи?

– Ўзингни бос ўғлим. Кўчадаги ҳамма гапга ишонаверма. Оғзига кучи етмаганлар нималар демайди.

– Йўқ, улар ёлғон гапирадиган йигитлар эмас. Мени огоҳлантириш учун, дўст сифатида айтишди. Аммо ўртоқларим олдида ер билан битта бўлдим. Агар шу гап рост бўлса...

Маҳорат аламдан қалтираётган қизиққон ўғлига қандай танбеҳ беришни ёхуд қандай насиҳат қилишни билмасди.

Айниқса, отасига меҳри зиёда Чарос синовли дунёнинг бу аччиқ ҳақиқатини тан олмас, бир зумда ҳайкалдек забонсиз қизга айланганди.

Гоҳида хонасига беркиниб олиб йиғидан аламини олаётган қизи икки кун ўқишга бормади. Учунчи кун эса...

– Ойи, ойи-и, Чарос томирини кесибди.

Ўғлининг жон ҳолатдаги қичқириғи ошхонани тартибга келтираётган Маҳоратнинг бошидан ҳушини учирди...

Чарос уч кун деганда шифохонада кўзини очди. Бошида унга термилиб ўтирган ранги афтодаҳол онаизорига кўзи тушди-ю, хато иш қилганини, бундай оғир дамларда аслида онасига таянч бўлиши лозимлигини тушуниб етди.

– Мени кечиринг, ойи, – деди аста унинг маҳзун чеҳрасига термилиб. – Мен сизни яхши кўраман.

Маҳорат қизгинасининг тим қора сочларини меҳр ила силар экан, аста пешонасидан ўпди ва бир сўзни қайта-қайта такрорлади:

– Бағримга қайтганингга шукр, беадад шукр. Менга сизлардан бошқа ҳеч нарса керак эмас. Менинг бахтим, борлиғим, келажагим ўзингиз.

У айнаи дамда қанча вақт ўтмасин, турмуш ўртоғининг оиласига қайтишини, кўнгли ўксик фарзандларига оталик қилишини сезиб турарди. Фақат, фақат оталарининг нопок қадами сабаб, қалби вайрон бўлган ўғил-қизи уни қабул қилармикан?..

## ҲАЁТНИНГ СИРЛИ САБОҒИ

Қайнона-келин ўртасидаги енгил тортишув Равшаной опанинг кўз ёши билан якун топди. У эшикни қарсиллатиб ёпиб кетган Ниҳоланинг орқасидан қараб қолар экан, «келинимга ўзинг инсоф бер», деди аста пичирлаб. Ва баҳсга сабаб бўлган кечаги воқеа беихтиёр кўз олдида намоён бўлди:

– Ниҳолахон, бўла қолинг, айтилган жойдан кеч қолиш яхши эмас. Айниқса, мазорбувадек улуғ-аён жойлардаги йиғиндан.

– Ҳозир, ҳозир, аяжон. Диёрбекни кийинтириб олсам бўлгани.

Қайнона-келин дастурхонларини қўлга олиб, Диёрбек билан Қорёзбобо зиёратгоҳи томон йўлга тушишди. Ёз давомида зиёратчиларнинг қадами узилмайдиган бу жой, Қорёзбобо қабристонининг биқинида жойлашган бўлиб, шу ном билан ёт-атрофга яхши танилган. Боғ ичида жойлашган қатор сўрилар, айвонлар, болалар учун ўйингоҳлар, савдо расталари барчани ўзига чорлаб туради. Халқ бу гўшани азиз қадамжо сифатида қадрлаб, яхши ниятлар рўёби учун хайр-худойи қилиш баробарида, ҳордиқ ҳам чиқаради.

Равшаной опа билан Ниҳола ҳам фарзанд кўрган яқин қариндошларининг эҳсон йиғинига боришмоқда эди.

Меҳмонларнинг келишига сўриларда дастурхонлар тахт. Келинлар, қизлар қўли қўлига тегмай махсус ўчоқларда таом тайёрлаш билан банд. Дастурхон атрофидан жой олган ёши улуғлар юрт ободлиги, эл тинчлигига шукроналар келтириб, янги туғилган чақалоққа эзгу тилаклар билдириш билан оворалар.

Ниҳола қозон-ўчоқ бошида турган келинларга ёрдамлашиш истагида, улар томон юрди. Аммо ёғ ва овқат ҳидидан кўнгли беҳузур бўлиб ранги ўзгарди. Буни сезган қозон бошидагилардан бири:

– Ниҳола опа, туришингиздан оғзингиз бемазага ўхшайди, – деди маъноли жилмайиб.

– Во-ой, қандай яхши, кейинги йили сизнинг чақалоғингиз шарафига йиғилар эканмиз-да, – суҳбатга қўшилди яна бир келинчак.

«Бу қариндошлардан ҳеч бир нарсани сир тутиб бўлмайди» ичида ижирғанди Ниҳола бири қўйиб, бири табриклар, меҳрибончилик кўрсатаётган келинларнинг сўзидан аччиқланар экан.

– Мен бу болани туғмоқчи эмасман, олдираман, – деди кутилмаганда у ҳаммани ҳайратда қолдириб. – Ўғлим ҳали ёш. У каттароқ бўлгандан кейин бу ҳақда ўйлаб кўраман.

Ниҳоланинг бу фикрига келинлар бирин-кетин эътироз билдира кетди:

– Болангиз, беш ёш бўлаяптику, опа. Қанақасига ёш бўлсин. Укаси туғилгунча янада катта бўлиб қолади.

– Тўппа-тўғри, болани олдириш ҳақида асло ўйламанг. Бу ниятингиздан қайтинг, опажон.

– Ҳа, бундай азиз жойларда, айниқса, қозон тепасида фақат яхши ният қилиш керак.

Ниҳола «бола меники, хоҳлаган ишимни қиламан» дегандек, аччиқланган кўйи гапни бошқа томонга бурди. Бироқ бу гаплардан хабар топган Равшаной опанинг тадбир давомида кайфияти бўлмади. Эртасига бу масалага ойдинлик киритишни истади:

– Фарзанд, Яратганинг инояти қизим. Уч йил аввал ўғлим ҳали ёш деб, насиҳатимга ҳам қулоқ солмай бўйингизда бўлган норасидани олдирганингиз. Мана, йиллар ўтиб, яна худо сийлади. Бунга осонликча эришганингиз йўқ, даволанганингиздан хабарим бор. Нега энди бу болангиздан ҳам воз кечмоқчисиз, тушунмадим.

Ниҳола қайнонасига нима деб жавоб қайтаришни билмай бир муддат жим қолди. Аслида ҳомиладор бўлганидан мамнун жувон болани туғмаслик ҳақида умуман ўйлаб кўрмаганди. Аммо кеча келинчакларнинг ортиқча ҳушёрлигидан аччиғи келдими, ўз ҳолатидан уялди-ми, ҳарқалай қайсарлиги тутди. Ўзи истамаган сўз оғзидан чиқиб кетди. Чиққанда ҳам, атрофидагиларнинг жон куйдириб айтган насиҳати-ю маслаҳатидан баттар энсаси қотиб, «менга бола керак эмас» деган сўзни қайта-қайта такрорлади. Энди эса қайнонасига бунинг изоҳини бериши керак.

– Тўғри, бу болани туғмоқчи эдим. Лекин кундан-кун ҳолим қуриб кетяпти. Шунга... – жўяли жавоб тополмай довдиради Ниҳола.

– Ҳолингиз жуда яхши. Фақат, ўжар, қайсар феълингиз тилингизга кўчган. Келиб-келиб дуолар ижо-

бат бўладиган азиз зиёратгоҳда ҳам юкли аёл шундай ният қиладими. Инсон феълидаги ёмон қусурларни жиловлай олиши керак. Бўлмаса ҳар қадамда бунинг жабрини тортади.

– Аяжон, биласиз, Диёрбекни катта қилишимиз осон бўлмади. Ҳалигача ўжар, инжиқ. Бу ҳолатда мен иккита болани эплашга қийналаман, – ҳамон қайсарлиги тутиб айтган гапини тан олишни, қайнонасида уэр сўрашни истамасди жувон.

– Ундай бўлса, болани туғасиз-у, овсинингизга бера-сиз. Ўғил бўлса нур устига нур. Учта қиздан кейин фар-занд кўрмаяпти. Аммо болани олдиришни хаёлингизга ҳам келтирманг. Агар шу гуноҳга қўл урсангиз, сиздан икки дунё рози эмасман.

Табиатан юмшоқ ва мулойим қайнонасининг «бу ишни қилманг, қизим», деб ялиниб-ёлворишини кут-ган Ниҳола, унинг кескин қароридан ўзини йўқотиб қўйди. Қандай жавоб қайтаришни билмай, қайсарлик билан эшикни қарсиллатиб ёпганча ташқарига чиқиб кетди. Шу аснода у хаёлан бир сўзни такрорларди: «бу менинг болам, уни ҳеч кимга бермайман, ўзим катта қиламан, ўзим».

Ойлар ўтиб Ниҳоланинг ҳомиласи беш ойлик бўлди. Шифокорлар назоратида турган аёл ультратовуш тек-ширувида кутилмаган муаммога дуч келди.

– Эртага вилоят скрининг марказига бориб, ҳоми-лангизни зудлик билан текширтириб келасиз, – Ниҳо-ланинг қўлига йўлланма тутқазар экан, тайинлади шифокор. – Боланинг ўпкасида қандайдир ўзгариш бор.

– Бу нима деганингиз, қандай ўзгариш бўлиши мум-кин, қандай?

– Ўзингизни қўлга олинг, балки хавотирланишга сабаб йўқдир, – ранги оқариб кетган Ниҳолани тинч-лантирди у. – Боланинг ўпкасида майда қора доғлар

пайдо бўлган. Вилоятдаги махсус мутахассислар мана шуни чуқур текшириб, аниқлаштириб беради.

Шифохонадан ҳолсиз, кайфиятсиз қайтган Ниҳола учун куннинг ўтиши осон кечмади. Қачон эртанги кун келади-ю, ҳомиласини текширтириб, яхши хабардан кўнгли хотиржам тортади. Турмуш ўртоғи Одилжоннинг қанчалар кўнглини кўтаришига қарамай, кечаси билан алоғ-чалоғ тушлар кўриб чиқди у. Тонг сахар эр-хотин йўлга отланишди. Узоқ масофалик йўл давомида ҳам фақат туғилажак боласи ҳақида ўйлади. Унинг келажагига ёруғ ниятлар боғлади.

– Ҳомиладорликнинг дастлабки ойларида қандай касаллик билан оғригансиз? – шифокор она қорнидаги боланинг ҳолатини синчковлик билан текширар экан, Ниҳолага кетма-кет савол бера бошлади. – Қаттиқ шамоллашни ўтказганингиз йўқми?

– Йўқ, – базўр жавоб берди у кўнгли бир нохушликни сезгандек.

– Бўлиши мумкин эмас, беш ойлик ҳомиланинг ўпкасида ўсимта, – ҳайратини яширмади шифокор. – Она соғлом, ота ҳеч қандай жиддий касалликка чалинмаган. Бу ҳолни қандай изоҳлаш мумкин. Қани, марказимиздаги бошқа шифокорлар ҳам кўриб, фикр билдиришсин-чи. Кейин сўнги хулосани айтамиз.

Ҳомиланинг ҳолатини обдон текширган шифокорларнинг сўнги хулосасига кўра, бола носоғлом топилди ва зудлик билан сунъий йўл билан туғдириб олиш тавсия этилди. Яъни, бола яшаб қолишга лаёқатсиз эди.

Аммо Ниҳола бу тавсиядан қатъий бош тортди. Шифокорларнинг фикрига жиддий эътироз билдирди:

– Боламнинг соғлом туғилишига ишонаман, ундан воз кечмайман.

– Она сифатида сизнинг ҳолатингизни тушунаман, – меҳрибонлик ила Ниҳолага тушунтирди шифокор. – Аммо мутахассис сифатида тавсиямизга қулоқ солишин-

гизни маслаҳат бераман. Чунки бу борада қўйган таш-хисларимиз ҳали нотўғри чиққан эмас. Шундай бўлса-да, янада ишонч ҳосил қилишингиз учун пойтахтга йўллан-ма берамиз. Қанча тез текширтирсангиз шунча яхши. Кейин якуний ҳулосага келамиз.

Руҳи синиқ, тушкун кайфиятдаги Ниҳола учун яна бир умид эшиги очилганди. Катта шаҳардаги катта ши-фокорлар унинг наздида нажот фаришталари эди гўё.

Кунлар, соатлар, дақиқалар. Мана, шифокор ҳозир унга интиқ бўлиб кутган хушxabарни етказди. Боласи-нинг саломатлигини биледи-ю, қушдек қанот қоқиб, ха-вотирлик ила йўлига кўз тутиб турган яқинлари бағрига қайтади. Ҳамманинг кўнгли хотиржам тортади, айниқса, неча кунлардан буён ҳаловатни унутган Ниҳоланинг.

Бироқ... бироқ у кутган хушxabар ўзгача бўлиб чиқди.

– Бола ўпкасининг бир томонини қоплаган ўсимта, иккинчи томонга ҳам ўта бошлабди. Шифокорлар бу ҳақда сизга айтишган бўлса керак, – Ниҳолага вазиятни тушунтирди скрининг маркази бошлиғи ҳомилани об-дон текширувдан ўтказар экан. – Шунга қарамай боланинг ўсиши, ривожланиши яхши. Лекин касаллик олди-да бунинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ.

– Доктор, мен ҳамма қийинчиликка розиман, уни да-воласа бўладими? – мужгонлари тўла ёш ила шифокорга нажот кўзларини тикди Ниҳола.

– Узоқ йиллик тажрибамдан келиб чиқиб, шуни айта оламанки, бунинг чораси фақат битта, яъни тезроқ ҳо-миладан қутулиш. Умид қилишнинг ҳожати йўқ.

– Ўзингиз ҳозиргина боланинг ривожланиши яхши дедингиз-ку. Ўпкасида ўсимта бўлса у қандай қилиб ри-вожланиши мумкин?

– Ҳозир ҳомила учун ўпка фаолиятининг аҳамияти сезилмайди. Негаки, у она киндиги орқали нафас олади. Туғилгандан кейингина унинг ўпкалари очилиб, ҳаво етказиб бера бошлайди, – жовдираб турган онага содда

қилиб тушунтирди шифокор. – Болангизнинг ўпкаси эса туғилмай туриб ўсимта билан қопланган. Бу бола учун ҳаво манбаи йўқ дегани. Шундай экан, у туғилганидан кейин неча кун, неча соат яшаши номаълум. Балки уч-тўрт йил яшаши ҳам мумкиндир. Аммо умри касалхонада ўтиши тайин. Бу ортиқча ҳаракат, ортиқча ҳаражат дегани. Асабларингизнинг емирилиши ҳақида-ку гапир-маса ҳам бўлади...

«Ниятингга яраша боланг сендан юз ўгираяпти», орта қайтар экан, қайноқ кўз ёшлари юзини ювиб хаёлан ўзига танбеҳ берарди Ниҳола. «Негаки, сен ундан ҳам-манинг олдида юз ўгиргандинг, менга бола керак эмас, дегандинг. Энди бунинг жабрини тортяпсан. Қайсарлигинг, ўткир тилингга берилган жазо бу». Ниҳола ён-атрофдагиларни унутиб, ер чизганча йиғлаб борар, шу аснода боласини туғишга қарор қилганди у: «Қанча яшаса ҳам, азоб-уқубатини тортиб катта қилсам ҳам майли, уни албатта дунёга келтираман».

Пойтахтдан водийга қадар йўл давомида кўксини оғритиб турган дард билан, боласининг дарди билан банд бўлди, аёл. «Таҳлил жавобларим яхши, боламнинг ўсиши яхши, балки у дўхтирларни ҳайратда қолдириб соғлом туғилар», гоҳида ёруғ ниятларга ошно бўларди Ниҳола. «Аммо бундай бўлиши қийин. Чунки қишлоқдаги ҳомиладор аёллар текширувида врачлар қандай фикр билдирган бўлса, ҳаммаси тўғри чиққан. Ана, қўшни маҳалладаги Назокат. Икки қиздан кейин ўғил туғаман, деб ҳомиладор бўлди. Боласи ўғил экан. Лекин боланинг белида ўсимта аниқлангани учун дўхтирлар туғмасликни маслаҳат беришди. Назокат ўғиллигини эшитиб, қайсарлик қилиб туғди. Бироқ чақалоқ бир ойлик бўлар-бўлмас азоб билан онаси бағрини тарк этди. Менинг болам ҳам наҳот шундай азоб тортса. Бунга фақат мен сабабчидан, менинг ниятим, тилим сабабчи...»



Она учун азобли бўлган бундай ўйлар Ниҳолани бола туғилгунга қадар, яъни тўрт ой таъқиб этди. Қишлоқ жой, катта ҳовли, тиним йўқ, нохуш ўйлардан чалғишга имкон бор. Аммо вужудига ҳамроҳ дилбанди ҳақида ҳар дақиқа ўйламасликнинг, қалби ўртанмасликнинг иложи йўқ. Бу орада неча бор гоҳо вилоят, гоҳо туман маркази шифокорлари томонидан болани эртароқ сунъий йўл билан туғдириб олиш борасида маслаҳатлар берилди. Бироқ уларнинг обдон тушунтиришу тавсиялари Ниҳоланинг туғиш ҳақидаги қарорини ўзгартира олмади.

Ва ниҳоят, бола туғиладиган кун келди. Ҳомилянинг носоғломлигидан хабари бор шифокорлар махсус тайёргарлик билан унинг туғилишини назорат қилди. Кўп ўтмай чақалоқ йиғиси хонани тўлдирди. Паҳлавондек ўфил. Шубҳасизки, биринчи навбатда унинг нафас олиш органлари, ўпкаси текширилди. Ҳаммаси жойида, бола енгил нафас олаяпти. Зудлик билан рентген қилинди. Барчаси ижобий. Бўлиши мумкин эмас. Замонавий текширув аппаратлари унинг ўпкаси ўсимта билан қопланганини қайта-қайта қайд этган ахир. Бу ҳақда вилоятга хабар берилди. Текширувлар давом этди. Не ажабки, бола ҳар томонлама соғлом эди.

Қалби титраб турган Ниҳола, оғзидан дуо тушмай жонини ҳовучлаб ўтирган Равшаной опа ва оила яқинлари учун бу кутилмаган хушхабар эди.

Равшаной опа, Ниҳола жилмайиб туриб, кўзида ёш билан тутқазган набирасини шукроналар ила қўлига олди. Ҳаётнинг сирли сабоғида тобланган келинини меҳр билан бағрига босди. Унинг неча ойлардан буён маҳзун ўйлар гирдобида сўлғин тортган чехраси, хомуш нигоҳи бугун оналик бахти, фарзанд қувончидан яшнаб турарди. Энг асосийси, сеҳрли ҳаёт синовлари ўзининг сирли сабоғи ила қайсар келинни қайта тарбиялаганди.

## ҲАЗИЛДАН ЧИҚҚАН ҲАНГОМА

– Мадаминжон, шом тушаяпти, молларинг ҳалигача яйловдан қайтгани йўқ. Сен бўлса телевизорга термилишдан бўшамайсан, – Роҳатой опа ҳуноби ошиб ўғлига танбеҳ бера кетди. – Ҳали замон мемохонага йўл оласан. Биласан-ку, моллар вақтида уйга қайтмаса кўнглимга гулгула тушади.

– Ваҳима қилмасангизчи, аяжон. Моллар ҳар куни уйни топиб келяптику. Бугун кеч қолган бўлса бордир.

– Ваҳима дейсан-а, ён-атрофдаги қишлоқларда моллар йўқолиб турибди. Қандай ваҳима қилмай.

– Бўлди-бўлди, – онасини тинчлантирди Мадаминжон. – Мана чиқиб кетаяпман, ҳозир ҳаммасини топиб келаман. Шу атрофларда дайдиб юрган бўлса керак.

Телевизор кўриб вақт ўтганини сезмай қолган йигит ташқарига шошилди. Унинг бир хаёли мемохонада эди.

Шу ўринда мемохона ҳақида икки оғиз сўз. Водий қишлоқларида кеч куздан бошлаб қиш давомида, яъни деҳқончиликлар йиғиштирилиб, дала ишлари якунлангач, мемохоналар – гап-гаштаклар йўлга қўйилади. Ҳар бир маҳалладаги ўн беш, йигирма чоғли эркак кечга томон бир кун палов, бир кун шўрва қилиб навбати билан хонадонларда ўтиришади. Бунинг ўзига хос томонларидан бири, катта сопол чархиларда сузилган палов албатта қўлда ейилади. Бунда чордона қуриб, энгларини тирсаккача шимариб паловхонтўрани иштаҳа билан тушираётган йигитларни кўз олдингизга келтираверинг.

Қўй гўштига қайнатма шўрвали мемохона ўтиришида эса, аёллар албатта лочира ёпишади. Катта патир кўринишида, бироқ ундан анча юпқа ва ўзига хос таъмга эга лочира нонни шўрва билан тановул қилмабсиз, дунёга келмабсиз. Не ажабки, лочиранинг фақат мемохона учун ёпилганига гувоҳ бўлганман.

Тўғрироғи, бошқа тадбирларда дастурхонга қўйилгани эслай олмайман.

Шунингдек, мемохонада вояга етган йигитлардан тортиб, катта ёшли эркакларгача, бир даврада ўтириши мумкин. Мемохона сўзи, дастлаб меҳмонхона деб юритилган бўлса, ажабмас. Кейинчалик халқона «сайқалланиб» шу ҳолга келган. Бу мисоли Муҳаммадамин исмини Мадамин, Шомуҳаммадни Шомамад ёхуд Муҳаммадраҳимни Мадраҳим дегандек гап.

Хуллас, мемохона ҳақида бежиз жон куйдириб тунтириш бермадик. Чунки сизга етказмоқчи бўлган ҳангомаларимиз айнан мемохонадаги тортишувга бой суҳбатлар орқали юзага келган.

\*\*\*

Мадаминжон молларини топиб, онасининг кўнглини тинчитиб, мемохонага келганида даврадаги суҳбат аллақачон қизиб кетганди. У ичкарига қадам қўяр-қўймас, маҳалладоши Фазлиддиннинг гапи охирига етди-ю, даврада деразаларни-да титратувчи гулдурос кулгу кўтарилди. Кимдир қорнини чангаллаб, кимдир тиззасига муштлаб, яна кимдир ёнидаги шеригига ёнбошлаб, хуллас, ҳамма кулгу измида турли ҳолда нафаси етиб-етмай қотиб-қотиб куларди. Фақат новча, қотмадан келган Толибжонгина тиззалаб ўтирган ҳолда ноқулай вазиятдан қутулиш учун гоҳ дўпписини пешонасига суриб бошининг орқасини қашир, гоҳ пиёладан чой хўплар, гоҳида бошини сарак-сарак қилиб «бўлди-да энди» дегандек атрофдагиларга бир-бир қараб қўярди.

Мадаминжон остонада турганча кулгунинг босилишини кутди.

– Тинчликми? Зўр янгиликдан кеч қолганга ўхшайман, – даврадагилар билан сўрашар экан, бунинг сабаби билан қизиқди .

- Ростданам зўр гапдан кеч қолдинг Мадаминбек, - кулгудан ўзини базўр тийиб уни ўтиришга таклиф қилди даврабоши Миржалол. - Майли, сенинг баҳонангда яна бир маза қилайлик. Қани, Фазлиддин, бошла.

Фазлиддин ўттиз ёшлардаги сўзамол йигит бўлиб, у каби қишлоқ янгиликларидан тортиб, дунё янгиликларига қадар тез хабардор бўладиган инсон бу атрофда топилмасди.

- Ака, яна бир бор рухсат берасиз-да энди, - Толибжонга юзланди у, ҳурмати жойига қўйган бўлиб.

Бу воқеа марказида Толибжон турганлигидан далолат эди.

- Хуллас, маҳалламиздаги Камолиддин аканинг сигири кейинги пайтларда кўрқоқ бўлиб қолибди. Сал товушга ҳам чўчиб кетаверар экан. Тақир-туқур овозларга-ку, асти қўяверинг. Ҳатто, охурига хашак ташлашса ҳам унинг шитирлашидан чўчиб арқонини узиб юборгудек ҳуркар эмиш. Шунда Камолиддин ака уни мол дўхтирига кўрсатишга мажбур бўлибди. Нима бўлганда ҳам дўхтир дўхтир-да. У сигирни бир кўришдаёқ кўр бўлиб қолганини сезибди. Молни сўйишни ёки бирорта қассобга сотиб юборишни маслаҳат берибди.

Бироқ Камолиддин ака оиласига неча йиллик қадрдон бўлиб қолган сигирни сўйгандан ёхуд ён-атрофдаги қассобга пуллагандан кўра, бозорга олиб бориб сотишни афзал билибди. Толибжон акага эса сигир керак экан, - қўлини кўксига қўйиб, у томонга қараб қўйди-да, сўзини давом эттирди йигит. - Биласизлар, улар иккаласи ёнма-ён қўшни бўлиш билан бирга, яқин оғайни ҳам. Шунинг учун маслаҳатни бир жойга қўйиб, катта машинага молни юклаб иккалалари тонг қоронғи-сида Қўқон мол бозорига йўл олишибди. Камолиддин ака узоқ кутмай, арзонроқ нархга бўлса ҳам биринчи келган харидорга сигирини сотиб, ортига қайтибди. Толибжон ака эса мол танлаб бозор оралаб кетибди ва узоқ саралаб

ўзига маъкул сигирни фалон пулга сотиб олибди. Кўп ўтмай, сигирнинг ўта хуркаклигидан хотинлари нолийвергач, мол дўхтири олиб келишибди. Дўхтир не кўз билан кўрсинки, бир ҳафта аввал кўрган Камолиддин аканинг моли Толибжон аканинг оғилида турганмиш.

Даврада яна «гу-р-р» кулгу кўтарилди. Фақат мустарликдан қизариб, кулимсираб ўтирган Камолиддин акагина бундан мустасно эди.

– Шу арзимас воқеага шунча кулгимиз? – қай даражада мириқиб кулишни истаб турган бўлмасин, ўзини қўлга олди Камолиддин аканинг ҳолига раҳми келган Мадаминжон. – Мол молга ўхшайди-да, булар-ку қўшнисининг сигирини танимабди. Керак бўлса ўзининг молини танимайдиганлар ҳам бор.

– Йў-ўғ-е, бунақасини эшитмаганман. Жа-а унчаликмасдир. Ошириб юбормадингми? – унинг сўзига эътироз билдирди Фазлиддин. – Энг каллаварам одам ҳам ўз молини танийди.

– Нега энди, ҳаётда ҳамма нарса бўлиши мумкин, – фикридан қайтгиси келмади Мадаминжоннинг.

– Гаров боғлашиб айтаманки, минг йил ахтарсанг ҳам қишлоқда бундай лақма одамни тополмайсан, оғайни.

– Агар топсам-чи?

– Унда, истаган нарсангга гаров ўйнаганим бўлсин.

У бўлди, бу бўлди, хуллас, икки йигит мемохонадагиларнинг гувоҳлигида деярли битта сигирнинг пулига гаров боғлашди. Мадаминжонга сўзини исботлаши учун бир ҳафта муддат берилди.

Орадан бир кун ўтиб, тегирмон маҳалладаги Достон аканинг моли яйловдан қайтмади. Бу орада Мадаминжон қишлоқ дўконидан шампун сотиб олди.

– Қани ука бир литрлик энг яхши шампунингдан бериб юборчи.

– Шампун дейсизми, ҳозир-да, ака. Сизга катта ҳажмдаги энг яхши шампундан танлаб бераман, пу-

лига чидасангиз бўлгани, – сотувга қўйилган шампунларни бир-бир назардан ўтказар экан, уларнинг афзал томонларини айтиб мақтай кетди сотувчи йигит.

– Мана, мана бу ҳақиқий фирменний шампун. Ўзиям оилангиз билан нақ уч ой ишлатсангиз бўлади.

– Қанақа оила, буни молимни ювиш учун сотиб ола-япман.

– Молимни?

– Нега бақраясан, пулингни олу, пакетга солиб бер. Нима, молни шампун билан ювишгани ҳақида эшитмаганмисан?

– Йў-ўқ.

– Ундай бўлса, мана билиб олдинг.

Сотувчи мамнун ҳолда дўкондан чиқиб кетган Мадаминжоннинг орқасидан ҳайратланганча қараб қолди.

Айни дамда қишлоқдаги шов-шувли янгиликлардан бири Достон аканинг йўқолган сигири билан боғлиқ воқеалар эди. Бу ҳақда қишлоқ участка нозирига хабар берилган бўлиб, барча мол бозорлари-ю, тегишли жойларга хабар кетганди. Сигир эгалари эса уни қишлоқма-қишлоқ излаш билан овора.

Орадан бир кун ўтиб қишлоқ этагидаги молбозорга Мадаминжон сигирини сотувга олиб чиқди. Катта бозор чорва ҳайвонлари билан тўла. Эшакдан тортиб эчкига қадар сотувга қўйилган. Бироқ Мадаминжоннинг туёғидан бошлаб, терисининг юнгидан шохига қадар ялтиллаб турган сигири барчанинг эътиборида. Бозордаги молларни кўздан кечириб юрган участка нозири билан Достон ака ҳам шу сигирнинг олди-га келиб тўхташди. Тўғрироғи, Достон ака молга бир кўришда «ошиқ» бўлиб қолди.

– Сигирингни қанчага сотмоқчисан, ука?

– Бўлиши уч миллион.

– Жуда нархи баланд-ку?

– Молни биладиган одамга бу меъёрдаги нарх ака.

– Хотиним яна битта сигир олиб беринг деб қачондан буён айтиб юради. Акс бўлиб уйдаги сигир ҳам йўқолиб ўтирибди. Астойдил излаяпмиз, топилиб қолса, ажабмас. Бундан хотиним анча сиқилиб қолди. Шунинг учун нархини сал келиштириб айтсанг сотиб олардим-да, – молнинг атрофида парвона бўлиб, уни астойдил кўздан кечира бошлади Достон ака.

– Ака, кўриб турибсиз, молнинг харидори кўп. Озгина қаттиқлик қилмасангиз, хотинингиз ҳам хурсанд бўлади, молга ҳам ёлчийсиз.

– Тўғри, – Мадаминжоннинг гапини тасдиқлади ўртадаги даллол. – Бунақанги чиройли сигир бозорга камдан-кам киради. Олсангиз олинг, ака, бўлмаса савдога халақит берманг.

Сигирнинг атрофидаги харидорларнинг кўплигини кўриб, Достон ака шошиб қолди.

– Ўзиям жуда қаттиқ экансан-да, ука. Майли, олсам олақолай, хотиним бир хурсанд бўлсин. Сигиринг чинданам кўзга яқин, истараси иссиқ экан.

Сигирга бор барака қилинди. Одатга кўра Мадаминжон молининг арқонини ечиб олиши керак эди. Лекин бундай қилмади.

– Арқони билан олиб кета қолинг, ака. Мен ортиқча ирим-сиримларга ишонмайман, – мийиғида кулиб кўйди у. – Кечга томон бир дўстим билан олдингизга ўтамиз. Сизда зарур ишимиз бор.

– Майли, майли, ўтаверинглар. Эшигимиз ҳамиша очиқ, – деди Достон ака мамнун қиёфада молни етаклар экан.

Не ажабки, мол бошини эккан кўйи ҳеч қандай қаршиликсиз Достон акага эргашди. Ҳатто янги эгасининг олдига тушиб олган мол маҳалласига адашмай бурилиб, ҳовли дарвозаси томон юрди. Молнинг

«ақллилигидан» Достон ака лолу ҳайрон эди. «Ё тавба, шунақаси ҳам бўлар экан-да. Истараси иссиқ десам, ақли ҳам бало экан». Энг қизиғи ҳовлига киргач, тўғри оғилхона томонга юрган сигир, у ердаги вояга етиб қолган бузоқ билан ялашиб-юлқашиб кетди. Достон ака эса, хотинига мақтаниш учун шошилди. Янги сигирни тезроқ кўриш истагида оёғини қўлига олиб, етиб келган хотини унга кўзи тушди-ю тили калимага келмай, бир муддат қотиб қолди...

Шундай қилиб, ўзининг молини сотиб олган Достон ака воқеаси ён-атрофга дув-дув гап бўлди. Аслида, яйловдаги энг исқирт сигирни «ўмарган» Мадаминжоннинг мақсади бошқа эди. Яъни, сигирни ювиб тозалагач, бозорга олиб чиқмоқчи, лекин сотмоқчи эмасди. Чунки бозорга участка нозири билан мол эгаларининг чиқишини яхши билан йигит эгаси сигирини таний олмаса, гаровга сабаб бўлган фикрини исботламоқчи эди. Аксига олиб харидор мол эгасининг ўзи бўлиб чиқди.

Гаровда ютиб чиққан Мадаминжон эса, ўз молини ўзига пуллаган устаси фаранг ўғри сифатида бир қатор мол ўғирликларида гумон қилиниб, сўроқ-жавоб беришига тўғри келди. У кўп эмас, атиги бир ойгина туман милиция бўлимининг ҳибсхонасида «меҳмон» бўлиб қайтди. Унинг ҳалол-пок йигит эканига гувоҳлик бериш учун мемохонадаги оғайнилари неча бор туман марказига қатнамади дейсиз. Ҳазилдан чиққан бу ҳангома ҳамон тиллардан-тилларга кўчиб юрган бўлса, ажабмас. Савол-жавобларда обдон тобланган Мадаминжон эса иккинчи бор гаров ўйнамасликка аҳд қилгани аниқ.



## ХИЁНАТ ОСТОНАСИДА

Матлуба дадаларини кута-кута ухлаб қолган ўғли ва қизалоғининг ёпинчиқларини тўғрилаб, юзларига меҳр билан бир оз термилиб турди-да, хона эшигини оҳиста беркитиб, ортига қайтди. Турмуш ўртоғи Алишернинг ишдан қайтишига тайёрлаб қўйган дастурхонни яна бир бор кўздан кечириб, аста диванга чўкди. Бугун у ёқтирган овқатни астойдил, меҳр билан тайёрлагани учун кўзи эшикда бўлди. Қани энди хизматдан олдингидек эртароқ қайтсаю, дастурхон атрофида дадалари йўлига ҳар куни интиқ кўз тутадиган болалари билан бирга овқатланишса. Аммо мана уч-тўрт ой бўлдики, Алишернинг нафақат хизматдан қайтиш вақти, балки феъл-атвори ҳам ўзгарган. Матлубага нисбатан муомаласи совуқ, ҳар битта гапи зардали, ҳар бир ишидан айб топиб жеркийди, фарзандларига безътибор. У шу ҳақда ўйларкан, бу ҳолнинг сабабини ўйлаб, фикрини жамломай қийналарди. Матлубанинг хаёли беихтиёр ортга – икки ёшнинг бахтли онларига қайтди...

Улар бир қишлоқда улғайишган, бир мактабда таҳсил олишган. Оталари яқин дўст эди. Балки бу уларнинг узоқ Сибирда – армияда бирга хизмат қилгани билан боғлиқдир. Ҳарқалай, оталари сабаб, икки оила ўртасида меҳр риштаси боғланган, борди-келди йўлга қўйилганди. Катталар бу риштани янада мустаҳкам бўлишини ишташди – Алишер билан Матлубанинг бошини боғлаб қўйишди. Савоб иш олдидан албатта ёшларнинг хоҳши инобатга олинди. Бу ўсмир чоғидан бошлаб бир-бирига сирли-сирли боқиб юргувчи, муҳаббатлари қалб тубидан юзага чиқмаган икки ёш учун айна муддао эди. Улар бу пайтда катта шаҳардаги олийгоҳларда таҳсил олишарди. Унаштирув севиб севилиш бахтига мушарраф бўлган йигит-қизни муҳаббатнинг бахтиёр жуфтлигига айлантирди.

Бир-бирларини, муҳаббатларини асраб-авайлашди. Ва ниҳоят, тўю томошалар ила бир ёстиққа бош қўйишди. Ўзаро ишонч, меҳр, садоқат оила устунига айланди. Бирин-кетин туғилган ўғли ва қизи уларнинг ҳаётини янада тўкис қилди, қувончга тўлдирди. Алишернинг масъулиятли вазифаси сабаб, улар катта шаҳарда истиқомат қила бошладилар. Матлуба ҳам ўғли Элбек мактабга чиққач, қизалоғи Рухшонани боғчага бериб, ўзи ишга кирди. Ҳа, уларнинг бахти ҳавас қилса арзиғулик эди. Аммо...

Матлуба шу ерга етганда чуқур уҳ тортиб, ўрнидан турди, соат милларига қаради. Тунги иккидан ошаяпти. Ҳар галгидек дераза олдиға бориб, узоқларға термилди. Юқори қаватдан шаҳар тунда янада чиройли кўринади. Сон-саноксиз ранг-баранг чироқлар осмондаги юлдузлар билан беллашаётгандек гўё. Кун бўйи шовқиндан чарчаган азим шаҳар сокин тин олган. Бу гўзал манзара билан ҳаловати йўқ, уйқусиз бедорларгина сирлашиши мумкин. Мана, неча ойдирки, Матлуба ҳам бу тунги сокинликка ошно тутинган, унинг сирдошиға айланган. Йироқ-йироқларға термилиб, хаёл гирдобида тун оғушиға сингиб кетган ғамгин аёлни эшик қўнғироғи сергаклантирди. У эшик очиш учун шошиларкан, «бугун Алишер акам қандай ҳолатда келаркин?» деган ҳадикдан ҳар доимгидек юраги безиллади. Эшик очилар-очилмас, Алишер аёлининг саломига алик ҳам олмай, уни остонада елкаси билан туртиб ўтиб, ичкариға кирди. Унинг ширакайфлиги сезилиб турарди.

– Ҳа, яна ухламай мени сўроқ қилиш учун пойлаб ўтирибсанми? – бўйинбоғини ечиб диванга улоқтираркан ўшқирди хотиниға.

Матлуба айни пайтда эриға бир оғиз гап ҳам ортиқча эканлигини сезиб, жавоб қайтармасликни лозим топди. Бир томондан унинг бақир-чақириғидан болалари уйғониб кетишини истамади.

– Саволимга жавоб қайтармай нимага бўзрайиб турибсан, дийдиёнгни бошламайсанми? Эрининг истехзо аралаш аччиқ гапи юрагига қай даражада оғир ботмасин, Матлуба ўзини босди.

– Овқатланасизми? Сиз ёқтирган таомни тайёрлагандим, – деди аста.

– Овқат-повқатинг керак эмас. Сенинг ҳеч нарсанг ёқмайди менга, ўзингни-ку гапирмаса ҳам бўлади.

Кийимини ҳам алмаштирмай диванга чўзилди Алишер.

Матлуба ётоғи томон юраркан, қадрсизлик, хўрликдан бўғзига тиқилган аччиқ алам ёноқларидан ёш бўлиб қуйиларди. «Кундан-кун феъл-атвори оғирлашиб бораяпти», юраги титраб, кўз ёшларини тиёлмасди у. «Унинг ўзга аёлга илакишгани аниқ. Бўлмаса бу даражада ўзгармас эди. Дардимни кимга айтиб, кимдан маслаҳат олсам бўлади. Хизмат жойига борсам эрининг обрўсини тўкаман. Орамиз янада бузилади. Бирорта жигарим яқинимда бўлса эди, суянардим, дардлашардим. Ота-оналаримизни кексайган чоғида оилавий муаммоларимиз билан безовта қилиш эса яхши эмас. Шундоғам, қон босими-ю юрак хасталигига тенг келиб яшаётган катталарга менинг арзу ҳолим дард устига чипқон бўлади. Бу муаммонинг ечимини ўзим топишим керак, ўзим...».

Матлуба минг хил хаёллар оғушида тонг оттирди. Унинг заъфарон ранги, киртайган кўзлари дардга чалинган беморни эслатарди. Тонг саҳардан ошхонада куймаланар экан, эри хизматга отланмай туриб, болалари билан кўришишини истарди. Чунки улар неча кунлардан буён дадаларига интиқ, уни соғинишган. Аммо Алишер хотинига эътибор ҳам бермай, ошхонада тик оёқда туриб нонушта қилди-да, ташқари эшикни зарда билан қарсиллатиб ёпиб чиқиб кетди. Матлуба бир муддат карахт ҳолда қотиб турди, ниҳоят ўзини қўлга олиб болалар хона-

си томон юрди. Ахир уларни боғчага, мактабга кузатиб, ўзи ишга бориши керак...

Инсон қаерда хизмат қилмасин, ҳар бир қадами жамоа эътиборида бўлади. Ҳатто шахсий ҳаёти ҳам. Буни барчадан сир тутаман, деган инсон янглишади. Алишернинг Динара билан хуфиёна учрашиб юриши ҳам хизматдошлари назаридан четда қолмади. Икки болали бу енгилтабиат аёл пулдор эркаклар билан аввал ҳам бахтини кўп бора синаб кўрганди. Йигитнинг ноҳўя қадами раҳбарининг қулоғига ҳам етиб борди. Бу ҳолга ойдинлик киритиш учун уни хонасига чақиртирди ва муддаога ўтди:

– Алишер, сизнинг иқтидорингиз, хизмат вазифангизга масъулият билан ёндашингизни яхши билман, – гапни узоқдан бошлади у. – Катта жамоада тез ўрин топишнинг ўзи бўлмайди. Сиз буни тиришқоқлигингиз, билим ва қатъиятингиз билан тез удаладингиз. Лекин шундай ақлли, забардаст йигит оила тинчлиги, аҳиллигини нима учун удалай олмаяпсиз?

Бу сўзни эшитган заҳоти Алишернинг ранги ўзгарди, «хотиним арз қилиб келибди» деган фикр хаёлидан чакмоқдек ўтдию, жавоб беришга бир муддат тараддулланиб қолди.

Кўпни кўрган тажрибали раҳбар «ўқи нишонга беҳато текканини», йигит чиндан-да оиласига хиёнат қилаётганини сезди.

– Агар аёлим устимдан шикоят қилиб келибди, дегангиз янглишасиз, – сўзида давом этди у, йигитнинг фикрини уққандек. – Сиз учрашиб юрган аёл ҳақида суриштирдим. Унинг эркакларнинг пули учун бошини айлантирадиган ахлоқсиз хотин эканлиги аён бўлди. Агар катта маошингиз бўлмаса, сиздан осонгина воз кечади у. Бундан чиқди, маошингизни оилангизга эмас ўшанга сарфляяпсиз. Бу хиёнатдан аёлингиз, болаларингиз жабр кўраётгани аниқ. Бошлиқ сифатида қўл остимда-

гиларнинг оиласига эътибор қаратиш, асраш менинг ҳам бурчим. Хў-ўш, буёғига ҳаётингизни қандай давом эттирмоқчисиз?

Алишер совуқ тер босган пешонасини артаркан, кутилмаган бу саволга нима деб жавоб қайтаришни билмасди. Раҳбар унинг юриш-туриши, оилавий аҳволини кўриб тургандек эди гўё.

– Буларнинг барчаси тухмат, – деди аста жўяли баҳонаси бўлмаса-да ўзини бир оз қўлга олиб. – Мен у аёлга иккита боласи билан қийналиб қолганлиги учун беғараз ёрдам бергандим. Буни билганлар нотўғри тушунган чоғи.

Йигитнинг отдан тушса ҳам эгардан тушгиси йўқлигини сезган жамоа етакчиси бу салбий ҳолатни ўзгача йўл билан ҳал этиш лозимлигини англаб етди.

– Жуда соз. Ундай бўлса, вазиятни ойдинлаштириш учун хизматдан сўнг икки киши оилангиздаги аҳвол билан танишгани боради, – гапни қисқа қилди у.

Неча ойлардан буён гоҳо мажлис, гоҳо ишга доир учрашувларни баҳона қилиб хизматдан кеч қайтадиган эрининг барвақт уйга келиши Матлубани ҳайратлангирди. Дадаларини кўрган заҳоти болалари унинг кучоғига отилишди. Бироқ Алишер қовоғини очмас, устидан арз қилиб борган «шаллақи» хотинини жазолашни истарди.

– Сен ҳали менинг устимдан шикоят қилиб юрибсанми? – болаларини ҳам унутиб хотинига ўшқира кетди у. – Уйдаги етишмовчиликлар ҳақида ҳам гапирибсан. Бошлиғим, хизматдошларим олдида обрўйимни бир пул қилдинг.

Матлуба дадасининг вазоҳатидан кўрқиб кетиб биқинига тиқилган болаларини тинчлантирар экан:

– Шу кунгача сизнинг қилиқларингиз ҳақида ҳеч кимсага оғиз очганим йўқ. Инсофга келишингизни кутяпман, – деди босиқлик билан. – Рўзғор камчиликлари ҳақида ўйламай қўйганингизга анча бўлди. Катта маошингиздан минг аччиқ-тирсиқ билан қўлимга арзи-

маган пул тутқазасиз. Хайриятки, кўлимда касбим бор, оиладаги камчиликларни бир амаллаб уддалаяпман.

– Нима, бу билан сизни мен боқаяпман демоқчимисан? – ранги кўкара бошлади Алишернинг. – Ундай бўлса ҳозироқ уйни ташлаб чиқиб кетишим мумкин. Болаларинг билан ўзинг яшай қол.

– Бу нима деганингиз. Наҳотки ўз ҳузур-ҳаловатингиз, бахтимизга чанг солиб турган ахлоқсиз аёлни деб биздан воз кечсангиз.

– Сенга рўбару бўлдим дегунча, юриш-туришиму оиладаги камчиликдан сўз очасан. Менинг бўлишим шу, чидасанг яша, чидамасанг катта кўча.

Матлуба турган жойида қотиб қолди. Кўнгил кўйиб, суянган тоғим дея ишонган жуфти ҳалоли шу даражага боради, деб ҳеч ўйламаганди. Неча ойлардан буён давом этиб келаётган можарою эрининг меҳрсизлиги, зуғумларидан чарчаган аёл:

– Шу йўлни танлаган экансиз, сизга ялинишим бефойда, – деди аста ўзини қўлга олиб, – ҳозироқ ўша аёлнинг олдига кетишингиз мумкин, йўлингиз очиқ.

Аёлининг иродали ва ғурурли эканлигини билса-да, бундай хулосага келишини хаёлига келтирмаган Алишер бир оз каловланиб турди-да, ҳақоратли сўзларни хотинига яна бир бор тўкиб солгач, уйдан чиқиб кетди.

Аёлларга хос кўзига салга ёш тўладиган Матлуба бу гал йиғламади. Бироқ эрининг болаларидан, оиласидан шу қадар тез воз кечишини кутмаганди. Алишер чиқиб кетгач, ўғли ва қизини бағрига босганича диванда бир муддат сўзсиз қотиб ўтирди. Сўнг болаларининг юзларидан ўпиб, ўзини овутиш, тафтини босиш учун аста ошхона томон йўналди.

Кўп ўтмай оиладаги вазият билан яқиндан танишиш истагида келган Алишернинг хизматдаги бошлиғи бўлиб ўтган воқеалар тафсилотидан боҳабар бўлди ва оилани асраш чорасини кўрди. Маошининг

асосий қисмини оилага, яъни Матлубага бериб туришга қарор қилди у. Бошлиқнинг режаси кўп ўтмай иш берди. Алишернинг пулларидаан айрилган Динара уни осонгина четга суриб, бошқа пулдор эркак билан яшай бошлади. Йигитнинг бошини эгган бу ҳолат шуурини тиниқлаштирди, бошлиғининг гапи қай даражада ҳақ эканлигини англади...

Оиласига қайтган афтодаҳол Алишерни Матлуба кўкрагидан итармади. Чунки фарзандлари учун оталари қай даражада азиз эканлигини ҳис қилиб турарди у. Шунингдек, бир ахлоқсиз аёлни деб оиласи пароканда бўлишини истамади. Алишер ўғли Элбек ва қизи Руҳшонани тиззасига ўтказиб ўзгача меҳр билан суярган, аёлини зимдан кузатиб қалби эзиларди. У ўтган ойлар ичида анча ўзгарган, ранги синиқ, доимо кулиб турувчи чехраси маҳзун ва ўйчан. Бу кечирилмас хато – хиёнат излари Матлубанинг кўксига қора доғ бўлиб қолишини англаб турар, хиёнаткор тамғасидан қутулиб, гуноҳини ювиш ҳақида ўйларди...

## ЭРТА УЗИЛГАН ҒУНЧА

Ишдан ҳориб қайтган Собиржон ҳар доимгидек онасини зиёрат қилиш учун унинг уйчаси томон қадам ташларкан, меҳмонхонадан аёлларнинг гурунги кулоғига чалинди. «Яна совчилар келган кўринади», кўнглидан ўтган ўй тугар-тугамас ошхонадан чойнак кўтариб олган хотини Ноила чиқиб келди.

– Вой, ҳорманг, дадаси, келдингизми? Бугун ҳартугул эртароқ қайтибсизми?

Хотинининг кетма-кет мулозаматига бош ирғаб жавоб қайтарган оила бошлиғи:

– Тинчликми? – деди меҳмонхона томон кўз қирини ташлаб.

– Ҳа, яна ўша совчилар. Юқори маҳалладаги Муслима опаникидан. Аям ҳам ўшаларнинг олдида.

– Бошидаёқ сенга айтганман. Ипини уз уларнинг, яна қайтиб келмасин деб. Қизинг ҳали ўн еттига ҳам тўлмаган гўдак-ку, – эрининг вазоҳатидан ранги ўзгарган Ноила совчилар эшитиб қолишидан чўчиб уни тинчлантиришга тутинди.

– Ўзингизни босинг, дадаси. Қизи бор уйга совчилар келади-да, эшикни тамбалаб ўтиролмасак. Кейин улар қанча келиб-кетишмасин, қизингизнинг тақдирини бари бир сиз ҳал қиласиз, – у совчилар томон хижолатлик билан қараб-қараб кўяркан: – Аям ҳар гал совчиларга қаттиқ гапирманг, дили оғриб кетмасин, нима бўлганда ҳам улар меҳмон дерди, – овозини пастлаб кўшиб кўйди у.

Ноила бу гапи билан онасининг розилигини шипшитиб кўйганди. Бу суҳбат меҳмонлар кетгач, катталар орасида яна давом этди.

– Кун бўйи мошин миниб белларинг ҳам толиб кетгандир, болам, – кайфиятсиз ўтирган ўғлининг елкаларини силади Анорхон хола.

– Аяжон, Райҳонани узатишга ҳали эрта эмасми? – муддаога ўта қолди Собиржон онаси бу мавзуда сўз очишга қийналаётганини кўриб.

– Қизинг ёш бўлса ҳам дуркунгина. Келаётган совчилар қишлоқнинг олди одамлари. Раҳматли Набижон эрта оламдан ўтган бўлса ҳам ўзидан элга манзур оила қолдириб кетди. Аёли Муслимахон жуда бамаъни жувон. Ўғиллари ҳам келишган, ўқимишли, яхши йигит экан. Қиз болани яқинингга берганга нима етсин, тез-тез кўриб турасан. Узоқнинг буғдойидан яқиннинг сомони яхши дейишади. Кейин йигитнинг кўнгли бор чоғи, шундан бошқасига уйланмайман дебди.

– Нима бўлганда ҳам ҳозир тўй қила олмаймиз. Камида икки-уч йил бор, – онасига ётиғи билан тушунтирмоқчи бўлди Собиржон. – Райҳона бирор ҳунар эга-



си бўлсин. Биз ҳам орқа-олдимизни йиғиштириб, тўй қилишга тайёргарлик кўрайлик. Кам-кемтигимизни тўғрилаб олгач, бу ҳақда ўйлаб кўрсак бўлади.

– Ўзингни, болангни ўйлаяпсану мени унутиб қўй-  
япсан, ўғлим, – хомуш тортди Анорхон хола. – Ёшим бир  
жойга бориб қолди. Мен тенгқурлар аллақачон бир этак  
эваранинг эгаси. Ҳар йили икки-уч тўйнинг бошида дуо  
қилиб ўтиришади. Ўйлаб қарасам тўй қилганимизга ҳам  
анча йил бўлди. Уч-тўрт кунлигим борми-йўқми, нева-  
рамнинг тўйини кўрай дейман-да, болам. Қизим йўқли-  
ги учун Райҳонани қиз ўрнида катта қилдим. Шунинг ке-  
линлигини кўрсам чин дунёга беармон кетардим. Аммо  
битта неварамга ҳам ҳаддим сиғмас экан, нима ҳам дер-  
дим, – ўпкаланган кўйи жим қолди у.

– Аяжон, нима бўлганда ҳам шу ўлим ҳақида гапир-  
манг, – онасига ён берди Собиржон. – Бу масалани эр-  
тага кенгашиб ҳал қиламиз, ҳозир жуда чарчаганман.  
Кейин Райҳонанинг кўнглига ҳам қараш керак.

– Сен бемалол дамингни ол, болам, – чиройи очилди  
холанинг. – Агар тўй қилиш насиб қилса, пенсиямдан  
неварамга атаб йиғиб қўйганим бор. Сарпо-сидирғала-  
рига бемалол етади.

Собиржон қаттиқ толиққаниданми ёки совчилар  
сабаб асаби бузилганиданми, ёстиққа бошини қўй-  
ди-ю уйқуси қочди. Ўйлар гирдобини ҳаловатини олди.  
У ҳарчанд чора изламасин, онасининг айтганини қи-  
лишга мажбур эди. Чунки онаси шу ўғли сабаб қадди-  
ни тутиб турар, бор орзу мақсадини унга тикканди.

Анорхон хола аслида уч паҳлавон ўғил туққан  
бўлиб, катта ўғли Содиқжон никоҳ тўйи арафаси-  
да автоҳалокатда ҳалок бўлган, орадан кўп ўтмай  
эри Ҳошимжон акадан айрилган эди. Ўртанча ўғли  
Соҳибжон эса йигирма йилдирки бефарзанд. Ёши  
қирққа яқинлашганда кўргани Собиржон онасини

беш набира билан сийлади. Улар уч ўғил, икки қиз бўлиб, катта ўғли ўн саккизда, совчилар «қармоғида турган» Райҳона ўн олтидан ошганди.

Собиржон дарди тунда хуруж қиладиган дардман одамдек, тўлғона-тўлғона тонг оттирди...

Орадан уч ой ўтиб у куёвлик бўлди. Ўғил-қизларини ўқитиб, касб-хунарли қиламан деб орзу қилган йигитнинг шашти бир поғона пасайди. Қудалар томонидан сарполарга ўралган Анорхон холанинг эса кўнгли тоғдек кўтарилди. Эвара кўришни интиқлик ила кута бошлади. Орадан кўп ўтмай...

– Холажон, суюнчи беринг, – тушга яқин кўшни келин келтирган мужда холани чиндан-да қувонтирган бўлса, Ноила опани бир оз довдиратиб кўйди. Чунки қизини эрта турмушга берган бўлсада, она бўлишга ҳали ёш эканлигини ҳис қилиб турарди у.

– Намунча ўйланмасангиз, – келинини койиди Анорхон хола. – Биз тенгқурлар ўн уч, ўн тўрт ёшда эрга тегиб, ўн беш ёшда болалик бўлган. Ҳаммаси сербола, пиру бадавлат. Ҳадеб ўйлагандан кўра қизингизнинг ҳолидан хабар олинг.

Қайнона-келиннинг суҳбати тугар-тугамас қудалари Муслима опа кириб келди. Унинг бир оз ҳаяжонли мамнун қиёфасидан «қутлуғ бўлсин»га келгани кўриниб турарди. Аёлларнинг ширин суҳбати ширин орзуларга, эзгу дуоларга уланди.

Аммо бу қувончли дамлар узоққа чўзилмади. Қорин қисмида қаттиқ оғриқ билан шифохонага тушган Райҳона шошилиш тарзда жарроҳлик столига ётқизилди.

Бир зумда қишлоқни эгаллаган бу нохуш хабар тилдан-тилга ўтди, турли миш-мишлар келтириб чиқарди:

– Эссизгина, бола трубада бўлгани учун ҳомила билан бирга трубани ҳам олиб ташлашибди.

- Шўрлик, энди фарзанд кўрмас экан. Мўъжиза юз бериб бола кўрган тақдирда ҳам, битта трубада ё фақат қиз ёки фақат ўғил туғилар экан.

- Ёшгина қиз яримжон бўлиб қолибди-да, эрта эрга берганнинг оқибати бу.

- Энди ажралиб кетишлари аниқ, туғмас хотин кимга керак...

Бу кўнгилсизликдан икки оиланинг тинчи бузилган бўлса, эл орасидаги гап-сўзлардан диллари вайрон бўлди. Катталар бу нохушликнинг асосий сабаби Райҳонанинг ёш вужуди ҳали оналикка тайёр эмаслигини англаб туришарди.

Шифокорлар ёш онанинг фарзанд кўриши учун зарур бўлган бачадоннинг иккинчи найчаси ҳам носоғлом эканлиги, тезлик ила даволаниши зарурлигини таъкидлашди. Касаллик нелигини билмай дуркун ўсаётган Райҳонанинг ҳаёти шифокорларнинг оғир муолажаларига уланди.

Шу алфозда ойлар йилларга уланди. Ёшликнинг, оналикнинг ширин орзулари қалбида сўниб бораётган қиз эрта баҳорда бевақт гуллаб, қаҳратонга рўбару бўлган ниҳолга ўхшарди гўё.

Турмуш ўртоғи Акмал ва қайнонаси яхши кунларга умид қилган ҳолда унга ҳар томонлама таянч бўлишга ҳаракат қилишарди. Бироқ иккинчи ўғлига келин олиб тўққиз ойда набира кўрган Муслима опа «бефарзандликда» умри ўтаётган катта ўғлини ўйлай бошлади. Унинг муомаласи Райҳонага нисбатан анчайин ўзгариб қолганди.

- Райҳона, ортимдан юринг, - эрталабки нонуштадан сўнг ошхонани тартибга келтираётган келинини ичкари уйга олиб кирди у. - Иккаламиз холи келишиб олайлик дедим. Ҳозир уйингизга кириб енгил нарсаларингизни, кўрпа-тўшагингизни йиғасиз. Шу кўчлар билан сизни ота-онангизнинг олдига қўйиб келмоқчиман.

Бу совуқ хабардан ранги бўздек оқариб, қотиб турган Райҳонани қайнонаси жеркиб берди.

– Намунча ўзингизни йўқотиб қўймасангиз. Ирим-сирим учун шундай қиламиз. Мана, тўрт йилдан ошди, ҳомиладор бўлмаясиз. Фарзанд кўрмаётганлар номига бўлса ҳам кўч кўтариши керак. Бир-икки ҳафтадан кейин яна қайтариб олиб келамиз.

– Акмал акам...

– Акмал сафарда эканлиги учун ҳам шундай қиляяман, – унинг оғзидан сўзини олди Муслима опа. – Ўғлимнинг билиши шарт эмас. Чунки бундай ирим-сиримларга ишонмайди у. Қотиб турмасдан тез-тез бўлақолинг, машина айтиб қўйганман, – муомаласи анчайин кескир ва қатъий эди қайнонасининг.

Орадан бир ҳафта ўтди. Қудасининг бемаслаҳат қилган бу иши Собиржонга оғир ботди. У «кўч кўтариш» ирими яхши ниятда қилганини ҳарчанд тушунтирмасин, орадаги турли хил гап-сўзлар қудалар ўртасига совуқчилик солганди.

Акмал сафардан қайтган заҳоти Райҳонанинг олдига борди, катталардан узр сўради. Бироқ Собиржон қизининг сўлғин чеҳрасига қараб қай даражада эзилмасин, уни куёвининг хонадонига қайтармасликка қарор қилди.

Бу ишларда ўзини гуноҳкор деб билган Анорхон хола эса кечаю кундуз жойнамоз устида узоқ ўтириб ибодат қилар, кўз ёшлари юзини ювиб набирасининг фарзанд кўриб, қўшгани билан қўша қаришини тилашдан чарчамасди.

Орадан беш ой ўтди. Икки ёшнинг айрилиқдаги кунлари чўзилган сари турли миш-мишлар, айниқса, Муслима опага гап ўргатувчи, йўл-йўриқ кўрсатувчилар кўпайиб борди:

– Келингизнинг туғмаслиги аниқ. Шу кетган баҳонасида ундан қутулгангиз маъқул.

– Ўқимишли, келишган ўғлингизга кимлар қизини бермайди. Қаттиқ турсангиз касалманд, туғмас хотинидан воз кечади.

– Менинг ойдек жияним бор. Ўғлингиз хотини билан ажрашган заҳоти остонангизга келин қилиб олиб келаман...

Ўзини қўлга олиб чеварчиликни касб қилган гўзал Райҳонага эса совчилар чиқа бошлади.

– Ниҳоятда бадавлат, баобрў йигит, – кўшни қишлоқдан совчи бўлиб келган Собиржон аканинг таниши жон куйдириб уни кўндиришга ҳаракат қиларди. – Хотини оламдан ўтиб уч бола билан қолганига икки йил бўляпти. Қизингизни кўриб ёқтириб қолибди. Фарзанд кўрса-кўрмаса бошида кўтариб юради...

Ўртадаги ҳолат мураккаблашиб бораётганини кўрган Акмал севимли аёлининг остонасига яна бош уриб борди.

– Дада, Райҳона иккимизни ажратманглар. Уни пойтахтга олиб бориб, энг яхши шифокорларга кўрсатаман. Насиб қилса фарзандимиз бўлади. Агар бўлмаса пешонамизда борини кўрамиз, аммо айрилмаймиз.

Куёвининг кўзида ёш билан юракдан айтган сўзлари Собиржоннинг тошдек қотиб турган қалбини, қайсар феълини юмшатди. Икки ёшга оқ фотиҳа берди.

Орадан уч йил ўтди. Райҳона қайта-қайта даволанди. Лекин натижа кўринмасди. Бу орада овсини Гулзода учинчи фарзандига ҳомиладор бўлди.

– Овсинингизнинг оғзи бемаза, қуввати йўқ. Кўнгли тусаган нарсаларни олиб келиш учун шаҳарга бориб келаман. Сиз уй юмушларини тинчитиб овсинингизга, болаларига қараб турунг, – Райҳонага тайинлар экан, кесатиқ ила овозини пастлатиб кўшиб кўйди: – Туғмас хотиннинг ҳоли шундай бўлади.

У эрига бўлган муҳаббати сабаб, қайнонасининг бундай гапларига ҳар гал чидаб сабр қилсада, бу сафар

кўз ёшларини тия олмади. Уйига кириб ёстиққа юзини босганча ҳўнграб йиғлаб юборди.

– Опажон, – Гулзоданинг қўллари унинг елкасини силади. – Сиз аямдан хафа бўлманг. Улар атайин сизни куйсин, куюк устида бўйида бўлади, деб шундай гапларни гапирди. Аслида сизни мендан ортиқ яхши кўради, доим дуо қилади. Менга ҳам «Райҳонани дуо қилинг, ҳозирги ҳолатингизда сизнинг илтижоингиз ўтади», деб тайинлади. Сезган бўлсангиз, сизга гапирди-ю, дарвозадан кўзларида ёш билан чиқиб кетди. Мана кўрасиз, ҳаммаси яхши бўлади, асло умидингизни узманг.

Райҳона овсинининг гапларидан бир оз таскин топди, ўзини қўлга олди. Унинг ҳамдардлигидан руҳи энгил торган ҳолда, қайнонаси тайинлаган юмушларни бажаришга киришди.

Орадан кўп ўтмай у ўзини нохуш сеза бошлади. Лекин яқиндагина врач кўригидан ўтгани учун шифокорга учрашни истамди. Кундан-кун иштаҳаси қайтиб, ҳолсизланиб бораётгани сабаб, қайнонасининг зўри билан замонавий аппаратларда текширтириш учун шаҳарга борди. Райҳона шифокорлар кўригидан ҳорғин, аммо ўзгача қиёфада қайтди.

Келинининг йўлига хавотирлик ила кўз тикиб турган Муслима опа унинг юзига савол назари билан термилар экан, сўзсиз ҳам хушхабар борлигини англаб етди ва уни бағрига босганча йиғлаб юборди...

## ҚАЙҒУЛАРДА СИНАЛГАН БАХТ

(Ҳикоя)

Эрта баҳорнинг булутли тонги. Тунда рўй берган мудҳиш воқеадан Ҳотамтой аҳли ғафлатда қолди. Қишлоқ оёққа қалқиганда эса кеч бўлганди. Оила бошлиғи Машрабжон ака ва аёли Малоҳатнинг жонига қасд қилганлар аллақачон ғойиб бўлган, оиланинг ягона фарзанди Солиҳа кўшни аёллар қуршовида қарахт ҳолатда турарди.

– Яхшиям қизгина дугонасиникида экан. Бўлмаса унинг ҳам умри бевақт хазон бўларди.

– Шуни айтинг, кўшни. Бундай ноинсоф одамларнинг кўлидан ҳамма нарса келади. Уни худонинг ўзи асрабди, – кўзларида ёш билан бош чайқаб ўзаро шивирлашарди кўшни аёллар.

– Ҳой, Турдихон, Солиҳанинг кийимларини алмаштирсаларинг-чи, – маҳалланинг катта онахони Донохон аянинг «ўзларингни қўлга олинглар», қабилидаги бу буйруғи аёлларни сергаклантирди.

Ота-онасининг жасадига ёпишиб кийимлари қонга беланган қизни икки жувон кўшни хоналардан бирига олиб ўтишди.

Бу оиланинг водийнинг чет қишлоқларидан бўлган Ҳотамтойга кўчиб келганига йигирма йилдан ошган. Бироқ шу кунга қадар уларнинг авлод-аждодлари, асли қаерлик эканликлари ҳақида ҳеч ким ҳеч нарса билмасди. Кимдир «Малоҳатхон Самарқанд томонларни кўп гапирарди, улар шу томондан бўлса керак», дея фикр билдирса, маҳалладошлардан яна бири «Йўқ, улар, менимча, Хоразмдан. Аждодлари Хива хонларига яқин инсонлар бўлганлиги қулоғимга чалинганди», деган гапни такрорларди. Ҳатто эр-хотиннинг ҳужжатлари орқали ҳам буни аниқлаш имкони бўлмади. Авлоднинг ягона давом-

чиси Солиҳа эса ота-онаснинг ўзаро қариндош эканликлари, катта бобоси Мирзакарвон номи билан юртга танилган, ўта бадавлат инсон бўлганлигини биларди, холос. Қандай воқеа юз берганки, ўзаро амакивачча бўлган ота-онасининг авлодлари қаттиқ тазйиққа учраб, сирли равишда бутунлай йўқ қилинган. Ўша даврларда уч-тўрт яшар бўлган Машрабжон ва Малоҳатни авлодга содиқ инсонлардан бири яшириб улгурган, исми-шарифини ўзгартириб катта қилганди. Бироқ бу воқеалар оилада қаттиқ сир сақланар, ўзаро суҳбатларда ҳам бу мавзу деярли тилга олинмасди. Солиҳадан қариндош-уруғлари ҳақида қанча суриштиришмасин, у ҳам бу сирни ошкор қилмасликка қарор қилди.

Эр-хотиннинг таъзиясига маҳалла аҳли бош бўлди, хотамтойликлар меҳрини қозонган бу камсуқум ва камтар инсонларнинг маъракалари эътибор билан, барча тартиб-қоидаларга риоя қилинган ҳолда ўтказилди. Бу дамлар Солиҳа учун ниҳоятда оғир эди. У уйларини тинтиб ниманидир излаган ота-онаси қотилларининг мақсадини англагандай эди гўё. Хаёлида ушбу машъум воқеа содир бўлишидан бир ҳафта аввал дадаси билан бўлган суҳбат жонланди:

– Менинг она қизим эртага ўн етти ёшга тўлади, – Солиҳани пешонасидан ўпиб, елкасидан кучди Машрабжон ака. – Қара, бирпасда кап-катта қиз бўлиб қолибсан-а. Яқиндагина бўйнимга миндириб олиб, эркалатиб ўйнатиб юрардим. Энди бўлса ҳадемай мактабни битирасан. Институтга кириш учун тайёргарлик кўраётганлигиндан аянг иккаламиз хурсандмиз. Ҳозир эса сенга айтадиган бир муҳим гапим бор.

Машрабжон ака шундай деди-да, Солиҳага кутиб тур, ишорасини қилиб ичкари уйга йўналди. У бир оз ҳаяжонда эди. Қизгина ичкаридан дадаси кўтариб чиққан катта кумуш баркашни кўриб ҳеч нарсага тушунмади. Чунки у эсини танибдики, токчадаги чинни лаганлар қаторида



турувчи бу баркашдан гоҳ-гоҳида нон қўйиш учун фойдаланишарди.

– Қизим, ота-боболаримизни ўта бадавлат бўлганлигидан хабаринг бор, – вазмин гап бошлади Машрабжон ака. – Бу бойлик изсиз йўқолиб кетмаган. Мана бу баркашдаги чизгиларга бир қарагин.

Солиҳа катта кумуш лаганга ўйиб ишланган йўллар, адирликлар, дарахтлардан иборат табиат манзарасига термилди.

– Агар яхшилаб эътибор қилсанг бу ерда жой номлари ҳам ёзилганлигини англайсан, – сўзида давом этди дадаси. – Фақат бу номларда ҳарфлар ўрни алмашган. Қандай ўқиш лозимлигини ҳозир сенга кўрсатиб бераман. Энг асосийси, адирлик қўйнидаги булоққа эътиборингни қарат. Шу булоқ ўрнида аждодларимизга тегишли катта бойлик яширинган.

Солиҳа бу гаплардан лол ва ҳайрон эди. У дадаси айтиб берган эртакнамо ўтмиш воқеаларини тинглар экан, ота-онасининг водийга кўчиб келиш сабабларини илк бора англаб етганди ўшанда. Кўз олдидан туялар карвоню, адирликлар нари кетмасди. Дадасидан нима учун шу кунга қадар бу беҳисоб бойликка эга бўлмаганликларининг сабабини сўраганида:

– Шўролар даврида бунинг имкони бўлмади, қизим, – хўрсиниб жавоб берди Машрабжон ака. – Бундай мерос у ёқда турсин, арзимас нарса билан ҳам қора бўлиб кетишинг ҳеч гап эмасди у замонларда. Айниқса, бизнинг авлодимизни таг-томири билан қуритишга ҳаракат қилган ўша давр бўлади. Мустақилликка эришганимизга мана тўрт йил бўлаяпти. Энди ҳаракат қилиб кўрсак бўлади. Кейин бу мерос устидан кўплаб савобли ишлар қилишни режалаштириб қўйганман. Бу ҳақда сен билан алоҳида суҳбатлашамиз. Сенга айтмоқчи бўлган яна бир асосий гапим, баркаш орқасида аждодларимиз шажара-

си ёзилган. Фақат уни ҳам мен ўргатган услубда ўқисанг тушуниб етасан.

Дадаси унга қалбининг тубида неча йиллардан буён авайлаб келаётган бу сирни айтгач, анча енгил тортганлигини ҳис қилиб турарди Солиҳа. Шу билан бирга унга тайинланмаган бўлса-да, аждодлари авайлаган бу синоат энди унинг учун ҳам жон қадар омонат эканлигини англаб етганди. Машрабжон ака эса иродали ва ақлли қизига ўзига ишонгандек ишонар, ўз навбатида унга суянишни истарди...

Мана, бир ҳафтадирки, Солиҳа ён кўшнилари Муқаддас опанинг хонадонида. Бу оқила аёл имкон қадар қизни ёлғиз қолдирмасликка ҳаракат қилар, ҳаёт синовларининг минг бир чиғириқларидан омон чиққан инсонлар ҳаётидан сўзлаб унга далда берарди. Аслида оиланинг ўртанча фарзанди Сарвар билан Солиҳа ўртасида муҳаббат туйғулари уйғонган бўлиб, бундан иккала хонадон катталари ҳам хабардор эди. Яъни, бу севги риштасига хайрихоҳ эдилар. Солиҳанинг ҳаётидаги фожиалардан сўнг унинг ягона суянчи Сарвар бўлиб қолганди. Бироқ йигит пойтахтда, олий ўқув юртида таълим олаётганлиги сабаб, ҳамма вақт ҳам унинг олдида бўлолмасди. Муқаддас опа ва турмуш ўртоғи Ғайрат аканинг мақсади эса Солиҳа бир оз ўзини қўлга олгач, икки ёшни унаштириб, элга билдириб қўйиш эди. Чунки эл оғзига элак тутиб бўлмайди, деганларидек бир-бирига кўнгил қўйган йигит-қизнинг бир хонадонда яшаши қишлоқ аҳлига у қадар хуш кўринмасди.

Орадан маълум вақт ўтиб, Солиҳа мактабдаги ўқишини давом эттирди. Битирувчи синф бўлганлиги учун имтиҳонларга тайёргарлик кўриш билан ўзини чалғитишга ҳаракат қиларди. Гоҳида мактабдан ўзларининг кимсасиз ҳовлиларига кириб келар, баланд айвон остидаги сўрида ўтириб тўйганича йиғлаб оларди. Гоҳида эса

ота-онасининг суратини бағрига босганича узоқ хаёл суриб ўтирар, кўксини эзаётган аччиқ айрилиқ ва соғинч-ни шу билан енгарди гўё. Муқаддас опа Солиҳанинг бу одатини тушуниб қолганлиги учун унга далда бериб, елкасидан қучганича уйларига олиб чиқарди. Шунингдек, бу ҳовлини ҳам қаровсиз қолдирмасликка ҳаракат қиларди. Малоҳат опа яхши кўрган гуллару райҳонлар супуриб-сидирилган ҳовлида Муқаддас опа сабаб яшнаб турарди бу чоғда ҳам.

Солиҳанинг қўлига етуклик шаҳодатномаси теккач, Сарвар уни институтга ҳужжат топширишга кўндирди. Қиз бунга руҳан тайёр бўлмаса-да, атрофидаги меҳрли инсонларнинг далдаси билан Тошкентга йўл олди...

– Хўш, бизнинг бўлажак талабамизнинг кайфиятлари қалай? – қўлида пакет билан хонага кириб келди Сарвар.

Мук тушиб олиб китобга термилиб ўтирган Солиҳа бошини кўтарди.

– Сарвар ака, мендан ҳеч қачон талаба чиқмаса керак, – унинг кўзлари жикқа ёшга тўлганди. – Ҳеч нарсага улгура олмаяпман.

– Ундай дема, сен иродали қизсан. Ота-онанг ўқи-мишли бўлишингни қанчалар исташарди. Ҳозир фақат имтиҳон тўғрисида ўйла. Мана кўрасан, ҳаммаси яхши бўлади, – йигит унинг қўлларини кафтлари орасига олиб маҳкам сиқиб қўйди. Бу унинг мен доим сен билан биргаман, деган изҳори эди.

Бахтга қарши, Солиҳага омад кулиб боқмади. У қишлоққа қайтиб, Муқаддас опалар хонадониде яшай бошлади. Баҳорга чиқиб ота-онасининг йили ўтгач, икки ёшнинг тўйи бўлиб ўтди. Гўзал келинчакка айланган хушрўй ва хушқомат Солиҳа битмас айрилиқ азобларини бағрига босганича турмуш остонасига қадам қўйди. Вақт дардга даво деганларидек, у энди ўзини анча тутиб олганди. Институтга киришга ҳам астойдил тайёргарлик кўра бошлади. Бунга бағрикенг ва меҳрибон қайно-

на-қайнотаси ҳам рози бўлишди. Шу билан бирга, отаси Машрабжон аканинг орзусини тезроқ амалга оширишни истарди у. Бироқ авлодларга тегишли сирли бойлик ҳақида Сарварга қандай сўз очишни билмасди, фурсат кутарди. Лекин бу давлат унинг ҳаётини яна қанча андуҳлар билан синовдан ўтказишини хаёлига ҳам келтирмасди.

Ёзнинг дастлабки ойида Солиҳада ҳомиладорлик белгилари кўрина бошлади. У фарзандли бўлиш бахтини ўйлаб бир томондан қувонса, иккинчи томондан доимий кўнгил айниш ҳолатию, ҳолсиз вужуди билан бу йил ҳам ўқишга кира олмаслигини англаб турарди. Юрагининг бир бурчагидан эса қоронғилик, нимадандир хавотирланиш нари кетмасди.

– Ўқишга қизиққан одамга илм олишнинг эрта-кечи йўқ, – унинг хаёлидан кечаётган изтиробни сезиб кўнглини кўтарди Муқаддас опа. – Худо хоҳласа, сиртдан бўлса ҳам ўқиб, илмли бўласан, қизим. Неварамга ўзим қараб тураман.

– Онамдек меҳрибонсиз, аяжон. Бу яхшиликларингизни асло унутмайман, – қайнонасининг елкасига бош кўйиб, кўз ёшларини тия олмади Солиҳа.

– Ундай дема, қизим. Сен ҳам фарзандларимиз қаторидасан. Биз ота-оналик вазифасини бажараяпмиз, холос, – рўмолининг учи билан унинг кўз ёшларини артди Муқаддас опа. – Жон болам, фақат кўз ёшингни кўрмайин. Бу нарсанинг хосияти ёмон. Энди ўз оиланг, уйинг бор, шукр қилиб яшашинг керак.

– Шу кунларда ота-онам жуда кўп тушимга киришяпти. Нимадандир хавотирга ўхшашади, – йиғидан аранг ўзини босиб жавоб қайтарди Солиҳа.

– Шунга диққат бўлиб юрибсанми? Ҳомиладорликни бир оз оғир кўтарганингга тушингга киришаётган бўлса ажабмас. Бунга ёмон ўй билан кўнглингга олмагин-да, уларни ҳам безовта қиласан.

Бир нуқтага тикилиб ўтирган Солиҳа қайнонасининг насиҳатларига сиз ҳақсиз, деган маънода аста бош қи-мирлатиб қўйди.

Ота бўлаётганидан боши осмонда Сарвар йигирма кун, узоғи билан бир ой деганда гўзал ёрининг қошида бўларди. Пойтахт билан водий ўртасида анчагина масофа бўлишига қарамай, йигит севимли ёри учун ҳар қандай меҳрибонликка тайёр турарди. У ёзги таътилга келганида ота-онасининг рухсати билан бир ой Солиҳаларникида ту-ришди. Кимсасиз ҳовлига яна ҳаёт қайтганидан қизгина-нинг боши осмонда эди. Уйларига нур киргандек эди гўё. Шундай кунлардан бирида у аждодларига тегишли яши-рин хазина тўғрисида Сарварга гапириб берди. Бу синоат-ни эшитиб узоқ ўйга толган Сарвар:

– Ота-онангнинг қотиллари ҳам озми-кўпми бу сир-дан хабардор бўлишган, менимча, – дея юзланди Солиҳа-га. – Улар ҳалигача аниқлангани йўқ. Нима учун бу ҳақда ички ишлар ходимларига гапириб бермагансан? Балки ўша малъунлар топилган бўлармиди.

– Дастлаб мен бунга тайёр эмасдим, – ўша кунлар ёди-га тушиб бир зумда кўз ёшлари юзини ювди Солиҳанинг. – Кейин терговчи мендан айнан шу сирли бойлик тўғри-сида сўраётгандек туюлаверди. Шунинг учун бу сирни маълум вақт асрашга қарор қилдим. Ўйлаб қарасам, бу ҳақда аввало энг яқин кишимга айтишим лозим эди. Мана, бундан сиз хабардор бўлдингиз.

– Дилингни оғритган бўлсам, кечир. Балки мен ноҳақ-дирман, – йиғидан титраб турган Солиҳани бағрига босди Сарвар. – Сенга ҳозир сиқилиш умуман мумкин эмас. Кейин бу жуда жиддий масалага ўхшайди. Чуқур мулоҳаза билан иш юритиш керак. Аввало, сен ўзингга эҳтиёт бўл. Бу қо-тилликка қўл урганлардан ҳамма нарсани кутса бўлади.

Сарвар шу куни минг хил хаёллар оғушида тонг от-тирди. Қишлоқдаги ҳар бир хонадон эркагини бир-бир хаёлидан ўтказди. Маҳалладоши Шокир ёдига тушга-

нида кўз олдида уларникига ўтган йили чет элдан меҳмон бўлиб келган икки қариндоши жонланди. Бир олтмишларга яқинлашган бўлса-да, жуда тетик ва чайир эркак, иккинчиси йигирма беш ёшлардаги гавдали, нигоҳи ўткир йигит эди. Улар бу оилада бир ҳафтадан зиёд меҳмон бўлишган, қишлоқ одатига кўра бошқа хонадонларга ҳам меҳмондорчиликка таклиф қилинишган эди. Сарварнинг хаёлидан шу икки хорижлик нари кетмади. Таътили тугагунга қадар улар тўғрисида Шокирдан тўлиқроқ маълумот олишни мақсад қилди. Лекин бу тўғрида Солиҳага ҳеч нарса демади...

- Ўзингни эҳтиёт қиласан, деб умид қиламан, – ўқишга қайтаётган Сарвар қайта-қайта тайинларди Солиҳага. – Ҳеч қачон уйда ёлғиз қолмагин. Бирор жойга боришни истасанг, оиламиздаги катталар билан бирга боргин. Мен буни онамга ҳам тайинладим. Яна бир йил сабр қилсак доим бирга бўламиз, азизам. Ҳозирча баъзи бир нарсаларнинг тагига етгандекман. Бу ҳақда кейин сенга гапириб бераман.

- Сиз ҳам ўзингизни асранг. Ягона суянчиғимсиз, буни унутманг, Сарвар ака, – дилидаги хавотирга юзага чиқармасликка ҳаракат қиларди Солиҳа. – Мендан хавотир олмасангиз ҳам бўлади. Кўряпсиз-ку, оиламиздагиларнинг барчаси менга меҳрибон.

Иккаласи ҳам кўнгилларини қоплаган қоронғиликни бир-бирларига сездирмасликка ҳаракат қилиб, хайрлашишди. Сарвар ўқишини йўлга солиб олгач, ҳар доимгидек бир ойга қолмай келиб-кетишни ваъда берди.

Сарвар кетганидан сўнг йигирма кун ўтар-ўтмас, унинг ўқишга қатнашмаётганлиги тўғрисида хабар келди. Сентябрьнинг дастлабки кунларида у билан ётоқхонада бирга турган дўстлари ҳам йигитни дафъатан ғойиб бўлиб қолганидан ҳайрон эдилар. Текширув, суриштирув, яъни тергов ишлари бошланди. Аввалига Солиҳанинг ҳомиладорлигини ҳисобга олиб, бу ҳақда билдир-

масликка ҳаракат қилишди. Вазият чуқурлашгани сари бунинг иложи бўлмади. Бу воқеани эшитган Солиҳа бир зумда карахт ва забонсиз аёлга айланди...

\*\*\*

Қўйлар сурувини суғоришга олиб келган Раҳим чол уларнинг дарё томон чопқиллашларига кулимсираб қараб турарди. Ёши олтмишлардан ошган бу кекса чўпоннинг Қозоғистоннинг чўпон-чўлиқларигина тирикчилик қиладиган гўшаларига келиб қолганига ўн йиллардан ошган. Асли наманганлик бўлган девонасифат Раҳим бобонинг ўтмиши анчагина аянчли кечганди.

Қўйлар ҳар доимгидек сув ичишга қулай бўлган дарё соҳилига етиб борган бўлса-да, сувга интилмаётгани чўпонни таажублантирди. Сизгир ва хуркак бу жониворларнинг одатини яхши билган Раҳим чол дарё томон шошилди. У қирғоққа етиб борганида бир тўп қамиш боғламига ёпишганча ярим лойга ботган дуркунгина йигит беҳуш ётарди. Чолнинг кўзлари чақнаб кетди. Худди шу жойда бундан олти йил аввал унинг ўн беш ёшли ўсмир ўғли дарёга чўкиб кетган, тирик ёки ўлиги топилмаганди. Қирқ ёшдан ошиб кўрган ягона фарзандининг доғи Раҳим отани девонага айлантириб шу жойларга боғлаб қўйганди. Ҳар куни мўъжиза кутиб яшайдиган чол йигитни ўнгариб юзига термилди-ю, телбаларча бағрига босди.

– Билардим, билардим, бир куни қодир Эгам сени менга қайтаришини билардим, Музаффарим. Худди ўзи, юзидаги ҳолларигача худди ўзи. Олти йил ичи анча улғайибсан, ўғлим, – белидаги белбоғи билан йигитнинг юз-кўзларини артар, уни ўзига келтиришга ҳаракат қиларди.

Сарвар икки кун деганда чўпонлар ўтовидида кўзини очди. Қаттиқ танғиб ташланган боши карахт, ҳолсиз вужуди ўта оғир эди. Олдидан кечаю кундуз жилмай ўтирган Раҳим ота Тангрига тинмай шукроналар келтирарди.

– Хайрият, Музаффар болам, ўзингга келдингми?

У юзига жовдираб термилиб турган чолга жавобан нимадир демоқчи бўлди-ю, қуруқшаган лабини қимирлатишга ҳам мажоли бўлмади.

– Майли, кейин гапирасан, ўғлим. Аввал бирор нарса тамадди қилиб олгин, дарё суви бор қувватингни сўриб олган кўринади.

Чол шошганидан туртина-туртина йигитга косада шўрва олиб келди.

– Сал ўзингга келиб олсанг, Наманганга, уйимизга кетамиз. Бошинг қаттиқ лат еган кўринади. Яхши табибларга қаратаман, кўрмагандек бўлиб кетасан ҳали.

Раҳим ота гапира-гапира Сарварнинг бошини ёстиқ билан кўтариб уни овқатлантиришга ҳозирлик кўрар, йигит ҳеч нарсани идрок қилолмас, хотирлай олмасди...

Солиҳа декабрнинг ўрталарига келиб фарзандли бўлди. Бола вақтига нисбатан эртароқ туғилганди. Шу сабабли шифохонада узоқроқ қолишига тўғри келди. У ҳар сонияда Сарварнинг эшиқдан кириб келишини умид қилар, соғ-омон эканлигига чин дилдан ишонарди. Ўғилчасига оиласидагилар Жавоҳир дея исм қўйишди. Солиҳанинг ўзини қўлга олишда фарзандининг ўрни ниҳоятда катта бўлди, шубҳасиз. Шу билан бирга, дом-дараксиз кетган ўғилларининг кўйида азоб чекишаётган бўлса-да, ёруғ ният ва умид билан яшаётган қайнона-қайнотасининг сабр-қаноати Солиҳага ўрнакли эди...

Сарвар мана тўрт ойдирки, Наманганда Раҳим отанинг хонадонидида бирга яшаяпти. Қизиғи шундаки, уни маҳалладагилар ҳеч иккиланмай чолнинг яккаю ёлғизи – Музаффар дея қабул қилишди. Ўғли ўн ёшлигида аёлидан айрилган Раҳим ота Қозоғистонга дўстининг ёнига кетганича ўша ерда чўпонлик қилиб қолиб кетганди. Унинг ҳаётидаги фожиалардан эса юртдошларидан деярли ҳеч кимнинг хабари бўлмаганди. Маҳалладош-



лари чолнинг қайтишига шубҳа қилишмас, ҳовлисига вақтинчалик яшагани одам қўйишганди. Улар Наманганга келишганидан буён бу хонадонга кунда, кунора қўни-қўшни, таниш-билиш, Сарварнинг, тўғрироғи Музаффарнинг болаликдаги дўстлари ташриф буюрар, хотирасидан айрилган йигит эса ҳеч ким, ҳеч нарса эслай олмасди. У шу ойлар ичида гоҳ табиблар ҳузурида, гоҳ шифохоналарда ётиб даволанишга тўғри келди. Айниқса, бошининг лат еган жойи унга ҳалигача азоб берарди. Шунингдек, озиб, ҳорғин ва камгап бўлиб қолган, кийиниши, юриш-туришигача ўзгариб кетган Сарварни бир кўришда энг яқин одами ҳам таний олиши гумон эди. Баҳорга чиқиб соғлиғи анчайин тикланган йигит уй қурувчи устага шогирд тушди. Ишсиз ўтира олмайдиган Раҳим ота эса маҳалладаги чойхонада у-бу ишларга қарашиб кун ўтказарди. У ўғлини ниҳоятда авайлар, уни тезроқ уйлантириш, оилали қилишни истарди...

Ёзнинг дастлабки ойи. Ҳамон турмуш ўртоғининг қайтишидан умид қилиб яшаётган Солиҳа ўғилчасига қараган сари эзиларди. У ниҳоятда Сарварга ўхшаб кетарди. Эрининг йўқолишида ота-онасини ўлдирган қотилларнинг қўли борлиги гоҳ хаёлини қамраб олар, гоҳо буни тан олишни истамай ўзини овуларди. Шу куни ҳаво иссиқ бўлди жуда. Уйнинг ичидаги дим ҳаводан оромини йўқотган ўғилчаси Жавоҳирни бағрига босганича ҳовлига чиқди. Ташқарида ҳам қилт этган шабада сезилмайди. Ҳовлидаги сўрида ором олаётган қайнона-қайнотаси ширин уйқуда. Баланд қурилган Солиҳанинг ота уйи ўртадан девор тортилган бўлса-да, келин бўлиб тушган ҳовлисига бемалол кўриниб турарди. Боласини қўлида тебратиб ҳовлида бедор юрган Солиҳа кимсасиз уйлари ичида ўчиб ёнаётган чироқ шуъласини сезиб қолди. Унинг вужуди титраб кетди. «Йўқ, бу шунчаки уйга нарса учун кирган ўғрилар эмас, булар аниқ хазинанинг «калити»ни

излаётган ота-онамнинг қотиллари. Балки Сарвар акам-ни ҳам...», ундаги кўрқув ҳисси бутунлай чекинганди. Кўксидаги нафрат, чекаётган айрилиқ азобларининг юрагини кемираётган дарди қизни қотиллар билан юзма-юз келишига ундарди. У ухлаб қолган ўғилчасини уйга олиб кириб жойига ётқизди-да ортига қайтди. Иккала ҳовли ўртасидаги боғ эшигидан астагина чорбоғларига ўтди. Оҳисталик билан уйлари томон юрар экан, қотиллардан бири ҳовлида турганлигини англаб қолди. Ойдин кеча бўлганлиги сабаб, унинг ҳар бир ҳаракати аниқ кўриниб турарди. Юзига чала-ярим ниқоб тутган бўйчангина эркак Солиҳа ўзини панасига олган анор дарахти томонга ўғри мушукдек тикилиб турди-да, аста шу томонга қараб кела бошлади. Шунда унинг оёғи остидан катта каламуш югургилаб ўтди-ю, эркак нимагадир тойиниб ерга йиқилди. Бу вақтда, душманлари олдида ўзининг нақадар ожиз ва нимжонлигини сезиб алам ва нафрат ўтида қалтираётган Солиҳа бошқа жойга яшириниб улгурган эди. Зум ўтмай унинг олдида ўзи сингари ниқобли шериги пайдо бўлди.

– Шу лапашанглигинг бўлса, ҳамма ишни барбод қиласан, – паст, аммо заҳарли товуш билан шеригини туртиб юборгудек ўшқирди у. – Ичкарида хорижлик тахмин қилган нарса йўқ. Бизга аниқ режа бермайди-ю, натижа талаб қилади, – кимларнидир бўралатиб сўқди у.

– Боғда кимдир борга ўхшайди, – унинг сўзини бўлди биринчиси. – Қандайдир шарпа сездим.

Иккаласи ҳам бир зум забонсиз қотиб турди-да, боғ томонга қараб юрди. Улар боғни кўздан кечириб меваларни олтингугурт билан буғлаш учун махсус қурилган дамхона олдида – Солиҳанинг ёнгинасида тўхташди. Дамхона ичида устига қанор қоп ёпиниб нафас чиқармай ўтирган қиз уларнинг эътиборини тортмади.

– Кўзингга ҳар хил шарпалар кўринадиган бўпти ўзи, – яна заҳрини сочди иккинчиси. – Бу туришингда сен би-

лан узоққа бориб бўлмайди. Чумчуқ пир этса, юрагинг шир этади.

- Ўзингни ботир қилиб кўрсатмай кўяқол. Иккала-мизнинг ҳам кўлимиз қон, ҳаловатимиз йўқ – уни жеркиб берди шериги. – Ундан кўра, кесатиқ гапларингни йиғиштириб ишдан гапир. Энди нима қиламиз, кейинги буйруқ қандай?

- Хорижлик икки йил ўтиб ҳам бекорга бу иш билан қайта шуғуллангани йўқ, Бизга керакли нарса қизиникида бўлиши мумкин. Бир ишни бошладикми, охирига етказишимиз керак, – энди юмшоқроқ оҳангда жавоб қайтарди ташаббусни қўлга олиб. – Имкон туғилди дегунча қизни ўғирлаймиз. У билан хорижликнинг ўзи гаплашмоқчи. Кейин уни йўқ қиламиз.

- Мен ҳамма нарсага тайёрман. Фақат белгиланган пулни бериб, чет элга ўтказиб юборса бўлгани, – ҳеч иккиланмай қатъий фикрини билдирди биринчиси.

Солиҳа бўғиқ, шивирлашиб гаплашаётган товуш эгаларининг кимлигини англашга ҳаракат қилар, бироқ эслай олмасди. У ўзининг ҳаёти қил устида турганлигини энди англаб етганди. Қаттиқ ҳаяжон ва кўрқув ичида узоқ вақт қотиб ўтирган қиз қотиллар ғойиб бўлгач, тун ярмидан оғганда ортига қайтди. У қатъий бир хулосага келганди. Солиҳа бомдод номозига азон чақирилаётган пайтда Жавоҳирни бағрига босганича қишлоқни тарк этди.

Эрталаб кўзига аччиқ ёш тўлган Муқаддас опанинг кўлида Солиҳа ёзиб қолдирган икки энлик хат турарди: «Аяжон, мени кечиринг. Илтимоc, бу ердан кетганлигимни ҳеч ким билмасин, бизни изламанглар. Мен албатта Сарвар акам билан бирга қайтаман...»

Сарварнинг соғлиғи тикланиб кетган бўлса-да, у уйқусида тинмай безовта бўлар, кимлар биландир олишиб чиқарди. Бу ҳол Раҳим отани ҳам безовта қилмай қолмасди.

– Ўғлим, уйқунгда кўп босинқираяпсан. Маҳаллада яхши мулла бор. Ўзингни бир ўқитиб юборсанг бўлармиди, – эрталабки нонушта пайтида Сарварга оталарча меҳрибонлик билан хавотир аралаш гапирди Раҳим ота.

– Уйқунгда қандайдир Шокир деганни кўп тилга оласан. Мен эслай олмаяпман. Ким ўзи у?

Сарвар бу номни эшитиб қандайдир сергак тортди.

– Билмадим, дада. Менга ҳам ниҳоятда таниш бу исм. Лекин ҳеч эслай олмаяпман. Чуқурроқ ўйладим дегунча, бошимга оғриқ киради. Ҳарқалай, дўстим бўлмаса керак.

– Майли ундай бўлса эслама, болам. Сенга айтадиган бошқа бир янгилигим бор. Чойхонанинг ёнидаги Малик тоғангни яхши танисанг керак. Ўшанинг ўтган йили мактабни битирган чевар-чечак қизи бор экан. Шунини кўрсанг дегандим. Отаси мен билан қуда бўлишга аллақачон рози бўлган, – ғурурли оҳангда гапирарди Раҳим ота. – Фақат иккала ёш кўришишсин, гаплашиб бир-бирини маъқул топсин, деяпти. Сени тезроқ уйлантириб, неvara кўрсам дейман, ўғлим. Мен тенгилар аллақачон неvara-чеварали бўлиб кетишган.

– Дада, йиққан пулларингизнинг ярмини менга сарфладингиз, тирикчиликка ишлатдик. Қолганига уй-жойларимизни яхшилашимиз керак. Бу уйларга қандай қилиб келин олиб бўлади. Шунинг учун менам сиз билан маслаҳатлашмоқчи эдим, – Раҳим отага ётиғи билан тушунтирарди Сарвар. – Рози бўлсангиз устозим билан Тошкентга бориб бирга ишлаб, уйланишим учун пул қилиб келмоқчиман. Устозим яхшигина пулли жойда устачилик иши топибди. Отанг билан маслаҳат қил, деди.

Бу дунёда бирорта яқини йўқ, мискин чол учун ёлғиз фарзандининг гапи қонун эди. У Сарварни ҳеч иккиланмай ўзининг ўғли деб тан олган, ўзганинг фарзанди бўлиши мумкинлиги эса хаёлига ҳам келмасди. Бахтга қарши Сарвар унинг ўғли Музаффарга ниҳоятга ўхшаб кетар, маҳалла аҳли ҳам бунга гумон қилмасди.

Раҳим отанинг розилиги билан йигит Тошкентга устачилик қилиш учун йўлга отланди...

Тошкентга етиб борган Солиҳа машаққат билан кечга томонга бориб ўзига таниш бўлган хонадон эшигини қоқди. Эшикни очган олтмиш ёшлардаги аёл бола кўтарган, ниҳоятда ҳорган, озғин жувонни дарҳол таний олмади. Унинг саломига алик олиб савол назари билан тикилиб турди-да, беихтиёр:

– Солиҳа қизим, ўзингмисан, – дея бағрини очди. Дарҳол ухлаб қолган боласини кўлидан олиб ичкаридан диванга ётқизди.

Солиҳа ташқарида қолган тугун-терсакларини уйга олиб кирар экан:

– Сизни безовта қилдим, бувижон, узр. Бошқа борадиган жойим йўқ эди, – деди-ю кўз ёшларини тия олмади.

Ўзи ёлғиз турадиган, узоқ йиллар муаллималик қилган бефарзанд Манзура ая билан Солиҳа икки йил аввал танишган эди. Яъни, ўқишга ҳужжат топширганидан сўнг, Сарвар топган шу хонадонда ижарага турганди. Ўшанда қизнинг ҳаётидаги фожиалардан хабардор бўлган аёл унга астойдил ғамхўрлик, меҳрибонлик қилган, агар истаса онаси ўрнида она бўлишини кўп бора таъкидлаганди. Солиҳани ўқишда омади бўлмагач, «мени унутма, қизим, сен учун эшигим доимо очиқ» дея кўзида ёш билан кузатиб қолганди ўшанда.

– Ўзгариб кетибсан, қизим, тинчликми? Сени бу ҳолатда кўраман, деб ўйламагандим. Сарварга турмушга чиққанингдан хабарим бор. Тўйларингга бориш насиб этмади. У билан бахтлимисан, ишқилиб? – Манзура ая

Солиҳанинг елкаларини силар, унинг тушкун ҳолатини кўриб, қандай сўз билан далда беришни билмасди. – Беҳушлигимни қара, сен йўлдан ҳориб келгансану, мен бўлсам ҳадеб саволга тутаяпман, – сергакланди аёл ва дастурхон тайёрлашга тушди. Унга қарашмоқчи бўлган Солиҳага:

– Сен юз-қўлларингни ювиб, болангга қара. Ўзингга келиб олсанг, қарашиш қочмайди, – деди меҳрибонлик ила.

Манзура аянинг меҳри тафти билан чарчоғи бир оз чекинган Солиҳа ўзини тартибга келтиргач, кун бўйи бағрида юриб чарчаган ўғилчасининг ёнига келди. Донг қотиб ухлаётган Жавоҳир онасининг термилиб турганлигини сезгандек уйқусида майин жилмайиб кўйди.

Дастурхон йиғиштирилгач, Солиҳа билан Манзура ая она-боладек узоқ вақт суҳбатлашишди. Сарварнинг йўқолиши, Солиҳани таъқиб этаётган ёвуз кимсалар, ёшгина жувон бошидаги ўлим таҳдиди ҳатто ҳаётнинг кўп аччиқ-чучугини тотган Манзура ая учун ҳам кўрқинчли тушдек эди. Солиҳа Сарвардан бошқа ҳеч кимга оғиз очмаган, ота-боболаридан мерос яширин хазина тўғрисида гапириб берганда эса, аёл ҳангу-манг бўлиб қолди. У бундай воқеаларнинг фақат китоблару, кинолардагина содир бўлишини тасаввур этарди, холос.

– Энди нима қилмоқчисан, қизим? Айтишингга қарганда, душманларингнинг кўли узун кўринади, – қизнинг аччиқ қисматидан кўзлари ёшланди аёлнинг. – Улар қандай бўлмасин сени топишга ҳаракат қилишади. Балки аллақачон менинг манзилим ҳам уларга аёндир.

– Йўқ, бундай бўлишига ҳали эрта, бувижон. Менда ҳали имконият бор. Ўғлим учун, ота-онамнинг ушалмаган орзулари учун яшашим керак, – қатъият билан гапирарди Солиҳа. – Фақат душманларим олдида ожизлигим менга алам қияпти. Шунинг учун тонг отгач, шу ердаги тергов бўлимига бориб, уларга бор ҳақиқатни айтиб бермоқчиман.

– Тўғри қиласан, қизим, – унинг сўзини тасдиқлади Манзура ая. – Сен-ку ёшгина бир аёлсан, манаман деган йигитлар ҳам бундай ёвуз кучларга қарши ёлғиз кураша олмайди. Агар рози бўлсанг, қўлимда ўқиган ўқувчиларимдан бири тажрибали, катта терговчи бўлган. Ўшанинг олдига олиб бораман. Маслаҳат ва кўмагини аямайди.

Солиҳанинг маҳзун чехраси очилди. Қотил душманлари қўлга олиниб, айрилиғи юрак-бағрини куйдираётган Сарвар акаси бағрига қайтаётгандек енгил ҳис қилди ўзини...

Мана, бир ҳафтадирки, Сарвар устози билан бирга катта хонадонлардан бирида қурилиш қиляпти. Оила бошлиғи Ҳамидулла ака юртга таниқли катта шифокор бўлиб, фарзандларининг барчаси ота касбини танлаган. Камтар, бағрикенг бу инсон қўли бўшади дегунча, усталар ишини кузатиб, улар билан турли мавзуларда суҳбатлашишни хуш кўрарди. Шунингдек, бош уста Олим ака унинг қўлида анча йиллар аввал даволанган эски таниши ҳам эди. Шундай суҳбатлардан бирида у Сарварда гоҳ-гоҳида бўлиб турадиган бош оғриғи, бошидаги қандайдир қарахтлиқ ҳолати, босинқирашу ҳаловатсизлигидан воқиф бўлди. У билан суҳбатлашганда эса хотирасини йўқотгани аён бўлгач, бу ҳолат Ҳамидулла акани янада таажублантирди. Йигитни замонавий тиббиёт ускуналари билан текшириб кўришга қарор қилди.

– Бошинг икки-уч марта қаттиқ зарба еган, тўғрироғи, қаттиқ металл билан бошингга уришган, шуни эслай оласанми? – текширувлардан сўнг Сарвардан сўради Ҳамидулла ака. – Шу сабабли хотирангни йўқотгансан.

Врачнинг гапидан нималарнидир эслашга ҳаракат қилиб ўйга толган Сарвар бош қимирлатиб «йўқ» ишорасини қилди.

– Тушингда кимлар биландир олишиб чиқар экансан, – сўзида давом этди шифокор. – Бирортаси ҳам сенга та-

ниш эмасми, эслашга ҳаракат қилиб кўр. Сенга тажовуз қилганлар ўшалар бўлиши мумкин.

– Фақат, Шокир исми менга жуда таниш туюлаверади. Лекин кимлигини ҳеч эслай олмаяпман, – деди Сарвар. – Дадамнинг айтишича, қўйларни суғоришга олиб борганимда дарёда чўмиламан, деб чўкиб кетишимга сал қолган экан. Ўшанда бошимни бирорта харсангга уриб олган бўлсам керак.

Ҳамидулла ака бош чайқади.

– Йўқ, бу тасодифий ҳодисага ўхшамаяпти. Балки гипноз орқали вақтинчалик хотирангни тиклаб, воқеани аниқлаб олармиз. Нима бўлганда ҳам шу соатданок даволанишни бошлайсан. Кекса отангнинг ёлғиз суянчиғи бўлганинг учун сенга ёрдам бермоқчиман.

Сарвар устачилик билан бирга даволанишни бошлади. У Ҳамидулла аканинг ҳар бир муолажасига қатъий риоя қиларди. Кунлар ўтгани сайин унинг фикрлари тиниқлашиб, бошидаги карахтлиқ йўқолиб борди. Хотирасидан ўчиб кетган воқеаларнинг узук-юлуқ тикланиб бориши эса, йигит учун ҳам ҳайратланарли, ҳам даҳшатли эди. У тун ярмида қаттиқ уйқудан уйғониб, фикрларини жамлай олмаётган одамга ўхшарди. Хотираси бутунлай ўзига қайтганда эса, бўлиб ўтган воқеалар йигит учун ҳақиқатан ҳам даҳшатли эди. Солиҳаларникида содир бўлган қонли фожиа, ҳомиладор турмуш ўртоғига соя солиб турган хавф, яширин бойлик пайига тушган хорижликлару, қотилликка қўл урган маҳалладошлари бир-бир хаёлидан ўта бошлади. Йигитнинг ҳаётини бутунлай издан чиқариб юборган аянчли воқеа кўз олдида қайта жонланди.

Ўша куни Сарвар Шокирдан бир йил аввал уйларига чет элдан меҳмон бўлиб келган хорижлик танишлари тўғрисида суриштириб борганди. У ён қўшниси Акбар билан бирга қандайдир юмуш билан машғул экан. Сарварнинг хорижлик меҳмонларга жиддий қизиқиб



қолганидан негадир икки маҳалладошининг ҳам ранги ўзгарди. Бу ҳолат йигитни безътибор қолдирмади, албатта.

– Ҳозир зарур иш билан банд эдим, – ўзини бу мавзудан олиб қочди Шокир. – Вақтинг бўлса эртага бемалол гаплашайлик.

– Мен эртага Тошкентга жўнайман, бу ёғи ўқиш. Ҳозир суҳбатлашсак яхши бўларди. Кўп вақтингни олмайман.

Шокир аслида Сарвардан уч-тўрт ёш катта бўлса-да, турли сабабларга кўра ундан бир синф юқори ўқиганди, холос. Шунинг учун барча тенгқурлар қатори уни ҳам сенсираб гапирарди.

– Ундай бўлса кечқурун уйлариингга ўзим ўтаман, кўнглингни тўқ қилавер, – безовталиги тарқаб, дадилланди Шокир. – Уларнинг бир дунё расмлари ҳам бор. Олиб бораман, бирга кўрамиз.

Сарвар ноилож ортига қайтди. Шокирнинг боришини кутди. Бироқ у ваъдасида турмаган Шокирни ўша куни ҳам, эртасига ҳам топа олмай Тошкентга отланди. Орадани уч-тўрт кун ўтиб, ўқишдан қайтаётган йигит йўлда ҳамқишлоқлари – Шокир билан Акбарни кўриб ҳайрон қолди.

– Э, хайрият-ей, келдингми? Ўқишдан қайтишингни шу ерда тўрт соатдан буён кутиб турибмиз, – кучоғини очди Акбар.

– Қара, ниятинг холис экан. Сен қизиққан хорижлик танишларимизни яна ярим соатдан кейин аэропортда кутиб олишимиз керак, – ялтоқланди Шокир. – Кеч қолаётган бўлсак ҳам сен билан бирга борайлик, дедик-да.

– Шунчалик зарур экан, дарсдан чақиртирсаларинг ҳам бўлар эди, – ҳамқишлоқларини кўриб чиройи очилди Сарварнинг. – Ҳозир бир дақиқа ичида хонага портфелимни қўйиб чиқаман.

– Йўқ, йўқ, кеч қолаяпмиз, – иккала йигит Сарварни ортига қайтарди.

Шокир уларни кутиб турган «бу йигит ҳам хорижлик акахонларимизнинг яқинларидан», дея таништирган Ғулом улар ўтиргач, енгил машинасини елдек учиртириб кетди.

Воқеаларнинг давоми эса Сарвар учун асло кутилмаган эди. Улар аэропортга етиб боргач, ҳайдовчи йигит яқинларини кутаётган, кузатаётган одамлар орасидан ўтиб, қаергадир кириб чиқди-да:

– Биз кутаётган рейс бир соат аввал қўнган экан. Меҳмонлар олдида тоза шарманда бўлибмиз, – афсус оҳангида бош чайқади. – Яхшиямки, уларни кутиб олгани бошқа танишларим ҳам бор эди.

– Руҳингни чўктирмасанг-чи, ука. Уларнинг ҳозир қаерда эканлигини биламиз, – вазиятни юмшатган бўлди Шокир. – Машинани тўғри ўша ерга ҳайда. Ҳаммаси яхши бўлади.

Улар шаҳардан чиқиб ҳам узоқ юришди. Бу ҳолатдан Сарварнинг безовталанаётганлигини сезган Акбар:

– Яқинлашиб қолдик. Улар учун дарё бўйидаги дала ҳовлига жой қилинган эди, – деди уни тинчлантирган бўлиб.

Орадан ҳеч қанча фурсат ўтмай, Сарвар бошига уста-уст берилган қаттиқ зарбадан ҳушини йўқотди.

Сарвар ўтган воқеаларни эслар экан, беихтиёр бошини чангаллади. Қотилларнинг кейинги ҳаракатини таҳминан кўз олдига келтирди.

Дарё қирғоғида тўхтаган машинадан отилиб тушган қотиллар беҳуш йигитни тезоқар дарёнинг соҳилига олиб келишди-да, аввалдан тайёрлаб қўйилган оғир темирни унинг белига боғлаб, сувга улоқтиришди. Сувга тикилиб турган Шокир унинг чўкиб кетганига ишонч ҳосил қилган бўлса-да:

– Шунини аввал бўғиб тинчитмадик-да, нега бунча шошилдик? – деди хавотир аралаш.

– Нима, уни аждаҳо домидек шу дарёдан тирик чиқади, деб ўйлаяпсанми? – ҳамтовоғини тинчлантирди Акбар.

Муздек сувда ҳушига келган йигитга дарсдан бўш пайтлари сув спорти билан шуғуллангани қўл келди. Бахтига унинг чўнтагида пичоғи бор эди. У белига боғланган оғир темирдан халос бўлиб, сувнинг юқорисига интилар экан, сув юзасидаги катта қамиш боғлами унинг жонига оро кирди. Бироқ йигит бошидаги қаттиқ оғриқ туфайли яна ҳушини йўқотди...

Ҳа, Сарварнинг хотираси бутунлай тикланган эди. Аммо у бу ҳолатни шифокорга ҳам, устозига ҳам ҳозирча билдиришни истамасди. Чунки йигит икки ўт орасида ёнарди. Бир томонда фарзанд доғида куйган ота-онаси, севимли ёри бўлса, иккинчи томонда уни ҳаётдаги яккаю ёлғизим, ўз фарзандим деб юрган, қолаверса, ўлимдан асраб қолган Раҳим ота турарди. Агар бу чол Сарварнинг Музаффар эмаслигини аниқ билса, яна девонага айланиши ҳеч гап эмасди. Сарвар Раҳим ота учун маълум вақтгача Музаффар бўлиб қолишга қарор қилди. Аммо шу тобда у ота-онаси бағрига шошиларди. Шунингдек, душманларидан қасос олиш, бўлиб ўтган воқеаларнинг тагига етиш, ҳақиқатнинг қарор топиши учун шошиларди, йигит.

Устозидан отамни кўриб келай, деб рухсат олган Сарвар водийга, туғилиб ўсган уйига отланди. Қолаверса, Наманган билан Фарғона вилоятида жойлашган Ҳотамтой қишлоғи бир-бирига у қадар узоқ бўлмаган ҳудудларга жойлашганди.

Сарвар уйларига одамлар оёғи тинган тун ярмида кириб борди. Фарзанд айрилиғидан юрак-бағри эзилиб, яқин бир йил ичида ўзларини анчайин олдириб қўйган ота-онаси, яқинларининг ҳайрат ва қувончи чексиз эди. Бироқ бир ой аввал Солиҳанинг хат қолдириб уйдан чиқиб кетганлиги йигит учун яна бир зарба бўлди. У ота-онасига бўлиб ўтган воқеаларни гапириб берар экан, қотиллар қўлга олинмагунча, унинг қайтгани сир бўлиб туришини таъкидлади...

Терговчига бор ҳақиқатни гапириб бергач, ўзини бир мунча енгил ва ҳимоя остида ҳис қилди Солиҳа. Ишни ўрганиб чиқиб, бу ерда катта жиноят содир этилганлигини ва яна қанча жиноят ва қотилликлар рўй бериши аниқлигини сезган ички ишлар ходимлари бу иш юзасидан алоҳида режа ишлаб чиқишди. Солиҳани жиноятчилар албатта излаб топиши мумкинлиги ҳисобга олиниб, Манзура аянинг уйи яқинига яширинча пост ўрнатилди. Бироқ жиноятчиларнинг қармоққа илиниши осон кечмади. Ички ишлар ходимлари бу «ташриф»ни яқин уч ҳафта кутишларига тўғри келди...

– Ота-онангнинг қотилларини кўришни истайсанми? – Солиҳадан сўради терговчи. У Сарварни ҳам айтмоқчи эди, бироқ қизни авайлади. Чунки қотиллар Сарварни қандай қилиб дарёга чўктиришганлигини тергов жараёнида гапириб беришган эди.

Айрилиқ азобларига енгилмай, иродали, қатъиятли аёлга айланган Солиҳа душманлари билан юзма-юз келишни, уларнинг совуқ юзларига қараб нафрат билан икки оғиз сўз айтишни жуда истарди.

– Албатта, – терговчининг таклифини изоҳсиз қабул қилди у. – Имкони бўлса, ҳозир кўрсам бўладими?

Солиҳани тергов давом этаётган хонага олиб киришди. У ота-онасининг қотилларини қишлоқдан бўлиши мумкин, дея тахмин қиларди, бироқ ўз маҳалладошлари эканлигини хаёлига келтирмаганди. Шокир билан Акбарга кўзи тушиб, бир зум қотиб қолди. Икки жиноятчи ҳам қизни шу тобда кўрамиз, деб ўйламаган чоғи, нафрат билан тикилиб турган Солиҳага бош кўтариб қарашга ботинолмади...

Эртасига Солиҳа Манзура ая билан водийга қайтишга тайёргарлик кўриб турган бир пайтда эшик кўнғироғи

жиринглади. У эшикни очиб остонада ранги бир оз олинган, жилмайиб турган Сарварни кўрди-ю, бағрига отилди. Ўзига иккинчи бор кўз ёш тукмасликка сўз берган бўлса-да, қувонч ёшларини тия олмади. Қайғули йиллар давомида Солиҳа учун бу илк қувончли дамлар эди...

Бугун Раҳим отаникида тўй. Чол Музаффарини севган қизига уйлантираяпти. Аслида, виждонига қарши боролмаган Сарвар ўтган воқеаларни тутинган отасига ётиғи билан тушунтиришга ҳаракат қилди. Бироқ ҳеч бир воқеани тан олишни истамаган чол фақат бир сўзни такрорларди:

- Сен менинг ўғлимсан, Музаффаримсан. Буни кўнглим сезиб турибди. Яна мени ташлаб кетиш учун баҳона қидираяпсанми, болам. Ёлғиз отангга раҳминг келмайдими?

- Дада, мени тўғри тушунмаяпсиз.

Сарварнинг гапи оғзида қолди.

- Сен ўша Фарғона томоннинг қизини яхши кўриб қолганинг учун шундай қилаяпсан, тўғрими? Қизнинг ота-онаси йўқ, деб айтдинг. У ота-онаси ўтган жойларни ташлаб, Наманганга келин бўлишга рози бўлмаяпти, шундайми? - Сарварнинг кўзларига жовдираб термилганча, ҳозир ундан айрилиб қолаётгандек шошилиб, қалтираб гапирарди Раҳим ота. - Шунинг учун кетмоқчимисан? Ўша суйган қизинг билан ўзим бориб гаплашаман, болам. Агар яна ташлаб кетсанг, отангни тирик кўрмайсан, бу дунёдан кўзим очик кетади, ўғлим, - чол энди йиғларди, елкалари титраб йиғларди. Сарвар ундан кечирим сўраб, ҳамма гапи нотўғри эканлигини тан олишга мажбур бўлди.

Вазиятни тўғри тушунган Муқаддас опа ва Ғайрат акалар Раҳим отанинг Сарварга тикилган орзу-дунёсини поймол қилмасликка қарор қилишди. Бу бағрикенг инсонлар Солиҳани ота-онаси ўрнида Наманганга келин

қилиб узатишди. Икки ёшнинг тўйи шу қадар чиройли ўтдики, бундан Раҳим отанинг боши осмонда эди...

Орадан тўрт йил ўтди. Солиҳа икки ўғилни тарбиялаш билан бирга институтнинг сиртқи бўлимига ўқишга кирди. Университетни тамомлаган Сарвар эса Намангандаги каттагина фирмада иш юритувчи бўлиб фаолият юрита бошлади. Эр-хотиннинг бир оёғи Ҳотамтой қишлоғида эди. Уларнинг иккинчи ўғиллари Тоҳир шу қадар бобоси Машрабжон акага ўхшардики, Солиҳа беихтиёр уни «дадажон» деб чақирарди. Ўғилчаси унга зиммасидаги бурчни, отасининг орзусини амалга оширишни эслатиб турарди, назарида. Солиҳа Сарвар билан маслаҳатлашиб аждождларидан ёдгорлик меросни топишга бел боғлади. Уларни белгиланган йўналиш бўйича ҳаракат қилишлари осон кечмади. Чунки йиллар давомида жой номлари, йўллар, йўналишлар бутунлай ўзгариб кетганди. Сўнгги манзил, яъни адирлик қўйнидаги булоқ – хазина яширинган жой топилганда эса Солиҳани ўзгача бир туйғу эгаллади. Чунки у аждождларини суриштириб нафақат савдогар, балки зиёли – олим инсонлар бўлганлигини аниқлаган эди. Уларнинг табаррук номларини тиклаш, юрт учун қилган эзгу ишларини юзага чиқариш муқаддас бурчи эканлигини англаб турарди. У бу хазинада фақат дуру жавоҳирлар эмас, ноёб китоблар – бебаҳо асарлар ҳам мавжудлигини ҳис қиларди. Солиҳанинг назарида эзгу ишга бел боғлаган қизининг журъатига набираси тимсолида Машрабжон ака кулиб қараб турарди гўё...

## МУНДАРИЖА

Аёл .....	3
Армонлардан юксак орзу .....	10
Бахт калити .....	16
Бахт тилсими .....	23
Беҳаё - бахтдан мосуво .....	31
Борлиғим, бахтимдир оилам .....	37
Ғафлат сиртмоғи .....	43
Ғафлат .....	49
Диёнат .....	58
Икки ўт ораси .....	66
Ишқнинг изтиробли синови .....	78
Меҳр заволи .....	85
Қайнонали келин .....	88
Қайтарилган гуноҳ .....	92
Касофатнинг касри .....	100
Сўнгги пушаймон .....	111
Кечирилмас гуноҳ .....	118
Надомат .....	125
Настарин гуллари .....	132
Нафс бандаси ёхуд бурчга хиёнат .....	140
Оғир бадал .....	146
Синовли дунё .....	153
Тақдир синови .....	160
Тақдири азал .....	173
Топталган қадр .....	181
Тубанлик гирдобида .....	193
Ўнта фариштали хонадон .....	204
Унутилган бурч .....	210
Ҳаётнинг сирли сабоғи .....	217
Ҳазилдан чиққан ҳангома .....	225
Хиёнат остонасида .....	232
Эрта узилган ғунча .....	238
Қайғуларда синалган бахт .....	246

*Адабий-бадиий нашр*

**ЗУЛФИЯ ЮНУСОВА**

**БАХТ ТИЛСИМИ**

*Воқеий ҳикоялар*

**Муҳаррир**

**Маъмура ҚУТЛИЕВА**

**Бадиий муҳаррир**

**Уйғун СОЛИХОВ**

**Саҳифаловчи**

**Суннат МУСАМЕДОВ**

**Техник муҳаррир**

**Сурайё АҲМЕДОВА**



Лицензия рақами: АІ № 252, 2014 йил 02.10 да берилган.

Босишга 2016 йил 07.04да рухсат этилди.

Бичими 84x108 1\32.

Босма табағи 17,0. Шартли босма табағи 28,56.

Гарнитура «Cambria». Офсет қоғоз.

Адади 5000 нусха. Буюртма № 67.

Баҳоси келишилган нарҳда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кучаси, 60.

**Мурожаат учун телефонлар:**

Нашр бўлими - 147-00-14; 129-09-72;

Маркетинг бўлими - 128-78-43; 397-10-87; факс - 273-00-14;

e-mail: yangiasravlodi@mail.ru



*Зулфия  
Юнусова*

Фарғона вилояти, Ўзбекистон туманида туғилган.

Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси, Мудофаа вазирлиги «Ватаннарвар» Бирлашган тахририятида фаолият юритмоқда.

Зулфия Юнусова ўзбек ҳарбий журналистикасида ижод қилаётган биринчи ўзбек аёли.

«Шухрат» медали билан тақдирланган.

Ижодкорнинг бир қатор шеърлари ва ҳикоялар тўнламлари чоп этилган.



ЯНГИ АСР АВЛОДИ

ISBN 978-9943-27-684-0



9 789943 276840